

**ЎЗБЕКИСТОН ССР  
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ**

**А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ  
ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ**

# ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

❦ ТЎРТ ТОМЛИК ❦



УЛУФ ОКТЯБРЬ  
СОЦИАЛИСТИК  
РЕВОЛЮЦИЯСИГАЧА



ЎзССР ДАВЛАТ БАДИИЙ АДАБИЁТ НАШРИЕТИ  
ТОШКЕНТ — 1960

# ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

«ЭЭЖЭЭ» ТЎРТИНЧИ ТОМ «ЭЭЖЭЭ»



БИРИНЧИ КИТОБ



ЎЗССР ДАВЛАТ БАДИИЙ АДАБИЁТ НАШРИЕТИ  
ТОШКЕНТ - 1960

Ўзбекистон ССР  
Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси  
философия фанлари доктори  
ВОҲИД ЗОҲИДОВ  
таҳрири остида

Редакторлар:  
РАҲМАТ МАЖИДИЙ, ПОРСО ШАМСИЕВ



Ў

## ИНСТИТУТДАН

Ўзбек адабиёти тарихи материалларидан тузилган тўрт томликнинг бу тўртинчи томининг ўзбек поэзияси қисми демократ шоир Муқимий асарлари билан бошланиб, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг Улуғ Октябрь революциясига қадар ёзган шеърларидан намуналар ва «Заҳарли ҳаёт» пьесаси билан тугайди.

Ўзбек адабиёти тарихида муҳим ўрин тутган, кўп ўзбек шоирларига жуда катта таъсир кўрсатган қардош озарбайжон халқининг улуғ шоири Муҳаммад Фузулий, шунингдек, ўзбек китобхонлари орасида, айниқса Хоразмда машҳур бўлган қардош туркман халқининг классик шоири Махтумқули асарларидан ҳам намуналар берилди. Уларнинг ижодидан берилган намуналарни ўзбек шоирлари қаторида хронологик тартибда беришдан кўра, қардош халқ шоири сифатида алоҳида кўрсатиш маъқулроқ кўрилди.

Шу билан бирга фольклор асарлари асосида яратилган Сайёдий, Сайқалий, Андалиб, Ризойй асарлари бу авторларнинг яшаб ижод этган даври тўла аниқланмаганлиги ва асарларининг жанр хусусиятлари ҳали ўрганиб етилмаганлиги сабабли алоҳида ажратиб бу томга киритилди.

Томнинг охирида Октябрь революциясига қадар форс-тожик, ҳинд ва рус бадий асарларидан ўзбек тилига қилинган таржималардан ҳам айрим парчалар илова қилинди.

Бу томда: «Қалила ва Димна»дан намуналарни В. Зоҳидов, «Тоҳир ва Зуҳра», «Лайли ва Мажнун», «Хуршид ва Маликаи Дилором» ва «Гулфараҳ» намуналарини

Ҳ. Зариф, Фузулий шеърларидан, «Гулистон» таржима-  
сидан ва «Мушук ва сичқон» қиссасидан парчаларни  
П. Шамсиев; Муҳаййир шеърларидан, «Чор дарвиш»,  
«Шоҳнома», «Тўтинома» ва «Алф лайла ва лайла»  
таржималаридан намуналарни А. Ҳайитметов; «Баҳ-  
ром била Гуландом» дан парчани М. Алавия;  
Восифий асаридан материални С. Ғаниева; «Баҳром би-  
лан Дилором» таржимасидан парчаларни Э. Рустамов;  
Сарёмий, Дилафкор, Дилкаш, Шавкат, Камий, Қорий,  
Зорий, Махтумқули асарлари ва рус адабиётидан қилин-  
ган таржима намуналарини А. Абдуғафуров; Садриддин  
Айний асарларидан намуналарни Н. Раҳимов; қолган  
асарларни Р. Мажидий тайёрлагандир.

Уқувчиларга қулайлик яратиш учун тўртинчи томни  
икки китобга ажратиб нашр этиш лозим топилди.





# МУҚИМИЙ









**М**уҳаммад Амин Мирзахўжа ўғли Муқимий 1850 йилда Қўқонда туғилди. Унинг отаси асли тошкентлик бўлиб, 1835—1836 йилларда Қўқонга келиб, у ерда жойлашиб қолган.

Муқимийнинг онаси замонасининг маърифатли аёлларидан бўлгани туфайли ўғли Муҳаммад Аминнинг илм олиши ва адабиётга қизиқишига алоҳида аҳамият берди.

Муқимий бошланғич таҳсилни уйда ўз ота-онасидан олиб, сўнг Қўқон мадрасасига киради. Маълумотини тугаллаш мақсадида Бухорога бориб ўқийди. У ерда форс-араб тилларини яхши ўрганadi. Мустақил равишда турли китобларни мутолаа қилишга киришади. Форс-тожик ва ўзбек классикларининг асарларини севиб ўқийди, уларга эргашиб, ўзи ҳам шеърлар ёза бошлайди. Ўз замонасининг отоқли шоирлари билан танишади.

Муқимий мадрасани тугатиб, Қўқонга қайтади, лекин у ерда ҳеч қандай иш тополмасдан умрини муҳтожликда ўтказadi. У шоирликдан ташқари хаттот ҳам эди, аммо бу ҳунар унинг кун кечирishi учун ёрдам беролмас эди.

Муқимий қанчалик оғир ва қийинчилик билан ҳаёт кечирмасин, ўзи севган шоирлик ишини давом этдирди. У жуда хушчақчақ, қувноқ, аскияни севучи ва аскиялари билан ўз дўстларини қизиқтирадиган одам эди.

Муқимийнинг қизиқ гапларини эшитиш, аскиялари билан ўз мажлисларини, базм ва гапларини қизитиш ҳавасида уни базмларга чақирар эдилар. Муқимий у мажлисларда бой, бойвачча, эшон, мулла, қози ва амалдорларни

ҳеч аямай аския қилар эди. Унинг ўткир сатираси уларни ғазаблантирар эди.

Муқимий ўз халқини жуда севар ва уни чуқур ҳурмат қилар эди. Халқнинг ҳаёти, унинг турмуши билан яқиндан танишиш мақсадида Муқимий Ўзбекистоннинг турли қишлоқ ва шаҳарларига саёҳат қилади. Халқ ҳаётига чуқурроқ киришиб борар экан, у авж олиб бораётган очлик, яланғочлик, қашшоқлик ва дарбадарчиликни кўради. Бу вақтда ҳимоясиз қолган халқ, бир томондан маҳаллий амалдорлар, иккинчи томондан чоризм чиновниклари томонидан қилинаётган зулм остида эзилмоқда эди. Буни кўриб чидай олмаган нозик табиатли шоир, жафокаш, хўрланган халқнинг ҳолига чин қалбдан ачинади. У ўз қаламини золимларга қарши қайрайди. Унинг ҳаққоний ва ўткир сатираси, албатта замонасининг бой, амалдорлари, чиновникларининг ғазабини келтирар эди. Шунинг учун ҳам уни доимо таъқиб қилар эдилар.

Муқимийнинг фаолияти, халқни севиши ва унинг манфаатларини куйловчи шахс эканлиги чор ҳукуматини ташвишлантирар эди, шунинг учун ҳам уни ўз ватанидан ҳайдамоқчи бўлганлар.

«Ўз ватанида ўзини ғариб сезган» Муқимий уларнинг дўқларидан, ғазабларидан қўрқмади. Аксинча, уларнинг ифлосликларини, хоинликларини, жиноятларини фош қиладиган шеърлар яратди.

Чинакам халқ сатириги, қизгин лирик демократ шоир Муқимий оғир ҳаёти туфайли дучор бўлган касаллиги орқасида 1903 йили Кўқонда вафот этди.





## ҒАЗАЛЛАР

[АҚЛУ ХУШ]

**А**қлу хуш учди бошимдин, эй пари, девонаман,  
Бир иложи қил, эл ичра бўлмайин афсонаман.

Дарди сўзу ашку, оҳимни қиёс эт шамъдин  
Шомдин то субҳидам ҳажрингда ўртаб ёнаман.

Ул замониким, йироқ васлингдин ўлдим, то бу дам  
Ҳар кеча ёдингда минг йўл уйқудин уйғонаман.

Лаҳзаи заҳри ғаминг ютмаққа тоқат қолмади,  
Ўш этиб васлинг майидин ҳам қачон бир қонаман.

Хома мужгон, кўз қаросидин ёзиб рози дилим,  
Арзан қилдим эшит, маъюсу муштоқонаман.

Оҳким сенсиз қарору сабру оромим кетиб,  
Бир илон чаққан кишидек ҳар тараф тўлғонаман.

Навбати жомим тўла қуйғил карамдин, соқие,  
Ҳар қадамда то қилай юз лағзиши мастонаман.

Мулки Ҳинду Марвдин келсам топардим эътибор,  
Шул эрур айбим, Муқимий, мардуми Фарғонаман.

[ НАВБАҲОР ]

Навбаҳор, очилди гуллар, сабза бўлди боғлар,  
Сухбат айлайлик келинлар жўралар, ўртоғлар.

Хуш бу маҳфилда тириклик улфату аҳбоб ила,  
Ўйнашиб, гоҳи табиатни қилайлик чоғлар.

Рух очиб кўздин ниҳон бўлса паридек, найлайн,  
Айрилиб ҳушу ақлдин телба бўлмай соғлар.

Ҳайфким аҳли тамиз ушбу маҳалда хор экан,  
Олдилар ҳар ерда булбул ошёнин зоғлар.

Марҳам истаб кимсадин, захм изҳор айласанг,  
Чораи қилмоқдин ўзга, устиға тирноғлар.

Тобакай мундоғ маломат кунжида доим Муқийм,  
Бу замон кўз тутгин эмди санга бўлсун тоғлар.

[Т о л и и м]

Оҳким афсус, эмас ҳеч ишда раҳбар толиим,  
Вожгундур, имтиҳон қилдимки, аксар толиим.

Юз тарафдин еткуруб гарди кудурат занги ғам.  
Айлагай оинаи таъбим мукаддар толиим.

Ҳар неча қилсам тавалло, зори қилмас илтифот,  
Рӯй гардон, тескари, тобора бадтар толиим.

Рӯзгорим тийра, иқболим забун, бахтим қаро,  
Бўлса равшан, бормукин тадбири дигар толиим?

Ногаҳон берсам, Муқимий, бир мусулмонға салом,  
Дафъатан икки қулоғини қилур кар, толиим.

[ЗУЛМ ИЛА ҚАХРУ ҒАЗАБ]

Зулм ила қахру ғазаб изҳор қилмоқ шунчалар,  
Ошиқи бечорага озор қилмоқ шунчалар.

Гул дебон севган кишининг кўкрагига ниш уруб,  
Хастаю маъюс этиб, афғор қилмоқ шунчалар.

Тўтийи ширин сухан ағёрларнинг базмида,  
Бизга келганда гапирмай зор қилмоқ шунчалар.

Сизга ким айтди: муҳаббат аҳлини қил эҳтисоб,  
Қўрқутиб ўз айбига иқрор қилмоқ шунчалар.

Келса олдингизга бой сурат, ёқоси тугмалик,  
Иззат ила шоду миннатдор қилмоқ шунчалар.

Гарчи келса эски тўн, биздек дуогўйи фақир,  
Қамбағалнинг хирқасидин ор қилмоқ шунчалар.

Ҳар балою жабр келса ёнмагай ҳаргиз Муқийм,  
Ошиқ аҳлини урубон, хор қилмоқ шунчалар.

[ЖАҲОН БОҒИДА]

Жаҳон боғида ҳам гулгун қаболар бор экан мундоғ,  
Олиб кўнглунгни сўрмас, дилраболар бор экан  
мундоғ.

Не нуқс ҳусниғаким, ўтканда деб ўтса хаёлида,  
Йўлумда рангу рўйи қаҳраболар бор экан мундоғ.

Қачон тутқай эдим, аҳбоблар, гулчеҳралар номин,  
Агар билсам эди жавру жафолар бор экан мундоғ.

Неча сўзи дил изҳор айласангиз, қилмагай парво,  
Асарсиз, мустажоб ўлмас дуолар бор экан мундоғ.

Қўрунуб ишқ осон, бошларимға тушди билдимким,  
Жудолиғда қиёмат можаролар бор экан мундоғ.

Машаққатлар чекиб ҳажримда не кечди, демас ҳоли  
Ёмон бегонадин ҳам ошнолар бор экан мундоғ.

Муқимий, нега афғор ўлмасун кўнглунг, нишон  
айлаб,  
Отарға тийри мужгон, қоши ёлар бор экан мундоғ.

[ЕР ИЛА]

Ер ила не хуш замони рўзгорим бор эди.  
Подшолик давлатидин ҳамки орим бор эди.

Гоҳ беморини йўқлаб келса, айлаб жон фидо,  
Гавҳари ашки қудумиға нисорим бор эди.

Ҳеч бир сўрмасмуди, ноком давронлар ўтар,  
Қуллари ичра башарти эътиборим бор эди.

Очилур кўнгул қачон қолганда кўз ёшим қуруб,  
Айласам то сабзу тар абри баҳорим бор эди.

Қайси жонибдин келур деб, термулуб ҳар соати,  
Йўлларида чор чашми интизорим бор эди.

Хўблардин чекмиш эрканман жафою жаврлар,  
Қайда билсам ошнолиқ ихтиёрим бор эди.

Бағри қаттиқ бўлмас эрса, демагай ҳаргиз нечун,  
Ўтса ойлар ҳам, Муқимий, дилфигорим бор эди.



[к ў з л а р и н г]

Сурма қўймай мунча ҳам, жоно, қародур кўзларинг,  
Ҳар бири жон қасдиға боққан балодур кўзларинг.

Ошно бегоналарга, бир умр хуш-хуш нигоҳ,  
Ошноларга ғараз ноошnodур кўзларинг.

Боқмағай ошиққа саҳван ҳам қиё, фарёдким,  
Расму ойини магар жавру жафодур кўзларинг.

Оҳуйи чин кўрдию шаҳлолиғидин қон ютуб,  
Рашкдин оворан дашти Хитодур кўзларинг.

Наргиси мастингдин узмак мумкин эрмас дийдани,  
Ёки мужгон даврида меҳри гиёдур кўзларинг.

Интизор айлаб ўзи ҳам, ажриға ойинасиз,  
Ўз жамолини кўралмасдин адодур кўзларинг.

Қумри сарви қадду, булбул гул юзингнинг воласи,  
Мең Муқимийға ҳамиша муддаодур кўзларинг.

[УЛ МАҲЛИҚО КЕЛСУН]

Бориб арзимни еткур, эртароқ, ул маҳлиқо келсун,  
Кетиб, ҳижрон ўтиға куйдуруб, қилмай адо келсун.

Чекарга фурқатини эмди бир зарра мажолим йўқ,  
Агар ҳар вақт келса тоза, лекин, авлиё келсун.

Бу юрган норасолар базмида хуш бўлмагай кўнглум,  
Агар ҳар лаҳза қон ютурса ҳам ақли расо келсун.

Қўнарға ўзга манзил истамай таъйин қил, эй қосид,  
Нишимангоҳи кўзлар манзаридур, бейбо келсун.

Ғуборим ерда қолди бир хиром айлаб бошим узра,  
Қилурға заррани хуршед бирлан ошно, келсун.

Жудолиқ дарди ҳам ағёр таъни, оҳ, ўлдурди,  
Еруғ дунёни кўп ҳам айламай зиндон саро, келсун.

Муқимий, илтимосим шулки: шўхи гул узоримдин,  
Қудумиға агарчи сийму зар кам, жон фидо келсун.

[К Е Л Д И М]

Кўп эрди ҳасратим, жоно, қилай изҳор деб келдим,  
Муқимий кунжи ғам эрдим, сени ғамхор деб келдим.

Хатингму раста-раста, сабза ё райҳони жаннатму,  
Юзинг кўрсат, тамошо айлайн гулзор деб келдим.

Бориб ойдек жамолингни кўрай деб соғиниб чиқдим,  
Қачон қилмоқ учун савдо-сотиқ, бозор деб келдим.

Кўзим оқсун ғараз ком ўлса гар ўзга тамошойи,  
Нигоро, васлинг истаб маҳз бир дийдор деб келдим.

Қаро оҳу кўзинг ёдида эрди тийра айёмим,  
Малоҳатда юзинг хуршеди пур анвор деб келдим.

Азоб эрмас эди чиқмоқ кишига қиш ҳавосида,  
Бошинг ҳаққиқи, шундин шунга мен, сен бор деб  
келдим.

Қўй, эй мутриб, «Баёт», «Ушшоқ» ёқмайди қулоқларга,  
Тараннум айласанг маҳфилда қил «Гулёр» деб  
келдим.

Масихдамсан, малак талъат қулингга қил мудовоким,  
Хаданги новакингдин сийналар афгор деб келдим.

Грибонингдин очсам тугма бир-бир тутма илкимдин,  
Ярашган румча кийган кўйлакинг гулнор деб келдим.

Қошинг меҳробига жону дилим бирла эгиб қаддим,  
Белимга боғламакка зулфлар зуннор деб келдим.

Бу ерга ким учун келдинг?—дебон сўрма Муқимийдин,  
Кўрарга бир суманбар, сарви гулрухсор деб келдим.





## МУРАББАЪЛАР

Д

[ЕДИМГА ТУШТИ]

Илда васлинг эрди умри таманно,  
Хаёлингни қилур вақти тамошо,  
Ногаҳ оинага боқиб, нигоро,  
Маҳву ҳайронларинг ёдимга тушти.

Фасли баҳор ўлуб, гуллар очилиб,  
Ерга сабза бахмал каби ёпилиб,  
Машомимга сунбул бўйи хуш келиб,  
Зулфи райҳонларинг ёдимга тушти.

Қўлларингдин то нўш эттим паймона,  
Гоҳи худ мен, гоҳи бехуд девона,  
Ҳар қачонким кўксим қилдим нишона,  
Тийри мужгонларинг ёдимга тушти.

Сайр айладим чиқиб дашту саҳролар,  
Бошларимга ортиб шўри савдолар,  
Бисмил учраб кўзга лола, раънолар,  
Тийғи бурронларинг ёдимга тушти.

Эй яхшилар хайлин нозик миёни,  
Гарчанд эрдим ёмонларнинг ёмони,  
Базмларда қилган элдин ниҳони,  
Лутфу эҳсонларинг ёдимга тушти.

Не хуш айём экан ўшал замонлар,  
Бўлур эрдим ҳар дам, жоно, қурбонлар,

Охир мундоғ бўлиб зору сарсонлар,  
Ҳар сў жавлонларинг ёдимга тушти.

Эй истиғно фирдавсининг насими,  
Ёд этмадинг қадрдон деб қадимий,  
Умид этдим ҳар ердаким, Муқимий,  
Аҳду паймонларинг ёдимга тушти.

[КЎНГЛУМ САНДАДУР]

Эмди сандек жоно, жонон қайдадур,  
Кўриб гул юзингни боғда бандадур,  
Сақлай ишқинг токим, жоним тандадур.  
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглум сандадур.

Меҳринг ўти ногаҳ тушди жонларга,  
Парвойим йўқ зарра хону монларга,  
Лола янглиғ тўлиб бағрим қонларга,  
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглум сандадур.

Эртаю кеч фикру зикрим хаёлинг,  
Бир сўрмадинг: налар кечти аҳволинг?  
Эсларимга тушуб ширин мақолинг,  
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглум сандадур.

Воқиф эрмас киши сенинг аслингдин,  
Токим десам пари сенинг наслингдин,  
Водариғо, жудо бўлдим васлингдин,  
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглум сандадур.

Йўқ сан каби малоҳатлик ягона,  
Кўрганмукан мисолингни замона,  
Бўлиб халқ ичида мундоғ афсона,  
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглум сандадур.

Султонисан, барча хўблар надиминг,  
Доим эрдим дуоғўйи қадиминг,  
Бовужуди сўрмай ўттинг Муқиминг,  
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглум сандадур.



## МУХАММАСЛАР

[АЙРИЛМАСУН]

Б у чаманда ғунчан афгоридин айрилмасун,  
Сози ҳар маҳфил, дуо қил, торидин айрилмасун,  
Бўлса тарсо ҳамки ул, зунноридин айрилмасун,  
Ҳеч ким мендек, илоҳи, ёридин айрилмасун,  
Меҳрибон, мунис ўшал дилдоридин айрилмасун.

Қомжў ноаҳллар аҳлиға етмай биргина,  
Турфа ҳайронликда мен аслиға етмай биргина,  
Одами ёким пари наслиға етмай биргина,  
Хонумон барбод уруб васлиға етмай биргина,  
Маҳруму, маъюсу, йўқу, боридин айрилмасун.

Чарх остида букулди, бўлди қаддим чун ҳилол.  
Заъфдин халқе қилурлар соя янглиғ поймол,  
Ҳасрати шамъи жамоли қилди фонуси хаёл,  
Ҳажр осиб хазонида ўтуб шўрида ҳол,  
Андалиби мен каби гулзоридин айрилмасун.

Истагони борҳо панд эрди, айғил зинҳор,  
Ютса захри мордин қанд эрди, айғил зинҳор,  
Жонларим бир умри пайванд эрди, айғил зинҳор,  
Қосидо, кўнглум қуши банд эрди, айғил зинҳор,  
Ишқилиб ким зулфи анбар боридин айрилмасун.

Кимга айтиб, кимга йиғлай мубталолиқ дардини,  
Олами қаҳқатчиликда беноволиқ дардини,  
Оҳ, саргардон кезиб, бераҳнамолиқ дардини,



Дўстлар, кўрсатмасун ҳаргиз жудолиғ дардини,  
Душманинг ҳам бўлса, ўз ғамхоридин айрилмасун.

Етмади додим, фалакнинг дастидин фарёду дод!  
Рўзгорим шоми равшан қилмади субҳи мурод,  
Ошно, ёру буродарларда йўқ меҳру вадод,  
Бандаи, ёраб, Муқимийдек бўлуб хору касод —  
Суду савдодин қолиб, бозоридин айрилмасун.

[К Е Р А К]

*(Навойи ғазалига мухаммас)*

Қосидо, ул ойга ногаҳ етса пайғомим керак,  
Субҳи васлидин ёрутса бу қаро шомим керак,  
Шод қилса ғамлу кўнглумни тутуб жомим керак,  
Гулшан ичра йўқтур оромим, дилоромим керак,  
Сарву гулни найлайн, сарви гуландомим керак.

Чуғздек вайроналарда бўлмадим обод мен,  
Рўзгоримдур паришон, кимга айлай дод мен,  
Шукрлиллоҳ, ўзгаларнинг қайдидин озод мен,  
Ғар парилар қуш киби рам қилсалар ҳам шод мен,  
Ғам йўқ ул шўҳи пари пайкар менинг ромим керак.

Соқиё, даврингда махмурам, қарам қил бир аёқ,  
Ёрсиз сайри чамандин менга зиндон яхшироқ,  
Олами азод, эмас бир-бирга халқи иттифоқ,  
Қаъбада нокомлиғ, дин аҳлида йўқ жуз нифоқ,  
Дайр ичида кофири бебоку худкомим керак.

То нишон қилди кўнгулларни ўшал абру камон,  
Қатра-қатра кўзларимдин келди ёш ўрниға қон,  
Не ҳавойи боғ бошда, не димоғи бўстон,  
Гул била савсан керакмасдур манга, эй боғбон,  
Зулфи сунбул атрлик, рухсори гулфомим керак.

Умрлар кездим қўзиб савдоларим дашту қазаф,  
Тийри хунрези фироқиға қилиб кўксум ҳадаф,  
Пой бўсиға даме шоядки топсам деб шараф,

Эй харобот ақли, расво кўнглум этмиш, бу тараф —  
Келмишам топиб сўроғ, ул ринди бадномим керак.

Имтиёз этгай чунонким талху ширин зонқа,  
Лол экан ҳайратда таҳқиқиға ақли нотиқа,  
Субҳа гардонлиқ, Муқимий, илгими айлаб чақа,  
Эй Навоий, хонақаҳда топмадим жуз тафриқа,  
Хум киби майхонанинг кунжида оромим керак.

{ К У З Л А Р И Н Г }

(Фурқат Ғазалига мухаммас)

Ғар эмас, эй позипарвар, кофиристон кўзларинг,  
Нега икки мардуминг бадмасту мастон кўзларинг?  
Айлағай хунрезлиққа ҳар сў жавлон кўзларинг,  
Тўккали жаллод эрур ишқ аҳлидин қон кўзларинг,  
Лабларинг жонбахшу аммо офатижон кўзларинг.

Қишвари ҳусни малоҳат тахтида, эй подшоҳ,  
Сарв қадлар ичра ўтмас сен каби мавзун паноҳ,  
Найлайн ошuftталиғдин чекмайин ҳар лаҳза оҳ,  
Саҳл агар бўлса паришон дилларим қилсанг нигоҳ,  
Қилди оҳуни Хўтан даштида сарсон кўзларинг.

Бир назар уммидида йўлингда рўзу шаб ётиб,  
Хорлиқлар хори ҳар узвимға хородек ботиб,  
Озмиди ўлғонлиғим заҳри ғами ҳижрон тотиб?  
Ногаҳон ошиқларингға тийри мужгонлар отиб,  
Рахна дил мулкиға солди номусулмон кўзларинг.

Мақсадингни ғунчасидин дер эдингким, гул қилай,  
Соғари айшинг майи васлим билан пурмул қилай,  
Тобакай мундоғ тағофул айлай, эмди қул қилай,  
Бир ишорат бирла дер эрдинг боқиб бисмил қилай,  
Бўлмасин ул аҳлидин, ёраб, пушоймон кўзларинг.

Келганингда, дилрабо, ногоҳ охшом кетмағил,  
Куйдуруб куйган юрак бағримни бирён этмағил,  
Сўрмасанг арзимни, додиға рақиб ҳам етмағил,

Эй нигоро, сурмани қўй, қўйма, қўйсанг чиқмағил.  
Қилмағай ошуби даҳр устига тўфон кўзларинг.

Неча муддат, кеча-кундуз кўрганинг ағёр эди,  
Бу сабабдин ҳар тукум жисмимда гўё мор эди,  
Шом вақтидек Муқимий рўзгорим тор эди,  
Шукр Фурқат, фурқатингда хастау бемор эди,  
Бир боқишда айлади дардиға дармон кўзларинг.

[КАШМИРЛИК ҚИЗГА]

(Фурқат ғазалига мухаммас)

Дилбариким олам истиғносидин ташвирда,  
Йўқ қоши олдида бурролиғ дами шамширда,  
Лол этар ширин такаллум тўтини тақрирда,  
Бир қамар сиймони кўрдим балдаи Кашмирда,  
Кўзлари масҳуру, юз жоду эрур тасхирда.

Қадди мавзунлиғда шўхи ким назокат интихоб,  
Лаблари лаъли Бадахшон, тишлари дурри хушоб,  
Хусн тахтида тажаммул пешаи олижаноб,  
Зарра-зарра зар сочар бошиға ҳар кун офтоб,  
Субҳ келгач, кеча ётиб чашмаи иксирда.

Маст қилди жумлаи шоҳу гадони ишқидин,  
Айлади девона ринду порсони ишқидин,  
Дема ғофил пешадин токим ҳумони ишқидин,  
Холи эрмас ҳеч киши ул дилрабони ишқидин,  
Зулфиға дилбасталиғ ҳар бир жувону пирда.

Сўрма парвозим, пару болимни бўлмишман асир.  
Орзу бирлан ҳаваслардин қутулмишман, асир,  
Гоҳ йиғлаб, гоҳ аҳволимға қулмишман, асир,  
Айдим, эй жон офати, зулфингга бўлмишман асир,  
Деди: «бул савдони қўй, умринг ўтар занжирда.»

Моҳи тобон матлаи анворидин бир нуқтадур,  
Ҳуру ғулмон шеваси атворидин бир нуқтадур,  
Жилваи кабки дари рафторидин бир нуқтадур,  
Қоши ўртасида хол асроридин бир нуқтадур,  
Сураи нун ўқудим пайваста ҳар тафсирда.

«Қоматинг боғ ичра яктодур»— дедим, айди кулуб,  
«Ошиққа васлинг таманнодур»— дедим, айди

кулуб,  
«Хатларингдин дийда бийнодур»— дедим, айди  
кулуб,

«Нуқта лаб устида бежодур»— дедим, айди кулуб,  
«Саҳв қилмиш котиби қудрат магар таҳрирда».

Мақдамидин зебу оройиш топиб саҳни чаман,  
Йўлиға гуллар нисар айлаб Муқимий зор туман,  
Сочибон ногаҳ, табассум бирла лулуйи Адан,  
Айди: «Эй бечора, қилдинг на учун тарки ватан?»  
Мен дедим: «Фурбатда Фурқат бор экан тақдирда».





## ҲАЖВИЙ АСАРЛАР

Б

[ТАНОБЧИЛАР]

Ўлди таажжуб қизиқ Ҳангомалар,  
Арз этайин эмди ёзиб номалар.

Адл қулоғила эшит ҳолими,  
Зулм қилур, баски, менга золими.

Ўн ики ойда келадур бир таноб,  
Ўзгалара роҳату менга азоб,

Султон Али Хўжа Ҳакимжон икав,  
Бирн хотун, бириси бўлди куяв,

Иккаласи бўлди чунон иттифоқ,  
Гўё хаёл айлаки (қилмай нифоқ).

Ош есалар ўртада сарсон илик,  
Хўжа чироғ ёғи, Ҳакимжон пилик.

Бир-бирисиға солишурлар ўрун,  
Эртаю кеч ўпишиб оғиз-бурун.

Саллалари бошларида оқ сават,  
Кўрпача тагда ҳамавақт уч қават.

Бирлари мўлтонинамо, ҳийлагар,  
Бирларидур кунда пиху гавда хар.

Оғизлари мақтаниб ўн беш қариш,  
Майда сухан, эзма (чурук), занчалиш.



Қайсики қишлоққа тушар отидин,  
Элни йиғиб, воқиф этар зотидин.

Дерки: «Кўзингга ҳали кал жўжаман,  
Махдуми аъзамлик ўзим хўжаман.

Бизга бобо ҳазрати Шохлик мазор,  
Мухлисимиз мардуми ушбу диёр.

Ҳам яна Эрҳубби бўлурлар тағо,  
Аммамизинг эрларидур Нурато.

Биби Убайда бўладур холамиз,  
Гоҳ келур эрди кичик боламиз.

Хизр отамларга буродар эрур,  
Чимлиғ азизлар манга додар эрур.

Гарчики мен олиму шайхи замон,  
Қирқингиза эмди берай бир қозон.

Манки танобингга чиқибман келиб,  
Хизматими яхши қилинглар билиб.

Ўт қўюбон куйдурадурғон ўзим,  
Ҳокимингу ўлдурадурғон ўзим.

Хоҳ танобингни дучандон қилай,  
Хоҳ карам бирла бошингни силай»

Хўжа сўзини мунга бермай қарор,  
Мардуми саҳройи бўлур беқарор.

Дерки Ҳакимжони — «Аё оқсақол,  
Бизни топибсен магарамким ўсол».

«Ҳозир этинг тўрт нафар мардикор,  
Тўғри қил, олдимга қилибон қатор.

Арқоними еринга судраб чиқай,  
Баччаталоқ қишлоқиларни (урай).

Бир бураин мўйлабимни чиқиб,  
Торт танобини жазоси сиқиб!

Яхшилигингни фуқаро билмагай,  
Ҳоли булар кўзга бизи илмагай.

Икки танобини қилай ўн таноб,  
Юртингизи куйдуруб айлай хароб.

Хоҳ ўлинг, хоҳ қолинг баччағар».  
Дебки, узангуга оёгин тирар.

Бир-бирига қишлоқ эли боқишиб,  
Гоҳ уён, гоҳ буён чопишиб,

Жамъ бўлуб айлаубон маслаҳат:  
— «Дўғмаға, дер, бир нима бериб жўнат».

Ақча қўлида икки-уч мўсафид  
Дерки:— «Бу назрингизу, бизлар мурид».

Зулм билан эллику юзни олур,  
Боз танобини дучандон солур.

Тоғи булар яхшию, бизлар ёмон,  
Эл тамизидин ҳазар эт алъамон.

Ўзга яна ғусса будурким дейин,  
Шунчаки бир қисса булардин кейин:

Қўшти Жалолхон дегаң ўғлин манга,  
Деди:— «Руқум ўргатасиз, сиз анга».

Ўғлини юклади манга, мухтасар,  
Бу дағи ортиқча [менга дардисар]. . .

Сўзни Муқимий керак этмак тамом,  
Маззаси қолмас узун ўлса калом.

[МАСКОВЧИ БОЙ ТАЪРИФИДА]

Ҳикоят қилай турфа даврон экан,  
Халойиқ ҳама маҳву ҳайрон экан.

Чиқиб янги Маскавчидин бойлар,  
Синар ўтмайин баъзиси ойлар.

Хусусанки эшони Ҳоди хўжам,  
Йўқ оғзида қарзини ваҳмида нам.

Керак берса Маскавга бир лак, қани,  
Битиб ваъдаи пул [ўзи мўлтани].

Дер эрмишки, ўрусқа нисфин берай,  
Келар йилга ярмига муҳлат сўрай.

Қачон бўлмаган гап қабул айласин,  
Муқаррар дегайким, печат байласин.

Мунинг устига қарзидур Андижон,  
Ким, ўз халқидин, барчадин бу ёмон.

Бу ҳам қирқ минг сўм эмиш, деди қарз,  
Ўтуб ваъдаси берсалар вақти фарз.

Нетармиз, дебон қистамас эл пулин,  
— Берурман,—деса,—сўмига ўн тийин.

Чунончи хўжам, Пошшо хўжани  
Чу Маскав юборган билан, мол қани?

Фабрикантлар ваъдага молини  
Беришмай — деди йиғлаб аҳволини.

Бориб мол учун, мол ололмай келиш,  
Ёмон, аҳли тужжорга мушкил иш.

Олиб сулсини ақчасин хўжайин,  
Бериб мол конторга қилди тайин.

Олай деса, конторда йўқ бир фақир,  
Деса: олмайин, ул заколат куйир.

Бу савдо билан бошида кечқурун,  
Борур кўҳи орқасидин, ё бурун.

Қочиб кетди маччойилар аксари,  
Бориб, шулки юртига таъкидлари:

— «Саройики ў бошадаш зинҳор,  
Даронжо марав, мемури, эй табор.»<sup>1</sup>

Сарой эгаси камбағал Бобожон,  
Кўрар тожикки йўқ, бўлур тоза қон.

Очилгач келиб эртаси ҳужраси,  
Қилур жангу жанжал ҳар эртаси:

— «Кўтармакка юк деб, малай сақласам,  
Ўзига — дегай, ишлатурлар акам».

Урусга ижора қўйиб зовутин,  
Борур эрди ишлик бўлиб чиқди кун.

Чиқиб қочди бир-бир ҳама мардикор,  
Кўпес қолди бу сирга ҳайрону зор.

Топиб мардикорини — «Сейчас юринг,  
Пажолиста, — дер эрди, — эмди туринг».

Деди — «ҳар куни берсанг ўн сўм ҳам,  
Борилмайди, қўй зовутингни, хўжам».

Ду бора яна борди бир ишга шул,  
Сўкиб — «кет, — деди, — келма дуррак, пашол!»

---

<sup>1</sup> «Зинҳор у бўлган саройга бора кўрма, ўласан, эй қариндош».

Хўқанд ичра эсизгина ҳавлилар.  
Келиб икки минг ақчага сотдилар.

Олур эрди уч-тўрт мингга, қаранг,  
Нетар, бўлса қарзига ўлгунча танг?

Ўзи оқшом ҳовлисида ҳар кими,  
Кўрар келди эшон, қочар одами.

Агар борсалар қайси ҳаммомга  
Чиқар ходимийлар қочиб томга.

Сабаб сўрди ҳаммомчи қочқонидин,  
Дедиларки:— «Биз кечтук эҳсонидин»...

Бериб арза маъмурга:— «Эй ҳокимим,  
— Деди,— бор тўққиз юз олтмиш сўмим»,

Олиб буйруқ отига Хайруллахон,  
Шариатга қамту ўтурган замон,

Келиб қолди ўзига ногаҳ қасам,  
Сариҳ бўлди ёлғонлиги муттаҳам.

Қизини олиб гўркави шўрлик.  
Турушлик тушиб бўлмади жўрлик...

Деди оҳ уриб: — «Бўлса эр ҳоли бу»,  
Фигонидин эл ичра тушди ғулу.

— «Дариғоки, бахтим қаро бўлмаса.  
Санга тушмас эрдим худо урмаса».

Чиқиб ичларида ниҳон котишиб,  
Базўр қўйди ҳамсоялар босишиб.

Вале растада савлатин кўрсангиз,  
Ким арзийди шайхи замон билсангиз.

От устида мардум қилурлар гумон,  
Мударрислари Бегни, деб, Тош эшон

Амома бошида, сафид жомалар,  
Хаёл айлағайсизки алломалар.

Қилиб мухтасар сўзни қилдим тамом,  
Малол овар ўлғай чўзулган калом.

[ т у и ]

Эшитинг бир ҳикоя Иқондин,  
Тўй ночор қилди ёлғондин.

Хўжайин берди Тошканддин тил:  
«Тўй қилар бўлсанг қўй ўзингга кафил.

Уғлингизни,— дедики,— қилманг тўй,  
Балки от тезагини қилманг бўй.

Не керак сизга тўй қилмоқлик,  
Керилиб обрўй қилмоқлик.

Гар десангиз мени қозон қурманг,  
. . . . .

Ман ризомас кишига нон берсанг,  
Ё товуқ сақласангу дон берсанг.

Туйнугингдин агарда чиқса тутун,  
Мунда бер дастмояларни бутун.

Бўлса уммидингиз агар биздин,  
Манфаат кўрмасин биров сиздин».

Ушбу мазмунда қоқди сим хўжайин,  
Шод бўлуб эр, хотин деди: «Улайин!»

Соф ният сувики лойланса,  
Не ажаб хайр эшиги бойланса.

Кичигу катта, хўрд ила реза  
Қилдилар бир-бирига истеза.

Уй ичи — ўрнига ўюн-кулгу,  
Юлушиб юз, йиғи-сиғи, қайғу.

Ташқарида қимирлаган эркак  
Бир-бировига аччиғу жиртак.

Тўйга ўз тухмидин хотун демади,  
Аччиғидин отаси ош емади.

Тўй-тамошо азога айланди,  
Бил-ахир турди, куйдию ёнди.

Қўй олиб сўйди арриғ уч сўмга,  
Урди гўшт ила ёғини хумга.

Уч кишини маҳалладин оқшом,  
Чарлади, келди олдириб илдом.

Отларини дейин, десанг — ким-ким?  
Сартарош, кўр ҳожи, Сайид Қосим,

Ўртага қўйди калласин чиқариб,  
«Кўргузинг маслаҳат» — деди, қизариб.

Бирав ундоғ деди, бирав мундоғ,  
Элда айтур чунончи ким тўмтоғ.

Машваратлар қилиб ҳоришдилар,  
Неча ерга ўчоқ қозишдилар.

Оқибат маслаҳат бу ерга қарор —  
Топтиким, чиқдилар секин бозор.

Каллага еткудек биринж ила ёғ,  
Келдилар олишиб учида оёғ.

Ис чиқормасдин ошни дамладилар,  
Анга лойиқ тўқузни ғамладилар.

Ўчоқ устида гар йўталса бирав,  
Ер эди елкасига катта кўсав.

Бири қаттиқ чиқарса овозин,  
Билмасун қўшни, деб, тутуб оғзин.

Қўшнилар ҳам солурлар эрди қулоқ,  
Асарин топмас эрди дегу табоқ,

Дейдиган одамин тутуб номин,  
Деди: есин келиб ошу нонин.

Етти одамни ўз маҳалласидин,  
Қорни тўқ, янги тўн, басалласидин.

Деди шовқунламай имо уйидин,  
Мундин, ундин, юқоридин, қуйидин.

Қирдилар тўйга қўл ювуб, дегани:  
— «Хайра мақдам »— деб, ўтқизиб ҳамани,

«Тўй муборак» дейишти пешу пас,  
Деди — «Мундоғ деманг, бу тўй эрмас!

Яхшилар — қилди тўй — деманг зинҳор,  
Хўб бўлмас эшитса хешу табор.

Билсалар бойлар — аҳли расталарим,  
Ичларида қийин кейин юрарим.

Нима кўп менда ёру ошно кўп,  
Бой кўп, шайху хожа, мулло кўп.

Етса ногаҳ қулоқларига бу гап,  
Обруйим кетиб қолур-да тугаб.

Мен бир одамнинг одамию малай»...  
Занчалиш, эзма ҳам чўзилди талай.

Тўйга кирган ўшал беш, ўн одам,  
Деди:— «Хўб гап замонада шул ҳам».

Солди алқисса эски дастурхон,  
Қўйди сойил каби неча хил нон.



Бириси юмшоғу бири қотган,  
Бири иссиқ, бири могор отган,

Енг учида қўюлди тўққуз нон,  
Кулчалар тошки, синдирур дандон,

Сузди ош бир ликавда уч кишидин,  
Кетти ошни кўруб, ҳама ҳушидин.

Ош мисоли табақда кўз ёши,  
Курмаги кўп гуринчидин тоши.

Бир оғиз эмди олдилар янги,  
Чиқди лаппак табақ уза чанги.

Фотиҳа жаҳл ила ўқушди туруб,  
Келдилар тўйдин уйга, оч кекуруб.

— «Икки юз сўм бўлурми, деб, ширавор?»  
Бўлғани шул тўйнинг охири кор.

Борҳо айгур эрди тўйларда,  
Еру дўстига кўча-кўйларда:

— «Қирқ чорак гурунч олай дейман,  
Яна тўйимга етмагай дейман.

Хотирим жамъ тўғрисидин унум,  
Камлигим бир сўқум билан ўтунум,

Бошласам тўй агар қозонни қуруб,  
Ўтказинг ўзингиз бошида туруб».

Йўқ бириси-да бу деганларидин,  
Тўққузу ошларин еганларидин,

Кўча дарвоза тўй куни занжир,  
Тўкти мискин, гадо йўлиға қир,

«Хатми қуръон» қўюлди тўйнинг оти,  
Бўлса шундоғ бўлурмиди уёти?!

Урди чўт сарфига тўй ўтганда,  
Тузгача жамъи ўттуз уч танга.

Ушбу сўзлар Муқийм, эмас ёлғон,  
Қўну-қўшниси шоҳиду бурҳон.

Мухтасар бўлди топти сўз анжом,  
Аддуо, вассалому нома тамом.

[АВЛИЁ]

Бошларида шапка гоҳи, гоҳ дастор авлиё,  
Қўлларида субҳаю бўйнида зуннор авлиё,

«Тавба» денг охир замона чиқса бу янглиғ, чибок,  
Ҳар [хотинга] ошиқу ҳар [қизга] хуштор авлиё.

Шул эрур кашфу каромотики бўйлаб субҳу шом,  
Чиқса ҳар ердин бир ис ҳозир хабардор авлиё.

Донмо бепарда сўз халқ ичра айтур беибо,  
Бўлмағай деб қўрқаман ногаҳ сангсор авлиё.

Тоза илгини ювиб, ейдур ҳалол англаб гумон,  
Учраса ҳар ердаким макруҳу мурдор авлиё.

Гар муқаллид бўлса пўстун бирла тоқат қилмасанг,  
Муз қизиқлиқлар ёғар тақлидидин қор авлиё.

[Гавдасидан] йўқ бўлак оғирлиги дунёда ҳеч,  
Охират сори сафар қилса сабукбор авлиё.

Филҳақиқат бўлма ғафлатдин бадандиша, Муқийм,  
Баски шуҳрат топти расволикда бисёр авлиё.

[БАЧЧАҒАР]

Махзани холи даҳан, тил мор гўё баччағар,  
Заҳри қотил суҳбати, монанди дунё баччағар.

Дангаса, номардлик майдонида сарпо улуғ,  
Муттаҳамлик дафтарин бошида туғро баччағар,

Ис чиқорғон ерда ҳозир мисли шайтон, ҳамтабақ,  
Қанча сўксанг, шунча шилқим, турфа суллоҳ  
баччағар.

Ботини чўян қозон, қайнар ичида реву ранг,  
Зоҳири бир сўфи сурат, қўлда ассо баччағар.

Ётқузуб тилсанг баногоҳ қорнидин чиқмас алиф,  
Саллани кўрган киши дер:—«Катта мулло баччағар».

Ҳалқада мундин бўлак болонишин йўқ охири,  
Қилмағай деб қўрқаман ҳазратга даъво баччағар.

Неча муддат йўқ эди, ул қайданам ҳозир бўлиб,  
Ош арусда ҳангираб, кўп қилди ғавғо баччағар.

Шунча қўйнинг пўрдағу пўсдунбасин ўғирлади,  
Тозалаб Мингтепасига қилди савғо баччағар.

Сурмалар тортиб қачон кўрсанг кўзига, доимо  
Ўзга бергай, қўлида ойина, оро баччағар.

Бир пучак пул хайр ногоҳ бир гадо қилса тамаъ  
Истаган янглиғ вужудин андин анқо баччағар.

Меравад ҳаржо шикамро маҳз пуркардан, дигар —  
Нест парвойи ғами имрӯзӯ пардо баччағар.<sup>1</sup>

Кир ювуб мағзобасини кўпугин олур йиғиб,  
Рӯзада қўйғай отин қандин нишолло баччағар.

Илгари филжумла номусу ҳаёси бор эди,  
Қайси кун ҳаждинки келди, бўлди расво баччағар.

Борса ҳар ерда уруб, беҳуда ёлғон — лофу қоф  
Дерки:—«Султон берди менга етти тилло», баччағар.

Билмам одам шаклида юрган умми — сибъёнмукин,  
Отини тутсанг агар, ҳар ерда пайдо баччағар.

Гар асо тутса қўлиға, сиз ани айб айламанг,  
Воқиянким, кўзи очиқ, ботин аъмо баччағар.

Қилмас эрдим ҳажв, ночор айладимким, ўқушиб,  
Аҳли донишга бўлур деб дафъи савдо, баччағар.

Ҳеч кимни баччағар деб бўлмагай, то бул тирик,  
Мундин ўзга баччағар йўқ, ўзи танҳо баччағар.

Эй Муқимий, сендин озори бировга етмасин  
Душманинг ҳам бўлса ҳаргиз дема асло баччағар.

---

<sup>1</sup> «Ҳар бир ерга у фақат қорнини тўйдириш учун боради, унинг шундан бошқа на букун, ва на эрта тўғрисида парвойи йўқ».

[ВЕКСЕЛЬ]¹

Мастур қолмағайким: сўзнинг йўғони чиқди,  
Олтиариқлари ҳам вексельни кони чиқди,  
Заводни битказалмай эшонни жони чиқди.  
Афсус, эй халойиқ, ишлар ёмони чиқди,  
Охир замона маълум бўлди, нишони чиқди.

Ҳар ишки халқимизга ҳоқимлар этса фармон,  
Қилмай иложи йўқтур душвору хоҳи осон,  
Нуқра-кумушларидин бойлар хижил, пушаймон,  
Юз дод қилмасунму бечораи мусулмон,  
Ҳар тангада миридин яққол зиёни чиқди.

Банд ўлди — олди сотди, фуқароларингни бил, деб,  
Пуллар жаримасини қилсанг экан, бахил, деб,  
Бозору байъ очалмай қишлоғу шаҳр сил, деб,  
Арз этдилар халойиқ ҳоқимга: ҳукм қил деб,  
Қирқ кунда уч миридин буйруқ дегони чиқди.

Диққат ҳама соталмай, ё бир нима олурга,  
Қассоб етди ўзни гўшт ўрнига тилурга,  
Солган қулоқларини эл гап недур билурга,  
Бозор аҳли ҳайрон савдо-сотик қилурга,  
Сўйи самога йиғлаб косиб фиғони чиқди.

Халқики камбағаллар гўёки ғалтак ўлди,  
Ўлганни устига ҳам бир неча калтак ўлди,  
Бу воқиа, Муқимий ҳар ерда дастак ўлди,  
Пул — дабба, нарх — қиммат устига пўстак ўлди,  
Пўстак [белига] боғлаб Завқий баёни чиқди.

¹ Бу мухаммасни Муқимий Завқий билан бирликда ёзган.

{ХАПАЛАК ҚИШЛОҒИ ТУҒРИСИДА}

(Махмур ғазалига мухаммас)

Кўрди сандек шаҳи одилни на инсу на малак,  
Арра зулмидин эмин ҳама боғу чакалак,  
Янги ой кўзига хасмингни отурга камалак,  
Эй жаҳондори зафар кавкабаи даври фалак,  
Эшитинг қиссаи қишлоғи хароби Хапалак.

Ғаждуму афъию бий— ўтласа чаррандалари,  
Бир гала мўру малаҳ, бўрию даррандалари,  
Ўлдурур чақса мабодо кана, газандалари,  
Турфа қишлоқ, жин урган ани паррандалари,  
Товуғи — игначию, ўрдагу ғози — кўпалак.

Чуғзи вайрона тешик, уйлари сўрохи камар,  
Ғижид-биж тулкию кирпитикону эчкиэмар,  
Ўтга қўшниға чиқиб, бир кечаси йўлда тунар,  
Тепага чиқса киши, ундаю мунда кўринар:  
Бир қапа, икки қапа, уч олачуқ, тўрт каталак.

Чопишур янтоғ ўтун марду зан иссиқда куюб,  
Ер зоғора нонини, топса отин қанд қўюб,  
Ғази йўқ шўрва каду ейдуган ошида суюб,  
Ажриқ илдизини майда келиларда туюб,  
Қайнатиб кунда ичар, отини дерлар сумалак.

Отлари лоғару, қоқию харобию хариш,  
Раҳм қилмай минадур йкки қадам жавр миниш,  
Очилур оғзи десангизда вузу ғусл қилиш,  
Чўл, йўқ қатри сув, катта-кичик ёзу қиш  
Қўлларин қумга ювиб, (лабига) суртар гувалак,

Кўрпача тагда қомиш, бошларида болиш увот,  
Нару мода аралаш, билмас алар айбу уёт,  
Соқову гунг сўфи, йўқтур имомида савод,  
Масжиди ер тўла, бир эски қоронғу зулумот,  
Кўр қилур кўзга уруб кирса киши кўршапалак.

Кўчти халқи ёпиниб кўҳна, увода тўнини,  
Чархдин ўтқаришиб оҳу фиғону унини,  
Солмасун душмана ҳам бошига келган кунини,  
Кеча ногаҳ эшитиб шухрати тилло пулини,  
Хапалак кўрқушидин учти мисоли кўпалак.

Бўлса ул хисрави жам жоҳ карамдин не ажаб,  
Фуқаро ҳолидин огоҳ, карамдин не ажаб,  
Ҳам Муқимин сўраса гоҳ карамдин не ажаб,  
Кечса Махмури учун шоҳ карамдин не ажаб,  
Хапалак юртига тушган пул агарчи лак-лак.



[САЙЛОВ]

Қачонким бўлди, ҳоким амри бирлан ибтидо сайлов,  
Амалдор аҳли бошиға бўлуб келди бало сайлов.

Тераклар баргидек титраб жамии қози-мингбоши,  
Дегайларким: юзини тескари қил, эй худо, сайлов.

Сочиб, қарзу қавола пул кўтариб истаюб мансаб,  
Бўлолмайд кўп кишини синдируб қилди гадо сайлов.

Агар минг хатми қуръон этсалар қўйлар сўйиб арзир,  
Улумдин қолди қолганлар бўлуб эрди вабо сайлов.

Олурға пора элликбошилар, мингбоши, қозидин,  
Ижобат бўлди, бўлди айлар эрдилар дуо сайлов.

Талоши жоҳ айлаб, от чопиб, олмай дами ором,  
Мусулмонларни рангин айлади чун қаҳрабо сайлов.

Муқимий оғриди бошлар халойиқ гуфту гўйидин,  
Шаҳар тинчиб қолурди, бўлса-чи эмди адо сайлов.

[А Х Т А Р И Н Г]

Подшоҳ йўқлатсалар ногаҳ гадо деб ахтаринг,  
Тутмангиз номини, бир бахти қаро деб ахтаринг.

Қимса билмайдур мани, ному насаб қилсам баён,  
Лола янглиғ доғи ғамга мубтало деб ахтаринг.

Лайли топғил, десалар; Мажнуни саргардонини,  
Қўзларининг ёшидур ранги хино деб ахтаринг.

Истаган чоғда топай деб, бўлса кўнгулда хаёл,  
Қоматидур бори меҳнатдин дуто деб ахтаринг.

Ҳажр водисида кезгай доимоким хўблар,  
Хокипойидур кўзига тўтиё деб ахтаринг.

Бир шакарлаб, зулмпарвар ҳасратидин, дўстлар,  
Умрлар умри чароғи безиё деб ахтаринг.

Даҳр зулмидин сиришки тинмай оқиб айланур,  
Чарх жавридин бошида осие деб ахтаринг.

Толии шум, вожгун бахту, ғизоси дарду ғам,  
Нотавон мўри заифи бенаво деб ахтаринг.

Ёр васлига етолмай қолмиш улкунким Муқим,  
Ушбу боисидин ўлумига физо деб ахтаринг.

[А С Р О Р Қ У Л]

Садқан одам кет, эй юз ҳайфсан, Асрорқул,  
Заҳр ичган, кийганинг бўлсун кафан, Асрорқул.

Қайдаким борсанг чекиб элдин уқубатлар мудом,  
Бўйнингга ҳар ерда солсунлар расан, Асрорқул.

Зоҳири сўфинамо, оқ тўн билан дасторлар,  
Ботини лекин қаро деги чўян, Асрорқул.

Тўй-зиёфатларда умрида тамоқ еб тўймаган,  
Ҳазм этолмай эртаси урган ҳасан, Асрорқул.

Янгиқўрғон борса Махдумхон бўлиб қўшхонаси,  
Демаган ой-ой туриб ҳам, кетаман, Асрорқул.

Ҳайф Махдумхонки бўлмиш улфати охир чоғи,  
Бўйла бадбў, баднома, сассиқ сухан, Асрорқул.

Чарх игирсанг уйда лозим кўчани қилмай ҳавас,  
Суратинг ҳам чун лачаксиз бева зан, Асрорқул.

Манқаси оққан палид, ифлоским макруҳ табъ,  
Ош еса беш панжа доим дар даҳан, Асрорқул.

Бор экан деб келмасун, одам, гадо деб бир умр,  
Устидин дарвозасини қулфлаган, Асрорқул.

Саллаи ҳиротию, уст-бошлари навъи силиқ,  
Юзни совунлаб ўзини сирлаган, Асрорқул.

Панд берур санга — Муқимий — ушбу сўз, ҳажв  
айласам,  
Бош олиб кетсанг керак бу шаҳрдан, Асрорқул.





## САЕХАТНОМА

Ф

[ҚҰҚОНДАН ШОҲИМАРДОНГА]

Ҷарёдким гардуни дун,  
Айлар юрак бағримни хун,  
Қўрдикӣ бир аҳли фунун,  
Чарх анга кажрафтор экан.

Қолмай шаҳарда тоқатим,  
Қишлоқ чиқардим одатим,  
Хоҳи яёв, бўлсун отим,  
Гаҳ сайр ҳам даркор экан.

«Ултарма»га қилдим юруш,  
Йўлдош эди бир читфуруш,  
Етдим жадаллаб вақти туш,  
Бирдам қизиқ бозор экан.

Бир маърака кўрдим бутун,  
Жамъи ёпинган бошга тўн,  
Боқсамки, беш юзча хотун,  
Воиз сўзин тинглор экан.

Мингбошилиқ кимнинг иши,  
Десам, деди бедониши,  
Бир «Қўштегирмонлик» киши,  
Ҳожи Исо саркор экан.

Мағрур, хасису бешу кам,  
Ҳар гапда юз ичгай қасам,  
Так жой олур моховдан ҳам,  
Ҳожи ўзи мурдор экан.

«Дўрманча»га кетдим ўтиб,  
Ёқамни ҳар соат тутиб,  
Ётдим ул оқшом ғам ютиб,  
Дашти қароқчизор экан.

Унда бўлус Ғози деди,  
Ҳам муфти, ҳам қози деди,  
Юрт — барча норози деди,  
Қилғон иши озор экан.

Боз издиҳоми воизи,  
Бадкайф очилмас кўзи,  
Юқори бошиндин тизи,  
Эрмаклари кўкнор экан.

Сўрсам дедилар «Бўрбалиқ»,  
Бир мунча эчкилар ариқ,  
Келса киши еяр тариқ,  
Шому саҳар тайёр экан.

«Оқ ер» дан ўтдим, бойлари—  
Олий иморат жойлари,  
Меҳмонсиз ўткай ойлари,  
Келса биров ночор экан.

Аммо назарда «Рошидон»  
Фирдавс боғидин нишон,  
Ўйнаб оқар оби равон,  
Саҳни гулу гулзор экан.

Маъюс бордим «Зоҳидон»,  
Бир кўча кетгунча дўкон,  
Шўх одами ичмай пиён,  
Маст, отаси безор экан.

Сувлар сепилган сўрилар,  
Бўрланган ўчоқ-мўрилар,  
Табъинг мабодо чой тилар,  
Дамлашлари ишқор экан.

«Олти ариқ» қурсин ўшал,  
Селларда қолдим бир маҳал,  
Бўлдим ивиб ёмғурда шал,  
Тўн шилта, ҳўл эзор экан.

Мингбошиси сўфинамо,  
Тасбиҳу бўйнида ридо,  
Чўқуб қочар зоғи оло,  
Бир доғули айёр экан.

Хайру сахо важҳига кар,  
Бир пулни юз ердин тугар,  
Келса гадой ногаҳ агар,  
Бир нон чиқиш душвор экан.

Кўрдим чуқур «Чимён» эрур,  
Ер остида зиндон эрур,  
Душманлари меҳмон эрур,  
Боғи унинг тутзор экан.

«Водил» мақоми дилфизо,  
Кўчаларидур дилкушо,  
Анҳорида оби сафо,  
Себарга, обишор экан.

[ҚҰҚОНДАН ФАРҒОНАГА]

Чун шаҳрдин чикдим «Қудаш»,  
Қўнгул бўлуб маҳзуну ғаш,  
Мажнун сифат, девонаваш,  
Серчашмаю кам чанг экан.

«Яйпан» агарчи хуш ҳаво,  
Одамлари енгилнамо,  
Бир-бирларила доимо,  
Бўлар-бўмасга жанг экан.

«Нурсух» каби бир жой кам,  
Тушмай ўтуб қилди алам,  
Олма-анор ўрнига ҳам  
Боғида току занг экан.

Қўп одамидин «Беш ариқ»,  
Боғларда экмишлар тариқ,  
Етим ҳақи — гўшти балиқ,  
Қилмишлари найранг экан.

Чарчашни билмас юрсалар,  
Пурзўр кетман урсалар,  
Вақти намозга келсалар,  
Масжид сорига ланг экан.

«Рафқон» ажойиб жой экан,  
Бир кўча кетган сой экан.



Салқин суфа ҳой-хой экан,  
Ким кўрса ҳангу манг экан.

Озодадин тўпори кўп,  
Дукчисидин аттори кўп,  
Чойхўридин кўкнори кўп,  
Бир раста носу банг экан.

Айвончалар мисли катак,  
Бир йўлка одам сиққудак,  
Чит бирла бир ерда алак,  
Бозори тору танг экан.

Хуфтонда кирдим бир дукон,  
Қилди ашула бир жувон,  
Эшак деманг, ундин ёмон,  
Ҳанграрда яхши ҳанг экан.

Қийғир кўтарган уч йигит,  
Ухлатмадилар бир милит,  
Ҳам бошда тонг откунча ит,  
Ғингшиб чиқиб ванг-ванг экан.

Айлай саёҳат энди бас,  
«Конибодом» қилмай ҳавас,  
Ҳар ерда ётган хору хас,  
Кўзга тикон якранг экан.

[ҚҰҚОНДАН ИСФАРАГА]

Афлок кажрафтор учун,  
Ҳар дам кўнгул афгор учун,  
Қўқон тангу тор учун,  
Сахро чиқиш даркор экан.

Бордим шаҳардин «Якка тут»,  
Баққоли дузди бадбурут,  
Бир танга сотқай бир қурут,  
Инсофи йўқ таррор экан.

Қишлоқ жувони йиғлишиб,  
Иссиғда ўйнашгай пишиб,  
Ўтган тамошобин тушиб,  
Сешанба кун бозор экан...

Мингбоши Эшдавлат акам,  
Аmmo қуруқ савлат акам,  
Қилса чиқим гар бир дирам  
Уйқу қочиб бедор экан.

«Яйфан» каби толзор кам,  
Йўқ соясида зарра ғам,  
Зебо санам, қоши қалам,  
[Жонон] лари бисёр экан.

«Нурсух» каби ҳам юрт йўқ,  
Боғдору деҳқон қорни тўқ,

Масжидлари ҳам кўп улуг,  
Турфа фараҳ осор экан.

«Рафқон»ни бозор жойи танг,  
Муллолари чаққон, гаранг,  
Омилари ҳам мулла ранг,  
Кўйлак кийиб, дастор экан.

Гар меваси бир туп, сотар,  
Бир пулни юз ердин тугар,  
Берса гадойга нон агар,  
Минг йилда ҳам душвор экан.

Аммо «Работи» баччагар,  
Йўқ ҳеч одамдин асар,  
Бир пода жойи гову хар,  
Чун оғили тайёр экан.

Ду бора юрдим даштлаб,  
Бодом конига қараб,  
Мирзо Умарни сўраглаб,  
Ҳавлисида нажжор экан.

Бўлғай ўшал Бурҳон амон,  
Яхши йигитдур бегумон,  
Хурсанд қилди ногаҳон,  
Мингбоши Хол саркор экан.

Армонки кўпроқ юрмадим,  
Бир-икки ҳафта турмадим,  
«Тикка Работ»ни кўрмадим,  
Пур файз бузруквор экан.

Маъюс чиқдим «Исфара»,  
Дил хаста, мажруҳу яра,  
Иссиққа куйган қоп-қора,  
Олти жиҳат кўҳсор экан.

Анҳору сою чўллари,  
Ўйнаб келодур сувлари,  
Ширинки зардолулари,  
Қанду асал бекор экан.

Шерсиз эмасдур бешалар,  
Бордур саховат пешалар,  
Қилманг ёмон андишалар,  
Яхшилари ҳам бор экан.

Қози жувонмарди накў,  
Бориб келибон чоражў,  
Ногаҳ бўлуб дарди гулў,  
Санчиқ туриб бемор экан.

Ҳожи Зухур ҳам ўрдада,  
Сарҳавзлар, олий сада,  
Борса агар бир ғамзада,  
Жониғача эсор экан.

Бойваччасидур бадбуруш,  
Тўғри сўзи аччиғ-туруш,  
Сил, эски бачча, чойфуруш,  
Ҳофиз Умар, Қаҳҳор экан.

Бўлма ҳаловатга касал,  
Оламда йўқ бениш асал,  
Бешак мукофоти амал,  
Дунё қурулгон дор экан.

Алҳамдулилло, бехатар,  
Келдим Муқийм айлаб сафар,  
Музтар қолиб, кўрмай зарар,  
Ҳақ бандасига ёр экан.

[ИСФАРА САЕҲАТИ]

Шаҳр ичра тоқат тоқ ўлуб,  
Дубора йўллар қоқ ўлуб,  
Кўз Исфара муштоқ ўлуб,  
Аввал чиқиш «Яйфон» экан.

Кун тобишида бу сафар,  
Йўллар сақардин ҳам батар,  
Тоғ ичра раҳзан баччағар,  
Кўп элни қақшатгон экан.

Кетгунча йўллар хорлар,  
Йўл захмидин озорлар,  
Кўкка етар кўҳсорлар,  
Ҳайҳот, хористон экан.

Қир пастида шўртанг ариғ,  
Бир тўп йигит ўргай тариғ,  
Тўнсиз, ялонғоч, ҳай дариғ,  
Бечора, оч деҳқон экан!

Кам ғайри Қаҳҳору Умар,  
Фарғонада ҳофиз дигар,  
Билмас эканман беҳабар,  
Навмидлар хушхон экан.

---

<sup>1</sup> Ҳоди Зариф томонидан 1955 йилда нашр этилган «Муқимий» асаридан олинди.

«Чоркў»га ҳам келдим етиб,  
Отдин йиқилдим шилп этиб,  
Беҳуш — ўзимдин кетиб,  
Ман сахт бедармон экан.

«Чоркў» бозорин тор бил,  
Атрофини кўҳсор бил,  
Панжшанба кун бозор бил,  
Бир-икки-уч дўкон экан.

Бой мардикори маччойи,  
Чўнтоғ сомонлик лойи,  
Бечорага нону чойи,  
Тўн ўрнида ўтгон экан.

Беш-олти уйлик камбағал,  
Деворлари тошу шағал,  
Анга тарика бар маҳал,  
Қишлоғи Маччоён экан.

Аммо амин Абдуррасул,  
Қим борса хизматкор ул,  
Яхши йигит, очиқ кўнгул,  
Юрт устида тургон экан.





МУҚИМИНИНГ ФУРҚАТГА ЖАВОБ  
МАКТУБИ<sup>1</sup>

Салом, эй ошнойи жонажонлар,  
Ақидат пеша, мушфиқ, меҳрибонлар.

Аёзи вақту Афлотуни даврон,  
Фаридуддаҳру Арастуйи замонлар.

Каманди фитрат ила сайди маъни  
Қилурға чусту чобук нуктадонлар.

Ўқуб мактубингиз маҳзун кўнгулга  
Фараҳлиқ етти, бўлдим шодмонлар.

Бу дурафтодани йўқлаб сўрабсиз,  
Бўлунг, ёрабки, кўп йиллар омонлар.

Худо хайрини берсун яхшиларни,  
Бор эркан эсларинда биз ёмонлар.

Хатингизда газетхона ишига  
Бўлубсиз, қутлуғ ўлсун, таржимонлар.

Шерик Шайхантаҳурда беш кишила,  
Муборак дарс ўқуш ушбу ошонлар...

Ёнур равшан агар ҳар кимни шаъми,  
Хушам парвонадек зоҳир ниҳонлар.

<sup>1</sup> Янги топилган.

Агар сўрасангиз аҳволимни шул кун,  
Қўл оғриқ устиға дарди миёнлар.

Бу ранжим шиддатидин гар десам воҳ,  
Кўзимда уйқу йўқ то вақт азонлар.

Дариғо сифла ҳар Хўқандда доим,  
Мусулмонсиз, ғизо ҳар лаҳза қонлар...

Фалак тийри жафо ҳар кима отса,  
Мени айлар «Ушал, шул!» деб нишонлар.

Саломингизниким, дўстларға дедим,  
«Дуо мандин ҳам айтингиз!» дегонлар.

Муқимий, ҳасратим куйдурса қоғаз,  
Нечук таҳрир айлай баҳонлар [баёнлар].







## ШЕЪРҲОИ ТОЖИКИИ

Д

[АШКИ ҲАСРАТ РЕЗ НЕСТ]

ил зи шӯри, ишқи бебоки кам аз ангиз нест  
Як дамам бе оҳ, чашмам ашки ҳасрат рез нест.

Чини абрӯяш ба қатли ошиқон шамшири ноз,  
Ханжари олмос чун мижғони ў хунрез нест.

Мекунам кӯҳи ғам аз шавқи ҳамон Ширин лаби,  
Тешаи Фарҳод пеши ноҳуни ман тез нест.

Сўхт тоқатхо бароҳи интизориҳо ҳануз,  
Сўйи мо бори нигоҳи марҳамат оmez нест.

Дӯш аз ойина пурсидам ба хайрат рафту гуфт:  
Улфати рӯ ошноён жуз ғуборангиз нест.

Нистам маҳжури соҳиб ҳамдилиллоҳ худписанд,  
Аз дигар чизи агар чанди маро парҳез нест.

Мебарад Муҳйи баҳаржо даъвийи арзи камол,  
Ғайри нуқсонам Муқим имрӯз дастовез нест.

[МЕКУНИ Ҷ НЕ?]

(Муҳаммас бар ғазали Жомий)

Қадамро ранжа сўйи мо асирон мекуни ё не?  
Ба муштоқон жамоли худ намоён мекуни ё не?  
Масиҳойи давои дардмандон мекуни ё не?  
Ба раҳмат илтифоти мо асирон мекуни ё не?  
Нигоҳе жониби мо хоксорон мекуни ё не?

Қашидам баски ҳижрон тар зи хун шуд хонаи дийда  
Ба ранги ҳалқаи тасвири лавн шуд хонаи дийда,  
Зи жўши гирия ашкам бурун шуд хонаи дийда,  
Чу Яқубам зи гирия сар нигун шуд хонаи дийда,  
Худоё, Юсуфи моро ба Қанъон мекуни ё не?

Ба боғи даҳри гул фасли баҳорон мекуни равшан,  
Тамоми кўҳу саҳроро ба борон мекуни равшан,  
Гуҳар аз қатраҳои абри найсон мекуни равшан,  
Шаби торикро бо моҳи тобон мекуни равшан,  
Даруни қабри торикам чароғон мекуни ё не?

Муқимий, зарраи ҳамчун офтоби ховари Жомий,  
Заифу, ожизам, кун дастгири, ёвари Жомий,  
Ба доди додхоҳон аз ту шояд довари Жомий,  
Қадомин дарду меҳнат кунам ёд овари Жомий,  
Ту осон мушкили мо мустамандон мекуни ё не?





# ΦΥΡΚΑΤ







Зокиржон Фурқат 1858 йилда Қўқонда майда савдогар оиласида туғилди. Бошланғич маълумотини схоластика асосига қурилган эски мактабда олди. У ёшлигидаёқ ўзбек ва озарбайжон классикларининг асарларини севиб ўқий бошлади. Айниқса Алишер Навоий, Фузулий, Ҳофиз, Саъдий, Жомий каби мутафаккирлар асарларига жуда қизиқар эди. У арабча ва форсчани қизиқиб ўрганади. 14 ёшида Қўқон мадрасасига ўқишга киради. Бу даврда ҳам Фурқат мустақил мутолиа қилиш ва кўп ўқиши натижасида унда ижод этишга ҳавас уйғонади. Оила қашшоқлиги натижасида Фурқат ўқишни ҳам, ижодий ишни ҳам тўхтатишга мажбур бўлади. Фурқат 23 ёшида Янги Марғилон (ҳозирги Фарғона)га бориб, тоғаси билан бирликда савдо иши билан шуғулланади.

Лекин ўзи қизиққан ва севган ижодий ишини бутунлай тўхтатиб қўймайди.

1882 йилда яна Қўқонга қайтади. У ерда Муқимий, Завқий каби демократ шоирлар билан танишади ва улар билан дўстона алоқада бўлади. Прогрессив кайфиятдаги бу шоирлар Фурқат ижодига самарали таъсир кўрсатадилар. Унинг ижодида ҳам демократик ғоялар шакллана боради.

Фурқат меҳнаткаш халқ ҳаётини синчиклаб ўрганиб бориши натижасида, уларнинг аянчли аҳволига чин кўнгилдан ачинади.

Фурқат 1889 йилда Тошкентга келиб икки йил шу ерда яшайди. Бу ерда у рус ҳаёти билан яқиндан танишади, унинг маданиятини ўрганади.

Унда рус тили ва маданиятига муҳаббат ҳисси уйғонади. Фурқат рус тилини билиш орқасида рус халқининг маданиятини чуқур ўрганиш мумкинлигига ишонади. У ўз халқининг эзилишини билимсизликдан деб билди. Ўз халқини маданият, фан ва техникани эгаллаш учун рус тилини ўрганмоққа чақирди. Рус ҳаётини улуғловчи шеърлар ёзди. Фурқат ўз халқини самимий севди, унга илм ўрганиш, ҳаётий муҳаббат эгаси бўлиш ва маърифат орқали озодликка чиқиш мумкинлигини уқдирди.

Рус маданиятини тарғиб этиш, ўзбек халқини Россия ҳамда рус халқи билан бирга ва дўст бўлишига чақирди; шу маданиятни ўзлаштириш орқали, шу бирлик ва дўстлик орқали ўз халқининг порлоқ ҳаётга эриша олишини кўриш Фурқат ижодининг энг муҳим томонларидандир.

1891 йилда Фурқат Самарқандга боради ва у ердан чет элларга ўтади. Шоир Туркия, Юнонистон, Булғория, Миср мамлакатларида бўлади. Сўнгра Арабистон, Ҳиндистонда бўлади. 1894 йилда эса Еркентга ўтиб, у ерда истиқомат қилади. Шоирнинг чет элларда бўлиши, унинг яна бир неча шарқ тилларини ўрганишига имкон беради. У қаерда бўлмасин меҳнаткаш халқнинг дард-ҳасратларига шерик бўлади, ўз ватанида шодлик кўрмаганидай, ўзга элларда ҳам шу халқнинг ҳуқуқсизлигини кўради ва қаттиқ азобланади.

Шу вақтларда шоирнинг дўстлик, халқпарварлик туйғулари янада юксалади. Фурқат ўз дўстлари ва туғилиб ўсган ерларини эзилиб соғинади.

Халқ аламига шерик бўлган, унинг озру-тилаклари ва кечинмаларини тинмай куйлаган демократ шоир Фурқат 1909 йилда Еркентда вафот этди.





## ҒАЗАЛЛАР

Б

[БАҲОР АЙЕМИДА]

аҳор айёмида гул гашт этарга бир чаман бўлса,  
Қилурға шарҳи ҳол аҳли муҳаббат икки тан бўлса.

Хазон айёмида ул тавба қилғон бўлса ҳам майдин,  
Етиб майхораликнинг мавсуми, паймоншикан бўлса.

Булут қатра фишону руҳафзо сабзалар хандон,  
Ариғларнинг лабида сабзакори бир чаман бўлса.

Ҳаво ҳам муътадил, ҳавзи мусаффо, суффаи дилкаш,  
Оқар сув ғалт уруб, себарга узра мавжзан бўлса.

Сабуйи лаъл бирлан шишаи байзоу олтун жом,  
Ушал мажлисда соқий бир нигори сиймтан бўлса.

Гул узра андалибу сарвнинг бошида қумрилар  
Юзу қад ҳасратидин оҳу фарёд айлаган бўлса...

Қиши тўбию кавсар, жаннати рузвонни не қулсун,  
Жаҳон айвонида ҳосил бу янглиғ анжуман бўлса.

Суруру шодликни даҳр боғида нечиқ кўргай,  
Камина Фурқатийнинг маскани байтул-ҳазан бўлса.

[ОҲКИМ...]

Оҳким раҳм айламас ҳолимга жононим менинг,  
Куйди бу ҳасрат ўтида куймаган жоним менинг.

Йиғламайму гўшаи зулмат аро тонг отқуча,  
Бўлмаса бир тун келиб шамъи шабистоним менинг.

Бошима савдо тушуб, ошуфта ҳол ўлмай нетай,  
Жилвагар бўлса ўшал кокил паришоним менинг.

Орази гул, зулфи сунбул, кўйлаги барги суман,  
Хилъати раъно, бўйи зебо гулистоним менинг.

Гарчи ўлдум ишқида бир зарра парво айламас,  
Ул тағофул пеша, истиғночи луқмоним менинг.

Қувлагандин кўйидин ўлдурса эрди кошки,  
Остониға тўкулса бир қошуқ қоним менинг.

Дардима бечоралиғдин чораи қилмасмуди,  
Бўлса эрди Тошкандда бир қадрдоним менинг?

Фурқат ул маҳваш фироқида етар гардун сари  
Кечадин то субҳ чеккан оҳу афғоним менинг.



[ОҲКИМ ҲАМДАРД ЙЎҚ]

Оҳким ҳамдард йўқ, дард ошкор айлай десам,  
Ёзғали шарҳи ғамимни ғамгусор айлай десам.

Ваҳшатим элдин буким, ваҳшидин ўлғоймен малул,  
Ваҳшилардек гар мақомим кўҳсор айлай десам.

Ихтиёрим буки, эл қўймас ғариб аҳволима,  
Утлуғ оҳим кечалар шамъи мазор айлай десам.

Боғ ила саҳро кўнгулдин айламас ғам рафъини,  
Сайри гул ёр ила сайри лолазор айлай десам.

Ёрсиз тарки диёр айлаб эдим, аҳбоблар,  
Бор диёру ёр йўқ, азми диёр айлай десам.

Ваҳки бир мушкил писанд ишқиға бўлмишман асир,  
Бўлмагай манзури жон нақдин нисор айлай десам.

Ул париваш зулфининг савдосидин девонаман,  
Турғали бир ерда имкон йўқ, қарор айлай десам.

Кеча эл ким нолаи беихтиёримдин малул,  
Тарқиға йўқ ихтиёрим, ихтиёр айлай десам.

Дилдаги доғимни Фурқат лоладек ифшо қилур,  
Қатра-қатра қон ёшим жўши баҳор айлай десам.

[БҮСТОН ИСИ]

Элга келди то баҳор айёми гар бӯстон иси,  
Ёр кўйидин келур менга гули ризвон иси.

Гул исин истаб ҳамиша бормоғум, аҳбоблар,  
Еткурур ҳар дам машомимға сабо жонон иси.

Ул санам қайда очиб юз, хат намоён айласа,  
То қиёмат келгай ул ердин гулу райҳон иси.

Гул хазон этмоққа келса боғ аро боди самум,  
Булбули дил хастаға андин келур ҳижрон иси.

Ул ситамгар дарди ишқи бағрим эзди ончаким,  
Йиғларимдин ер юзини тутди охир қон иси.

Қимга берса моҳрўйим муждасин ҳижрон туни,  
Сонурам андоқки ул берди ўлукка жон иси.

Гуссадин қон ютмайин найлай, жаҳон гулзоридин  
Топмасам шўрида Фурқат бир гули хандон иси.

[УЛ ПАРИДЕК]

Ул паридек қайси дилбарни рухи гулгуни бор,  
Ҳам тишидек қайси дарёнинг дури макнуни бор.

Сарвни жониға ўт солди ўзин айлаб фароз,  
Оллоҳ-оллоҳ, они қайдоғ қомати мавзуни бор.

Фикрат аҳли диққатидин ҳеч равшан бўлмағай,  
Нуқтаи оғзини ҳар ҳарфни минг мазмуни бор.

Икки золим кўзлари тўкмакка қон ул навъким,  
Ҳар бири бўйнида ноҳақ минг кишини хуни бор.

Кўзларимдин мавж урар ашки муҳаббат, айб эмас,  
Дилда айлайдур талотум, ишқининг Жайҳуни бор.

Меҳрибонлик шева айлаб шод ком айлай деса,  
Қайда мандек Фурқатий бир хотири маҳзуни бор.

[ЖОНИМ МЕНИНГ]

Келди ҳажр андуҳи бирлан оғзима жоним менинг,  
Бир тараҳҳум айламас ул шўхи жононим менинг.

Ғунчадек лаъли фироқида, баҳори ишқида  
Қилди ул гул хун дилимни хори мужгоним менинг,

Ул пари мажнунлиғимға бовар этмас гарчиким,  
Тифл тошидин ушолур жисми урёним менинг.

Ўлдуруб ташланг ани кўйиға эй, аҳбоблар,  
Итлари тирноғиға бўлсун хино қоним менинг.

Ул ситамгар ишқида найлай яқо чок айламай,  
Бўлса олуда бало лойиға домоним менинг.

Розиман ўлсам мазорим сори бир айлаб гузор,  
Десаким: ушбу шаҳиди тийри мужгоним менинг.

Қўймади кўзга аёғин нотавон кўнглум учун,  
Кўз била кўнглумда, Фурқат, қолди армоним менинг.

[ШАҲЛО КЎЗЛАРИНГ]

Мунча золим бўлмиш ул хунрез тарсо кўзларинг,  
Ким солур ислом элиға онча яғмо кўзларинг.

Ҳалқай зулфинг кўнгулларни саросар банд этиб,  
Қатлима тортар қошингдин тиғи бурро кўзларинг.

Кеткил улён деб ишорат қилса ҳар гаҳ қошларинг,  
Кел бери деб айлашур оҳиста иймо кўзларинг.

Майдин эрмас ул киши, жоно, сияҳ маст ўлмоғи,  
Кўрди бир ғамза ҳарифи нашъа паймо кўзларинг.

Хирқай зуҳдумни ҳуснинг панжасидин чок этиб,  
Офият аҳли қошида қилди расво кўзларинг.

Айлаганда настаран кўзгусини ҳайрон юзинг,  
Интизор этмас нечук наргисни шаҳло кўзларинг?

Не учун дашту биёбонларни тинмасдин кезар,  
Қилмағон бўлса агар оҳуни шайдо кўзларинг.

Қилди Фурқатни харобу, хастау, зору, забун,  
Холу хаттинг, қадду рухсоринг, на танҳо кўзларинг.

[БУЛБУЛҒА ХИТОБ]

Чаманда ғунчадин буйнингга тоқмишсан жарас  
Магар ким ўзга гулшан риҳлатин қилдинг ҳавас,  
булбул,  
булбул.

Магар бўлдинг бараҳман жомаи азрақ кийибдурсан,  
Белингга боғла эмди гулни торидин марас, булбул.

Баҳори сунъи ҳақ файзи эрур гул ранг ила жавшан,  
Вагарна бўлғусидур бир хазондин хору хас булбул.

Фиғон беҳуда, жондин кечмагунча ошиқ ўлмассан,  
Ўзини ўхшатиб парвона бўлмас ҳар магас булбул.

Урарсен ишқ лофин, шеваи одоб билмайсен,  
Қилибсен олғали ором гул шохин чакас, булбул.

Бу исён лаззатидурким жудо бўлгон гулистондин,  
Асири дом бўлдинг ҳам грифтори қафас, булбул.

Сабақ олиб ўқуғил матлаул-анвор Фурқатдин,  
Бурунғи файзи йўқ илҳонларингни айла бас, булбул.

[КЎРМАЙ]

Ўтлуғ юзингга бағрим бўлди кабоб кўрмай,  
Ул юзда кўрмагунча то юз ниқоб, кўрмай.

Кўрмоқ бўлурму, жоно, тўйгунча оразингни,  
Фаттон ики кўзингни то масти хоб кўрмай.

Рамзини белу оғзинг, билмоқда қилу қолин,  
Аҳли дақиқ еталмас юз минг китоб кўрмай.

Минбаъд ҳам кўралмас, бу дамгача келибдур,  
Даврон кўзи сенингдек олий жаноб кўрмай.

Жоно, ўтуб борурсан шаҳд ила, умр янглиқ,  
Ёримки, ҳеч кимни сендек шитоб кўрмай!

Улсам замони фориг савдосидин сочингни,  
Ғам даштида қуюндек жуз печу тоб кўрмай.

Найлаб муяссар ўлгай Фурқатга роҳати васл,  
Йиллар ғамингда, э ой, тун-кун азоб кўрмай.

[А н д и ж о н]

Одам эрмас ҳар киши гар айламас ёд Андижон,  
Чўх мусофир хотирин айлаб турар шод Андижон.

Ақл чашми бирла боқсун зи-басорат ўлсаким,  
Балдаи маҳруси Хўқанд ичра обод Андижон.

Шомдин то Рум ўз маҳрўйин айлаб жилвагар,  
Мисрға еткурди бу маънида ирод Андижон.

Оташин киштила мулки Русия сайр айлагач,  
Оҳи дард олуд ила дер эрди шаҳзод Андижон.

Дўна-дўна ҳамраҳина деб бу ишда ҳақ тонуқ,  
Этти ҳасратға бани албатта муътод Андижон.

Тарк ўлмаз, соқийи гулчеҳра бирла бодаси,  
Отқуча то субҳи маҳшар базм ижод Андижон.

Умри кечсун дашт аро Мажнун каби ҳар кимсаи  
Қадриға етмай эдар ўлса ёмон од Андижон.

Ўзга мулк одамлари, харгиз таарруз этмангиз,  
Банда имдодидин эрмас, ул худодод Андижон.

Баски бир Юсуф каби ширин адони ишқида  
Гўстарур Фурқат сенигдек неча Фарҳод Андижон.



[БОРМАСМИЗ]

Биз истиғно эли, қичқирмаган маъвоға бормасмиз,  
Агар чандики хирман айласа, дунёға бормасмиз.

Агар лаб ташна қолсак филмасал саҳройи оламда,  
Маломат зоҳир этса, мавж урон дарёға бормасмиз.

Умид этконимиз аксар саодат бутайи ҳақдин,  
Агарчи мис эрурмиз қиймати тиллоға бормасмиз.

Ҳамиша лоф урармиз халқ аро Фарғона мулкида,  
Бағоят табъимиз озода деб ҳар жоға бормасмиз.

Ҳаво лойиға ботган моу манлик дўсти худбинким,  
Ушандоғ кам зарофат маскани аъдоға бормасмиз.

Биз эллар, фақр элимиз, парча нонға сабр айлармиз,  
Ғараз дунё учун Искандару Дороға бормасмиз.

Эмасдур онча асбоби жаҳонға фикримиз, Фурқат,  
Вали кетгунча жуз андишай фардоға бормасмиз.

[У Л Ф А Т И М]

Оҳким йўқтур мени табъимга лойиқ улфатим,  
Анга изҳор айласам кўнглумда доғу ҳасратим.

Бўлмадим бир лаҳза фориф бу жаҳон ташвишидин,  
Найлайн қон йиғламай ортар дамодам меҳнатим.

Мең нечук кўргум бу дунёда дами хурсандлик,  
Дарду ғам бўлгон эса рўзи азалда қисматим.

Ўтти умрум кеча-кундуз юз туман андишада,  
Дам-бадам ойнадек ортиб ўзумга ҳайратим.

Нукталарким мендадур андин киши олим эмас,  
Фош ўлур ақсомдин ночор ҳарфи иллатим.

Йиғласам айб этмангиз, эй дўстлар, қадримғаким,  
Ошнолар олдида бир пулча йўқтур қийматим.

Кўп жадал қилдим, биродарлар, кўнгил топмоқ учун,  
Ҳеч мақома етмади қилгон тамоми ғайратим.

Ҳол агар ушбу эрур, бўйла тирикликдин на суд,  
Бўлмаса бир қатла асбоби жаҳонга ҳурматим.

Кимға урдум ошнолик лофини ихлос ила,  
Бўлдилар бегона Фурқат берди охир зиллатим.

[ЛАҲЗА-ЛАҲЗА]

Тушуб бошимға кулфат лаҳза-лаҳза,  
Чекарман ранжу ҳасрат лаҳза-лаҳза.

Нетай бермас амон даврон жафоси,  
Магар ғам бўлди қисмат лаҳза-лаҳза.

Бало дайрида ҳижрон соқисидин,  
Ичармен жоми ҳасрат лаҳза-лаҳза.

Нетай жавридин ўлса рўз равшан,  
Кўзумга бўйла зулмат лаҳза-лаҳза.

Сиришким ўрнидин эзган жигарлар,  
Оқар соат басоат лаҳза-лаҳза.

Ғами ҳижрон ҳужум айлаб дамодам,  
Чекар тиғи балият лаҳза-лаҳза.

Мақомим бўлди саҳро лола янглиғ,  
Юракда доғи Фурқат лаҳза-лаҳза.

[С а в д о]

Баҳор айёми бўлдию тушубдур бошима савдо,  
Ки лола баргидек кўнглумда юз минг доғлар пайдо.

Насими хуш тегиб бўлди ҳама ер сабзау хуррам,  
Бисоти ранг-барангдин топти зийнат тоғ ила саҳро.

Димоғига тегиб нақҳат хуруш айлаб чаман аҳли,  
Бири қумри, бири тўти, биридур булбули шайдо.

Аён этмиш ўзини юзларидин бурқанин ташлаб,  
Бири гулдур, бири наргис, бири савсан, бири раъно.

Худони(нг) санъатидин гул чиқармиш жангалистон-  
лар,  
Кўкарди санги хоронин ажойиб лолаи ҳамро.

На мумкин бор яна азми тамошойи чаман этмак,  
Ани ҳар бир гулидур жонга гўё ништари хоро.

Паривашларни доғи бир тараф, кўнглумда юз минг  
ғам,  
Тўлуб тошар юраким дам-бадам монандаи дарё.

Кима айтай бу ўтлуқ ҳасратимни, эй мусулмонлар,  
Ҳама жисмим куюб ахгар бўлубдур қолмайин асло,

Асири дарди ҳижронинг бўлубдур мубтало Фурқат,  
Чу қумри доимо йиғлаб деюр: фарёду вовайло.

[УМР ХУШ УТМАС]

Умр хуш ўтмас баҳор айёми саҳро бўлмаса,  
Лолазор ичра бисоти айш барпо бўлмаса,

Суҳбат аҳли бўлсалар майхораи ринду зариф,  
Дарди йўқ элдин ўшал манзилда асло бўлмаса.

Даҳр гулзорида хўштур неча кун айшу нишот,  
Гар хазондин боди ҳодис анга пайдо бўлмаса,

Ҳосил ўлмас бодау жом ила минодин мурод,  
Жилвагар то соқийи гулчеҳра андо бўлмаса,

Оби ҳайвон бирла умри жовидонин найлағум,  
Ул хати хизру, лаби лаъли масиҳо бўлмаса.

Хок бўлсун ул таниким, ишқ ўтида куймаса,  
Зерипо бўлсун сариким, анда савдо бўлмаса.

Фурқат айлар орзу бу анжуманни ҳар баҳор,  
Одам эрмас ҳар кишида бу таманно бўлмаса.

[Х А Й Р И Я Т]

Келди ҳолимни сўраб бул кун нигорим хайрият,  
Етти ўхшар кеча чеккан оҳу зорим хайрият.

Лашкари ғам поймол этган эди айлаб ҳужум,  
Ногаҳон келди етиб ул шаҳсуворим хайрият.

Ул парирў ҳажрида ҳар лаҳза қон йиғлар эдим,  
Вожгун этмиш жаҳонни ашкборим хайрият.

Жавр этиб солса қаро кунлар бошимға найлагум,  
Шодлик бирла ўтар лайлу наҳорим хайрият.

Наҳси ҳижрондин чиқиб топдим висоли саъдни,  
Толиим ҳамдам бўлубдур, бахт ёрим хайрият.

Қолди кўнглум ажрамай ул ёр ила вақти видоъ,  
Келди қолмай яхши жони беқарорим хайрият.

Келди якбора саманди нозни жавлон бериб,  
Қайда Фурқат зор деб чобуксуворим хайрият.

[ИШҚИНГДА]

Ишқингда куюб, жоно, хоки таҳи по бўлдум,  
Совурди ғаминг боди алқисса фано бўлдум.

Ҳар кеча талаб айлаб даргоҳи илоҳийдин,  
Офтоби камолингни, машғули дуо бўлдум.

Юз жаҳду жадал бирла васлингға етушганда,  
Минг қоҳиши ғам бирлан найлайки жудо бўлдум.

Ҳасратки, фалак кажрав комимни раво этмас,  
Топмай чу илож анга ҳасрат била то бўлдум.

Сендин дами, эй дилбар, айрилгани тоқат йўқ,  
Гардунни жафосидур бу ғамда адо бўлдум.

Жону дилим айтурлар бир-бирга видоини,  
Сен бирла кўнгул қолди жон кетса ризо бўлдум.

Мақсуда етиб эрдим на ҳодиса рў берди,  
Ҳайрат била якбора андин гузаро бўлдум.

Ҳижронда қўярмусен ошиқни хароб айлаб,  
Васлингға қариб этгил, кўп бағри адо бўлдум.

Фурқатни қулумсан деб бости кўзима муҳрин,  
Ўзга юза боқмоқдин бил-кулли сиво бўлдум.

[БАҲОРИМ БОР]

Тушимда бир пари кўрдим, насибам бўлса ёрим бор,  
Юракни тири ишқи пора қилди оҳу зорим бор.

Тамомий ҳури жаннат рашк этар гул оразин кўргач  
Тамошо қилгали, искаб турарга икки норим бор.

Юзини кўрдиму бошимга тушди турфа савдоси,  
Қарору сабрим олди, кеча-кундуз интизорим бор.

Кечарман жону дилдин кўрмагунча ҳусни раънони,  
Етурдим кўз очиб юмгунча, бир чобуксуворим бор.

Муҳаббат ўтига куйди дилу жоним, эй дўстлар,  
Мени айб этманг айтиб йиғласам, не ихтиёрим бор.

Мени маҳрум этиб дўстлар ҳузури ҳукми соқидин,  
Ичиб сархуш май, ёрим диёридин гузорим бор.

Тегиб ишқ оташи, ёндурди, айб этманг Зулайхони,  
Умидим васлидин Фурқат, яна фасли баҳорим бор.



[Б и л м а д и н г]

Билмадинг аҳволим ишқим ошкор ўлган кеча,  
Ҳар замон ўздин кетиб беихтиёр ўлган кеча.

Ҳоли зоримни кўруб сўрганда ҳам аҳбоблар,  
Демадингму: мен учун кўп интизор ўлган кеча.

Кўкка оҳим еткуруб тонг откуча мен йиғладим,  
Ул рақиби рўсияҳ сен бирла ёр ўлган кеча.

Сўзи ҳажринг бу эрур, лекин букун андин батар,  
Нечаким жисмим куюб андоқ шарор ўлган кеча.

Масти беҳуд бўлдум, эй аҳбоблар, май базмида,  
Мисли соғарким насибим лаъли ёр ўлган кеча.

Шамъ янглиғ ўртаниб ёндим жамолинг шавқида,  
Мисли парвона сени ҳуснунгға зор ўлган кеча.

Кунжи лаб бирла табассум айладинг бир йўл боқиб,  
Мастлиқдин Фурқатийга шармсор ўлган кеча.

[ Ч И Р О Й Л И К ]

Ҳуру пари юзидин рухсорингиз чиройлик,  
Жаннат гулидин, эй гул, гулзорингиз чиройлик.

Кўрса агар қадингиз бўлгай хижил санувбар,  
Товусдин юрушда рафторингиз чиройлик.

Ошиқни йўлда кўриб, секин-секин сўкарсиз,  
Билдурмайин кишига озорингиз чиройлик.

Жумла парилар ичра турфа пари эрурсиз,  
Қирдорингизму яхши, атворингиз чиройлик.

Шаҳду шакар томодур гар қилсангиз такаллум,  
Тўти ширин суҳандин гуфторингиз чиройлик.

Зухра фалаклар узра ҳар кеча нағма айлар,  
Гар олсангиз навога дуторингиз чиройлик.

Боғи малоҳат ичра рухсорингиз чу олма,  
Анжир эрур лабингиз, анорингиз чиройлик.

Бир-бир қадам қўярсиз, ҳарён боқиб хиромон,  
Кеторингиз ажойиб, келорингиз чиройлик.

Дўзах ўтидин ортуқ, эй ёр, Фурқатингиз,  
Бизга боғи эрамдин дидорингиз чиройлик.

{ЕНА БИР}

Ена бир келгум дебон чўх интизор эттинг мени,  
Кокулинг янглиг паришон рўзгор эттинг мени.

Кўрсатуб раъно юзунг олдинг қарору сабрими,  
Оқибат кўздин солиб беихтиёр эттинг мени.

Бевафолиг расмини, эй шўх, бунёд айладинг,  
Ул рақибим олдида кўп шармсор эттинг мени.

Ним нигоҳи айлабон қилдинг ғуборимни баланд,  
Кўчаларда йиғлатиб Мажнун шиор эттинг мени.

Эй пари пайкар, менга жавру жафому қилмадинг,  
Кулфату, дарду, балоларга дучор эттинг мени.

Водийи фурқатда қолдим бесару сомон бўлуб,  
Кўчаи ҳайратга солиб дилфигор эттинг мени.

Ташналаб қолган талаб даштида Фурқат зорман.  
Ҳаддин оша войким ранжу хумор эттинг мени.

[ЯКБОРА ЕРИМ КЕЛСАЛАР]

Кошки кулбам аро якбора ёрим келсалар,  
Йўлларига жон нисор айлай нигорим келсалар.

Бир фақирини бебизоат, хаста дил қаллошмен,  
Жондин ўзга тухфа йўқтур шаҳсуворим келсалар.

Сўрсалар аҳволими ғам жаврини торттинг дебон,  
Дод этиб ушлаб инон чобуксуворим келсалар.

Гул яқосин пора айлаб, ғунча бағрин қон қилиб,  
Сайри боғ айларга ногаҳ гул узорим келсалар.

Сабру ҳушидин кетиб, жону кўнгул мажнун бўлур,  
Нозу истиғно била Лайли шиорим келсалар.

Бўлғуси наврўзи олам то чиқиб ҳижрон қиши,  
Юз очиб, бир-бир босиб фасли баҳорим келсалар.

Неча муддатдин бери Фурқатда қолган зормен,  
Не саодатдур сўрарга ҳоли зорим келсалар.

[к о ш к и]

Кошки бир ерда бўлсак эрди жонон иккимиз,  
Кўзи шум ағёрлардин анда пинҳон иккимиз.

Ҳар замон даврон жафосидин қилибон бода нўш,  
Мастликдин айласак қайғуни яксон иккимиз,

Ул замон сайри гулистон айласак қўл ушлашиб,  
Рашкдин айлаб гулу булбулни яксон иккимиз.

Даҳрнинг озоридин масти хароботий бўлуб,  
Тарки ҳуш айлаб бўлуб ул ерда ҳайрон иккимиз.

Қумриларни доғи ҳижронга гирифтор айлабон,  
Ерга помол айласак сарви хиромон иккимиз.

Ногаҳондин азми бозор айлаб, эй жон, шавқ ила,  
Солиб олам элига кўп шўри тўфон иккимиз.

Қамтарин Фурқат бу янглиғ муддаоға етмади,  
Кошки бир ерда бўлсак эрди жонон иккимиз.

[ЭЙ САРВ ҚОМАТ]

Бўюнгдин ўргулай, эй сарв қомат,  
Гули наврастан боғи латофат.

Хирад бобида Афлотун фатонат,  
Такаллум чоғида тўти фасоҳат.

Ана қадду, ана ҳусну, ана хулқ,  
Киши кўрган эмас мундоғ латофат.

Қаю бир васфини тақрир этарман,  
Аёғдин бошғача кони малоҳат.

Юзунгдин пардани олсанг на бўлғай,  
Сонурман гўйё бўлди қиёмат.

Жафо бўлмас, нигоро, мундин ортуқ,  
Гамингдин қолмади жонимда тоқат.

Мени йиғлатма кўп, эй меҳри йўқ ёр,  
Ўзинг инсоф қил кимда бу ҳолат?

Кўнгул афгор ўлуб эл таънасидин,  
Тегиб бошимға кўп санги маломат.

На бўлғай йўқласанг Фурқат қулунгни,  
Бўюнгдин ўргулай, эй сарв қомат.

[АЙРИЛИБ ҚОЛДИМ]

Фиғонким ул бути симин зақандин айрилиб қолдим,  
Малоҳат боғида сарви чамандин айрилиб қолдим.

Димоғ ошуфтау, хотир паришону, кўнгул ғамгин,  
Хату хол, кокули мушки Хўтандин айрилиб қолдим,

Мени ҳолимға ҳар дам, эй малоҳат аҳли, кулманглар,  
Бу ҳола тушмайинму гулбадандин айрилиб қолдим.

Гириҳлар риштаси жонимға тушти не илож айлай,  
Очилмас эмди зулфи пур шикандин айрилиб қолдим.

Жунуним қўзғади эл ичра Мажнундин батар бўлдум,  
Нигорим Лайли рухсоримки, андин айрилиб қолдим.

Ичиб заҳробаи ҳижрон ажойиб талхком ўлдум,  
Такаллум чоғида ширин суҳандин айрилиб қолдим.

Кўзум аъмо бўлуб Яъқубдек қон йиғласам арзир,  
Ушандоғ Юсуфи гул пираҳандин айрилиб қолдим.

Наво булбул каби чексам, фиғон қумридек айб эрмас,  
Юзи гул, қомати сарви чамандин айрилиб қолдим.

Қуюндек пўя айларман биёбонда қарорим йўқ,  
Ушал дилбар учун Фурқат ватандин айрилиб қолдим.

[НЕ ЖАФОЛАР ЧЕКМАДИМ]

Не жафолар чекмадим бир бевафо дилдор учун,  
Не балолар кўрмадим аҳди бузуғ бир ёр учун.

Кўчаларда зор йиғлаб ўйла Мажнун дилфигор,  
Эл аро афсона бўлдум ул пари рухсор учун.

Хаста булбул боғ аро беҳуда афғон чекмади,  
Балки чекти кеча-кундуз гулға ҳамдам хор учун.

Шул умидим ул санамдин бор бўлмоқдин на суд,  
Қайрилиб бир боқмаса мен хастаи афғор учун.

Пойбўсин ахтариб монанди туфроқ ўлмишам,  
Хор бўлмоқ шунчалардур бир гули бехор учун.

Ёрдин шиква на ҳожат, лаҳза-лаҳза бошима,  
Бўйла савдоларни солди бир гули бехор учун.

Келмади ҳолин сўраб бул Фурқати бечорани,  
Ул парини кўнглида бир муддаоси бор учун.







## МУХАММАСЛАР

[ДАҲР АРО]

Д

аҳр аро мен чекмаган жавру жафолардин бири,  
Қолдиму ҳам кўрмаган дарду балолардин бири,  
Айласам зоҳир агар ул ибтилолардин бири,  
Тоқат этмас дарди ишққа мубталолардин бири,  
Шарҳи ғам қилса қани, бағри адолардин бири.

Чархдек доим юрай ишқида саргардон бўлуб,  
Арсан оламни кездим бесару сомон бўлуб,  
Ғам билан ўлдим асири ғуссаи ҳижрон бўлуб,  
Қору борим кечаларда нолау афгон бўлуб,  
Сўрмади ҳоли дилимни ошнолардин бири.

Пайкаримни лашкари андуҳ помол айлади,  
Риштаи жонимни ҳижрон меҳнати нол айлади,  
Ғам ҳужуми касрати кўнглумни беҳол айлади,  
Қоматим ҳам ҳасрати монандаи дол айлади,  
Фикрим абрўси эрур мужгон асолардин бири.

Дер эдим доим ўзим олам аро хуррам тутай,  
Ер ўлуб айшу тараб аҳлига тарки ғам тутай,  
Даҳр аро озодалар домонини маҳкам тутай,  
Ўзни боз ул дарду кулфат аҳлига ҳамдам тутай,  
Чунки ҳосил бўлмади ул муддаолардин бири.

Меҳрибонлик пеша айлаб, кимга кўргуздим вафо,  
Тарки меҳр айлаб манга ҳаддин фузун қилди жафо,  
Йўқ эрур мандек киши толеъ забун, бахти қаро,  
Минг вафоға бир вафо ҳам кўрмадим олам аро,  
Қолмамиш бўлгай агар аҳли вафолардин бири.

Мунисим толеъ забунлар, ёр бахти қоралар,  
Ҳамдамим тиғи аламдин сийнаси садпоралар,  
Бистарим хоки мазаллат, такя санги хоралар,  
Ғамгусоримдур балият даштида оворалар,  
Маҳрами розим ўлуб, мотам саролардин бири.

Ҳар киши оламда кўп чекса жафойи ишқни,  
Билса роҳат жонига ранжу балойи ишқни,  
Подшоҳи ҳусн чарлаб мубталойи ишқни,  
Сарфароз айлар эмиш бир кун гадойи ишқни,  
Шукрим, кўйида мандурман гадолардин бири.

Фурқатий бир сарв қомат ишқида бўлган асир,  
Қумри янглиғ тортарам шавқида фарёду сафир,  
Қош ила мужгонидин ёнимда тиғ, илгимда тийр,  
Чуғздек вайрона ичра гарчи бўлдим жойгир,  
Бир хабар олмас келиб пайкар ҳумолардин бири.

[ИСТАР КҮНГУЛ]

Дўстлар, айшу тараб фасли баҳор истар кўнгул,  
Ҳар куни саҳрода сайри лолазор истар кўнгул,  
Кабк рафторин кўрурга кўҳсор истар кўнгул,  
Айламак ҳар сори оҳулар шикор истар кўнгул,  
Доғи хурсанд этгучи ҳар неки бор истар кўнгул.

Гашт қилсанг аҳли дониш бир неча аҳбоб ила,  
Тўла бўлса шишалар доим шароби ноб ила,  
Гул ёқоси масканинг ўлса канори об ила,  
Бодаи гул ранг тортиб, ўлтуруб одоб ила,  
Гусса дафъин айлабон дафъи хумор истар кўнгул.

Мутриби хуш лаҳжалар тамбурини соз айласа,  
Рухпарвар байт ўқуб, хиргоҳи овоз айласа,  
Гоҳи «Мискин» машқию гоҳи «Чапандоз» айласа,  
Етса анжомига ул ғайрини оғоз айласа,  
Гоҳи қонун, гоҳи ғижжак, гаҳ дутор истар кўнгул.

Солмаса чархи фалак давронимиз ичра халал,  
Айламай боғи ҳаётимиз хазон боди ажал,  
Кўргузуб юз жаҳд айёми баҳор ўтмай жадал,  
Айласак ҳар ҳафта бир сайри Маоз ибни Жабал,  
Чун зиёрат этмак эсҳоби кибор истар кўнгул.

Неча кун моҳтоби тунларда олиб тарфи чаман,  
Тонггача гуллар аросида тузулса анжуман,  
Ой каби қилса мунаввар боғ саҳнин настанан,

Ерга нақш ўлса саросар сояи барги суман,  
Устина қилмоқ хино бирла нигор истар кўнгул.

Гар фалак кажравлиғидин бахт ёвар бўлмаса,  
Ҳамнишиним ҳар кеча бир моҳ пайкар бўлмаса,  
Оразидин байтул-эҳзоним мунаввар бўлмаса,  
Мунча қилғон орзулардин муяссар бўлмаса,  
Фурқатий узлат учун бир кунжи ғор истар кўнгул.

[БУ НЕЧУК САВДО]

Биродарлар, мани бошимға тушган бул нечук савдо,  
Қарорим йўқ қуюн янглиғ на манда манзилу маъво,  
Биёбони таҳайюрда қолиб мен волау танҳо,  
На ёру ҳамдамим бордур, на қўлда ҳосили дунё,  
Замона пурхатар, душман ададсиз, дўст бепарво.

Ману девона кўнглум бир-бирига турфа мойилдур,  
Ки жон бўйнига тори зулфидин юз минг салосилдур,  
Ажаб бебок, бераҳму, ажаб хунрези қотилдур,  
Тўкар қонин ибосиз ҳар киши ногаҳ муқобилдур,  
Саманди ноза мингач илгида шамшири истиғно.

Ниқобин гўшасидин гул юзи андак намоёнду,  
Тамошодин кўзум булбул каби сармасту нолондур,  
На ҳусну не латофатдур, халойиқ барча ҳайрондур,  
На мушкин жокил эрмиш, турраси ҳарён паришондур,  
Муаттардур ҳама гўё тудошиб анбари соро.

Жаҳона тушти шўриш кечалар чеккан фиғонимдин,  
Валекин ул пари огаҳ эмас сўзи ниҳонимдин,  
Мени ажзу ниёзим шул эрур ороми жонимдин,  
Демаским ҳеч нишон борму бу расвойи жаҳонимдин,  
Куюб кул бўлса ошиқ айламас бир зарра ҳам парво.

Чунон афсурда бўлди жисми зорим таъна тошидин,  
Етиб сўзиш дили жонимға ҳам бағрим харошидин,  
Жаҳон дарё бўлуб оқти ики кўзимни ёшидин,  
Ичурди шум фалак, во ҳасрато, оғулик ошидин,  
Фано бўлдум, йўқ ўлдум ушбу оламдин мени расво.

Фалак бедодгар бошимга солди бўйла савдони,  
Бало янглиғ мусаллат айлади кўб шўру ғавғони,  
Қаёндин ошно қилди манга ул шўхи раённи,  
Ситамгар, пур жафо, ношно бир моҳи анқони,  
Солибдур зулмидин мискин кўнгулга горату яғмо.

Фалак бахти қаро ҳасратда умримни адо қилди,  
Гирифтори фироқ айлаб бу ғамга мубтало қилди,  
Қилиб бедодгарликлар нигоримдин жудо қилди,  
Ул ойни ҳажрига ташлаб бўриларга ошно қилди,  
Нечук ҳасрат, нечук кулфат менинг бошимдадур пайдо.

Фалакдин шиква айлаб доду фарёд айласам камдур,  
Юракта хуни ҳасрат тўлдию ики кўзим намдур,  
Ки мен мундоғ уқубатда, рақибим шоду хуррамдур,  
Рафиқим дарду ёрим меҳнату андуҳ ҳамдамдур,  
Кишим йўқ сўрғудек афтодаман фарёду вовайло.

Фалак кажравлиғидин жоми айшим ерга яксондур,  
Ютуб хуноби ҳижрон таҳ-батаҳ бағрим тўла қондур,  
Парилар зулфи янглиғ хотирим доим паришондур,  
Кеча ул ой фироқида ишим фарёду афғондур,  
Не қоҳиш тушмаган бўлса ғариби хаста жонимго.

Фалак, тоқинг бузулсун, кўб балоларга дучор эттинг.  
Биров ишқида онжақ нотавону дилфигор эттинг,  
Қулоқ солмай фигонимга мени кўб бемадор эттинг,  
На қилсанг қилғил эмди, ҳаддин оша интизор эттинг,  
Турарга қолмади тоқат кўнгул ҳам волау шайдо.

Фалак, ҳасрат била охир айирдинг сан нигоримдин,  
Кўнгул мулкини соҳиб давлати ул шаҳсуворимдин,  
Кўзим оқи қаро бўлди қароғлаб интизоримдин,  
Бу қайғудин агар ўлсам унар лола мазоримдин,  
Кўрарсиз доғи ҳижрон бўлғуси ул лоладин пайдо.

Кўрар кун борму, ёраб, қайтадин ул моҳ талъатни,  
Ани олдида йиғлаб бир-бир айтсам дарду ҳасратни,  
Неча кун водийи ҳижронда чеккан ранжу меҳнатни,  
Сўрарму ҳеч ким афтода бўлган зор Фурқатни,  
Биров ишқида расволиғда ўлган борму деб мундо.

[ҲИНАБУТУЛАР]

Эй кўнгул, ҳушёр бўл, бу кеча ёр ўйнабтулар,  
Қоши ё, кифрик синон, кўзи хумор ўйнабтулар,  
Зулфи чин-чин, маҳ жабин, зебо нигор ўйнабтулар,  
Аҳли мажлисдин олиб сабру қарор ўйнабтулар,  
Ўзгача рафтор ила мастонавор ўйнабтулар.

Гўйё келмиш эрамнинг боғидин зебо пари,  
Ё магар Қашмирдин маҳбубаи афсунгари,  
Шоҳи тўн, гулбарра кўйлак, гирд берди меъжари,  
Бу назокат бирла ул маҳбубларнинг сарвари,  
Шўхлиғидин усруку беихтиёр ўйнабтулар.

Ёраб, ул ой бирла бўлди бу кечаким бода нўш,  
Ҳар замон майхона соридин келур жўшу хурўш,  
Қолмади сабру сукун кўнглумда ҳам бошимда ҳуш,  
Лаҳза-лаҳза ун чекарман бўлғамен гоҳи хамуш,  
Анда мандек хастадин айлаб гузор ўйнабтулар.

Бода тобидин қизортиб ул юзи гулфомни,  
Еткурур ҳар дам кўнгулга зулмдин пайғомни,  
Маст ўлуб ҳарён сурубди дурди май ошомни,  
Арбада ошиб ушотиб шиша бирла жомни,  
Ҳаддин оша маҳв ўлуб беихтиёр ўйнабтулар.

Масти бепарво бўлуб сайри гулистон айламиш,  
Ханда айлаб гунчаларни бағрини қон айламиш,  
Зулфини торин очиб сунбул паришон айламиш,  
Қумрини зор ингротиб, булбулни нолон айламиш,  
Мундаин ошуб ила ул гул узор ўйнабтулар.

Эл ичида ҳусн аро султонлигин машҳур этиб,  
Даргоҳиға беҳирад аҳлини, ваҳ, манзур этиб,  
Ишқида мендек гадони хастаи маҳжур этиб,  
Маҳзи истиғно учун бас ўзни элдин дур этиб,  
Азми саҳро айлабон майли шикор ўйнабулар.

Гоҳ-гоҳи юз очиб хайли балони қўзғатиб,  
Шўъбада оғоз этиб, гаҳ ғамза ўқини отиб,  
Мастликдин гоҳи ҳар ёна самандин ўйнатиб,  
Жонситон тиғини гоҳи қон тўкарга ўргатиб,  
Фурқатий, майдон аро чабуксувор ўйнабулар.







## МУСАДДАСЛАР

[САЙДИНГ ҚҰЯБЕР]

С айдинг қўябер сайёд, сайёра экан мандек,  
Ол домини бўйнидин, бечора экан мандек,  
Ўз ёрини топмасдаш овора экан мандек,  
Иқболи нигун, бахти ҳам қора экан мандек,  
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мандек,  
Куйган жигари-бағри садпора экан мандек.

Кес риштангники, қилсин чапаклар отиб жаста,  
Ҳажрида алам тортиб, бўлди жигари хаста,  
Тоғларға чиқиб бўлсун ёри била пайваста,  
Кел, қўйма бало доми бирла они по баста,  
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мандек,  
Куйган жигари-бағри садпора экан мандек.

Беш кун сени даврингда бечора хиром этсун,  
Оҳулар ила ўйнаб, айишини мудом этсун,  
Ёмғур суви тўлганда, тоғ лолани жом этсун,  
Ҳаққинга дуо айлаб, умрини тамом этсун,  
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мандек,  
Куйган жигари-бағри садпора экан мандек.

Саргашта бу водида бир бошига раҳм эткил,  
Йўқ тоқати бандингга, бардошига раҳм эткил,  
Йиғлаб сенга термулур, кўз ёшига раҳм эткил,  
Раҳм этмасанг ўзига, йўлдошига раҳм этгил,  
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мандек,  
Куйган жигари-бағри садпора экан мандек.

Тоғда очилиб лола, ер сабза баҳор ўлса,  
Охир бу нечук бедод, олам анга тор ўлса,  
Чиқмай деса жойидин — узлатда фигор ўлса,  
Гар чиқса баногоҳи — домига дучор ўлса,  
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мандек,  
Куйган жигари-бағри садпора экан мандек.

Бечорани зулм айлаб, қўл, бўйнини бағлабсен,  
Ҳар сори чекиб-судраб, ўлдурғали чоғлабсен,  
Кўксини жафо бирла лола каби доғлабсен,  
Сот манга, агар қасдинг олғучи, сўроғлабсен,  
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мандек,  
Куйган жигари-бағри садпора экан мандек.

Йўқ ҳуши, пари тежкан девонага ўхшайдур,  
Кўз ёши яна тўлган паймонага ўхшайдур,  
Ғам сели билан кўнгли вайронага ўхшайдур,  
Фурқатда бу Саъдулло ҳайронага ўхшайдур,  
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мандек,  
Куйган жигари-бағри садпора экан мандек.

[УЧ ХАРОБОТИЙ]

(Таржиъбанд — мусаддас)

Уч хароботий эрурмиз сокини майхонамиз,  
Хум бошидин чарх уруб монанди бир парвонамиз,  
Маст ўлубмиз жушиши майдин ажаб девонамиз,  
Холимиз дунё ғамидин, фориғи кошонамиз,  
Ёр бизнинг ёримиз, жонон бизинг жононимиз,  
Ушбу даврон бирла ўтсак, йўқ эрур армонимиз.

Уч аламқашмиз ҳамиша толиби жононамиз,  
Кўйиға бормоқдин аммо эл аро афсонамиз,  
Нашъае пайдо қилибмиз, ақлдин бегонамиз,  
На ҳароси домдурмиз, на асири донамиз,  
Ёр бизнинг ёримиз, жонон бизинг жононимиз,  
Ушбу даврон бирла ўтсак, йўқ эрур армонимиз.

Уч қаландармиз, Қаландархонада ҳамхонамиз  
Ҳасрат айлармиз негаким, рондаи ҳар хонамиз,  
Қайда қолди, водариғо, соғару паймонамиз,  
Дайр пирини ҳузуридин ажаб журмонамиз,  
Ёр бизнинг ёримиз, жонон бизинг жононимиз,  
Ушбу даврон бирла ўтсак, йўқ эрур армонимиз.

Уч биродармиз, келинг бирдам фароғат айлалук,  
Ё қаландарваш бўлуб олам саёҳат айлалук,  
Дайр пириға бориб ёким итоат айлалук,  
Ҳарна зулм этса агар сабру қаноат айлалук,  
Ёр бизнинг ёримиз, жонон бизинг жононимиз,  
Ушбу даврон бирла ўтсак, йўқ эрур армонимиз.

Уч мусофирмиз, келинг, бир-бир ҳикоят айталук,  
Ул рақиби дилсияҳлардин шикоят айталук,  
Хонақаҳ кунжиға бориб ёки тоат айталук,  
Ё бориб муғ дайри ичра истиқомат айталук,  
Ёр бизнинг ёримиз, жонон бизинг жононимиз,  
Ушбу даврон бирла ўтсак, йўқ эрур армонимиз.

Уч адоимиз, келинлар, нола оғоз айталук,  
Қайда кулфат аҳли бўлса ўзга дамсоз айталук,  
Боқмалук дунё юзиға, то анга ноз айталук,  
Эмди булбулдек ўшал сориға парвоз айталук,  
Ёр бизнинг ёримиз, жонон бизинг жононимиз,  
Ушбу даврон бирла ўтсак, йўқ эрур армонимиз.

Уч навоиймиз, келинлар, азми гулшан айлалди,  
Андалибға қўшулуб ул ерни маскан айлалди,  
Қуйдуруб гул шоҳу яфрағини гулхан айлалди,  
Чеҳл танни на этармиз, ўзни чортан айлалди,  
Ёр бизнинг ёримиз, жонон бизинг жононимиз,  
Ушбу даврон бирла ўтсак, йўқ эрур армонимиз.

Уч ғарибиймиз, келинг, сайри гулистон айлалди,  
Нола айлаб андалибни бағрини қон айлалди,  
Шиква айлаб сарву сунбулни паришон айлалди,  
Қумриларни мубталойи доғи ҳижрон айлалди,  
Ёр бизнинг ёримиз, жонон бизинг жононимиз,  
Ушбу даврон бирла ўтсак, йўқ эрур армонимиз.

Уч вафойимиз, келинлар, азми гулзор айлалди,  
Борғали ёр боғига ўзни сабукбор айлалди,  
Ёрни уйқусидин бир лаҳза бедор айлалди,  
Хоҳ беҳуд бўлалди, хоҳ ўзни ҳушёр айлалди,  
Ёр бизнинг ёримиз, жонон бизинг жононимиз,  
Ушбу даврон бирла ўтсак, йўқ эрур армонимиз.

Уч болоқашмиз, кўнгул ул маҳваши ҳушхўдадур,  
Кеча-кундуз ҳушимиз ул шўхи ширингўдадур,  
Борибон кўрдукки бистар устида уйқудадур,  
Бошиға келмиш табибу ёр боши зонудадур,  
Ёр бизнинг ёримиз, жонон бизинг жононимиз,  
Ушбу даврон бирла ўтсак, йўқ эрур армонимиз...

Уч харобати бориб кўрдукки ёр уйқудадур,  
Ранжиши жисми билан кўб ҳасрату қайғудадур,  
Бистари заъф узра ётибдур тани фарсудадур,  
Войким, аҳбоблар борғонимиз беҳудадур,  
Ёр бизнинг ёримиз, жонон бизинг жононимиз,  
Ушбу даврон бирла ўтсак, йўқ эрур армонимиз.

На учун келдинг ҳаримиға, аё нодон табиб,  
Бизлара ағёрдурсан, бедарак афғон, табиб,  
Бошидин турғил нари беҳудасан, ёлғон табиб,  
Оҳ тортармиз бўларсан ер била яксон, табиб,  
Ёр бизнинг ёримиз, жонон бизинг жононимиз,  
Ушбу даврон бирла ўтсак, йўқ эрур армонимиз.

На сабабдин ўлтурурсан ёр бошиға, табиб,  
Бир замон кўшиш этиб андоғ маошиға, табиб,  
Қўшма бул доруларингни ёрим ошиға, табиб,  
Оҳ бирла куйдурумиз келма қошиға, табиб,  
Ёр бизнинг ёримиз, жонон бизинг жононимиз,  
Ушбу даврон бирла ўтсак, йўқ эрур армонимиз.

На сабабдин бу кеча мунда келибсан, эй табиб,  
Ҳар тарафдин сўз қилурсан ҳамчунон, довий табиб,  
Бошидин турғил нари беҳуда, бемъани табиб;  
Фурқатийдин қил ҳазар албатта, эй жўги табиб,  
Ёр бизнинг ёримиз, жонон бизинг жононимиз,  
Ушбу даврон бирла ўтсак, йўқ эрур армонимиз.



## ИЛМ-МАЪРИФАТ ҲАҚИДА

Д

(илм хосияти)

Дейин сўз илмнинг хосиятидин,  
Баён айлаб анинг моҳиятидин,

Бу сўзни гўши бор одам эшитсун,  
Узида ҳуши бор одам эшитсун!

Кўпайди илм ила ҳикмат жаҳонда,  
Кўринг ўтган замондин бу замонда.

Скандарким, жаҳонга шоҳ эрди,  
Сипаҳ анжум, фалак хиргоҳ эрди.

Наким офоқ ародур баҳр ила бар,  
Ҳама ўлмиш эди унга мусаххар.

Юруб барча унинг ҳукми йўлиға,  
Низоми мамлакат олди қўлиға.

Анингким, лашқари оламға тўлди,  
Низоми забт ҳикмат бирла бўлди.

Бор эрди тўрт минг соҳиб заковат,  
Ҳамиша хизматида аҳли ҳикмат.

Алар ҳар қайсиси монанд Арасту,  
Хирадда балки Афлотунга қаршу.

Алар ичра эди лекин Фалотун,  
Жамии илму ҳикмат бирла афзун.

Қилиб бир неча ҳикмат ошкора,  
Ажалга қилғудек бўлди мадора.

Неча илму неча фан андин ижод,  
Улуб хосиятидин олам обод.

Скандар амри бирла ҳикмат ойин,  
Қилиб ойна андоғким жаҳонбин.

Жаҳонда хоҳ баҳру, хоҳ бардур,  
Ушал ойна ичра жилвагардур.

Агар қилса жаҳонбинлиқ таманно,  
Боқиб андин қилур эрди тамошо.

Кўрар эрди қилиб анга назора,  
Вале йўқ эрди сўзлашмакка чора.

Иложин аҳли ҳикмат қилмади ҳеч,  
Қилурди, лек илмин билмади ҳеч.

Эрур шаҳларга лозим давлатидин,  
Улур воқиф раият ҳолатидин.

Хабардор бўлса доим мамлакатдин,  
Бериб нома, олиб сўз ҳар жиҳатдин.

Йироқ ерларга ёзмак бўлса мактуб,  
Бориб келгунча ўтмишди замон кўп.

Қолиб шаҳлик иши таъхир андин,  
Бўлур эрди бaсе дилгир андин.

Зиҳи даврони фархунда нишони,  
Замон ўлди Урусия замони.

Тараққий қилди кундин-кунга давлат,  
Бўлуб қонун ила расми ҳукумат.

Топарға илмини айлаб жадаллар,  
Топиб, айлаб анинг бирла амаллар.

Бўлуб шул аср ҳикмат аҳли ҳадсиз,  
Фатонат аҳли, донишманд ададсиз.

Улumu фанда Афлотундин афзал,  
Камоли ақлу дониш бирла акмал.

Неча иш илм ила бунёд қилди,  
Хусусан телегром ижод қилди.

Ки бир соатда ул соҳиб ҳунарлар,  
Уч ойлик ердин олғайлар хабарлар.

Агар мағрибда бўлса кимса сокин,  
Ани билмак эрур бир кунда мумкин.

Низом ўлди сипоҳилик ишига,  
Етиб ҳам манфаатлар кўп кишига

Хусусан нархиға аҳли тижорат,  
Йироқ ердин берур анга башорат.

Масалким, Тошканддин олсалар мол,  
Билиш лозимки, Московда на минвол.

Юбориб ё бориб беҳбуд топса,  
Бу савдосида яъни суд топса.

Бўлурлар телегром ила хабардор,  
Билурлар нафъ ёинки зарар бор.

Бу ҳикмат Русиянинг давлатидин,  
Бўлубдур илмни хосиятидин.

Скандар давлатида аҳли Юнон,  
Фалотун ҳам Арасту бирла Луқмон.

Фунуни телегроми билмадилар,  
Магар илмини ҳосил қилмадилар.

Керак одамга қилгай илм ҳосил,  
Жаҳондин ўтмагай то маҳзи жоҳил.

Жаҳон басту кушоди илм бирла  
Надур дилнинг муроди илм бирла.

Кўнгулларни сурури илмдандур,  
Кўрар кўзларни нури илмдандур.

Керак ҳар илмдин бўлмак хабардор,  
Бўлур ҳар қайси ўз вақтида даржор.

Дариғо, Фурқатий, беилм қолдим,  
Ўзимни жаҳл зиндониға солдим.



[гимназия]

Қилиб таклиф бир зоти кироми,  
Кириб гимназия кўрдик тамоми.

Дема, гимназияким, бир гулистон,  
Эрур ҳар ёна гулчинлар хироми.

Жаҳон илми гулининг накҳатидин,  
Муаттар анда ўғлонлар машоми,

Ки таҳсили улуму фан қилурга,  
Кўп ўлса шоб саъю эҳтимоми.

Биринчи дарсхона илми юнон,  
Иккинчида ўқур лотин каломи.

Учинчи Русия қонуни-илмий,  
Ўқурлар ихтиому иътисоми.

Олиб тўртинчида таълими немис,  
Ўқур бир жамият анда мудоми.

Яна ўхшаш анга кўп дарсхона,  
Фаромуш ўлди кўнглимдин асоми.

Маҳаллийким ўлур ўн икки соат,  
Расад-ла тўп отиб куннинг қиёми.

Чиқарлар барча ўғлонлар ошорға,  
Эрур тайёр ул ерда таоми.

Мударрислар ягона илму фанда,  
Этар мансух Афлотунни номи.

Дақойиқ арсаида барқ паймо,  
Борисин тавсани фикри хироми.

Алар илмидин ижод ўлса тонг йўқ,  
Скандар кўзгуси, Жамшид жоми.

Кириб алқисса ҳикматхона ичра,  
Ҳама илмини кўрдик телегроми.

Биллури софдин бир чарх кўрдик,  
Чиқор айланса мисдин барқ фоми.

Тамошодин хирад кўзи қамашур,  
Ҳама ашъйи ҳикмат издиҳоми.

Тилидин сойри асбоби ҳикмат,  
Эшитмак мумкин Афлотун паёми.

Қолиб ҳайратда қилдуқ офаринлар,  
Бўлур мундоғ шаҳларни низоми.

Эсизким бизни(нг) ўтмуш хону беклар,  
Кечиб ишратда зойиъ субҳ-шоми.

Кетурмай ёнига бир аҳли дониш  
Ўзига хос этиб неча авоми.

Чу илму фазл элини тутмадилар,  
Қилибон тарбиятда ихтироми.

Халал етгач қачон давлатларига,  
Қилур торож молин ўз ғуломи.

Чу илм аҳлиға парво қилса эрди,  
Бўлур эрдимуди давлатга ҳоми.

Далили равшан ушбудурки дермиз,  
Ҳукумат қушға ўхшар, илм доми.

Бас эмди ўлмасун воқиб малолат,  
Агар кўпдур қилай сўз ихититоми.

Улуб гулчини ибрат Фурқатининг  
Бу гулшан сайрида шод ўлди коми.

[ВИСТАВКА ХУСУСИДА]

Мингу саккиз юзу тўқсон эди йил,  
Иккинчи сентябрь оyi яна бил.

Қириб виставкани қилдиқ тамошо,  
Ҳама ашё экан анда муҳайё.

Ажаб боғики, руҳ афзо ҳавоси,  
Эрам рашки насими жон физоси.

Оқиб ҳар соридин оби равонлар,  
Эди андоғким ул жисм ичра жонлар.

Муаттар боғ саҳни очилиб гул,  
Тамошобинлар эрди анда булбул.

Иморатлар ҳама зебою олий,  
Десам бўлгай жаҳонда йўқ мисоли.

Мунингдек хуш ҳаво, хуш тарҳ боғи,  
Кими кўрмас қолур кўксиди доғи.

Қаю шаҳридаким бўлса ҳунарманд,  
Ҳама келди, йироқ эрди агарчанд.

Жаҳонда кўрмаган асбоблардин,  
Ажойиб нодиру ноёблардин.

Самарқанду Бухородин матон,  
Кетурдилар ҳама ўз ихтирон.

Ҳама ўз ихтиёри бирла келди,  
Бу ерда нафъ кўрмоғини билди.

Бу нафъиким бўлур кўп ерга машҳур,  
Некўлиғ васф ила ҳар тилда мазкур.

Газетлар ичра бўлғач номи марқум,  
Улуғлар ичра бўлғай боз маълум.

Ҳунарким васф бўлса ҳар забонда  
Қилур кўп қадрлар пайдо жаҳонда.

Ҳунарварға етар кўп нафъ андин,  
Бўлур сўнгра мақоми рафъ андин.

Келиб анда ҳунар комил қилурлар,  
Кўруб кўб илми ҳосил қилурлар.

Нечунким мунда мустаҳсан ҳунар кўп,  
Ҳунар ойинида диққат асар кўп.

Кимиким бўлса донишманд, оқил,  
Ўла илму ҳунарға кўнгли мойил.

Қилур кўп илми ҳосил, кўрубон,  
Қириб оҳиста-оҳиста юрубон.

Ипак мошинаси бирла тегирмон,  
Кўр, анда айлади оламни ҳайрон.

Яна мошинаи оташ ароба,  
Турур ҳикмат тилисмооти масоба.

Ўн икки оғзи бор мошиналик тўп,  
Ажойиб тўп яна андин бўлак кўп.

Ажаб буким яна бир занг кўрдук,  
Бир одамдин анинг вазнини сўрдук.

Деди: «пут беш юз олтмиш бирдур они  
Зиёд ўн беш қадоқ вазни гарони.

Садоси неча чақрим ерға кетгай,  
Йироқ андин кишилар ҳам эшитгай.

Яна нажжор ишин осон қилурға,  
Бўлуб мошиналар тахта тилурға.

Бир одамдин бўлак одам керакмас,  
Тилурға арра усто ҳам керакмас.

Тилур кўб тахталарни соат ўтмай,  
Нечук соат дейинким фурсат ўтмай.

Мусулмон айлаган мошиналар ҳам,  
Бор эрди гарчи кўп, йўқдур агар кам.

Чиқиб дегрезлар асбоби бирла,  
Қуюб чўян қозонлар тоби бирла.

Эл ичра ўзларин манзур қилди,  
Баҳар ҳоли ҳунар машҳур қилди.

Яна мундин бўлак соҳиб ҳунарлар,  
Тариқи илму фандин бохабарлар.

Келиб виставка ичра бўлдилар жамъ,  
Бўлуб ҳар қайси гўё жамъ аро шамъ.

Қилибон ихтирои шайлар аммо,  
Шабиҳи йўқ эди бир-бирга асло.

Кўруб русиялар: аҳсан дедилар,  
Мусулмондин ажаб бир фан дедилар.

НАҒМА ВА НАҒМАГАР ВА АНИНГ АСБОБИ  
ВА УЛ НАҒМА ТАЪСИРИ ХУСУСИДА

Хирад гўшин қилинг, аҳбоблар, боз  
Қилур килким найи бир нағма оғоз.

Етуруб бир паёми нома сизга,  
Баён айлай мақоми — нағма сизга.

На ерда нағмалик бўлса тамошо  
Қилур манзума бирла они ифшо.

Тамошоларки, аввал неча ёздим,  
Газет бирла ани сизга чиқоздим.

Хусус икки тамошо аввал-охир,  
Бири нағма, бири эрди театр.

Яна неча тамошоларни этдим,  
Ажойиб нағмаларни кўп эшитдим.

Экандур нағмаи Русия дигар,  
Ани асбоби ҳам ғайри мукаррар.

Муғанний айласа гар нағма оғоз,  
Чиқар ҳар қайсидин бир бошқа овоз.

Эшитмоққа ҳама хомуш ўлурлар,  
Басе лаззат топиб беҳуш ўлурлар...

Муғанний нағма бирлан қилу қолин,  
Хусусан билдурур ҳар навъ ҳолин.

Бирор одам агар ғамбода бўлса,  
Ва ё ғам қайдидин озода бўлса...

Ва ё бад толиидин бўлса ғамнок,  
Ва ё иқболи пастидин аламнок.

Ва ё ўлса дилида шўри мотам,  
Бўлуб ул шўр ила ранжури мотам.

Ва ёким анда бўлса шодмонлиқ,  
Фалак даврида топиб комронлиқ...

Дилида ҳамма сўз ўлса ниҳони,  
Дегай нағма забони бирла они.

Эшитганлар ани ҳолин билурлар,  
Бағоят нашъалар ҳосил қилурлар.

Ўзимга тушди бир кун ушбу аҳвол,  
Бор экан нағма они оти роёль.

Эшитдим бир қиз анда баҳри ҳожот,  
Қилур нағма тили бирла муножот.

Ҳазин овоз ила йиғлаб худоға:  
«Карам қил, — дер, мани бағри адоға».

Мақомини қилур ҳар навъ бунёд,  
Гаҳи қаттиқ фиғон, гаҳ нарму фарёд.

Гаҳи найдек чекар оҳиста нола,  
Кетурур гаҳ наво машқин хаёла.

Манга ул нағма андоқ қилди таъсир,  
Жигардин ўтди гўё тезпар тийр.

Ушал дам бўлди ҳолотим дигар гун,  
Тўлуб тошти юрак монанди Жайҳун.

Кўнгул эрди агарчи санги хора,  
Эриб кўздин сиришк урди фавора.

Менга муставли ўлди гиря ул дам,  
Гурибоғи ўлди кўз ёшим била нам.



Мен анда билдим ул кўнгулни ҳолин,  
Ғаму шодию уммиди маолин.

Тилар кўнглум тағи ул ерга етсам,  
Ўшал қизнинг муножотин эшитсам.

Етиб ул нағмадин жонимға роҳат,  
Замони ўлтуруб топсам фароғат,

Ки онинг нағмаси жисмимда жондек  
Юрур таъсири ҳам рағ ичра қондек. . .

## СУВОРОВ ҲАҚИДА

*Ушбу 1890 йилда 5 октябрда Тошканд шаҳридаги театр иморатида  
бўлган ўйин хусусида*

Муғанний, нағмани кел айлаб юғоз,  
Уруш оҳангида қил пардасин соз.

Театр базмини обод қилғил,  
Тамошо аҳли кўнглин шод қилғил.

Суворовга муқаллид бир тамошо,  
Эрур бошдан-аёғи ҳайрат афзо.

На ишким қилди ул ўтган замонда,  
Анга бўлди муқаллид бул маконда.

Суворовким; эмиш бир катта одам,  
Баҳодирлиқ била машҳури олам.

Эмиш Русияга сардори лашкар,  
Юруб амри била бисёр аскар.

Сипоҳилик ишига моҳир эркан,  
Кўп ишлар доғи андин зоҳир эркан.

Ўтуб чун даври хотун подшони,  
Ўтурди тахт узра ўғли они.

Зухур этди яна янги закунлар,  
Неча турлик русум ила фунунлар.

Суворовга бу иш манзур бўлмай,  
Низоми тозадин масрур бўлмай,

Таарруз айлади бир неча изҳор,  
Добонким: бу нечук сўздур, нечук кор?

Бу сўз масмуи ўлғач подшони,  
Ҳақиқат айлади бу можарони.

Суворовни олиб ўзига бир кун  
Дедиким: «Нав законлар бирла қонун

Санга маъқул эмас бўлса, ўзунг бил,  
Кетиб бундин бўлак ишни топиб қил!»

Сипоҳилик Суворов тарқ этди,  
Бор эрди ўзи қишлоғига кетди.

Бориб деҳқончиликни қилди анда,  
Тириклик айлади монанди банда.

Йиғиб ёш болаларни баъзи авқот,  
Яғоч милтиқ бериб айларди саллот.

Аларга ўзини сар аскар айлаб,  
Қилич чўпдан ўзига дарбар айлаб.

Бериб машқин низом ила юрушни,  
Туруб милтиқ отарни ҳам урушни.

На иш бўлса ва лекин ҳар қаёнда,  
Билур эрди турубон ул маконда.

Юрар эрди бўлуб бир расми одам,  
Ўшал қишлоқ халқи бирла боҳам.

Чиқиб ул вақтда бир паҳлавони,  
Жаҳонга номи шуҳрат топди они.

Фаранги эрди, аммо они зоти,  
Баҳодир эрди кўп, Наполеон оти...

Бориб кўп мамлакатга жанг қилди,  
Тамоми Европани танг қилди.

Қилиб ваҳм Австрия подшоҳи,  
Наполеонни қилурга садди роҳи.

Езиб Русиянинг шоҳига нома,  
Етиб бу тарз нома ихтитома.

Езиб ул нома ичра бўлса на ҳол,  
Ақидатлиқ кишидин қилди ирсол.

Замон саъд эрдию овони марғуб,  
Етишди Русия шоҳиға мактуб.

Ўқуди Рум шаҳининг номасини,  
Наполеон айлаган ҳангамасини.

Битибдур: «Эй улуснинг подшоҳи,  
Забунлар ҳомиси ҳам муттакоси,

Чиқибдур бир Фарангии забардаст,  
Иш анга ҳар тарафда жанг пайваст.

Агарчи подшоҳ эрмас ул одам,  
Ва лекин подшолардин эмас кам.

Анингдек паҳлавон йўқ бу арода,  
Уруш бобида Рустамдин зиёда.

Келур кўп жанг ила найранг андин,  
Италия, балки бизлар танг андин.

Таваққуъ ушбудур, эй шоҳ, сизга,  
Суворовни юборинг эмди бизга.

Берайлик иккимиз ҳам анга лашкар,  
Бўлуб жанг айласин сардори аскар.»

Бу хат мазмунидин чун бўлди огоҳ,  
Қабул этди наким ёзмиш эди шоҳ.

Суворовға навозишнома ёзди,  
Фаму андуҳдин они чиқозди.

Қўйиб қўл, айлаб ул хатга нишона,  
Ўз адъютантидин қилди равона.

Юрубон ул Суворовға етишди,  
Мулоқи ўлди, маъвосиға тушди.

Деди: «Мен шоҳдин келган мулозим,  
Мулозимлиғни этган ўзга лозим.

Навозишнома берди шоҳ сизга,  
Ҳама ёзмишлари дилхоҳ сизга.»

Суворов айди: «Мен бечора одам,  
Манга деҳқончилик кори мусаллам.

Ушал айғон Суворов ман эмасман,  
Қилинг бовар буни, ёлғон демасман,

Қила билмас сипоҳилик ишини,  
На қилсин ман каби қарри кишини.»

Деди қосидки: «Йўқ, йўқ, сизга мактуб.  
Ёзилган сўз тамоми сизга мансуб.»

Қилиб бу тарзда ҳангома охир,  
Суворов қўлга олди нома охир.

Эрур туғроси мазмуни навозиш,  
Саропо лутф ила топган тарозиш.

Ўқуб анда Суворов шод бўлди,  
Бузулғон хотири обод бўлди...

Бўлуб Русияга сардори лашкар,  
Бериб Австрия шоҳи аскар.

Қилиб саёю тараддуд ҳадал-имкон,  
Равона бўлди андин шаҳри Милон.

Фарангилар била жанг айламакка,  
Алар аҳволини танг айламакка.

Қўшулуб руси бирла руми сарбоз,  
Етиб Милонға, қилди жанг оғоз.

Урушдилар фаранги бирла чандон,  
Қим они йўқ баён этмакка имкон.

Фаранги тоқат этмай, қочди охир,  
Қора тупроқ бошиға сочди охир,

Бўлуб холи алардин шаҳри, Милон,  
Халойиқ бўлдилар кўп шоду хандон.

Қириб Милонни лашкаргоҳ қилди,  
Улуғларни ҳама огоҳ қилди.

Бор эрди анда бир шўхи дилором,  
Эди Маркиза Нипули анга ном.

Эди ул шаҳр аро беклар каби ул,  
Ҳама бекларни балким матлаби ул

Тулар эрди ўзининг масканида,  
Ақиқу лаъл гўё маъданида.

Хабар келди Суворов мунда келгай,  
Келиб суҳбат дами сиз бирла қилгай.

Етиб Маркиза Нипулига бу сўз,  
Тутар эрди Суворов йўлида кўз.

Ишониб, гоҳ ишонмай турди анда,  
Ким онинг келиши деб бизга қанда.

«Суворов келди-келди!» деб ўшал дам,  
Хабар берди югуруб неча одам.

Суворов ҳам етиб келди ўшал ҳол,  
Бировни айлабон ўзига тимсол.

Бўлак одам миниб олтин ароба,  
Бўлуб афти Суворовга масоба.

Суворов бир неча одам арода,  
Юруб келди ўшал ерға пиёда.

Туруб Маркиза Нипули кўрушди,  
Саломатлик сўраб бир дам турушди.

Қилиб хурсандлиқ изҳорлиғлар,  
Яна изҳори миннатдорлиғлар.

Бўлуб бир неча соат анда дамсоз,  
Муҳаббат қилдилар бир-бирга оғоз.

Тутуб Маркиза Нипул ошнолиғ,  
Суворовга қилиб ширин адолиғ

Дедиким: «Келдингиз ушбу арода,  
Ароба узра ўлтурмай пиёда.

Бўлак одамни айлаб ўзингиздек,  
Юзи онинг биайних юзингиздек.

Ароба узра они ўтқузубон,  
Суворов деб ҳамага кўргузубон.

Анга таъзим қилди барча одам,  
Тутушди доғи билмасдин мукаррам.»

Бу аснода келибон тўрт хотун,  
Суворовни ароға олдилар чун.

Ўз айтиб ҳар бириси ҳар саридин,  
Қутулдик, деб фаранги лашкаридин.

Қилишиб анда миннатдорлиғлар,  
Дебонким: «Қилдингиз ғамхорлиғлар.»

Суворовни ҳама олди ароға,  
Қулоғи бўлди кар бу можароға.

Кулуб Маркиза Нипули йироғдин,  
Тамошо айлабон турди қироғдин.

Магар ичкаридин бўлдимү имо,  
Турушиб кетди хотунлар ҳамоно.

Суворов чун ўзин ичкари олди,  
Ароға «кантрак!» деб парда солди.

Бурунғидин наким марқум этарлар,  
Замона аҳлиға маълум этарлар.





## МАКТУБЛАР

# Ш

[МУҚИМИЙГА ХАТ]

Укрким Хўқанд аро соғу саломат борман,  
Давлату хурсандлиғлар бирла бархурдорман.

Ёзиб эркансиз яқинда Мулла Аҳмаджонга хат,  
Нечадин сўнг, хайрият, хат охирида борман.

Уқугач ҳар нуқтасидан топди кўнглум минг сурур,  
Бош фалакка еттию жон бирла миннатдорман.

Сўрсангиз кайфияту ҳолот агар баъдаз паём,  
Ушбу кун ҳавлидаман, Симдин келиб бекорман.

Муддати бир ой эрурким мунда Маҳдумхон била,  
Кеча-кундуз ҳамдаму ҳамроҳу ҳамрафторман.

Нотавон наргислариға кечалар айлаб нигоҳ,  
Соғлиқ йўқдур танимда ҳар куни беморман.

Базмға тоқат қилолмай гоҳ ташқори чиқиб,  
Нолау афгон чекиб монанди мусиқорман...

Янги Қўрғонда бориб, гоҳ шаҳрда турдим келиб,  
Ҳар кун айдим айланай қишлоқдин безорман.

Сўзлашурга бир дуруст одам йўқу, ҳам гармдур,  
Мундайин ерда туролмасман юроги торман.

Марҳамат айлаб дедилар: неча ой турди Муқим —  
Демади бир йўлки ман марди табиатдорман.



Боз айдим: ул киши аз сидқи дил ошиқ эди,  
Тоқатим йўқдур мени, мен оғзаки хушторман.

Бу тариқа гуфт-гўйи ҳазл бирла оқибат  
Шаҳрға келдим олиб қўймасдин охир корман.

Мен учун хат қилсангиз айтинг дедилар кўп дуо,  
Шул сабабдин мунча сўз қилдим сиза изҳор ман

Фурқатий, васлиға етгач ул пари рухсоранинг,  
Шукрлиллоҳқим, ҳамиша маҳрами асрор ман.

[Муқимийга хат]

Салом, эй менга ёру ошнолар,  
Қадрдонлар, замири пурзиёлар.

Муқийму, Ҳожи Муҳйиддин, Завқий,  
Муҳаййир — барча закию расолар.

Фасоҳат гулшанида мисли булбул,  
Сухансанжу зиҳи нағмасаролар.

Биҳамдиллоҳки, мандин сўрсангуз ҳол,  
Юрубдурман қилиб завқу сафолар.

Саломатдур таним, хурсанд вақтим,  
Худованд айлади беҳад атолар.

Фалакнинг давридин комим раводур,  
Агарчи эл кўрар андин жафолар...

Ризоман Тошканд одамларидин,  
Сўрар ҳолим фақиру ағниёлар.

Мақомим мадраса Шайхантаҳурда,  
Эрур улфат неча мазмун адолар.

Ўқурмиз беш киши «Шарҳи Виқоя»,  
Муҳайё неча яхши домлолар.

<sup>1</sup> Янги топилган.

Газетхона ишиға бўлса пешин,  
Борарман ҳар кун, гаҳ кун аролар.

Салом иблогидин сўнгра, Муқимо,  
Мени сўрағонлара айтинг дуолар.

Ёзинг аҳволингиздин бир рақима,  
Будур сиздин умиду илтижолар.

Сўз ўлди мухтасар, зиқ эрди фурсат,  
Кўп эрди йўқса, Фурқат муддаолар.

[БҮМБАЙДАН ХАТ]

Ассалом, эй аҳли ҳуш аҳбобу дўсту ёрлар,  
Ҳамнафас, содиқ биродорлар, неку атворлар.

Шоирӣ хушгўйлар, мунишийи чобуждастлар,  
Порсолар, шайхлар, хожаню хуш кирдорлар.

Ҳофизи хуш лаҳжалар, танбурилар, сантурилар,  
Нолачи машшоқлар, нохунда мусиқорлар.

Соғ борсизму, қалайсизлар, саломатлармусиз  
Молу жон борму амон, эй яхшилар, ҳушёрлар.

Айласа тангри муяссар, бор эса нону насиб  
Кўришурмиз, охири бир кун бориб, дийдорлар.

Қайда бўлсам доим айларман дуойи жонлар,  
Бўлғосиз, ёраб, жаҳон боғида борхурдорлар.

Умрингиз наққи жаҳон боғида бўлсун сабзалар,  
Давлату иқбол ўлубон анга баргу борлар.

Мен тарафдин сўрсангиз кайфияти ҳолот агар  
Қолмасин махфий кўнгулда айлаин изҳорлар.

Икки ойдурким келибон Маккадин Бўмбайдаман  
Шодмен, алҳамдулиллоҳ, кўрмадим озорлар.

Ҳинд аро гулхан нишинларни кули муқил ўлуб,  
Қолмади асло кўнгул кўзгусида зангорлар.

Ер юзида кўрмадим Бўмбай жаби шаҳри азим,  
Гарчи кездим Миср ила Истанбулу Булғорлар.

Расталардур беадад, ҳар растада минг-минг дўкон,  
Олди-сотди хўб бажо, равнақдадур бозорлар.

Олти-етти ошён олий иморатлар бино,  
Сабзалик ерлар, чаманлар, боғлар, гулзорлар.

Ҳар тараф банголалар солмиш кира қўймоқ учун  
Деб савобу ҳам тижорат пухта дунёдорлар.

Етмиш икки фирқадин бу шаҳрда мавжуд экан,  
Бир-бири бирла аролаш муслиму фузжорлар. . .

Ҳар куни бу шаҳрни сайр айламак бўлди ишим,  
Роҳбар айлаб кўрунса одами бекорлар.

Ноғихон бир боғ аро тушти гузорим бир куни,  
Ким эрам боғи ҳавосидин берур осорлар.

Номи онинг «Боғи раъно» вусъатидур минг таноб,  
Айламиш тарҳин муҳандислар чекиб паргорлар.

Сабзалар сероб, шабнамдин, ҳаводин тоза рўй,  
Топибон рангу тароват ҳам гули бехорлар.

Сарву гулда қумрининг ҳухуси, булбул чаҳчаси,  
Айлади кўксумни чоку, кўнглуми афгорлар.

Ҳар тараф гуллар аросида хирмон шўхлар,  
Сарв қадлар, гулжабинлар наргиси хумморлар.

Гулбаданлар айлашиб наргис кўздин ихтироз,  
Ғунчадин бўйиға осмишлар қизил тумморлар.

Шўхлар, таннозлар, зебо фарангизодалар,  
Ҳар тарафга кўргузурлар шеваи рафторлар.

Бир тарафда бир иморатким, ажойибхонадур,  
Ерлари тошу мунаққаш айлаган деворлар.

Мўрдин фили дамону пашшадин анқоғача,  
Анда бор оламда ўлса ҳар қадар жондорлар.

Етти иқлим одами тасвирини ўз рангида  
Тошдин этмишлар бино устоди жодугорлар.

Ҳар вилоят мевасию, гулларию, донаси,  
Мевадору мевасиз, ширину талх ашжорлар.

Собиқ ўтган подшоҳлар ҳарбаи олоти ҳам  
Ханжару, тийру, туфангу, найзау, талворлар.

Онча доруларки, ҳикмат аҳли қилмишлар китоб,  
Зарфларда жумла ўз номи била тайёрлар.

Ер юзида қанча маъдан бўлса они кашф этиб,  
Анда келтирмишлар онча санги жавҳардорлар.

Бир балиқ узмо узунким, юз йигирма олти гом,  
Улчадим катта қадам айлаб, ўзим рафторлар.

Андаги мавжуд ашёларни айлай мухтасар,  
Айласам гунжойиш этмас юз варақ гуфторлар.

Эй мени ғурбат аро маҳзун дилимни овлаган,  
Одамият пеша соҳиб жуду мардумдорлар.

Шодман сизлардину, ўлгунча миннатдорман,  
Поси хотир тутдингиз шафқат қилиб бисёрлар.

Соғиниб дийдорингизлар бир-бир айтарман салом,  
Келса-кетса Макка сори тоифи завворлар.

Бу вилоятлар мақоми бошқадур, эмди қани —  
Суҳбатингизларда душанба ғижжаку сеторлар.

Айлар эрди гоҳ Фарзинхон «Сувора» машқини  
Яхши савт ила Фузулийдин ўқуб ашъорлар.

Фурқатий, Бўмбайдин этдим эмди Ҳиндустонга азм,  
Пардаи қисматда не юз кўрсатур асрорлар.

[ЕРКАНД ШАҲРИДАН ТОШБОЛТУГА ХАТ]

Тилар эрдим саҳар тавфи чаман эсган саболардин,  
Саломим еткуруб келтур хабар деб ошнолардин.

Деди ул дам сабо, эй ҳажру ғурбатға асир ўлгон,  
Вафо уммидини узгил алардек бевафолардин.

Санга бўлгон қадимий дўстлар авзон дигардур,  
Мизожи мухталифдур элни тағйири ҳаволардин.

Дедим: «яхши насиҳат айладинг, эй носихи мушфиқ,  
Қулоғим ҳуққаси тўлди дури қиймат баҳолардин.»

Келиб бу шаҳрга кўп ою йиллар ўтди дарвоқеъ,  
На келди ошнодин хат, на хешу ақраболардин.

Сабаб шул эрдиким, тарки китобат айладим бил-кул,  
Валекин қўймадим холи саҳаргоҳи дуолардин.

Ватаннинг иштиёқин тортарам ғурбат ғами бирлан,  
Туруб эрдим қутулмай гуссау ранжу анолардин.

Баногоҳ келди шавқ омизлиғ манзума мактубинг,  
Ишорат айлаган зимнида ҳар хил муддаолардин.

Ўқуб ул дам они бўлди оқаргон кўзларим равшан,  
Сиеҳига эзиб эрдинг магарким тўтиёлардин.

Муқимий, Нисбатий ўлди, демишсан, ўлса ўлмишдур,  
Малул бўлма, жаҳон холи қолурми ҳеч расолардин.

Демишсан, Муҳйию Завқий саломат, шукр хуш бўлдим.  
Худо қилғой саломат асрабон ҳар хил балолардин.

Муқимий, Нисбатийни[нг] нисбатини ман санга бердим.  
Алардек бўлма, лекин ўзни тўхтатгил ҳижолардин.

Укомиз Эрмуҳаммад Сим аро тилмоч бўлуб эрмиш,  
Ёмон кўздин худо маҳфуз қилғой ҳам қазолардин.

Мени ёд айлаганларға етургайсан саломимни,  
Фаромуш айламай бизни фақиру ағниёлардин.

Мани ҳолимни сўрсанг Ерканд шаҳрида сокинман,  
Биҳамдиллоҳ бўлуб мамнун ҳама завқу сафолардин.

Хўтан охуларидек онча саргардон бўлубдурман,  
Сочи мушки Хито рашки хаёли дилраболардин.

Баҳор айёми саҳролар фазоси боғ ўлур гўё,  
Фароғатлар етар дилға ҳавойи жон физолардин.

Менга мунда муқим ўлмоқ худо тақдири ўлмишдур,  
Эмасдур бандалик дам урмагим, «Чуну чаро»лардин.

Худо бермиш ики фарзанд Нозимжону Ҳокимжон,  
Қачон бўлғай кўнгул узмоққа бу кўзи қаролардин.

Бўлур келган киши ўз рағбату туби била масхур,  
Тилисмидур бу шаҳри жумлаи ҳайрат физолардин.

Борурман гар қутулсам бул тилисми ҳайрат афзодин,  
Етиб имдод ҳолимға жамии муддаолардин.

Вагарна қиблагоҳимнинг мулоқотига шойиқмен,  
Вале бордур гила андак амак бирла тағолардин.

Яна Мирзо Шариф аҳволидин ҳам ёзмиш эркансан,  
Етиб, хурсанд бўлдум бу навиди дилкушолардин.

Вале тарки китобат айлади бир неча муддатдур,  
Менидек доғи ғурбатға асиру мубталолардин.

Забоним бовужуди мадҳ авсофиға нотикдур,  
Мени кўп баҳраманл этган эли базлу атолардин



Тирикму жахмуреш Ҳожи Асомиддин деган анда?  
Қутулган юз балойи ногихону можаролардин.

Етургил Холмуҳаммад Ҳожининг анга саломини,  
Сўрайдур қавму хешу ошною рўшнолардин.

Деюрким бир тароғ айлар эдим савғоти Ҳожимга,  
Агар чиқса эди бир кўса қосид бу аролардин.

Мулоқот орзу айлаб саломатлиғ сўрайдурман  
Жаноби Ҳожи домло бирла Қарши домлолардин.

Қилурман дўстлиғдин бир насиҳат санга, Тошболту,  
Бўлурсан гар қабул этсанг ани аҳли сафолардин.

Расолиғ орзу айлаб камола гар етай дерсан,  
Таарруз айлама ҳам шиква қилма норасолардин.

Агар нафсоният таркини қилсанг бу кифоятдур,  
Келай мақсадға эмди: бор эдинг табъи расолардин.

Олиб ёдиға, сўрмас кимса Зокиржон Фурқатни,  
Агарчи айтадур доим дуо боди саболардин.





## ҒАЗАЛҲОИ ТОҶИКИИ

[БЕЧИЗ НЕСТ]

Кўҳканро теша чун аз оби ғайрат тез нест,  
Шаҳди Ширин жуз бакоми Хисрави Парвез нест.

Дод аз дасти баҳори зиндаги, гар жўши ў,  
Як гули чандон накҳатбизу рангомиз нест.

Дар ватан аз жаври гардун хуррами моро набуд,  
Ин чи толеъ будки, ёраб, дар ғариби низ нест.

Лаҳзаи орому осойиш куҷо ёбад касе,  
Дар жаҳон жуз шўришу ошуби рустохез нест.

Дидаам, гуфтоки Шамсуддин: «Ниҳоли бахти ман,  
Сабз аз ҳавои гулшани Табриз нест.»

Андалиби гулшани Деҳли чи хуш гуфт ин сухан,  
«Рў ба Ҳинд овардани соҳиб дилон бечиз нест.»

Суҳбати ҳамдард Фурқат, ҳар қадар бошад хушам,  
Аз мукаррар нағмаи қонун малол ангиз нест.

[ТАХТАСАНГИ НАҚШКОРИЙ]

Ҳамекардам шабе сайри мазоре,  
Намуда бар сари қабре гузоре.

Чи қабре кўҳна, қабри шахси мажҳул,  
Зи ҳар хишташ бурун оварда хоре.

Вале он хор афзун буд чандон,  
Ба хушбўий зи гулҳои баҳорий.

Агар аттор чу донад хоки ўро  
Фурўшад бурда чун мушки таторий.

Аз он бўи хуш омад дар машомам,  
Нишаста соате андар каноре.

Зи хоки қабр ногаҳ сар бадар кард,  
Чу шохи сунбули навраста море.

Муанбар шуд жаҳон болида накҳат,  
Азон мори сиёҳи хоксоре.

Сарам афтод дар жайби тафаккур,  
Аз ан ру ҳайратам афзуд боре...

Назар ғалтид аз чашмам ба ногаҳ,  
Ба лавҳи тахтасанги нақшкорий.

Падид омад навишта мисраэ чанд  
Зи аҳволаш барон ёдгорий.

Гузаштам з-ин жаҳон бо тийрабахтий,  
Ман аз савдои зулфи мушкборе.

Ажаб наб-вад ба хокам мори мушкин,  
Ману дар ҳажри зулфаш мордорий.

Ба печу тоб Фурқат кардаам ёд,  
Зи мори зулфи дур афтода ёре.





# ФИРУЗ







Ф

ируз Хоразмнинг сўнг давр хонларидан Муҳаммад Раҳим Сонийнинг тахаллусидир. У 1847 йилда туғилди. Маълумотни отаси Сайид Муҳаммадхон замонида хусусий равишда муллалардан олди. 1864 йилда отаси ўрнига хон кўтарилди. Тўққиз йил мустақил хонлик қилди. Туркистон чор ҳукумати томонидан босиб олингандан кейин, Россия императорининг вассали сифатида яна ўз ўрнида қолдирилди.

Шундан кейин Фируз кўпроқ адабиёт ва санъат ишлари билан шуғулланади. Унинг адабиёт ва санъатга берилишида ўша даврнинг Огаҳий, Комил ва Табибий каби отоқли олим ва шоирлари кучли таъсир кўрсатганлар.

Фируз бир томондан феодал тузумни тиш-тирноғи билан ҳимоя қилувчи ҳукмдор эди, иккинчи томондан илм-маърифат ва маданиятни замонига кўра маълум даражада ривожлантириш ишига ўз ҳиссасини қўшади.

Фируз ташаббуси билан Хева шаҳрида тошбосмахона ташкил этилиб, Хоразм шоирлари асарларидан тузилган «Мажмуатуш-шуаро» антологияси, Навоий асарлари ва Хоразмнинг кўпгина шоирлари девонлари нашр этилди. Шу даврда Огаҳий, Комил, Мирза ва бошқалар томонидан форсча ва арабчадан анча тарихий ва адабий асарлар ўзбек тилига таржима қилинди.

Фируз лирик шоир бўлганидек, яхши музикашунос ҳам эди. У ўз атрофига шоир, хаттот ва санъат аҳлларини тўплаб, кўп вақтини улар суҳбатида ўтказди. Фируз топшириғи билан Комил Хоразмий томонидан Хоразм классик мақомлари учун нота яратилади.

Фируз шоир Комилнинг ташвиқи билан шашмақом куйларини мукаммал ўрганган ва «Наво», «Дугоҳ», «Се-гоҳ» мақомларига боғлаб куйлар яратган эди. Бу куйлар Хоразм музикачилари орасида машҳурдир.

Фируз 1910 йилда вафот этди. Ундан бир девон қолган, бу асар Хоразм босмахонасида бостирилгандир.







Э

#### ҒАЗАЛЛАР

риминг рухсори оллида хижилдур офтоб,  
Ваҳки онинг ишқи ўти қилди бағримни кабоб.

Ул паривашға дедим: лаълинг майидин бода тут.  
Ноз ила дерким: санга еткайму лаълимдин шароб.

Елбориб ҳар неча лутф уммид қилсам ёрдин,  
Ул манга сўқуб, кулуб юз ноз ила айлар итоб.

То эрур жонинг баданда иста жонон васлини,  
Етса ҳам, эй дил, санга йўлида юз ранжу азоб.

Мен дедим ёримға: лаълингдин ато қил бўсай,  
Деди: эй Фируз, сабр эт, мунча кўргузма шитоб.

\* \* \*

Ул қўёш очиб юзин қилди мунаввар шомимиз.  
Қолмади жону кўнгулда заррадек армонимиз.

Эй сабо, кўйи сари қилсанг гузар, одоб ила  
Ул парилар шоҳиға еткуз бизинг пайғомимиз.

Соқиё, бир жом ила комимни ширин айлагил,  
Ултуруб зўҳд аҳли бирла талх бўлди комимиз.

Келмакидин ваъда айлаб эрди, ваҳким, келмади,  
Гўйиё бўлди пушаймон ваъдадин худкомимиз.

Жон қушиға эмди йўқ озодлиғ ул қайддин,  
Холи мушкин дона бўлмиш, зулфи анбарборимиз.

Шукрлиллаҳ, дилбарим лутфу мурувват кўргузуб,  
Сунди айлаб лаб-балаб ишрат майидин жомимиз.

Келгил, эй Фируз, эмди қил манга, ҳамроҳлиғ,  
Каъбай кўйи сори чун боғладук эҳромимиз.

\* \* \*

Базмимға келди ул пари рухсорин айлаб гул букун,  
Чексам нетонг ўтлуғ наво, ул навъким булбул букун.

Бўлди машомим мушк иси бирла муаттар, эй кўнгул,  
Юз узра ёзмишдур магар ул дилрабо кокул букун.

Кўнглумға таъсир этмаса булбул фиғони, не ажаб,  
Қим гул узорим илтида мийно қилур қулқул букун.

Сармасти саҳбо бўлғали чини қадаҳни тўлдуруб,  
Аввал ўзи нўш айлабон тутди манга ҳам мул букун.

Ул оташин юзни кўруб гулшанда шайдо андалиб,  
Ишқи ўтиға ўртаниб бўлмиш вужуди кул букун.

Тун бода ичмай, зоҳидо, худбинлик изҳор айладинг,  
Бу беадаблик бўйнингга тасбиҳинг этмиш гул букун.

Гарчи эрурмен толии Фируз ила оламға шоҳ,  
Лек ул парилар сарвари олидарурмен кул букун.

\* \* \*

Тарахҳум айлагил, эй шўхким, ишқ ичра зорингмен,  
Гирифтори каманди (тори) зулфи мушкборингмен.

Кўнгулда қолмайин бир зарра чоғлиқ тоб ила тоқат,  
Юзинг хуршеди ҳижронида тун-кун беқарорингмен.

Кел, эй лайливашимким, базми васлинг орзу айлаб,  
Бало даштида кезган ошиқи Мажнун шиорингмен.

Кўзумни айла равшан меҳр янглиғ оразингдинким,  
Бўлубдур тийра асру торта-торта интизорингмен.

Муруватдурму қурби дарғаҳингдин айламак маҳрум,  
Мениким маҳрами рози ниҳону ошкорингмен.

Жафо тошин уруб кўп қилмағил мажруҳ бошимким,  
Вафо боғида бутган бир ниҳоли мевадорингмен.

Нигоро, ижтиноб этмак недур мен зору ҳайрондин,  
Ки сен-сен бир гули хандону мен бечора хорингмен.

Манга айлаб лаболаб дамбадам соғар тут, эй соқий,  
Қўлунгдин бода ичмай муддатидурким хуморингмен.

Агарчи бахти Фируз ила даврон шоҳиман, лекин  
Сенинг, эй ҳусн амири, бандаи беэътиборингмен.

\* \* \*

Гул юзинг очиб, эй гул, мажлисим гулистон қил,  
Меҳри оразинг узра кокулинг паришон қил.

Илкинга олиб соғар, нўш этиб майи гулранг,  
Жонфизо табассумдин лабларингни хандон қил.

Азми гулситон айла зулфинга бериб зийнат,  
Рашк ўтиға сунбулнинг пайкарини сўзон қил.

Кўзинга чекиб сурма, юзинга уруб ғоза,  
Лола бирла наргисни ул икавга ҳайрон қил.

Рашк тигидин қилсун гул юзини юз пора,  
Гулшан ичра рухсоринг ҳар тараф намоён қил.

Ҳасрат ўтиға куйсун қоматинг кўруб шамшод,  
Қадди ноз парвардинг ноз ила хиромон қил.

Лутф этиб агар ёринг келса базминга, Фируз,  
Бу азиз жонингни мақдамиға қурбон қил.

\* \* \*

Келди лутф айлаб менинг кулбамга жонон бу кеча,  
Гўёе кирди ўлук жисмим аро жон бу кеча.

Сурма тортиб наргиси бемориға зийнат учун,  
Айлади ширин лабидин бўса эҳсон бу кеча.

Тийра эрди рўзгорим сочининг савдосидин,  
Равшан этди юз очиб ул моҳи тобон бу кеча.

Меҳри рухсоридин айру мажлисим эрди хазон,  
Гул юзидин айлади они гулистон бу кеча.

Ҳажри муҳлик дашти ичра йиллар эрдим ташна лаб,  
Берди лаъли чашмасидин оби ҳайвон бу кеча.

Билмадим ҳеч одамизод эрдиму ёхуд пари,  
Айлади бир жилвада ақлимни ҳайрон бу кеча.

Интизорин тортар эрдим ҳажрида Фируздек,  
Келди очиб ораз ул хуршеди рахшон бу кеча.

\* \* \*

Қилиб ноз олдинг, эй маҳбуб, орому қароримни,  
Не орому қарорим, балки ақлу ихтиёримни.

Йўқ оғзингдин такаллум мавжини зоҳир қилиб ҳар  
дам,

Адам тўфониға бердинг ниҳону ошкоримни.

Нечук бераҳм эрурлар бу ики қотил кўзунг, эй шўх,  
Қи қилмишлар ҳадаф мижгон ўқиға жисми зоримни.

Юзунг меҳрини кўргач зарра янглиғ қолмас оромим,  
Таажжуб кўрмагил, эй дилбар, ушбу изтироримни.

Гуноҳим не эди, эй дилбар, айлаб жавр изҳори,  
Менинг ҳижрон аро ҳаддин ошурдинг интизоримни.

Не бўлғай меҳрдек юз бирла келсанг қилғали равшан,  
Фироқингда қарорған тийра чашми ашкборимни.

Хижолатдин бири терлаб, бири қаддини айлар хам,  
Кўруб сарву гул ул шамшод қадлиғ гул узоримни.

Буким дерсиз манга, эй дўстлар, ишқини тарк этгил,  
Магарким кўрмаган эрмишсиз ул зебо нигоримни.

Жанобида ўзин қул этгай эрди Юсуфи Мисрий,  
Агар кўрса менинг хуршед талъат шаҳсуворимни.

Етур боди сабо то пойбуси давлатин топғай,  
Агар кўйи сари эссанг бу жисми хоксоримни.

Паришон зулфидин Фируз улфат риштасин узма,  
Десангким, қилмасун ошuftа даврон рўзгоримни.

\* \* \*

Бу кеча базмим аро не бўлди ёрим келмади,  
Уртади ҳижрон ўтига йўқу борим келмади.

Кел деганда яхши келгум деб эди фарёдким,  
Билмадимким не сабаб бўлди нигорим келмади.

Неча кундурким қолиб ҳижрон аро махмурмен,  
Тарқатурға жоми васлидин хуморим келмади.

Келмакиға ваъда айлаб, эрди бу тун, оҳ ким,  
Ҳаддидин йўлида ошти интизорим келмади.

Орази ҳижронида олам қаронғудур манга,  
Равшан айларга юзидин шоми торим келмади.

Бўлди базмим гулшани кетгач хазони боғдек,  
Они айларга гулистон навбаҳорим келмади.

Хор аро гулдек бўлурға хўблар ўртосида,  
Сарв қадду, гул жабинуну, гул узорим келмади.

Ишқ сиррин кимга шарҳ айлай мен эмди, дўстлар,  
Маҳрами рози ниҳону ошкорим келмади.

Нола айлармен туну кун ҳажрида Фируздек,  
Кўнглига таъсир этиб афғону зорим келмади.





# ТАБИБИЙ







А

ҳмаджон Али ўғли Табибий XIX асрда Хоразмда етишган шоирлардандир. Унинг отаси Али Маҳрам асли афғонистонлик бўлиб, Хоразмга келиб жойлашиб қолган. У, ўғли Аҳмаджонни ёшликдан мактаб ва мадрасада ўқитган ва ўзи форс тилини ўргатган.

Аҳмаджон тиб илмига қизиқиб, замонасининг машҳур табиби Яхшимуродбек (шоир Баёнийнинг акаси) ҳузурда узоқ вақт ишлаб; ундан тиб илмини ўрганди ва тажриба олиб, табиб бўлиб етишди.

Аҳмаджон адабиёт ва санъатга ҳавас қўйиб, ўтмиш адабиётни яхши ўрганди ва Табибий тахаллуси билан шеърлар ёзишга киришиб, тез кунда шоирликда ҳам шуҳрат пайдо қилди.

Табибий зўр ғайратли ва қобилиятли кишилардан эди. У санъат-музика бобида анчагина маҳорат эгаси бўлиш билан бирга, замонасининг яхши хаттотларидан ҳам эди.

Табибий Муҳаммад Раҳимхон соний топшириғи билан Хоразм шоирлари тазкира (антология)сини тузиб, «Мажмуатуш-шуаро» номи билан нашр этди.

Табибий кўпинча ижодий иш билан машғул бўлган сермахсул шоирлардандир. Унинг учта ўзбекча шеърлар девони ва иккита форсча шеърлар девони бўлиб, булар ўз даврида Хоразмда тошбосмада босилгандир.

Шоир Табибий 1910 йили Хевада вафот қилди.





Ф

### ҒАЗАЛЛАР

Алак золики андоқ бордурур бир турпа айёра,  
Ки ҳарким жуфт анга бўлса қилур албатта аввора.

Демай яхши, ёмон токим гадоу шаҳ, чекарда тиғ,  
Бу янглиғ кўрмади ҳеч кимса жаллоди ситамқора.

Нечук уммид этарсан меҳрибонлиғ расмин андоқким,  
Назар шаклига қилсанг холидур оқу, юзи қора.

Риёзат бирла еткур нафсинга, ориф эсанг, таъдиб,  
Ки ҳаргиз маърифатга бошламас йўл нафси аммора.

Халойиқ кўнглига аччиғ сўзунг нишин етурмаким,  
Қабули марҳам этмас ҳеч бир важҳ ила бу ёра.

Топилғай бу сифат гулким қилур кўнглунг писанд эт-  
мас,

Очиб ибрат кўзин қилсанг жаҳон боғига наззора.

Аруси даҳр макридин, Табибий, эҳтиёт этким,  
Санинг (дек) нечани қайд ичра чекти ушбу макқора.

\* \* \*

Бу оламда кишиким пок қалбу соф ботиндур,  
Ҳамиша фақр кунжида қаноат бирла сокин дур.

Бировким бўлмаса кўнглида они бешу кам фикри,  
Ташовиши ҳаводис ваҳмидин албатта эмин дур.

Қочарсан таънадин гар ихтилот этсанг халойиқға,  
Ки олам халқи яксар бир-бири ҳаққида тоин дур.

Нетонг гар кўрмаса роҳат юзини даҳр аро улким,  
Ўзига пеша айлаб кизб атворини хойин дур.

Агар одам эсанг оғритма одам кўнглини зинҳор,  
Ки аҳли маърифат наздида каъба қалби мўъмин-  
дур.

Илоҳий, гар Табибий ҳамроҳини қилмасанг тавфиқ,  
Анга азм айламоқ роҳи фано сори на мумкин дур.

\* \* \*

Оламга боқсанг хосили бошдин-аёқ, кулфат эрур,  
Бир роҳатининг кўйнида беҳадду сон меҳнат эрур.

Бир ошиқиким лаҳзаи топса висоли дилбарин,  
Доим ҳамул бечораға, сўнгра ғами фурқат эрур.

Ҳар кимсаким қоми дилин гар топса ондин ҳар нафас,  
Онинг насиби борҳо ҳирмон била ҳасрат эрур.

Йўқдур жаҳонға эътимод ушбу жиҳатдини, эй кўнгул,  
Ким инқилоб этмак анга даврон аро одат эрур.

Ҳаргиз Табибий кўнглинга келтурма фикри бешу кам,  
Ким они севмас даҳр аро ҳар кимиким хушбахт эрур.

\* \* \*

Ғар ул ойнинг базми васлида бўлур ағёр жамъ,  
Рашкдин бўлгуси жонимда ғаму озор жамъ.

Эмдида жамъ айлайн хотир, нечукким айламиш  
Ишвау, нозу, адоу, ғанжу, шева ёр жамъ.

Бир жеча, эй шўх, келким мақдаминг осориға.  
Айламишдур дидаи гирён дури шаҳвор жамъ.

Йиғнамиш боғингни кўнглум ул сифат шавқ ила ким.  
Ҳирс аҳли айлағайлар дирҳаму динор жамъ.

Бордурур юз фитна чун шарру фасоди боиси,  
Дилда кина қилмағил, оқил эсанг, зинҳор жамъ.

Фазл жамъ эт лекин эл озоридин ғам емаким,  
Тош егай бошға яғоч чун айлади асмор жамъ.

Ҳар бири масъуд бир фарзанди дилбандинг эрур,  
Эй Табибий, айлағил жон борича ашъор жамъ.

\* \* \*

Шўхлар гарчи жаҳонда бордурур асру малиҳ,  
Барчасидин лек эрур ул дилбари гулрў малиҳ.

Бошқа дилбар васли ичра шодлиғидин, эй пари,  
Ул париваш ишқида чеккан манга қайғу малиҳ.

То тамошо қилмишам қаддин хиром эткан чоғи,  
Йўқ кўзумга жилваи шамшод ила ножу малиҳ.

Базм аро қайси малоҳат васфини айлайки ёр,  
Нағмаи мутриб малиҳу, бодаи хушбў малиҳ.

Лаълиға ваҳ не сифат кавсар бўлур монандким,  
Оби ҳайвондек қачон бўлғусидур ҳар сув малиҳ.

Чунки топмиш Лайлининг чашмига андак нисбати,  
Кўринур Мажнунға ушбу важҳдин оҳу малиҳ.

Зоҳид истар жаннату, мен ёр куйин борҳо,  
Ул анга ширин эрур, лекин мангодур бу малиҳ.

Тарк ишқин не сифат қилғумки, анда бордурур  
Ҳусни дилкаш, зулфи сунбул, нутқи хуш, кулгу  
малиҳ,

Эй Табибий, жаҳд эт бедор ўзинг қил ҳар саҳар,  
Гарчи бордур кўзларингга гафлату уйқу малиҳ.



\* \* \*

Ваҳ не хуш ўлғуси дурур айлаб карам дилдор субҳ,  
Гулшанда ичса сен била гар соғари саршор субҳ.

Чун субҳ уйқуси эрур албатта накбат мужиби,  
Фафлатда ҳаргиз ётмағил оқил эсанг зинҳор субҳ.

Ҳар неча қолсанг дарду ғам ичра паришон бўлмаким,  
Нечунки шомии тийранинг боқсанг сўнгида бор субҳ.

Кўнглингда, эйким, истасанг андоза ишрат туз тараб  
Дилдорнинг илгин тутуб сайр айлагил гулзор субҳ.

Сен ҳам, Табибий, уйқуға майл айламай олам аро,  
Айлаб мусаффо хотиринг қил фикрати ашъор субҳ.

\* \* \*

Қўлиға базм аро олғач муғанний ноғиҳон ғижжак,  
Берур овози хуш бирла улус жисмиға жон ғижжак.

Не тонг ғам кўҳини бир зарра кўэга илмаса ҳаргиз,  
Қишиким айламиш оғушида онинг макон ғижжак.

Ажаб йўқ бандаси бўлса рубобу, барботу, қонун  
Тузулган чоғи мутриб илгида бир хушбаён ғижжак.

Магар бир мутриби озодани ишқи асиридур,  
Қи ҳар мажлисда сўз айлар, қилур асру фиғон  
ғижжак.

Ажам бирла Ҳижоз аҳлини бешак айлағай нола,  
Тараннум қилғай «Ушшоқу», «Ироқу», «Исфаҳон»  
ғижжак.

Бу янглиғ ноласи таъсир қилмас эрди инсонға,  
Фалак жавру жафосин чекмаса эрди ниҳон ғижжак.

Муғанний, мунтазирдур нағмаи ғижжакка базм аҳли,  
Тараҳҳум айлабон соз айла эмди бир замон ғижжак.

Хуш ул базмини анда тузсалар тасниф нафас ичра,  
Балобону, дафу, танбуру, чангу бастон ғижжак.

Табибий топғусидур, дўстлар, файзи тараб беҳад  
Қўлиға базм аро олғач муғанний ноғиҳон ғижжак.

\* \* \*

Макон этгач ўзига гар жинондек гулситон булбул,  
Нетонг тинмай чекар субҳу масо оҳу фиғон булбул.

Чаманда бор экан не-не сифат файзу сафо доим,  
Халойиқға қилур жонбахш ун бирла баён булбул.

Анингдек қиссаи ишқ ўлди тул аҳбоб андоқким,  
Ўқур ҳар шоҳида гул узра юз минг дoston булбул.

Буким дилкаш наволар чеккуси тинмай чаман ичра,  
Чаман файзини топмишдур магар беҳадду сон булбул.

Нетонг наззораи ҳуснинг манга жонбахш эса, эй шўх,  
Ки гулга боқибон топғуси асру тоза жон булбул.

Фанимат англағил булбулни, эй гул, нағмасин тун-жун,  
Ки гулшан ичра сан-сан мезбону меҳмон булбул.

Нетонг жаҳл аҳли бирла тутмаса илм аҳли улфатким,  
Қачон зоғу зағон бирла бўлурлар ҳаммакон булбул.

Мени гўё қилурсан, ай парипайкар, юзунг очиб,  
Ки очилғон гул, очғуси тараннумға забон булбул.

Илоҳий, то баҳор айёми оламда бўлур ҳар йил,  
Илоҳий, токи бўлғусидур анда нағмаҳон булбул...

Табибий даҳри дун андуҳи андоқ ом оламға,  
Ки гул онинг жафосидин не эмин, не амон булбул.

\* \* \*

Тутмағон бұлса манга назм ичра руҳи Жомий жом,  
Не учун суръат била дегум Навойдек калом.

Хофизи Шероздин файзи манга етмас эса,  
Бас недин ашъоридин файзи манга етур мудом.

Саъдийи ширин забондин топмаган бұлсам мадад,  
Ҳузн ила хушнудлиқни тенг нечун кўргум тамом.

Қўрмасам Мирзойи Бедил илтифотин, не учун,  
Вақт аро сўз била назм айлагумдур интизом.

Боқмас эрса ишқ ичра буки мастон шоҳ манга,  
Сўз майидин бұлмас эрдим бу сифат масти мудом.

Руҳи қудсий кимсага ким қилмас эрса тарбият,  
Сўзига таъсир қайдин олғусидур субҳу шом.

Гар масиҳ анфосидин фируза ҳосил қилмаса,  
Қай Табиб ўлғуси ҳозиқ хастаға, эй некном.

\* \* \*

Тонг эрмас тўн кийиб ўлсамки йўқ бу қиш манга  
пўстин,  
Агарчи хотиримда жилвагардур борҳо пўстин.

Демай пўстинниким ўзга либосим ҳам қолин эрмас,  
Илоҳий, қил манга айлаб карам эмди ато пўстин.

Адамдин то келиб қилдим бу қишлоқ хонани маскан,  
Киярга топмадим умрим ўтуб ман бенаво пўстин.

Не бахти шумлиндурким, манго етмас бириси ҳам,  
Агарчи беҳисобу ҳад эрур олам аро пўстин.

Совуқдин гаҳ қочиб кирсам ичига қолтираб, қақшаб,  
Танимга парвариш қилғай эди мисли ано пўстин.

Агар пўстин совуқда пўстдин эрмас эса, аҳбоб,  
Недин қишда талаб айлар фақиру ағниё пўстин.

Қиш ичра иккимизга борҳо мақсад эрур буким,  
Отамга орзу чакман, мангадур муддао пўстин.

Бу қиш ичра тараҳхум айлабон мискин Табибийнинг  
Тани урёниға бергай худо чакман ва ё пўстин.

\* \* \*

Не хушдур фасли гул боғ ичра бир зебо санам бўлса,  
Анинг ёнида нўш айларга гулгун жоми жам бўлса.

Тутуб гулчеҳра соқийлар бу базм ичра паё-пай жом,  
Алардин ҳам нишоти айш ҳосил дамбадам бўлса.

Ўқуб яхши ғазаллар неча хуш овоз ҳофизлар,  
Муғанний ҳам бу суҳбат ичра машғули нағам бўлса.

Париваш дилраболардин олиб бирдам канору бўс,  
Аларнинг ҳам иши ушшоқ хайлиға карам бўлса.

Гаҳи бўйнига солиб қўл, гаҳи лаълин қилиб бўса,  
Анингдек лутфидин ишқ аҳлига рафъи алам бўлса.

Муяссар бўлса туз суҳбат бу навъ аҳбоб ила доим,  
Ки мундоқ базм маҳв айлар кўнгул ичра не ғам бўлса.

Агарчи мажлис ичра ҳам ўтурсам ёр ила, лекин  
Менинг мақсудум улдурким рақиби муттаҳам бўлса.

Бу сўзлардин манга не суд ҳосил, эй кўнгулким, ул  
Бўлур ҳосил ангаким кисаси мамлу дирам бўлса.

Табибий, ишқ аро ҳар кимки содиқ бўлса тонг эрмас,  
Бу янглиғ базмни топиб азизу муҳтарам бўлса.

\* \* \*

Муждаким келди туман назҳат била фасли баҳор,  
Жаннат осо ер юзининг файзин этти бешумор.

Хулддек бўлди сафода ҳар гулистони чаман,  
Очилиб гуллар тароватлар била лайлу наҳор.

Боғ саҳни ичра бўлғоч жилва оро сарвлар,  
Қумрилар жону дилидин олди орому қарор.

Ҳар гули хушранг, бир маҳбуб янглиғ жилвасоз,  
Булбул анвои ишини қилғоли фарёду зор.

Ҳар шажар бошида яфроғлар зумуррадгун ўлуб,  
Кўрган одамлар кўзини қилди равшан ҳар не бор.

Боғ атрофиға неча наҳрлар жадвал бўлуб,  
Жори ўлмиш анда доим оби софи хушгубор.

Ҳавзларға борҳо лабрез ўлуб ширин зулол,  
Ичкан одам кўнглига еткурди тафриҳу мадор.

Жўйлар атрофиға сабза била райҳон тутуб,  
Дилкушо келмиш дурур андоқки хатти лаъли бор.

Ҳар дарахт узра намоён ўлди ширин минг самар,  
Ким анинг ҳар бирисида минг азубат ошқор.

Бу жиҳатдин нозанинлар сайри гулзор этдилар,  
Олгали ушшоқдин бил-кул инону ихтиёр.

Шўхлар ноз ила сайр этгач чаман шоҳидлари,  
Бош эгиб, таъзим айлаб бўлдилар фармон гузор.

Гулшан ичра ҳар тараф эсти насими жон физо,  
Жисмларга тоза жон бермакни қилмоққа шиор.

Алғараз бўлмиш аён бу лаҳза аҳли даҳрға,  
Оқил эрсанг, фикр қилсанг қудрати парвардигор.

Айш этарга ушбу мавсумни ғанимат англабон,  
Сен дағи кел мен билла тузмакка ишрат, эй нигор.

Эй Табибий, хисрови одил дуосин вирд қил,  
То баҳор осо топиб хуррамлиғ ўлғунг комгор.







У

### МУСАДДАС

Мринг ўткарма тамошои гулу гулшан ила,  
Тут баробар ониким оқил эсанг гулхан ила,  
Чекибон ранжу бало борини жону тан ила,  
Борҳо улфат этиб соҳиби илму фан ила,  
Душман ар қилмаса оламда мадоро сен ила,  
Сен мадоро қилакўр жаҳд этибон душман ила.

Эй жаҳон ичра ўзин қилғон асири савдо,  
Ком мақсуд эса гар роҳати жовид санго,  
Халқнинг яхши, ёмониға маош эт пайдо,  
Нечаким кўргузуб ҳар лаҳза санго жавру жафо,  
Душман ар қилмаса оламда мадоро сен ила,  
Сен мадоро қилакўр жаҳд этибон душман ила.

Кимки аҳбобинг эса қил анга лутф ила назар,  
Душманиннга дағи бад сўз дегали айла ҳазар,  
Яъни тил учи била кўнглини шод эт яксар,  
Оқибат ҳосил этар даҳр аро бу икки ҳунар,  
Душман ар қилмаса оламда мадоро сен ила,  
Сен мадоро қилакўр жаҳд этибон душман ила.

Оз эрур мингдин агар кўп эса аҳбобинг,  
Душманиннг бир эса кўп бўлғуси панжо то минг,  
Бас қулоқ тут бу сўзимга тузубон одобинг,  
Айлаб омода маош айлагали асбобинг,  
Душман ар қилмаса оламда мадоро сен ила,  
Сен мадоро қилакўр жаҳд этибон душман ила.

Даҳр элидин санга гар етса туман меҳнатлар,  
Ҳар нафас тушса ғами бошинг уза кулфатлар,  
Ғам емаким сўнгида бўлғусидур ишратлар,  
Эмди пеша қилибон сабр била тоқатлар,  
Душман ар қилмаса оламда мадоро сен ила,  
Сен мадоро қилакўр жаҳд этибон душман ила.

Эй Табибий, нафасе айламайин нодонлиғ,  
Қил мани бекас ила эмди такаллумронлиғ,  
То санго сўз дегаман барча дури уммонлиғ,  
Қи тилар бўлсанг агар мушкилинга осонлиғ,  
Душман ар қилмаса оламда мадоро сен ила,  
Сен мадоро қилакўр жаҳд этибон душман ила.





## РУБОЙЛАР

окай ўтадур умр паришонлиғда,  
Дилдор жамоли сари ҳайронлиғда,  
Ҳижрон ғами ранжи била гирёнлиғда,  
Маҳзуну, ғамгину ҳам бағир қонлиғда.

Токай юрайин ҳажр аро фарёд айлаб,  
Қел кулбама эмди хотирим шод айлаб,  
Тутғил манга ўз илкинг ила бир соғар,  
Кўнглумни алам қайдидин озод айлаб.

Юз йил агар ўт ичра бўлур маҳл манга,  
Ҳар навъ ёқар ўтдағи саҳл манга,  
Қўйғил бу сифат ўтни ки дўзахдин ҳам,  
Бўлғуси батар суҳбати ноаҳл манга.

То бўлди манга суҳан чоғи жонон каж,  
Айланди мани комим ила даврон каж,  
Елғон эрур оллида менинг рост сўзим,  
Чиндур деса гар муддаийи нодон каж.

Ғам биткали олсам қўлима гар қоғаз,  
Кўз ёшим оқиб бўлғусидур тар қоғаз,  
Эмди ани жон сафҳалиғ ёрғутадур,  
Ким лойиқ эмас анинг учун ҳар қоғаз.

- Бу олам ароки ҳеч киши хуррам эмас,  
Яъники ҳама аҳли жаҳон беғам эмас,  
Ҳар кимсаки андуҳ анинг кўнглида йўқ,  
Таҳқиқ бил ани яхшиким, одам эмас.

Сўз лаззатини одами нодон билмас,  
Нечунки асал лаззатин ҳайвон билмас,  
Андоққи марази мушкил ўлур дарди ишқ,  
Ким они иложин асло Луқмон билмас.

Афсуски олам ичра бир ҳамдам йўқ,  
Гамхўру, вафодор рафиқим ҳам йўқ,  
Зинҳор вафо истама одамлардин,  
Ким расми вафода устувор одам йўқ.

То кажлиқ ила бўйла мадор этти фалак,  
Фазл аҳлини асру хоксор этти фалак,  
Васл ичра мани бир нафас этмай хуррам,  
Ҳижронда баси зору назор этти фалак.

Зоҳидки қилур нуфур кўргач бода,  
Гар кўрса эди ичар эди ул бода,  
Кўрган чоғи ҳам айласа гар оҳ андин,  
Онинг каби аҳмақ йўқ эрур дунёда.

Фарёдки, эл жафоси зор этти мени,  
Бешу кам даҳр бемадор этти мени,  
Асбоби ҳудус беқарор этти мени,  
Яъники тамаъ одати хор этти мени.

Қилди жигаримни рўза қон, эй соқий,  
Ҳам жону танимни нотавон, эй соқий,  
Тутмоқни бас этма бода, иншоолло,  
Ким келгуси йили рамазон, эй соқий.





## ШЕЪРҲОИ ТОЖИКИИ

И  
мшаб биё бар кулбаам, э дилрабой сим тан,  
Кондар фироқат мекашам субҳу масе ранжу миҳан.

Беҳтар зи гулшан мешавад кошонаам аз мақдамат,  
Ойи агар бар сӯи ман, э гул узори гулбадан.

Мустағни бошам аз гуҳар гар дар жаҳон набвад ажаб,  
Дандони ту чун луълуаст, аммо лабат лаъли яман.

Э боғбон, ҳаргиз маниҳ миннат зи бӯстонаш маро,  
Гӯйи нигори ман шуда дархӯби беҳтар аз чаман.

Мискин Табибӣ, зоҳидо, аз айш чун гардад халос,  
Қаз зулфи ёраш банд шуд баргарданаш маҳкам расан.

\* \* \*

Токай баранжи фурқати ту мубтало хоҳад шудан,  
Ҳамроҳи кулфат гашта аз роҳат жудо хоҳад шудан.

Ушшоқро оё раво бошадки, э ширин лиқо,  
Доим туро одат чунин жавру жафо хоҳад шудан.

То чанд бемеҳри куни ошуфта ҳолонро ки гаҳ,  
Моил басӯи раҳм ҳам баҳри худо хоҳад шудан.

Бар жопиби ин бедилат як лаҳза, э дилбар, маро  
Доим басуи муддаи майлат чаро хоҳад шудан.

Ҳоли Табибӣи ҳазин бар ҳеч кас маълум нест,  
Кондар ғами ҳижрони ў оид кужо хоҳад шудан.

[МУХАММАС БАҲ ҒАЗАЛИ ЗЕБУННИСО]

Гум шавад он дилки бо васле талабгоре нашуд,  
Сўхтан беҳ танки бо кулфат гирифторе нашуд,  
Хаста бод он дилки бо андуҳ дучоре нашуд,  
Дур бод аз тан саре коройиши доре нашуд,  
Бишканад дастеки ҳам дар гардани ёре нашуд.

То бакай аз баҳри дунё мекуни жўшу хуруш,  
Саъйҳо карда ту ҳам акнун бароҳи ишқ кўш,  
Борҳо дар кунжи майхона майи гулфом нўш,  
Дар назар шоҳид надори дида аз олам бипўш,  
Кўр беҳ чашмеки лаззатгири дилдоре нашуд.

Жумлаи кас бо дилбари худ домани саҳро гирифт,  
Дар фазои гулситон баҳри тараб маъво гирифт,  
Нашъаи асрори ишқ аз соғари саҳбо гирифт,  
Сад баҳор охир шуду ҳар гул бафарқе жо гирифт,  
Ғунҷаи доғи дили мо зеби дасторе нашуд.

Хотирам аз баҳри васлаш борҳо гардад чу гўй,  
Карда жидду жаҳд дар таҳтус-само гардад чу гўй,  
Токи аз назди ту мегашта жудо гардад чу гўй,  
Рўзу шаб дар зери чавғони жафо гардад чу гўй,  
Ҳар саге якдам дари зонўи дилдоре нашуд.

Баски баҳри макр субҳу шом дорад иртиқоб,  
Хўрдааст аз ў фириби бениҳоят шайху шоб,  
Гарчи дар зоҳир кунад аз наҳйи манқар ижтиноб,  
Ҳайф он аммомаи зоҳидки бо сад печу тоб,  
Риштаи тасбиҳ гашту тори зунноре нашуд.

Гар туро доим бало бошад қарин, э дил, маранж,  
Яъни созад жаврҳо он нозанин, э дил, маранж,  
Ҳар чи бошад ҳосилаш пешу пасин, э дил, маранж,  
Ер агар боғайр карда ҳамнишин, э дил, маранж,  
Гунҷаи нашгуфт дар гулшан ки беҳоре нашуд.

Онки бо ҳижрони маҳбубаш бувад андуҳнок,  
Айб набувад гар батиғи таъна мегардад ҳалок,  
Жисми зораш чун ғубор оғушата мегашта баҳок,  
Дар қиёмат сар чи сон орад бурун аз жайб чок,  
Маснади ҳар кас ки доғи лола рухсоре нашуд.

Маҳвашонро сар басар чун тори гису шуд гириҳ,  
Бахти ошиқ аз жафои чархи мину шуд гириҳ,  
Орзӯи васл дар қалби жафожӯ шуд гириҳ,  
Солҳо хун гашт дил чун нофи оҳу шуд гириҳ,  
Мушки тотори шуд аммо холи рухсоре нашуд.

Бар замири жумла мардум шуд аён асрори ҳусн,  
Зин жиҳат ушшоқ мегаштанд асиру зори ҳусн,  
Э Табибӣ, дар жаҳон пайдост то осори ҳусн,  
Ҳар матоэро харидарест дар бозори ҳусн,  
Пир шуди Зебуннисо ўро харидоре нашуд.







ЮСУФ  
САРЕМий







XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида ўзбек адабиётининг кўзга кўринган вакиллари билан бири мулла Абдушукур ўғли Юсуф Сарёмий тахминан 1840 йилда Чимкентнинг Сарём қишлоғида туғилди.

Юсуф ёшлик вақтлариданоқ адабиётга катта муҳаббат билан қаради, ўзбек ва форс-тожик адабиётларининг йирик намояндалари Лутфий, Навоий, Бедил ва Ҳофизларнинг асарларини кўп мутолаа қилди. У ҳуснихатга ҳам қизиқиб, ўз даврининг етук хаттоти бўлиб етишди. Юсуф Чимкент ва Бухоро шаҳарларида ўқиган. Юсуфнинг қайси йиллардан ижод қила бошлаганлиги маълум эмас. У жуда кўп ишқий-лирик ғазаллар, мухаммаслар, мураббаълар ва таржиъбандларнинг авторидир. Юсуф Сарёмийнинг ижодида сатирик характердаги асарлар ҳам учрайди. Аммо унинг сатиралари бир ерга тўпланмаган ҳамда ўрганилмаган.

Юсуф Сарёмийнинг сатирик ва юмористик асарлари билан бир қаторда, диний-мистикани тарғиб қилувчи асарлари ҳам учрайди.

Юсуф Сарёмий Тошкент, Бухоро ва Қўқон шаҳарларига бир неча бор саёҳат қилади, у ердаги олим ва адабиёт аҳллари билан дўстлашади. У 1912 йилда ўз қишлоғида вафот этди. Сарёмийнинг ғазалларидан намуналар шу даврда нашр қилинган баёзларда чиққан.

Юсуф Сарёмий вафотидан кейин шоир Тавалло томонидан 1914 йилда «Баёзи Мавлавий Юсуф Сарёмий» номи остида унинг асарлари нашр этилган. Унинг ҳажвий асарлари бу тўпламга киритилмаган.



## ҒАЗАЛЛАР

У

Мри чекар жоним ғаминг сенсиз дили вайрон тутуб,  
Жоним ичинда асрадим, дардингни мен дармон тутуб.

Елғуз эмас Мажнун ўзи, мен ҳам анинг мажнуниман,  
Улсам фазилат андадур, ишқин ани пинҳон тутуб.

Қандоғ тутай пинҳон ани ишқин кўзимнинг ёшидин,  
Доғи дилимда лоладек, бошдин-аёғим қон тутуб.

Келса аёғина бошим қўйсам, кўзимдин қон оқиб,  
Боқса туруб аҳволима, қошдин қилич урён тутуб.

Кўргач ҳилоли ийдени, илгим очиб қилсам дуо  
Жон олғали қасд айласа, мен жон анга қурбон тутуб.

Эй кош, келса бир кеча, ҳоли дилим айтсам неча,  
Ойнаи рухсориға боқсам ўзим ҳайрон тутуб.

Ҳар тун ўпарман хоки дар, дуди дилим оқи сахар,  
Кўп қўймағил солмай назар, кўйингда саргардон  
тутуб.

Обу ҳавойи ишқида онинг муҳаббат шеваси  
Боғи дилим хуррам қилур, ҳар дам кўзим гирён  
тутуб.

Юсуф висолин бодаси фикри мени саргарм этар,  
Эй кош, олса нақди ҳуш, бир йўл қадаҳ жонон тутуб.

\* \* \*

Илоҳо, мункири аҳли муҳаббат бағрини қон эт,  
Балоларға йўлуқтур, кўзини ишқида гирён эт.

Парирўлар асири ишқи айлаб таън тошидин,  
Бошиға ёғдуруб, кўксин нишони тири мужгон эт.

Хабарсиз хонақаҳда, ишқдин холи, намоз айлаб,  
Сенга ким айди мардум кўзларида зикри ёлғон эт.

Деди ким хоҳиши нафсинг учун тазвир домин қур.  
Қўлингдин келганича макр ила дунё фаровон эт.

Насихат тингла мандин, бир дами ҳушёр ўлтурғил,  
Муҳаббат аҳлидин бўлғил, ўзингни маҳви жонон эт.

Кўториб юрма, эй зоҳид, бошингда катта дасторинг,  
Ани ярмини йиртиб кўйлаку, ярмини иштон эт.

Соқолинг ўстириб ташвиш тортма шона қилмоқдин,  
Кесиб бир қабзадин сан, ортуғин олиб магасрон эт.

Парирў нозанинлар базмида кўрдим кеча ҳолинг,  
Лабидин бўса олғоч дер эдинг: «бир ўзга эҳсон эт!»

Ридоу хирқа майдин айла рангин, субҳа торин уз,  
Кўрарсан бу санамлардин ўзинг бошдин мусулмон эт.

Келиб андин сўғун пири харобот илгидин ўпгил,  
Ўзингдин ўзлигингни ташлабон такмили имон эт.

Қарибдур, Юсуфи, ёшлар ҳавосида ҳазин жонинг,  
Фидоий нуқтаи холи лаби бир лаъли хандон эт.

\* \* \*

Ҳажрингда мени зору хароб айлама, эй дўст.  
Бағримни фироқингда кабоб айлама, эй дўст.

Миръоти юзунг ойинаи дийдаларимдин  
Маҳжур тутуб, кўзни пур об айлама, эй дўст.

Лутф ила тақиб гардани жон бирла кўнгулға,  
Жуз анбари зулфингни таноб айлама, эй дўст.

Хам бўлди қадим, сурғали юз хоки дарингда  
Қелдим букулуб, маъюси боб айлама, эй дўст.

Ушшоқларинг қатлиға минганда таковар,  
Кўз ҳалқасидин ўзга рикоб айлама, эй дўст.

Кўп хокнишин роҳи ғамингда ўтурурлар,  
Сол бир назари, мунча шитоб айлама, эй дўст.

Кел тўби қаду, ҳур жамолу, лаби кавсар,  
Юсуфни фироқингда азоб айлама, эй дўст.

\* \* \*

Топмади ойинадек ҳуснингга ҳайронинг илож,  
Дийдаи ҳайрониға жуз рўйи тобонинг илож.

Мен яқо чок айладим, кўргач гирибон чокини,  
Бу яқо чокидадур чоки гирибонинг илож.

Қолмишам ранжури ҳижронингда топмай офият,  
Васлдин то қилмаса дардимга дармонинг илож.

Моҳийи беоб, ёхуд андалиби бечаман,  
Топмайин фарёд этар, бу зори нолонинг илож.

Ғунча янглиғ бағри қонман, нотавон, эй лаб шакар,  
Айламас жуз руҳпарвар лаъли хандонинг илож.

Бош аёққа етти бори кулфати айёмдин,  
Кел бўйингдин, сояи сарви хиромонинг илож.

Юз баҳор ўтди риёзи муддаодин бир гули,  
Узмадинг, Юсуф, қилолмай сайри бўстонинг илож.

\* \* \*

Фикр боғида гули рашки гулистон келди сўз,  
Равнақ афзои риёзи гулшани жон келди сўз.

Эл аро гавҳар атаб бир тошни дерлар қадрли,  
Нуктадон доно қошида дурри ғалтон келди сўз.

Келди аъдо сийнасиға тири барқи жонгудоз,  
Меҳрлик аҳбоблар жисми аро жон келди сўз.

Бас, бу равшандурки, ҳар доноу нодон олдида,  
Фарқ этарда ким эрур инсону ҳайвон келди сўз.

Мажлиси унс ўлса ҳам бир лоларух, гулгун қабо,  
Завқи жоми равнақи, шамъи шабистон келди сўз.

Сўз дема барқи жаҳонсўздур, бўл андин бохабар,  
Боиси суду зиён ҳам куфру имон келди сўз.

Юсуфи, сўз қадрини ким билди, топди иқтидор,  
Шарбати юҳйил-изоми лаъли жонон келди сўз.



\* \* \*

Қилса мутриб нолаи ушшоқ бирла соз соз,  
Дилға завқ ила нишот абвобин айлар боз соз

Олса жонон қўлга чанги ноз ила уди тараб,  
Айлагай ҳар пардада бир неча кашфи роз соз.

Дема қонуни муҳаббатда чекилса бир наво,  
Базм аро масти хиромон ўлса сарви ноз соз.

Ёди ул бебокдин чексам баёди дарднок,  
Бу хуруши дил харошимда манга дамсоз соз.

Авжи истиғнода бўлса бир тараннум «Чоргоҳ»,  
Тонг эмаским Зуҳраи чарх ўлса ҳам овоз соз.

Нағмаи Довуд шавқи тори зулфи ёрдин,  
Дилда пинҳон эрди, Юсуф, бўлди бас, ғаммоз соз.

\* \* \*

Баҳори ноз эрур боғ ичра ҳуснингни намудор эт,  
Чаман раъноларига қадду рухсоринг падидор эт.

Қилиб ҳар ён паришон кокулунг бошдин-оёқингга,  
Шароби ноб ичиб, эй гул узорим, сайри гулзор эт.

Қўруб гуллар жамолинг сарв қаддинг садқаси бўлсун,  
Санувбар қул санга, савсанни ишқинг бирла бемор эт.

Тажаммул зоҳир айлаб мажлис аҳлин бир қадаҳ бирла,  
Қилиб сархуш висолинг бодасидин шоду саршор эт.

Қилиб гоҳи табассумлар, олиб ушшоқ оромин,  
Бу янглиғ шева изҳор айлаб ондин сўнгра гуфтор эт.

Қўнгул боғида қаддинг сарв янглиғ жилвагар айлаб,  
Жамолинг партавин кошонаи кўзумда изҳор эт.

Бу навъ афсоналарни арз қилмиш назм аро Юсуф,  
Жанобингга қабул ар бўлса ишқ аҳлин хабардор эт.





М

## МУХАММАСЛАР

ани кўп мунча ҳам оворай дашти алам қилма,  
Қуюндек водийи мақсадга еткузмай адам қилма,  
Бошимдин ҳеч савдойи талаб бир зарра кам қилма,  
Эзиб бағримни ҳижрон шиддати дийдамни нам қилма,  
Оқизма кўзда қонлиғ ёшими фарқоби ғам қилма.

Ғамим орттурма, эй дил, саъйи саҳрои жунун этма,  
Қўзимдин ашки гулгун оқизуб дийдамни хун этма,  
Ҳамиша доғи ҳасрат илгида ҳолим забун этма,  
Нишотим жомини синдурма, андуҳим фузун этма,  
Тараб ноз айлама, эй айш, мандин мунча рам қилма.

Қачонким манга соқий бир шароби арғувон тутти,  
Анга юз заҳри ғам қотти, сўғун бир коса қон тутти,  
Бошимга кулфати ғам қушлариму ошён тутти,  
Танимга фурқати ҳижрони меҳнатму макон тутти,  
На истиғнодур ўлдум, орзу келғил, ситам қилма.

Манга юз ниш етти, узмайин бир гул тиканлардин,  
Етушмас шамъдек куймакдин ўзга анжуманлардин,  
Жафодин бошқа етмас манга шўхи гулбаданлардин,  
Етар ҳардам ситамлар ўзгача бебок фанлардин,  
Кўнгул кўп нола қилма, дамбадам оҳинг алам қилма.

Тиларсан шодмонлиғ, эй кўнгул, кел гўшаи ғам тут,  
Қўлингдин берма ҳаргиз домани матлабни маҳкам тут,  
Ҳавас оғозу анжомини қўйғил, орзу кам тут,  
Қаёнда дард аҳли бўлса они ёру ҳамдам тут,  
Синуқ афтодан лил решларни муттаҳам қилма...

Қўй эмди ўзгани, ҳар лаҳза қоққил маърифат бобин,  
Кўзунгга тўтиё қил хоки роҳи завқ арбобин,  
Ўчургил, йиғлаб аччиғ, ун чекиб кўзни шакар хобин,  
Чиқар дилдин хаёли субҳау, сажжода, меҳробин,  
Наким зоҳид қилур жаннат учун, сан они ҳам қилма.

Тилаб нақши кафи пойини, тупроғ ичра паст ўлғил,  
Сари кўйиға етсанг, итлариға ҳамнишаст ўлғил,  
Умидинг торин узма, жону дилдин пойбаст ўлғил,  
Тоғмузса ит ялогин дурдасин масти аласт ўлғил,  
Муяссар бўлса ёди равзаи хулди эрам қилма.

Етушсанг анда ёд эт неча биздек нотавонлардин,  
Чу лола дашти ҳирмон ичра бўлгон бағри қонлардин,  
Улуғ ҳасратда қолгон зору ранги заъфаронлардин.  
Синуқ болу, ҳазин дил, бу ёмонлардин, ёмонлардин,  
Дема ёр олдида бу мустамандидин, надам қилма.

Ажаб эрмаски Юсуф нолаи зоринг писанд ўлса,  
Карам ҳолингга боқса, лаъли ноби нўшханд ўлса,  
На давлат гарданингга тори зулфидин каманд ўлса,  
Танингга бўрёси тамғасидин нақшбанд ўлса,  
Нишони қуллингидур, бу нишон ўзга алам қилма.

[НАВОИИ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС]

Тутар хилвате ҳар пана жода шайх,  
Ҳарифин топиб итарур кода шайх,  
Кетурмай мунингдек ишин ёда шайх,  
Мени ишқдин манъ этар сода шайх,  
Дема сода шайх, айтким лода шайх.

Қилур зоҳири кору бори савоб,  
Ниҳони урар нуқл бирлан шароб,  
Вали сурату лек ботин хароб,  
Май устидаги хасча қилманг ҳисоб,  
Агар сув уза солса сажжода шайх.

Ҳужум этса эл тун таҳажжуд гузор,  
Эрур кундузи халқ аро рӯзадор,  
Тузоб зоҳирин хўб мардум шикор,  
Ёруғлук эмас мумкин андоқки бор,  
Залолат тариқида афтода шайх.

Тутуб гўшаи элдин айлаб камин,  
Вараъ дастгоҳ этти ёлғону чин,  
Қаромат ясаб дерки: «бўлдим яқин»,  
Риё баҳри ичра тамаъ заврақин,  
Солибдур асодин тутуб хода шайх.

Улус алданур зарқ ила шайдиға,  
Гирифтор ўлур макр ила қайдиға,  
Тушар кимки нодон они қайдиға,  
Ёяр доми тазвир эл сайдиға,  
Қилиб субҳадин дона омода шайх,

Ибодат этар муддао—зару сим,  
Қилур зарқи томот бевахму бим,  
Урар элни йўлдин чу деви ражим,  
Ғазабда сабуъ, шаҳват ичра баҳим,  
Агарчи эрур одамизода шайх.

Қани ул музил бошида бўлса ҳуш,  
Қилурди бориб хизмати майфуруш,  
Бузуб ўзлукин қилса жўшу хуруш,  
Қирар одами сонига қилса нўш,  
Фано дайрида бир қадаҳ бода шайх.

Хуш ул кийса фақру фано жандаси,  
Чу бўлса раҳи ишқ пўяндаси,  
Ки мен умрлар они жўяндаси,  
Иродатдин ўлғай эдим бандаси,  
Агар топсам эрди бир озода шайх.

Ҳавою ҳавас кўнглида бешумор,  
Қўл олмоқ учун бўлди тақви шиор,  
Чу хунсойи мушқил ҳамадин канор,  
Эранлардин ўзни тутар гарчи бор  
Ўкуш зебу зийнат била мода шайх.

\* \* \*

Бир неча гул барги қабо яли-яли<sup>1</sup>,  
Айлағали бизни адо яли-яли,  
Тузмоқ учун савти наво яли-яли,  
Жамъ бўлинг моҳлиқо яли-яли,  
Бўлди қизиқ базм саро яли-яли.

Қўлга олиб нозу тарабдин ғино,  
Қилди жигарсўз тараннум бино,  
Чанг ила даф ҳалқасида деб сапо,  
Нағма била мутриб этиб тарнано,  
Соқий тутуб жоми сафо яли-яли.

Рози ниҳонимға етар бир гириҳ,  
Оҳу фиғонимға етар бир гириҳ,  
Тори равонимға етар бир гириҳ,  
Риштаи жонимға етар бир гириҳ,  
Қилди вужудумни фано яли-яли.

Сабза бўлуб боғ сари раҳнамун,  
Бўйнида сунбули таноби жунун,  
Сарв боши узра чекиб қумри ун,  
Гул очилиб, гулшан ўлуб лолагун,  
Булбул анга нағма саро яли-яли.

---

<sup>1</sup> Юсуф Сарёмийнинг бу мухаммаси шоирнинг девонида (132 бет) Навоий ғазалига мухаммас дейилади. Аммо Навоий асарлари ичида шу ғазалнинг йўқлиги текширишларда аниқланди. Биз бу мухаммасни Юсуф Сарёмий асарини сифатида ўқувчиларга тақдим этамиз. (А. А.).

Васли умидида ани умр ўтуб,  
Бир-бирини ҳасратида қон ютуб,  
Роҳи вафосида ўтурдум кутуб,  
Бир назари солса дебон кўз тутуб,  
Қоматимиз бўлди дуто яли-яли.

Кеча очиб орази тобонини,  
Равшан этиб ғайр шабистонини,  
Рашк ёқиб Юсуфини жонини,  
Хаста Навойни тўкуб қонини,  
Қўлларига қўйди ҳино яли-яли.







## ТАРКИББАНД

М

ани, ғам, мунча ҳам таклифи саҳройи жунун этма,  
Фироқу ҳажр, афғонимни кун-кундин фузун этма,  
Фалакдек доғи ҳасрат жоми айшим сарнигун этма,  
Ҳазин кўнглумни вайрон айлама, ҳолим забун этма,  
Эзиб бағримни меҳнат илгида, дидамни хун этма,  
Хаёлимни манга жуз кўйи жонон раҳнамун этма,  
Манга, эй носихо, кўп тарки ёр эт деб фусун этма,  
Паришон хатирам, эй ақл, ҳолим озмун этма,  
Маломат тошин урма бошима кўп таъни дун этма,  
Муриди ишқ ўлибман, ўзга таълими фунун этма,  
Кўзумға жилвагардур ҳусн, беҳбудимни буд этмас,  
Нафас куйдурмангизлар манга эмди ҳарф суд этмас.

Кел, эй дил, санга лозим лоладек доғ ила қон бўлмоқ,  
Эзилиб қатра-қатра ашкдек кўздин равон бўлмоқ,  
Бориб жонон сари кўйида фарши остон бўлмоқ,  
Керак бу ҳол ила манзури ул номехрибон бўлмоқ,  
Ва ёким кунжи ғамда ҳамдами оҳу фиғон бўлмоқ,  
Маломат ўқларига, эй кўнгул, эмди нишон бўлмоқ,  
Замона аҳлига, эй хаста дил, яхши-ёмон бўлмоқ,  
Ул ой ҳажрида, эй кўз, санга лозим хунфишон бўлмоқ,  
Қади сарвини ёди бирла, эй қомат, камон бўлмоқ,  
Бўлуб сармасти жоми ишқ расвои жаҳон бўлмоқ,  
Хаёли бодасидин нўш айлаб маст бўлмишмен,  
Шиканжи турраи занжириға побаст бўлмишмен.

Сабо еткур манга бир мужда турки ҳурзодимдин,  
Суманбў, зулфи сунбул, ғунча лаб, ноз эътимодимдин.

Тараб паймондори кокули басту кушодимдин,  
Анинг нозик дилида бормукин афсурда ёдимдин,  
Хабардор айлагин, эй бод, чеккан оҳу додимдин,  
Рақиблар зулми, доғи тийра бахти номуродимдин,  
Ёзарда ҳасби ҳолим кўзларим хунин мидодимдин,  
Рақам айланг сариф рухсорим узра кўз саводимдин,  
Чиқар ёдида ҳар тун оташи ҳасрат ниҳонимдин,  
Фигонким, вақти фурқат қилгон ул гул хайрбодимдин,  
Қўюнглар, телбадурман жомаи сабримни чок айлай,  
Ўзумни бир йўли маъшуқ кўйида ҳалок айлай.

Гули боғи муродим мубталои хор бўлмишдур,  
Тикандин гул таниға беадад озор бўлмишдур,  
Паризодим асири панжаи агёр бўлмишдур,  
Рақибим дастидин ул гулбадан афгор бўлмишдур,  
Мани зор ўлганим етмасму, мандек зор бўлмишдур,  
Фигон қил хаста кўнглум бўйла маҳзун ёр бўлмишдур,  
Нечук кундур мусулмон бандаи куффор бўлмишдур,  
Ҳазин жоним нигорим дардидин бемор бўлмишдур,  
Туну кун ҳасратингда кўзларим хунбор бўлмишдур,  
Ишим девоналардек тарки нангу ор бўлмишдур,  
Ҳазар қилмом улус бошимға отса таън тошиндин,  
Вужуди зарра мумкинмурму айрилмоқ қуёшиндин.

Демам гул фасли ўтти булбули шўрида афгон эт,  
Висоли ҳажр бўлди, гул каби бағринг тўла қон эт,  
Юракка хори ҳасрат санчилибдур, тарки бўстон эт,  
Ҳазондин гунчалардек қон ютуб, чоки тирибон эт,  
Бўлуб болу паринг жон куйдуруб жисмингни урён эт,  
Бу гулшан гулларидин лоладек доғинг намоён эт,  
Вужудинг хирманиға ўт солиб рашки гулистон эт,  
Мани андин сўгун гулгашти боғ этмакға фармон эт,  
Саропо кездуруб гулшан, мени ўршунгға нолон эт,  
Суруди ишқ туздим, ҳажри ул гулдин ғазалхон эт,  
Ҳаёлим пардасида нолаи ушшоқ соз айлай,  
Шарори захмаи нохун билла бағрим гудоз айлай.

Фигоним етти кўкка қомати сарви чаманлардин,  
Жунун бўйнимға тоқмиш тори анбарбў расанлардин,  
Кўзумда қондур ашким ёди ул лаъли яманлардин,  
Танимда тоб йўқтур ҳасрати гул пираҳанлардин,  
Ҳамиша талх комим хандаи шаккар даҳанлардин,  
Жафо хорин чекарман гул каби нозук баданлардин,

Сиришким олу, рангим заъфарондур ситамлардин,  
Вафо бўйи етушмас орази гул ёсуманлардин,  
Бағир қон бўлма, холу хатти чун мушки хўтанлардин,  
Жафодин ўзга ҳосил кўрмадим бебок фанлардин,  
Кўнгул эмди фано дайрига юзлан, бесарупо бўл,  
Муҳаббат жомидин қил дурдкашлик ринду шайдо бўл.

Дема ҳар шом гулфони шафақ хуни жигардандур,  
Чекилгон субҳ ҳар тун нолаи оҳи саҳардандур,  
Эмас анжум мани ўртаб ҳаво тутган шарардандур,  
Фигон жисмимда чун не ҳасрати ул лаб шакардандур,  
Гул узра дема шабнам рашҳаи бу чашми тардандур,  
Бу оҳи жон гудозим фурқати ул симбардандур,  
Букулгон қоматим ёди ниҳоли моҳвардандур,  
Ғамим ҳар лаҳза афсун ўлмоғи нозук камардандур,  
Чироғи тийра шомим нури ул ҳусни қамардандур,  
Аламлар Юсуф, ул турки маҳи бедодгардандур,  
Кўнгулда ишқ завқин тут ниҳон, оҳинг алам бўлсун,  
Агарчи мунисинг андуҳу кулфат, ёр ғам бўлсун.





### ҚИТЪАЛАР

Санга булбул баҳордур боис,  
Мани ноламға ёрдур боис,  
Мунча савдо билан жунунимға  
Бўйи зулфи нигордур боис.

\* \* \*

Кимики кўрса сани, санга мубтало бўладур,  
Туrolмас дами, кўргунча ул адо бўладур.  
Рухинг риёзи малоҳат гулини барги тари,  
Чароғи базми юзинг бирла пурзиё бўладур.  
Очилди лола юзингдин, кел эй баҳори тараб,  
Чаман юзинг гули бирлан фараҳ физо бўладур.

\* \* \*

Хумори бодан гулфоми дийдорингман, эй соқий,  
Гули руҳсоринги кўрмоқ учун зорингман, эй соқий.  
Тараҳҳумсиз кўзингдин ғамзапиро тири ноз истаб,  
Манам чун сўрма жон бирлан гирифторингман, эй соқий.





# МУҲАЙИР







М

уҳаййир—XIX асрнинг иккинчи ярмида етишган ўзбек шоиридир. Муҳаййир, унча тўлиқ бўлмаган маълумотларга қараганда, 1842 йилда туғилиб, 1918 йилда вафот этган. Шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳали ўрганилмаган. Муҳаййир Фарғона водисида яшаб ижод қилган шоирларнинг орасида кўзга кўринганлардан эди. Муҳаййирнинг уч қўлэзма девони маълум бўлиб, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти ва Адабиёт музейида сақланади. Унинг лирик шеърлари поэтик жиҳатдан анча пухта ёзилган. Шоирнинг бир қанча сатирик шеърлари ҳам бор. Умуман унинг поэтик ижоди ғоявий жиҳатдан Муқимий, Фурқат, Завқий ижодлари даражасига кўтарила олмаган, лекин у ўз ижодида даврига кўра бир мунча муҳим фикрларни талқин этгандир.





Б

ҒАЗАЛЛАР

енавомен, топгали желдим эшигингдин наво,  
Давлати умрунг учун шому саҳар айлаб дуо.

Бир фақири бекасу бечорау дармондамен,  
Сен эрурсан мен каби дармондаларга муттако.

Раҳм қил, тутқил қўлим, лутф эт, иноят айлагил,  
Бўлса кўнглунгда агар бир каъба тузмоқ муддао,

Мен фақиру сен ғани, бечорамен, сен чорасоз,  
Сен карамлик шоҳ, мен сендин умид этган гадо.

Бўлса эрди асри Ҳотамда агар сендек карим,  
Қайда Ҳотамдин баланд ўлғай эди номи сахо.

Ҳизматинг қилмоқ учун найдек белимни боғладим,  
Қил назар, қўйма бу қулни ерда мисли бўрё.

Бу Муҳаййир ғунчаи табъи очилмай, ҳайфким,  
Гулшани Фарғона ичра топмади нашъу намо.



\* \* \*

Фақр шоҳимен, адам мулки мусаххардур манга,  
Меҳнату андуҳу кулфат хайли лашкардур манга.

Маснадим гулхан кули, кунжи қаноат маҳзаним,  
Бўрө тахту, бузуқ вайропа кишвардур манга.

Бу дили маҳзун била илгимдаги сингон сафол,  
Чинийи Фағфуру, кўзгуйи Скандардур манга.

Танға жул кисват, намад бўлса кулоҳим ор эмаз,  
Ким алар рашки қабоу тожи қайсардур манга.

Жуз ёмонлиғ номаи аъмолима сабт ўлмади,  
Ҳосили умрим саросар қора дафтардур манга.

Қасратимни фарқ қилди гарчи тўфони фано,  
Лек ваҳдат тахтаси киштийю лангардур манга.

То сочи занжириға банд ўлди бу шайдо кўнгул,  
Дамбадам бош узра нур савдойи маҳшардур манга.

Аҳли даврон, яхшилиқ уммид қилманг чархдин,  
Ким ўшал жавру жафо қилгон ситамгардур манга.

Ер лутф айлаб, беҳамдиллаҳ, Муҳаййирни демниш  
Ошиқи девона бўлган ул қаландардур манга.

\* \* \*

Нечаким расму шиоринг зулм ила бедод эрур,  
Жумласи, эй шаҳ, бу қулға лутфу, адлу, дод эрур.

Юз ўгурмам ишқинг ичра етса сендин юз алам,  
Қим ҳазин жоним жафоу жаврингга муътод эрур.

Мен била булбулни тенг тутма жаҳон боғидаким,  
Манга дойим, анга бир ой нолау фарёд эрур.

Воизо, пандинг била борур йўлумдин ёнмағум,  
Қим менинг кўнглумда ҳам мундек фусунлар ёд эрур.

Сўз демоқ шоҳи замондин йўқ адаб, де шунчаким,  
Тавба қилмасдин муриди толиби иршод эрур.

Эй хуш улким, дайр пири илгидин бир жоми май—  
Нўш айлаб, икки олам қайдидин озод эрур.

Гар Муҳаййир назми баҳри ўтса Омудин нетонг,  
Қим анга бу йўлда Лутфий руҳидин имдод эрур.

\* \* \*

Боғу бўстонда агар сарву агар шамшод эрур,  
Санга қуллуғдин қачон, эй нозанин, озод эрур.

Сен каби лайливашу ширин насабни ишқида  
Зор кўнглум бир ажаб Мажнун ҳасаб, Фарҳод эрур.

Мен каби бир гул асири бўлмасанг, эй андалиб,  
Бу чаманда не учун тун-кун ишинг фарёд эрур.

Эйки шеър эттинг ҳавас, беилм бўлмасдур бу иш,  
Негаким ҳар фанда шарти аъзам истиъдод эрур.

Гар бадоеъ гулларидин рангу бўйи истасанг,  
Қил тамошоким, бу дам табъим чаман ижод эрур.

Соқийё, бир жом ила мен хастани шод айлагил,  
Ким, баса даврон элидин хотирим ношод эрур.

Гар Муҳаййирни сўзи тутса Ажам мулкин нетонг,  
Ким Навоий назм бобида анга устод эрур.

\* \* \*

Ердин нечук узай уммид—зор этган билан.  
Васл уммидига йиллар интизор этган билан.

Эй фалак, ором олурмусан ул ойни кўйида,  
Бир неча ошиқни бесабру қарор этган билан.

Эй кўзум ёши, югурмоқдин дами тинғаймудинг,  
Сирри ишқим эл ичинда ошкор этган билан.

Хотири покингга етгайму малолат, эй пари,  
Байтул-аҳзоним сари гоҳи гузор этган билан.

Монии васл ўлмағай, эй шўх, даврон боғида,  
Сизни гул янглиғ қилиб, ҳақ бизни хор этган билан.

Соқие, даврингда ғамгинман, дилим топмас фараҳ,  
Бир-ики жоминг билан рафъи хумор этган билан.

Бу Муҳаййир даргаҳингда топса, эй шўх, эътибор,  
Ғам емасдур даҳр эли беътибор этган билан.

\* \* \*

Халос ўлмоқ тилар бўлсанг агар даврон жафосидин,  
Унут ўзлукнию, ўт одамилик муддаосидин.

Қачонким ёр кўйида гадолиғ додини бердим,  
Умид уздим жаҳон султонию фармон равосидин.

Нигориким, анинг бир лаҳза жавридин халос эрман,  
Маҳол ишдур манга уммид тутмоғлик вафосидин.

Саломат аҳли, айб этманг маломатдин ғамим йўқса,  
Ки қўймаймен ҳазин жонимға миннат эл азосидин.

Билай десанг агар вайрону доғ ўлғон кўнгул ҳолин,  
Келиб сўрғил бу бўстон чуғзию бағри қаросидин.

Биҳамдиллаҳки, унди меҳр ўти, парвариш топди,  
Кўнгул боғида оҳи ашкими обу ҳавосидин.

Қарорғон кўзларимга тўтиё қилмоқ учун келтур  
Губори, эй менга ул нозанин кўйи фазосидин.

Қулингмен, соқиеким, бир қадаҳ май бирла қутқор-  
динг,  
Мени лаб ташна махмурингни худбинлик балосидин.

Муҳаййир тийра бахтин кўрки роҳат орзу қилса,  
Етар озор ғамлик жониға ўз ошиносидин.

\* \* \*

Бир нома манга келмади ул қоши қаламдин,  
Қаддим букулуб нол каби бўлди бу ғамдин.

Ул ҳури паризодға ҳолимни баён эт,  
Эй боди сабо, ўтсанг агар боги эрамдин.

Хунхор кўзи қонмадиму элни қилиб қатл,  
Ким қон тўкару дер яна бу сайди ҳарамдин.

Қон ютди, алам чекдию ғам бўлди насиби  
Ҳаркимки вужуд оламиға келди адамдин.

Десангки топай роҳату, кўрмай ситам элдин,  
Тут меҳру вафо расмию чек элни ситамдин.

Девона қазо қисматиға улки ризодур,  
Шукр айлагаю сўз демагай лоу наамдин.

Ҳарчанд гунаҳ лавсидин олуда этакмен,  
Уммид буким тоза ўлам баҳри карамдин.

Эй соқи, дами бода Муҳаййирға карам қил,  
Ўткармай анинг вақтини даврингда бу дамдин.

\* \* \*

Манга қайдадур бирдам сенсиз, эй санам, уйқу,  
Кўрунур фироқингда кўзума адам уйқу.

Тонгла лойиқи дийдор этса ҳақ тонг эрмасдур,  
Ушбу тунда гар бўлса қайси кўзда кам уйқу.

Ҳажр тунлари чеккан кулфатим нечук билғай,  
Улки суйгани бирлан айлағай баҳам уйқу.

Эйки баҳра истарсен тур саҳарки, топмас файз  
Кимни одати бўлса вақти субҳидам уйқу.

Ул кишики ҳар соат бир таома майл айлар  
Не ажаб агар тутса они дамбадам уйқу.

Гарчи кечалар уймоқ эл таниға роҳатдур,  
Леқ менга бўлмишдур сарбасар алам уйқу.

Мутрибо, чекиб созинг, туз навоға овозинг,  
Токи бир замон очғай савти зери бам уйқу.

Ҳажр қасди жон айлаб, элтса мени шояд,  
Бир қадаҳ майи, соқий, айласанг карам уйқу.

Кўнглида ватан ёди ўтгучи мусофирдур.  
Ким тутар Муҳаййирни йўлда ложарам уйқу.

\* \* \*

Лабингму лаълму, ёқутму ё қути жондурму,  
Қиёмат жилва қаддингдурму ё сарви равондурму.

Дамодам жонима бедод этиб жабру жафо қилмоқ,  
Дегил, эй нозанин, ишқим билурға имтиҳондурму.

Суханрас нуктадонларни такаллум бирла лол этган  
Бизи Лайли насаблиғ дилбари ширин забондурму.

Бутун юз пора кўнглум гунчадек дилтангдур-билмон.  
Ки ул раъно юзидин ғайри базми гулситондурму.

Мени, эй зоҳидо, таклиф қилма ҳонақаҳ сори,  
Ки ул ер ушбу дам майхонадек дорул-амондурму.

Вафо йўқтур жаҳон ҳам аҳлида, гар бўлса вафо  
Вафоси бирнеча кунлик эмасму, жовидондурму.  
анда

Кўнгул олмай сўзим ком истадинг дунё арусидин,  
Узинг инсоф берким, они айши ройигондурму.

Қарори йўқ фалак меҳрини бирдам уз умид, аммо  
Дема номеҳрибонму манга ёким меҳрибондурму.

Кўруб девонини мазмунидин воқиф ўлан айтур,  
Муҳаййир назмидурму ёки баҳри бегарондурму.



\* \* \*

Қайси бир гул юз сунабар қадга десам бир қара,  
Кўз солиш бирла мани маҳзунни айлар масхара.

Эмди билдим шаҳр ичида эътиборим йўқ экан,  
Манга лозимдур нишиман айласам дашту дара.

Лола доғини кўриб шояд кўнгул топса қарор,  
Бор экан деб мен каби оламда ҳам бағри қара.

Ёд этиб дилбар кўзин оқса ёшимдин чашмалар,  
Учраса ҳар лозазор ичра агар оҳу бара.

Бу биёбонда фано бўлгон кишилар ёшидур,  
Чашма бўлсун ёки фаввора ва ёхуд шаршара.

Ҳойил ўлмасдур ажални панжасига, воқиф ул,  
Гар санга темур ую фўлод бўлсун панжара.

Эй Муҳаййир, шукр қил, эл таънасинин ғам ема,  
Ким билурки тонгла ким сийқадуру ким сара.

\* \* \*

Эй булут, тева каби мунча сочиб қаф ёғасен,  
Осмон саҳнида ҳарён чекибон саф ёғасен.

Парча-парча юбориб бир-бирини орқасидин,  
Айлабон ерни бийик устини саф-саф ёғасен.

Муз масал жола каби ярқиратиб, раҳм этмай,  
Ҳавли, уюм томиға дейки не таф-таф ёғасен.

Гоҳ ширғоқ, гаҳи зоҳир этиб лак-лак қор,  
Пахтани зобутидек ер уза лаф-лаф ёғасен.

Чопқуну изғиринингдин қаматиб уйға мени,  
Ут била мунча димоғим қилиб жаф ёғасен.

Қўрунуб кўзга хунук, мунча бу тўй ўтгунча,  
Шилдираб кечалари, кундузи шаф-шаф ёғасен.

Ўтмайин тўй, жадаллаб нега келдинг, айгил,  
Тиладиму сени бир хориси ашраф ёғасен.

Қиш ўтуб фасли баҳор ўлса, болуб хурраму шод,  
Сустайиб тоғ ила тузга чолибон даф ёғасен.

На бало бўлди сенгаким, бу Муҳаййир бошиға  
Сув тўкулган каби ҳар лаҳза шалафлаф ёғасен.



# А В А 3







А

ваз Утар ўғли 1884 йили Хева шаҳрида сартарош оиласида туғилди. Авазнинг отаси адабиёт-санъатга қизиққан, замонасининг олим, шоирлари билан ҳамсуҳбат киши эди, шу сабабдан ёшлиқдан ўқишга ҳавас кўрсатган ўғли Авазнинг тарбиясига алоҳида аҳамият берди.

Қобилиятли Аваз тез вақт ичида саводини чиқариб, адабиётга қизиқа бошлади ва ёш чоғиданоқ шеър ёзишга киришди.

1905 йил революцияси Россиядаги барча халқлар онига, шу жумладан, Россиянинг вассали бўлган Хоразм хонлигидаги меҳнаткашлар оммаси руҳига ҳам анчагина таъсир қилди. Аваз ижоди кўп жиҳатдан мана шу таъсир кучининг самарасидир.

XX аср бошида Хева хони бўлган фосиқ, золим Исфандиёр ва унинг амалдорларининг халққа зулми ва феодализмнинг маънавий базасини ташкил этган мутаассиб уламо, руҳонийларнинг жаҳолати, таассуби ҳаддан ошиб кетди.

Аваз ўз ижодида хон истибдоди, амалдорлар зулми, руҳонийлар таассуб ва жаҳолатини фош қилди. Халқ оммасини илм, маърифатга чақирди, чирик замон ўрнига ёруғ замон келишини умид қилди. Халқ манфаатларини кўзлаб сипоҳийлар ва руҳонийларга қарши ёзган шеърлари ҳаракатлари учун Аваз хон томонидан жазоланди ва жинни деб эълон қилинди. Лекин у ўз йўлидан қайтмади. Халқ унинг жўшқин шеърларини севиб ўқиди.

Аваз Утар ўғлининг катта ҳажмли қўлёзма девони бор, ундан ташқари анчагина илм-маърифатни тарғиб

этувчи, ҳамда хон, унинг амалдорлари ва руҳонийларни кескин танқид остига олган сатирик шеърлари мавжуд.

Авазнинг ғазаллари революцияга қадар Хоразмда нашр қилинган тўпламларда чиққан. Ҳозир Ўзбекистон фанлар Академияси Шарқшунослик институти китоб фондида Аваз девонининг учта қўлёзмаси сақланмоқда. Илм-маърифатга оид ва сатирик шеърлари Хоразм халқ революциясидан кейин 1923 йилда нашр этилган «Юғурми» (тўплам)да босилди.

Шоир Аваз Ўтар ўғли ижодининг барқ уриб яшнаётган ва энг қизғин бир даврида, умрининг энг навқирок ва гуллаётган бир пайтида хон истибодининг қурбони бўлди. Ўзининг улуғ орзу ва тилакларига етишолмай, мудҳиш жазо туфайли йўлиққан оғир хасталик алам-изтироблари остида 1919 йили 35 ёшда вафот этди.





К

#### ҒАЗАЛЛАР

Ұй, эй пари пайкар, қадам айлаб карам бош устина,  
Қаҳру ғазаб таркин қилиб, чин солмағил қош устина.

Зоҳид ул ойдин ижтиноб этса не тонг, аҳбобким,  
Гар тушса ўлгай ламъаи хуршид хуффош устина.

Изҳор этиб бедоду кин ойнини бешак манга,  
Борсам изидин ул гўзал тош отғуси тош устина.

Ҳосидлиғ айлаб бу замон, ким берди дер аҳли жаҳон,  
Кийса янги хилъат агар қашшоқи қаллош устина.

Гардуни дун зулму ситам озода элга қилғуси,  
Жавру жафо ойнини фош айлабон фош устина.

Бўйла муравватсиз замон аҳли эрурким, эй Аваз,  
Гар топса фурсат бергуси оғу қўшуб ош устина.

\* \* \*

Вафоу меҳр эрур борҳо хисол манга,  
Нетонгки етса агар ишқ аро камол манга.

Нечук мурод ила мақсад топай жаҳон ичра,  
Ҳамиша толиъ эрур бахт аро вабол манга.

Рақиб хайли эрурким ғаний бу оламда,  
Аларнинг атласидин аҳсан эски шол манга.

Давомат ўлғусидур одатим вафо била меҳр,  
Етишгуси бу жиҳатлар била завол манга.

Агарчи зийнати кўп жоми жам не ҳожатдур,  
Қи яхшидурки топилса синуқ сафол манга.

Аваз нетонгки ул ой қоматини ҳажрида,  
Аламнинг остида қад бўлса бўйла дол манга.



\* \* \*

Эй кўнгул, ишқ ичра кирдинг жон керакмасму санга  
Кофири чашмин кўруб, имон керакмасму санга.

Ёр рухсориға боқмассан магарким, зоҳидо,  
Офтоб ила маҳи тобон керакмасму санга.

Ғайр куйининг таманносин қилурсан, эй рафиқ,  
Ёки айғил жаннати ризвон керакмасму санга.

Ўзга дилбар лаълини ўпмак гар истар эсанг,  
Дегил, эй дил, ул лаби хандон керакмасму санга.

Эй кўз, этгунг орзу ғайри суманбар оразин,  
Эмди ул ораз маҳи рахшон керакмасму санга.

Соқиё, ман ҳастаға май бермайин доғ айладинг,  
Ёки мискини ҳазин меҳмон керакмасму санга.

Эй Аваз, назм айладинг асру шараф афшон сухан,  
Ёдгори дафтари девон керакмасму санга.

\* \* \*

Ҳар кишининг дарди бўлса, арз қилсун ёрға,  
Қолмағай токим ҳамиша ҳажр аро озорға.

Шояд айлаб раҳм аҳволиға ёри васл аро,  
Майли рағбат қилмағай ихлос ила ағёрға.

Эй кўнгул, ошуфтасан, ажз ила изҳор айлагил,  
Нечаким ноз этса ҳам ул зулфи анбар борға.

Эйки истарсан давомат даҳр ишқи беҳжатин,  
Чек миҳан, гулшанда гул пайванд бўлмиш хорға.

Қилмағил дашном, эй оромижон, ғайриғаким,  
Берса бўлмас подзаҳри талх ҳар беморға.

Ихтиёр этма қўлингдин келмас ишни даҳр аро,  
Ким недин таъну маломат эл қилур беорға.

Эй Аваз, назмингда келтурма ҳар эл алфозини,  
Ким баробарлиғ садаф қилмас дури шаҳворға.

\* \* \*

Эй париваш бевафолиғ айлама,  
Ким кўп эмди пур жафолиғ айлама.

Эйки истарсан тарабни даҳр аро,  
Ишқ аро бедаст-полиғ айлама.

Оқил эрсанг асли ишқ ичра кириб,  
Нотавону бенаволиғ айлама.

Гар мурудинг етмас эрса ёрға,  
Ғайр куйида гадолиғ айлама.

Ким тариқи фақр аро солиқ эсанг,  
Хисрави кишвар кушолиғ айлама.

Эй Аваз, бўлсанг ғарибу нотавон,  
Хону бойға ошнолиғ айлама.

\* \* \*

Ваҳки ҳамдам бўлмадим бир лаҳза жононим била,  
Кўнглум олғон дилбару шўхи сухандоним била.

Соати бир маскан ичра жоми саҳбо ичмадим  
Ул нигори сарв қомат лаъли хандоним била.

Аввало эрдим ҳамиша комрону комгор  
Васл аро сармаст ўлуб, ул чаши фаттоним била.

Неча йилдурким ютуб хуноби ҳасрат беадад,  
Жонима етдим бу янглиғ доғи ҳижроним била.

Эй Аваз, бир умр ўтди васл аро маҳрум ўлуб,  
Саъй қилдим етмадим мақсудға жононим била.

\* \* \*

Бўлғуси, эй дил, муяссар васли жонон, ғам ема,  
Ким онинг келмаклигига бордур имкон, ғам ема.

Топғуси табдил субҳи васл бирла оқибат,  
Нечаким тул ўлса гар ҳам шоми ҳижрон, ғам ема.

Нўш қилсанг ёр илгидин агар жоми тараб,  
Дур сандин бўлғуси андуҳи даврон, ғам ема.

Тийри мужғони била қонинг тўкулса ҳар қачон,  
Берғуси лаъли лаби кайфияти жон, ғам ема.

Лайливашлар суҳбатиндин ижтиноб этган учун,  
Ғам емишму эрди Мажнуни биёбон, ғам ема.

Ҳажр аро бўлсанг Аваздек бекасу ошуфта ҳол,  
Бўлғуси, эй дил, муяссар васли жонон, ғам ема.

\* \* \*

Дилбаримнинг бор манга атвори хўб,  
Ҳам адову ишваю рафтори хўб.

Бўлғуси албатта мандек бешикиб,  
Кимнинг эрса ҳусн аро дилдори хўб.

Ошиқи содиқнинг эй, аҳбоб эли,  
Бор ҳақиқатда бари кирдори хўб.

Ҳурдин ҳам ишқ хайли кўзига,  
Кўринур бешак ўзининг ёри хўб.

Кўрмагай асло ғаму меҳнат юзин,  
Қайси ошиқнинг эса ғамхори хўб.

Эй Аваз, бор жумлаи девон аро,  
Хўблугда ул иков гуфтори хўб.

\* \* \*

Сўрмади ҳолимни, ёраб, ошнолардин биров,  
Ул мурувватсиз, ситамгар, бевафолардин биров.

Ёр кўйида қилиб ғаммозлик изҳорини,  
Солди бошимға қаро кун пур жафолардин биров.

Айламаским, айласа гар таъна жумла эл манга,  
Кўрмади ҳажр ичра ман кўрган балолардин биров.

Баски қилди жабру зулму, қаҳру кийну ҳам итоб,  
Бовар айлаб ғайр сўзин дилраболардин биров.

Ноз ила ажзу ниёзимни кўзига илмайин,  
Нозанинлиғ кўргузуб, соҳиб адолардин биров.

Васл нақдин истабон нокому мардуд ўлдиму,  
Кўйи маҳбуб ичра ман янглиғ гадолардин биров.

Эй Аваз, кўрган малолу, ҳасрату, ранжу, ано,  
Иўқ жаҳон мулкида сандек бенаволардин биров.

\* \* \*

Ҳар дам манга юз ситам қилурсиз,  
Сабру хирадим адам қилурсиз.

Минг дардга мубтало қилиб вой,  
Чашмимни чунонки нам қилурсиз.

Ғайри сарига бориб, чу пайдо  
Жонимда туман алам қилурсиз.

Бир умр ғаминг юки тагида,  
Эй шўх, қадимни хам қилурсиз.

Қаҳринг келибон ҳамиша мандин.  
Пинҳон рух, аё санам, қилурсиз.

Бағримда қўярға доғ уза доғ,  
Ағёр элига карам қилурсиз.

Бечора Авазни фурқат ичра,  
Оромини мунъадам қилурсиз.



\* \* \*

Ман чекмаган дарду меҳнат қолмади,  
Бошимга келмаган офат қолмади.

Улгали етишдим ёра етгунча,  
Манга юзланмаган кулфат қолмади.

Чекиб дарду алам ердан тургудек  
Жисмимда заррача қувват қолмади.

Жудоликнинг ҳар бир куни қиёмат,  
Анда ман кўрмаган шиддат қолмади.

Эрларнинг бошига тушуб савдолар,  
Аҳли ҳимматларда ҳиммат қолмади.

Ҳижронида ўтуб умрим тамоми,  
Еримга етарга фурсат қолмади.

Муҳаббатсиз аҳли олам, эй Аваз,  
Гўё онларда бу хислат қолмади.

\* \* \*

Оҳким, қилди фалак, айру диёримдан мани,  
То йироқ солмоққа бир гулрух нигоримдан мани.

Хотирим ошуфта бўлса айб қилманг, негаким,  
Солди айру чарх аҳбоб ила ёримдан мани.

Ҳодисоти даҳрдин бошимга юз савдо тушуб,  
Қолмади осор қўлда ихтиёримдан мани.

Юзланиб бечоралиғ ҳар дам жудолиғ доғидан,  
Қолмагай андак асар сабру қароримдан мани.

Не манга ёрону ҳамдам, не манга бир меҳрибон,  
Шум иқболим аюрди, йўқу боримдан мани.

Ёр учун жоним фидо қилсам агар эрмас ажаб,  
Қим аён ошиқлиғим афғону зоримдан мани.

Эй Аваз, қилма таажжуб борҳо ношод эсам,  
Қим хабар олмас биров ҳоли назоримдан мани.

\* \* \*

Букун, эй дўстлар, ёри вафодоримни соғиндим,  
Анису меҳрибон маҳбуби ғамхоримни соғиндим.

Яна фарёду афгон айласам айб айламангларким,  
Ҳамул шамшод қомат лола рухсоримни соғиндим.

Кўруб ой ила куннинг кеча-кундуз ичра анворин,  
Ҳамул ҳусн авжида меҳри пур анворимни соғиндим.

Ҳануз айёми фурқат ранжу дардининг асириман,  
Висоли ичра кўрган ҳаззи бисёримни соғиндим.

Жамоли бирла эрди кўзларим субҳу масо равшан,  
Ҳамул хуршед сиймо шўх дилдоримни соғиндим.

Эрурман бекасу бедасту пою хастаю маҳзун,  
Таажжуб қилмангиз ул беҳжат осоримни соғиндим.

Нетонгким, эй Аваз, бўлсам малулу телбаи мискин  
Демакка ҳолим ул донойи асоримни соғиндим.

\* \* \*

Мандин хабар олмас ошнолар,  
Бегона мисол бевафолар.

Ҳижрон аро зору нотавонман,  
Тортиб неча ун ила наволар.

Жонимни фидойи ёр қилдим,  
Ишқ ичра чекиб туман жафолар.

Молимни йўлида айлабон сарф,  
Мандин ҳазар этгуси гадолар.

Ноком бўлуб расолиғимдин,  
Мақсудға етди норасолар.

Ҳар лаҳза қилур ҳужум сонсиз,  
Бошимға фироқ аро балолар.

Кош эрди агар ижобат ўлса,  
Баским Аваз айлаган дуолар.





## ТУРЛИ ШЕЪРЛАР

### Х А Л Қ

Ҳ  
ўқ жаҳон мулкида биздек ожизу бечора халқ,  
Зулм тиғи бирла бўлган бағри юз минг пора халқ.

Бир неча авбош бунда ҳукмронлиғ айласа,  
Қолмағай ори на янглиғ меҳнату озора халқ.

Не аларда бор дурур илму адолатдин асар,  
Не ажабким, топмаса доғи дилиға чора халқ.

Етган офатни бошиға доимо тақдир деб,  
Ҳасрату армон билан кетгуси бора-бора халқ.

Бўлмайин онларда ҳеч миллат, ватанни сақламоқ,  
Бўлди қурбон бу сабабдин доимо ағёра халқ.

Халқи оламни бари айлар тараққий кун-бакун,  
Биз таназзул айлабон қолдиқ, эдик не кора халқ.

Кўзларин оҳиста-оҳиста агар очса замон,  
Эй Аваз, бўлмас бунингдек борҳо овора халқ.

### ТОПАР ЭРКАН ҚАЧОН

Топар эркан қачон, ёраб, ҳаёти жовидон миллат,  
Топиб илму ҳунар бирла маорифдин нишон миллат.

Ватанпарвар — фидоий фирқалар то бўлмайн пайдо,  
На мумкин топмоғи ўлган танига тоза жон миллат.

Фидо миллат йўлига молу жон этмак керак ҳар ким,  
Бўлай деса агар авлоди машҳури жаҳон миллат.

Очиб ҳар бир сарида мактабинг унвонин айлаб чўх,  
Тараққий айламасми ўқубон беҳадду сон миллат.

Бу янглиғ олам аҳлидин кейин қолмай юруш айла,  
Аваз, бўлғай уёниб комгору комрон миллат.

Т И Л

Ҳар тилни билув эмди бани одама жондур,  
Тил воситаи робитаи оламиёндур.

Ғайри тилини саъй қилинг билгали, ёшлар  
Ким илму ҳунарлар ривожи андин аёндур.

Лозим сиза ҳар тилни билув она тилидек,  
Билмакка ани ғайрат этинг, фойдали кондур.

Илму фан уйига юборинглар болангизни,  
Онда ўқуганлар бори яктойи жаҳондур.

Зор ўлмасун онлар доғи тил билмай Аваздек,  
Тил билмаганидин ани бағри тўла қондур.

## МАКТАБ

Очинглар, миллати вайронни обод этгуси мактаб,  
Укусин ёшларимиз, кўнглини шод этгуси мактаб.

Дилу, жон бирла эл мактаб очарга ижтиҳод этсин,  
Нединким бизни ғам, қайғудин озод этгуси мактаб.

Кўнгулларнинг сурури, дағи кўзлар нуридур фарзанд,  
Аларнинг умрини албатта обод этгуси мактаб.

Ота бирла онага фарз ўқутмоқ бизни мажбурий,  
Ки бизни яхшилик қилмоқда муътод этгуси мактаб.

Қаю миллатга биздек гар насими инқироз етса,  
Анга албатта мустаҳкамлик ижод этгуси мактаб.

Бу не навмидликдур, мактаб очсақ, оқибат бизни  
Арусини ком ила мақсудга домод этгуси мактаб.

Аваз, ҳимматни қил олий очарга эмди мактабким,  
Балойи жаҳлу нодонликни барбод этгуси мактаб.



Ф И Д О Й И   Х А Л Қ И М

Фидойи халқим ўлсун танда жоним,  
Бўлуб қурбон анга руҳи равоним.

Гар ўлсам дарбадар мазлумлар учун,  
Будур мақсуди қалби нотавоним.

Мани солса фано йўлига даврон,  
Юрур устимдин авлоди замоним.

Умидим — яшасин мактаб боласи,  
Алар ҳар бири бир шери жаёним.

На яхши ўйлаким, маъқулу манзур,  
Аваз, халқим учун тўкулса қоним.

СИПОҲИЛАРГА

Нега мунча зулм этиб миллатни айларсан хароб,  
«Лоюҳиббуз-золимин» деб тангри қилганда хитоб.

Дамбадам бедоду жабру зўрликлар айлабон,  
Солма мазлум аҳлининг кўнглига мундоқ изтироб.

Мунчаким зулм айлагунг, бордур мукофоти замон,  
Оқибат бир кун анга масъул бўлуб бергунг жавоб.

Бор умидим тезда бўлғуси ҳуррият кун,  
Эй Аваз, қолмас булут остида доим офтоб.

### У Л А М О Л А Р Г А

Эйки сизлар, то таассуб бирла даврон этдингиз,  
Миллати мазлума аҳволин паришон этдингиз.

Бирингиз қози, бирингиз аъламу муфтий бўлуб,  
Бу не ойин эрдиким, сизлар намоён этдингиз.

Бизни айлаб хору зору нотавон этмак учун,  
Бермайин осори ҳурлик, банди зиндон этдингиз.

Бу фалокатлар учун масъул бўлурсиз оқибат,  
Зулму истибдод ила миллатни вайрон этдингиз.

Йўқса одаммиз, очиб мактаб, илм билдирсангиз,  
Беҳабар илму ҳунардин бизни ҳайвон этдингиз.

Бир куни сўрғай Аваздеқ уйғониб аҳли замон,  
Не учун миллатни сиз ер бирла яксон этдингиз.

ш л и х

Ичиб тинмайин дайр аро бода шайх,  
Май учун қилур рахни сажжода шайх.

Не мумкин ёруғликки андин эса,  
Жаҳолатни роҳида афтода шайх.

Сураарга риё заврақин ҳар сари,  
Асосин қилур ўйлаким хода шайх.

Ичарга қадаҳ шўхлар илгидин,  
Ўзин айлар ул навъ омода шайх.

Ўзин айлади бўйла зору асир,  
Мани манъ этиб ишқдин сода шайх.

Ётар эрди то ҳашр уйғатмайин,  
Санингдек эса одамизода шайх.

Урар ҳамла ҳар кимсага маст ўлуб,  
Қудурмишму ё ит каби лода шайх.

Қилиб нўш май беҳаёлиқ қилур,  
Бурун ёки эркан (ҳаромзода), шайх.

Аваз, хизмат айлаб дуосини ол,  
Жаҳон ичра топсанг бир озода шайх.

### И К К И Ш А Й Х

Ваҳким, насиҳатлар манга қилғуси сайёр икки шайх  
Қилдурғали ушшоқлиқ расмидин инкор икки шайх.

Токим манга ул дилрабо ишқини тарк этдурғали,  
Макру риёу ҳийлалар қилди намудор икки шайх.

Аҳли замонни оздирур роҳи ҳақиқатдин мудом,  
Шайтониятлик расмини айлаб падидор икки шайх.

Қундузлар айлаб ваъзлар аҳли жаҳонга бешумор,  
Майдин қилурлар кечалар соғарни саршор икки шайх.

Ҳар кун қилиб масжид сари юз минг риё бирла хиром,  
Ҳар тун қилур каззоблик ўзига атвор икки шайх.

Иблис халқ ичра кириб оздурмоғи ҳожат эмас,  
Эй дўстлар, токим жаҳон мулки аро бор икки шайх.

Эйким эурсан гуссау андуҳи олам соҳиби,  
Бўлмиш санга бу дам магар шумлуғ била ёр икки  
шайх.

Зинҳор пандимни эшит ҳушинг бор эса, эй Аваз,  
Оздурмасунлар то сани, бўлғил хабардор, икки шайх.

## Х У Р Р И Я Т

Сиёсат маҳв бўлди, яшасун оламда ҳуррият,  
Бари эл иттифоқ айлаб, жаҳонни айласун жаннат.

Кетиб зулму ситамнинг зулмати, бўлсун жаҳон  
равшан,  
Адолат офтоби миллатимга, кўргузуб талъат.

Тараққий айламак лозим жаҳон аҳли бўлуб бир тан,  
Билурга барча илм ила ҳунарни яшасун миллат.

Жаҳон аҳли, манга сизсиз севикли жон азизимдин,  
Эрурмиз бир-биримизга яқин гўёки бир ихват.

Яшанг, эй қаҳрамону ҳурриятпарвар биродарлар,  
Олиб ҳур, миллати мазлум учун сиз қилдингиз  
хизмат.

Очиб ҳар навъи мактаб эмди ҳимматни қилиб олий,  
Ватанни қилғали обод лозим айласак ғайрат.

## ҚИТЪАЛАР

Фалон аҳмақки, бергуси ҳамиша ўзига оро,  
Ҳамоноким олиб илгига бир кўзгу нисо осо.  
Ғубори йўлдин ўтган чоғда тар тегса либосига,  
Ювар они зиёда бўлгуча собунни нархи то.  
Агар онинг ҳар асбобиға ғайрининг қўли текса,  
Ажабким, сўнгра они олмагуси илгига асло.

\* \* \*

Фалони зоҳиди худбинки, худбинлиқ қилур зоҳир,  
Ўзини аҳли тақви пешвосидин ҳисоб айлаб.  
Ўзи нахват майин нўш этгуси шому саҳар тинмай,  
Ажойиброқи будурким, ринд элини ихтисоб айлаб.  
Риё бирла йиғиб оламнинг барча молу асбобин,  
Ётар эмди ҳамоноким, эшакдек хўрду хоб айлаб.

\* \* \*

Фалон бозилға бўлсун борҳо дашном уза дашном,  
Ки фақр аҳлиға жавр айлаб, ғаниларга қилур  
инъом,  
Танаъум аҳлиға неъмат қўюб, оч аҳлиға бермас,  
Хуш эрди топса андоқ элнинг умри муддати итмом.

\* \* \*

Фалон авбошдек лаънат маош олам аро йўқдур,  
Ки мажмуи ҳаромизодалар бўлмиш анга чокар.  
Кеча кундуз қимор ўйнаб, иши ошоми хамр этмак,  
Бўлурға маст бепарво ҳамул бад тинати занғар.  
Ҳаводис боди етса гар анинг умри чароғига,  
Қилурға маҳв мутлақ базми оламдин эди хуштар.

\* \* \*

Фалониким суханчиликни расмин ўзга қилмиш фан,  
Солурға халқи оламнинг бошиға булъяжаб савдо.

Айирмоқға ота бирла ўғулни бир-бирисидин,  
Бирин бир айбини минг айлаб, айлар бирига ифшо.  
Онасига қизин душман қилур, қизга онасини,  
Дебон ёлғонни чин монанд бўхтон айлабон гўё.

\* \* \*

Ул одамким, ҳасад ғайрига айлар кечаю кундуз,  
Қилиб рашку таассубнинг ўтига бағрини бирён,  
Агарчи илгидин келмас бировни хуррам этмаклик,  
Кўра олмас ва лекин кимсани қалби эса шодон.  
Бу янглиғ ҳосиду бадхоҳу ҳам юзи қароларни,  
Илоҳий, эт жанобинг ҳурматидин ер била яксон.

\* \* \*

Ёмонларнинг ёмони андоқ одамдур жаҳон ичра,  
Йироқ ўлғуси то ўлгунча инсофу диёнатдин.  
Олиб мазлумлар молин туман зулму ситам бирла,  
Қилур бехонумон хавф этмайиң явми қиёматдин.  
Етиб бошига жаллоди ажал шамширидин зарби,  
Не хуш бу навъ одам ўтмаса гар ушбу соатдин.  
Бу сийрат бирла гар мавсуф бўлғонлар эса маълум,  
Халос ўлғуси шаксиз фақр эли доми уқубатдин.

\* \* \*

Сипоҳи пора истар,  
Мулла ижора истар,  
Бечора чора истар,—  
Бир чора замон борму.

Эшон дегани либоси малла,  
Ўғрига шерикун гара далла,  
Рангини кўрунғ бу баднамонинг,  
Ҳанги эшаки эрур худонинг.  
Масжидни ўзига дом этибдур,  
Билмам буни ким имом этибдур.

\* \* \*

Билинғ ушбу замон ғамнокидурман,  
Қуюб ўртанмиш элнинг хокидурман,  
Авазким, назим элин чолокидурман  
Бошиң олмоққа хоннинг покидурман.







# ЗАВҚИИ







XIX аср II ярми ўзбек демократик адабиётининг йирик вакилларида бири Убайдулла Солиҳ ўгли Завқий 1853 йили Қўқон шаҳрида касиб оиласида туғилди.

Завқий мактабда, сўнгра Мир ва Чалпак мадрасаларида ўқийди. Иқтисодий қийинчиликлар унинг мадрасани ташлаб кетишига мажбур қилган бўлса-да, истеъдодли Завқий мутолаа орқали ўз даврининг илмини эгаллайди.

Завқий ёшлик давридан адабиётга қизиқади, Муқимий, Фурқат каби йирик шоирлар билан яқиндан танишади, лирик шеърлар ёза бошлайди.

Шоир Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилишини ва бунинг натижасида рус халқи орқали кириб келаётган янгиликларни яхши қарши олади. Айни замонда, шоир икки томонлама қаттиқ зулм остига тушиб қолган меҳнаткаш омманинг оғир иқтисодий аҳволига зўр қайғуриш билан қарайди. Даврдаги ўзгаришлар, шунингдек Муқимий бошлиқ демократик адабиётнинг таъсири натижасида шоир ижодида танқидий реализм методи шакллана боради. Завқий мавжуд ҳукмрон синфларнинг кирдикорларини фош этишга, реакцион дин аҳллариининг қилмишларини кучли танқид этишга бағишлаб қатор сатирик асарлар яратади. Завқий ижодида вайронага айланган қишлоқ, камбағал деҳқонлар, оч-яланғоч шаҳар меҳнаткашларининг ҳуқуқсиз аҳволини реалистик кўрсатишга бағишланган асарлар ҳам катта ўрин эгаллайди. Шоир ўз даври поэзиясининг энг яхши намуналари қаторидан ўрин олган кўпгина лирик ғазал, мухаммаслар яратган.

Завқий Октябрь социалистик революциясини қувонч билан табриклайди, революция ютуқларини мустаҳкамлаш ишларида актив қатнашади, босмачиларга қарши кучли сатирик асарлар ёзади. Революция душманлари — босмачилар Завқийни йўқотишга ҳаракат қиладилар, уни тутиб урадилар, зиндонга ташлайдилар. Босмачилар қўлидан озод қилинган бўлса-да, жисмоний соғлиғини йўқотган шоир 1921 йилда вафот этади.

Революцияга қадар шоирнинг асарлари ўрганилмади, ҳатто тўплаб нашр қилинмасдан турли баёз, девоналарда тарқоқ ҳолида қолган.

Бу тўпламга 1959 йилда нашр қилинган «Танланган асарлар»идан намуналар киритилди.





## ШЕЪРЛАР

С

### ЗАМОНА КИМНИКИ?

ен дема ушбу замонда обрў муллоники,  
Қолди аълолар оёқ остида, сўз адноники,  
Сар дарахти мевасин кўр: зоғ ила қарғоники,  
Демангиз, аҳбоблар, гул булбули гўёники,  
Давлати васли тиконда, ҳажр ул шайдоники.

Сендин, эй даврон, ичиб ғам заҳрини ғамнокман,  
Ғунча янглиғ оташинликда гирибон чокман,  
Демадим бир бор ичсам дафъиға тарёкман,  
Халқ наздида ҳақиру хок ё хошокман,  
Давлату иззу шарафлар марди бодунёники.

Шаҳру қишлоқ демангизким, фиқ ила тўлди жаҳон,  
Аҳли дунё қошида ёлғончилардур нуктадон,  
Йўқ ривож касбу ҳунарга соврилибдур хонумон,  
Хоҳ косиб, хоҳ деҳқон қайга борса бағри қон,  
Ҳоли ҳар ерда, сухан шармандаю расвоники.

Мўътабар нодон элидин қочди донолар бари,  
Ғушага олди ўзин кўнгли мусаффолар бари,  
Қолдилар роҳи равишдин дийда бийнолар бари,  
Эътибор ўлди жаҳонга сурат оролар бари,  
Бу замона ғарч ковуш кийган силиқ саллоники.

Ҳеч ким фақр аҳлиға жон бирла қилмайди савоб,  
Ағниё аҳлиға анқо парча нон, бир томчи об,  
Шул сабабдин беваю бечоралар бағри кабоб,  
Бекасу бечора сўзига киши бермас жавоб,  
Манзилат ҳар ерга борсанг сурати зебоники.

Маъсият тўлди жаҳон ичра, зуҳур айлар фасод,  
Хайру эҳсон топди барҳам, халқ бозори касод,  
Ошно, ёру биродарларда ҳам йўқ илтифот,  
Меҳру шафқат йўқ, ота ўғлига қилмас эътимод,  
Давру даврон ҳамма жойда ҳокиму мирзоники.

Ағниё аҳлида йўқ хайру саховатдин асар,  
Бас эрур илму амал ўрнига бўлса сийму зар,  
Қўрқаман бу феъли баддин ютмасин деб ер магар,  
Сўрсаларким, бу мухаммасни ким айди деб агар,  
Завқий деган бир ямоқчи, маҳсидўз устоники.

МУНЧА КЎП

Золим фалак бисотида озор мунча кўп,  
Инсон шарафли номи била хор мунча кўп,  
Ҳар кўчаларда қашшоқ ила зор мунча кўп,  
Тарҳи жаҳон биносида бадкор мунча кўп,  
Хўқанд аро балога гирифтор мунча кўп.

Ҳамрозу дўст топилсаю жонлар фидосидур,  
Орзу шуким: камина кўнгил муддаосидур,  
Хуш суҳбати мажруҳ дилим давосидур,  
Мақдами кўзума айни шифо хоки посидур,  
Йўқ андоғ анисим, дунёда ағёр мунча кўп.

Нодон севар замона, дод илкидин нетай,  
Бошим олиб фиғон ила ё бир томон кетай,  
Ушбу диёри масхарани эмди тарк этай,  
Тинмай шикоят ила ёмонга рақам битай,  
Жумла фалокат аҳлиға ғамхор мунча кўп.

Дориламон бўлди ажаб фоҳишахоналар,  
Тўлмасми касофатдин охири паймоналар,  
Доно кўруб бу кулфат ўтида ёналар,  
Қолсин фисқу фужури бошидин ордоналар,  
Қарғишга нишон беномусу беор мунча кўп.

Илму ҳунарлар ўрниға пулдор тўнг бўйин,  
Уч-тўрти йиғилиб қилишур ит каби ўйин,  
Эҳсон ғарибға йўқ, шоҳона қилур тўйин,  
Айтса адо бўлмас, сира минбаъд феълу хўйин,  
Ғусса дилим шарҳ айласам асрор мунча кўп.

Қишлоқ эли шафтоли қоқи, нон тополмагай,  
Қийган либосини тортса (белини) ёполмагай,  
Улди совуқда кўпи оч, ўтун ёқолмагай,  
Қўрдик бу машаққати ҳаргиз йўқолмагай,  
Қиш чилласида ёзга умидвор мунча кўп.

Қим ташна ер учун, кимида икки-уч ҳарам,  
Бирови беватану бировда боғи эрам,  
Бировни (нг) сўзи зулфиқор, бировни (нг) қадди хам.  
Ғаддор фалак, доим ишинг бўлди бешу кам,  
Қаждор замона, доғули маккор мунча кўп!

Биров сийму зар ила ўлимдин омон бўлур,  
Етиб муродға бири ҳокими замон бўлур,  
Ақча учун киши роҳизан ёмон бўлур,  
Бечора косиб аҳлиға, билгил, зиён бўлур,  
Ноҳақ қон тўкарга босмачи хунхор мунча кўп.

Дерлар биров улуғу бирини (нг) паст тақдири,  
Бири тўқу бири оч, балоларни (нг) собири,  
Инсон шарафли номида эмасми ҳар бири?  
Ёхуд она туққанида бўлганми бир сири,  
Ёлғон эътиқод ила бидъат шиор мунча кўп.

Завқий, ким айди, мунча шикоятти дароз қил,  
Сўзни мухтасар айлаб, иборатни оз қил,  
Қим зимистон кўнгилларни баҳору ёз қил,  
Қад рост туруб, сўз била элни сарафроз қил,  
Айтмай десанг, муносиби ашъор мунча кўп.



КАЖДОР, ЭЙ ЗАМОНА

Ғаддор фалак ситам нишона  
Каждор, мариз, эй замона!

Яхши ҳама даҳр аро нигунсор,  
Ҳар ерда ривождур ёмона.

Ҳеч камбағал ўлмагай қариндош,  
Бойларни биров демас бегона.

Пул бўлса кифоя, майли душман,  
Бепул қарамайди дўст жона.

Зоғу зағани юрибди озод,  
Булбулга қафас берур замона.

Инсон шарафила қадрсиздур,  
Ҳайвон жасадила мардумона. . .

Сардорлар ўлди бехирадлар  
Ақл аҳли юраги тўлди қона.

Эй тез забону мардум озор,  
Қил фикр, не иш эрур чаёна?

Эл таънида шикваи замондин  
Завқий ишинг ўлди бу фасона.

## НАСИХАТ

Жаҳонда камсухан ким бўлди, асрори ниҳон бўлди,  
Кимики сўзлади кўп, билки расвойи жаҳон бўлди.

Назокат ортурай десанг, мисоли ғунча хомуш бўл,  
Надинким оғзини то очди гул, барги хазон бўлди.

Чаманда аргувондек сурат оро бўлмағинг хуб йўқ,  
Пишарда мевасиз шармандадур, сирри аён бўлди.

Дема машҳур бўлмоқ яхши, буғдой донаси пинҳон,  
Дарахти қилди жавлон, сарғайиб охир самон бўлди.

Биродар, ол мени(нг) пандимни, ўз қадрингни  
Киши ўз иззатини билмади, охир ёмон бўлди. <sup>синдирма,</sup>

Агар иззат талабсан камнамолиғ орзусин қил,  
Қаю ажнос бисёр ўлса суди йўқ, зиён бўлди.

Садафлар кўп оғиз очмак билан кўкси бўлур холи,  
Ки баъзиси лабин кам во қилиб дурри ягон бўлди.

Эй Завқий, хаста оғзинг кам очиб, ибрат кўзинг очғил;  
Ажабким қўл яқода юргудек турфа замон бўлди.

А Х Л И Р А С Т А Х А Ж В И

Арзим буки қори сумалакка,  
Еткурса бошини ҳам фалакка.

Гаҳ-гаҳ назора айласун ул,  
Ибрат кўзи бирла бу самакка.

«Сангёда» носдонни мақтаб,  
Сўз нақдини урмасун маҳакка.

Ул Шоҳазиз айрилиб отидин,  
Ўхшай деди Соли ҳезалакка.

Синмайди деманг Набиқулини,  
Пойнакни уриштирар саракка.

«Судья қизи» кўп керулмасунлар,  
Вужуди бўлунар минг бўлакка.

Улфатлари шамъгарми аҳмақ,  
Шам қайчини боғласин этакка.

Саллоҳбача — отлари Жалилбой,  
Тўрт тепкини едилар хўракка.

Шокир қора тарзи одам эрмиш,  
Минг лаънат ўшал қора эшакка!

Кўп ҳаддидин ошмасин Назирбек,  
Ўхшайди ул ошқовоқ хамакка.

Пул бермаса банкадин, бойбачча  
Карнай чаладур бўлур-бўмакка.

Ул локича бойвачча дастор  
(Бу хилда) ялатмасун бўзакка.

Кофирча деган бир Аҳмаджон бор,  
Қўп шуғли баланд ҳанграмакка.

Аъламни (нг) ўғуллари Олимжон,  
Ҳайфи тўну салла гунгалакка.

Бир зарра риюя қил тўрамни,  
Қўш рамзи суҳан билан кўмакка.

Шодмонхўжа баччағар хотинбоз,  
Жоиз солиб отса замбаракка.

Сил афт ориққина Муҳиддин,  
Аҳволи аён бўлур кузакка.

Фозилхўжа деган оқфуруш бор,  
Дафъ ҳар мараз ила зиндалакка.

Олиб борур ўлди Қосим охун,  
Бизни Қоракўлга ҳандалакка.

Усмончани соати ярашмиш,  
Ришхўр алишурму мўйчинакка.

Мавлон эшигида ота Фозил,  
Ухшайди бароқ десам кўпакка.

Шашпар лақаб отли бойвачча,  
Хуштор бўлибди оқ билакка.

Қир кўйлак бўлибдилар Умаржон,  
Сотмоқ учун эмди жун жиякка.

Чинни била чой сотур Жалолхон,  
Жононни қўшилтурур хашакка.

Чит растаси ичра Мирза Ҳамдам,  
Чит машинасин сотур элакка.

Урус қўли чит сотиб Зокиржон,  
Қочди, еди қамчини (суякка),

Мирҳамзабой ўғли Қичкинажон,  
Нисфи газ эмас, келур сеякка.

Иқонбача бирла Булбул ўғли,  
Ухшайди ҳар иккиси пуфакка.

Ул ҳожи Ҳасан деган заки табъ,  
Йўқ тоқатим анга сўз демакка,

Нусрат била ошнолиғим бор,  
Тентаккина, шатрама-шатакка.

Сўфини боласи Абдуқодир,  
Қаттиқлиги ўхшамиш данакка,

Ҳожи касал ўғли бод рафтор,  
Доғулики панд берур Камакка.

Қосим шамол андаки енгилроқ,  
Ухшаб учар худди бодпаракка.

Ул Маъдали баччанинг қадини  
Кўп қаттиқ эғибди — чамбаракка.

Ортиқ бачани семиртиринглар,  
Ўқ бўлғуси катта замбаракка.

Эл анинг акасин ўхшатурлар  
Бурнин сумак, оғзини тувакка.

Кўр иштаҳасини хўжабачча,  
Ош солиб ичар эмиш челакка.

Ҳамдам бачани халойиқ айтур,  
(Киндиклари) қарс урар чапакка.

Йўлдошни демиш хитой табиби,  
Бод бар муҳолифи юракка...

Элликбоши ўғли мокиёнбоз,  
Устоз бўлубди куркуракка.

Қорибачча синчалакка ўхшар,  
Фарзинбача мисли войваякка.

Тўқсобанинг ўғлини ҳарифлар  
Бир ойда чиқардилар чипакка.

Қози қизига дуолар айтинг,  
Ул насли башар эмас малакка.

Фарзин бисоти лола рухлар,  
Оламни мусаххар этти якка.

Эй, Ҳожа жаҳон, кўп аччиғим тез,  
Ҳам етти пичоқ бориб суякка.

Нусратга ярашди ит яқоси  
Бошин суқадурки ҳар каттакка.

Абдулла ҳожи кўп суюлганидин  
Минг мартаба чап берур куракка.

Машҳур ўша кўр Мели эурсан,  
Бошинг агар етса ҳам фалакка.

Қирса халога уч кун ухлаб,  
Кўкнор кайфида кетар пинакка.

Гап таъсир айламайди сенга,  
Аблаҳ, ты слепой эшакка. . .

Гап таъсири кетмасун, Мўминшоҳ  
Ош еб оғиз артмасун патакка.

Тошканд ўтоғаси Файзи шайтон,  
Қўл қўйди пўкон билан тезакка.

Извесни вагончи тунд кўр Одил,  
Ўлмай туруб ўхшайди кесакка.

Кўр бўлмаса пул оқиб келурму,  
Бу бадшакл слепой дуракка.

Қирқ олти киши фасона қилдим,  
Ким чиқса ўқийди Мўймаракка.

Таъбингни аробасини тўхтат,  
Шотисини боғла ғилдиракка.

Завқий осилурға ҳимматидин,  
Дор боғлади бир баланд теракка.

Х А Ж В И Й И К Ч И Э Ш О Н

Солдинг олам аҳлига кўп шўришу ғавфо эшон,  
Хайрият тезроқ еди бошингни бу савдо эшон,

Омилиғдин кашфи жин еткурди бошлаб дорға,  
Қилмас эрдинг ушбу иш, бўлсанг эди мулло эшон.

Сенга ким қўйган эди қилмоқ тариқат даъвосин,  
Эй шарият ҳукмидан оламда бепарво эшон.

Хорики одат: ўтинсиз ош пиширдинг томда,  
Айлабон рангин «кароматлар»ни хўп барпо, эшон.

Аҳли Фарғона тутар маҳшарда домонингни бил,  
Ушбу йил қилдинг зарар ҳар кимга минг тилло  
эшон.

Ишни сен қилдинг, балоға қолдилар бечора халқ,  
Ғўзани сен еб, кесилди бўзчи енги, ё эшон.

Шухратингни офати ёлғиз ўзингга тегмади,  
Балки сен офат бўлуб, қилдинг вабо пайдо эшон.

Эй касофатлик вужудинг нахсидин Мингтепада,  
Хановайрон бўлди бир минг манзилу маъво эшон.

Қанча одам ўлдилар, кўп халқ бўлдилар асир,  
Шаръ ҳукми: қониға зомин бўлубсан, ҳо эшон.



Тутмаса Қодирқули мингбоши, гар осилмасанг,  
Айлар эрдинг бу маҳалда Маҳдилиқ даъво, эшон.

Ўт югуртурдинг «каромат» деб қилиб бидъат ўчоқ,  
Қилмади бу ишни ҳеч оламда бир тарсо, эшон.

Номуборак мақдамнинг Мингтепани қилди хароб,  
Гар қадам қўйсанг чиқаргай дудлар дарё, эшон.

Ҳам бошингга, ҳам (кетингга) тегди отган  
Марг сен соҳибхуруж ўлганга, эй расво эшон.

Ҳимматинг «олий» экан, ушбу «газот»нинг ажрига,  
Борсанг арзир тўхтамай дўзахга сен танҳо, эшон.

Мундоғ иш одам демай, оламда ҳайвон айламас,  
Сўфи мисвоку мусалло, шонаю салло, эшон.

Ранг-баранг ранги риё қилмоқда шайтон ҳамтабоқ,  
Ийгчи халфа ном чиқардинг баччағар, усто эшон.

Енги кир малла чопонинг, меши дастурхонларинг,  
Феълу атворинг тамоми ёқмаган, бежо эшон...

Ҳийлакор доғулидек сурат совуқ, сийрат бузуқ,  
Бир чўқуб икки қарайдурган олақарғо эшон.

Мунча асбобу алойиқ қолди бошингдин сабил.  
Қирғизу қипчоқ кетурган ҳадяу савғо, эшон.

Ҳар киши бу шўриши Фарғонадин сўрса нишон,  
Завқий айтур: жон чиқиб, тарихидур иғво, эшон.

Қ А Р З

Муҳтож кишига бўлди бу йил балойи қарз.  
Йўқ осойишу айш, ҳама мубталойи қарз.

Фарзи худо, қарзи халойиқ борӣ елкада,  
Ераб, адойи фарз этайин, ё адойи қарз.

Ўтсам тутадур ҳар кўчаю маҳалладин,  
Гўё қазойи ҳожат этурдек — адойи қарз.

Йўқ зарра нажот ҳеч, кун-тун зиёд ўлур,  
Қўш-қўш туғадур ҳафтада янги ойи қарз.

Бозор касод, касбу ҳунарга ривож йўқ,  
Нафс шайтонининг вавоси, ройи қарз.

Етмаса мулку ашё зуд тутуб мени  
Айлар юзи қаро бир кун сазойи қарз.

Найлай бу зиндаликни, Завқи, сафоси йўқ,  
Ортар ҳамиша ғаму кулфат, жафойи қарз.

### УЙ ПУЛИ

Анди деган шаҳарға тушди шитоб уй пули,  
Айлади кўп одамни хонахароб уй пули.

Зулм қилиб ҳокими солди дўконларға пул,  
Тушмиш алар бошиға қаттиғ азоб уй пули.

Лак пули деб бир солур, уй пули деб бир олур,  
Қилмаса деб қўрқаман хоки туроб уй пули.

Ғалла хирожи қабул топмасидин илгари,  
Деди жадал айлабон устига: «Топ уй пули!»

Дуди фиғонин кўринг, чиқди фалаклар уза,  
Қилди фақр аҳлини бағри кабоб уй пули.

Уй пулидин хат аро сўзлади бечора халқ,  
Завқийи Хўқандий деди унга жавоб уй пули.

Б У Л

Аҳли дил бўлма, замоннинг бойи бўл, баззоси бўл,  
Ақчадин лангар чўп ушлаб, растанинг дорбози бўл.

Шеър эшитмайди биров, даврон қулоғи каранга,  
Бир ҳовуч олтин, кумушнинг хушжаранг овози бўл.

Тегмагай ҳаргиз нишонга отган ўқ юз ҳажв ила,  
Хоҳ замоннинг шоири бўл, хоҳ тийрандози бўл.

Истамас бўлса замона Завқий ёзган шеърини,  
Қим эшитсин арзини хоҳ рози, хоҳ норози бўл.

А Ж А Б Э Р М А С

Бу кунлар бошимизда бир саҳоб ўлса ажаб эрмас,  
Мунаввар зимнида бир офтоб ўлса ажаб эрмас,  
Бу давлат сув юзинда бир ҳубоб ўлса ажаб эрмас,  
Кўрунса сурату асли ниқоб ўлса ажаб эрмас,  
Очилса пардалар юздин ҳижоб ўлса ажаб эрмас.

Насими жонфизо бемор танга, эй сабо еткур,  
Хазон пажмурда бўлганларга сан обу ҳаво еткур,  
Қўй энди биз билан бегонани бир ошно еткур,  
Гадомиз, бошлар узра соялар солсун ҳумо еткур,  
Муқаррардур замона инқилоб ўлса ажаб эрмас.

Шиори шаръ бирлан зийнат афзо ўлса Фарғона.  
Тонг эрмасдурки шаҳри жаннат осо ўлса Фарғона,  
Ҳавоси руҳпарвар ҳам дилоро ўлса Фарғона,  
Жаҳон аҳлиға гўё дафъи савдо ўлса Фарғона,  
Бўлуб тупроғи анбар, сув гулоб ўлса ажаб эрмас.

Ўтуб бир қарн, ақроним, жаҳон обод кўргайсиз,  
Жаҳон аҳлини золим ҳаддин озод кўргайсиз,  
Гирифтори алам эрмас, ҳамани шод кўргайсиз,  
Бурунги ўтгану кетган кўнгулда ёд кўргайсиз,  
Қариган чоғда Завқий бир шабоб ўлса ажаб эрмас.

1916.

О Т И М

*(Муқимий билан мушоара)*

Бу падар лаънат ҳаром ўлгир отим,  
Ҳар қачонким, мен минар бўлсам касал,

Зарра келмас ўзига боққан била,  
Емига қўшиб бериб қанду асал.

Ётса ўрнидан туролмас нотавон,  
Қилмасам қўйиб пишанг бирлан шатал.

Йўқ табибларким юриб боқтирмаган,  
Тортсайди эртароқ, кошки, ажал.

Тўғрисидин бўлмасин оту улов,  
Хўжахондек ҳеч бир одам ўсал.

Эл аро афсоналар қилди, кўринг,  
Ҳар тарафдин чиқди минг байту ғазал.

Етмадим Завқий пиёнбозорига,  
Эртадин то кечгача қилсам жадал.

### ҚАҲАТЛИК

Қаҳатлик бўлди бу Фарғонамизда,  
Топилмас парча нон вайронамизда.

Паямбар бўлса нон, ош — авлиёдур,  
Яна очлик давосиз бир балодур.

Ўлим хавфи ўраб қишлоқларни,  
Не қишлоқу жибол авлоқларни,

Қирилди қанча одамлар вабодин,  
Нишона қолмади меҳру вафодин.

Шишиб ўлганни кўммакка киши йўқ,  
Ким ўлган бирла одамни (нг) иши йўқ.

Киши боқмас жигар, ҳамсоясига,  
Қочиб шафқатки, Анқо соясига.

Ўғирлиққа тушиб кимларни ройи,  
Гуноҳсиз нечалар қирқилди пойи.

Неча газзоб бўлиб ришватға мойил,  
Диёнатли кишилар бўлди сойил.

Шаҳарга келди ҳар ёндин халойиқ,  
Қидирғай дардига ким тибби ҳозииқ.

Шаҳар аҳволидин берсам нишона,  
Кишилар тентирар ҳарёна ёна.

Ғарибу бекасу бечора беҳад,  
Бамисли «дол» янглиғ хам бўлиб қад.

Тилангайлар боқиб ҳар ёнга зори,  
Гўдаклар, марду зан кетган мадори.

Чаҳорсу, растаю бозор томонлар,  
Хаҳарли тўпланиб қанча ёмонлар.

Қисабур, дуздлар сиғмас жаҳонга,  
Тикиб кўз ҳам қилурлар қасд жонга.

Бировни (нг) парча нонин тортиб олғай,  
Бировга молу жондин ваҳм солғай.

Йўқотди нечалар номус-уётин,  
Унутди ким шарафли одам отин.

Олиб қочғай саватдин даста нонлар,  
Ва ё чайнар солиб оғзиға донлар.

Урар раҳм айламасдин боз аларни,  
Бу ожиз, нотавон бечораларни.

Демаслар чорасиз, йўқ ихтиёри,  
Бу янглиғ чархи золим қилди зори.

Чиқиб эрдим бугун янги шаҳарға,  
Кўзим тушди бу янглиғ шўр-шарға.

Ялангга тўпланибди кўп халойиқ,  
Сўз айтур ҳар бири ҳолиға лойиқ.

Камитет садри, ҳоким ҳам приступ,  
Чиқиб келди аларни қуршади тўп.

Хотин-эркак тушубким орқасиға,  
Илиб нимжон боласин елкасиға.

Ҳама шавқун солиб, ким юлди сочин,  
Дедилар барчамиз оч, қил иложин.

Бу янглиғ хор бўлғайму одамизод,  
Агар қодир эсангким айла имдод.



Хлеб деб телпром бергил ишиға,  
Ушал оламини титратган кишиға.

Хабардор айлағил оқ подшоҳни,  
Билурму кўкка урган дуди оҳни.

Фариб, бечоралар очу яланғоч,  
Ганийлар айтадур: ёндашмағил, қоч!

Қилиб эрдик, ҳоким бир ишора,  
Йиғилди қанча миршаб бешумора.

Боқиб тилмочиға айди ғужурлаб,  
Афандим таржима айлар бижирлаб:

— Темури йўллар бузуқ, ёпиқ дўконлар,  
Таҳаммул қилсангиз андак замонлар,

Ушал Гирмон уруши тўхтаган он,  
Пойизларда келур ошлиқ билан нон.

Фуқаро: хоҳ ўрус, сарт, армани хоҳ,  
Мудом оқ подшоҳ ҳолидин огоҳ.

Кими ким кўнглида бўлса ёмонлик,  
Қилурмиз хабс, кўрмас ул омонлик.

Бу сўздин таржимони тўхтаган чоғ,  
Камитет садрини (нг) кўнгли бўлиб чоғ,

Такаллум айлади воиз каби ул,  
Билиб гўёки жойиздек каби ул:

— «Бўлур ҳалво сабрдин ғураларким,  
Топур бахт собири мастуралар ким.

Бориб уй-уйга айланглар дуони,  
Худойим асрасин оқ подшони.»

Жавобиға халойиқ қилди фарёд,  
Кишиға бермади нафъ нолаю дод.

На бўлғай эрди каждор, эй замона,  
Мурувват айласанг топиб баҳона.

Ғарибларни (нг) муродин ҳосил этсанг,  
Фақат «қут-лоямут»га восил этсанг.

Баҳор борони ҳам бенам бўлурму,  
Ҳисобсиз неъматинг ё кам бўлурму.

Ва ё хор айламай мундоғ жаҳонни,  
Қаро ер остиға жо қил бу жонни.

Қулоқлар ҳар тарафда кеча-кундуз,  
Фалакда бор эмиш қуйруқли юлдуз.

Агар эҳсон дариг тутсанг башардин,  
Фалак тоқинг ушласин шўру шардин.

Ёқангни ушла, Завқий, ибрат олғил,  
Халойиқ меҳрини кўнглингға солғил.

СУВ ЖАНЖАЛИ

Олдим қўлимга хомани,  
Ездим ажойиб номани,  
Тингланг қизиқ ҳангомани,  
Жанжоли то алҳол экан.

Қурғур Қаримбобосидин,  
Ҳеч тинчимай даъвосидин,  
Ўлдик анинг ғавғосидин,  
Боёнлари дажжол экан.

Айбини иқроп айламас,  
Ҳеч номусу ор айламас,  
Панд этсангиз, кор айламас,  
Сўз садқаи увол экан.

Элликтадин, гоҳ юзтадин,  
Дод деб келурлар устадин,  
Юз арз бўлса устидин,  
Елғони кўп ишкол экан.

Ҳар қанча қилса гуфту гў,  
Бу ёзда тансиқ бўлди сув,  
Ким можарони (нг) боши бу,  
Моҳияти яққол экан.

Борганда пешвоз қўй сўйиб,  
Ҳожи миробга тўн қўйиб,  
Қунлар ўтар шу хил тўйиб,  
Кўнгиллари хушҳол экан.

Хоҳ рози, хоҳ бўлсун хуноб,  
Юрт-элга сув бермай мироб,  
Ҳожи ерин қилмиш сероб,  
Деҳқон учун қаттол экан.

Ногоҳ бу ишдин дарғазаб,  
Нажжор Раҳимберди қараб,  
Юрт-эл учун бўлмиш тараф,  
Ким аҳди моҳу сол экан.

Ҳожи Рауф қойим мақом,  
Истаб закон бирла низом,  
Ҳамсоя олдида мудом,  
Жинни хўжа баққол экан.

Қатнаб бу юзи қоралар,  
Ҳоким ўйини моралар,  
Юзлаб берурлар поралар,  
Ҳатто сўйилган мол экан.

Шопу шалопини тақиб,  
Эллик демай юзга боқиб,  
Ҳоким ҳукм қилмиш чиқиб,  
Маккор, золим — зол экан.

Бечоралар ранжур дили,  
Сувсиз етилмай ҳосили,  
Завқий — сафосиз бу йили,  
Қадди эгилган «дол» экан.

### ТАЛАДИНГ БАРИНГ

Эшит арзи ҳолим, эй (шанқилар),  
Мени мунча яккаладинг баринг,  
Чопишиб келиб, қоқишиб тутиб,  
Хила қўрқитиб, таладинг баринг.

Менга бир бўқоқни хириллатиб,  
Қопиб ол они деб ириллатиб,  
Олақарғадек йиғилиб чўқиб,  
Менга хўмрайиб қарадинг баринг.

Чит растасини ғовур қилиб,  
Ит қувган соқовдек ҳовлиқиб,  
Гаронишга арз этиб охири,  
На иш қилгали ярадинг баринг.

Бир эски тўнга бу хусуматинг,  
Бижғиб ичингда неча иллатинг,  
Ғўдайиб Сибирь қиламиз дебон,  
Бир авахтага солмадинг баринг.

Мени ўлдурур кишидек бўлиб,  
Ана ўтди деб, мана кетди деб,  
Тўпаланг қилиб, кўча чангитиб,  
Кўз олайтириб қарадинг баринг.

Аччиқ суханим қилдими асар,  
Чопишиб ҳар қаёнга сарбасар,

Мисли бир пашша чаққан мода хар,  
Кўча-кўйда шатталадинг баринг.  
Ва на манда сўз, ва на санда гап,  
Манам индамай, санам энди хап,  
Шаҳри Фарғона ичра, Завқийни  
Бу баҳонада синадинг баринг.

## ФАРҒОНА

Эшитинг қиссаи мен айлайин изҳор Фарғона,  
Қуйиб ҳокистар ўлди жумлаи бозор Фарғона,  
Мисол оташ билан бўлди, кўринг, гулзор Фарғона,  
Хуружи (ўғри)лардин тортадур озор Фарғона,  
Халойиқлар кўзига бўлди эмди тор Фарғона.

Бериб фатво урушинглар демай қози Камол ўлсун,  
Ҳамани йўлдин оздирган ўшал фосид хаёл ўлсун,  
Бўлиб «шўро»<sup>1</sup>га аъзо бетамиз бир неча мол ўлсун,  
Яна Абдурашид ул ҳанги хардек оқсоқол ўлсун,  
Нигун иқбола тушди толии идбор Фарғона.

Ўзидур бир фалокат ханаю, номи эрур «шўро»,  
Келиб бирнеча бой, бойбаччалар бўлди анга аъзо,  
Яна «мухторият» деб фитна-шўришлар қилиб пайдо,  
Ажабким роҳзану каззоб қўрбоши эрур гўё,  
Ани(нг) номини шарҳига қилурман ор, Фарғона.

Сипоҳисиз амири лашкари анда Чаниш бўлди,  
Раис жумҳури алқисса Чўқаев занчалиш бўлди,  
Қилишди салтанат даъвосини, охир на иш бўлди,  
Қочиб, бадномлари юрт-эл аро кўп сарзаниш бўлди,  
Паноҳ элтарга сичқонлар ини ҳам тор, Фарғона.

Қима дод айлайин аҳли ҳукумат бўлса Одилкўр,  
Кўп одам қонига зомин бўлиб бўйла жоҳил кўр,

<sup>1</sup> Бу ерда шоир «шўро» сўзи билан «Шўрои ислом» деб аталган реакцион ташкилотни кўзда тутди.

Урушни бошлади, қочди, ўзи бўлмай муқобил кўр,  
Писиб билмамки охир кетди Афғон ичра, балки  
Кобил кўр,  
Юруб ғурбатда, ҳаргиз кўрмасин дийдори Фарғона.

Ҳукумат ичкарида, ўғрилар саф тортди саҳрода,  
Олиб қўрбоши, понсад номини неча ҳаромзода,  
Отиб ўқ халқига поси намак ном олди дунёда,  
Бўлуб мағлуб, қочди, ўлди оқиб кўпи дарёда,  
Қочишди сулҳга келмай, ҳар тараф ночор, Фарғона.

Писиб бўри каби кундуз тўқайзор ичра юргайлар,  
Тун оқшом босма деб отин шаҳар, қишлоққа  
сургайлар,  
Йиғиб мардумни (нг) моли бирла ишрат-базм қур-  
гайлар,  
Шаҳардин чиқса ким, тўртинчисан, деб қийнаб  
ургайлар,  
Неча бераҳм золим дастидин эл хор, Фарғона.

Тирилтирмоқ бўлуб аввал кўмилган хону бекларни,  
Ўлим чоҳига солди босмачилар бу тирикларни,  
Ҳисобини билиб бўлмас куйиб ўлган ўликларни,  
Шукурким, тангри еткизди мададга большевикларни  
Илҳо бахт-толий бўлсун эмди ёр Фарғона.



### КЎЗ ОЧАЙЛИК

Фурсат ғанимат, аҳбоб, миллатга кўз очайлик,  
Саъй ила жону дилда ҳимматга кўз очайлик,  
Номус, диёнат истаб ғайратга кўз очайлик,  
Фанни(нг) ривожи бирла санъатга кўз очайлик,  
Умр ўтди зулмат ичра ғафлатга кўз очайлик.

Ул кунда бошга тушган савдони ҳеч унутманг,  
Кўрган қиёмат ойин ғавғони ҳеч унутманг,  
Ҳар кимса онт ичарлик даъвони ҳеч унутманг,  
Бу вақт бирлан эмди уқбони ҳеч унутманг,  
Юрт-элга жону дилдин хизматга кўз очайлик.

Зулматда етган элни(нг) ёндурдилар чароғин,  
Маҳкам тутинг, бу фурсат қиймат анинг яроғин,  
Истанг амаллик олим — раҳбарларин сўроғин,  
Очинг аҳолиларни(нг) ғафлатда кар қулоғин,  
Бас эмди сусткашлик, журъатга кўз очайлик.

Истанг ҳуқуқ илмин, якранг эмиш ҳукумат,  
Бўлса ривож ҳар бир касбу ҳунарга рухсат,  
Жонларга қўйса миннат, истар кишига раҳмат,  
Уйқудин уйғотинглар ҳожат талаб ранят,  
Бемор асри ўтти, сиҳҳатга кўз очайлик.

Уммидимиз гули ҳам бу навбаҳор очилди,  
Қон ёшлар оққанига юз лозазор очилди,  
Шод ул, халойиқ, охир лайли наҳор очилди,  
Сармаст эдик ҳамиша эмди хумор очилди,  
Ҳушёр ўлуб муваққат суҳбатга кўз очайлик.

Битсин, ҳамият айланг, бу хор-хор очлик,  
Айлайди меҳнат аҳлин кўп бемадор очлик,  
Кимни қилиб бечора, кимларни бор очлик,  
Қишлоғу шаҳримизга бўлганми ёр очлик,  
Бу шум бало йўқолсун, иллатга кўз очйлик.

Қанлар тўкилгач ўлди равнақ физо ҳуррият,  
Қилди замона сайқал топди жило ҳуррият,  
Қишлоғу шаҳр эшитсун, қилди нидо ҳуррият,  
Йўл бошлади тутиб қўл бу раҳнома ҳуррият,  
Кўп йил азоб чеккан меҳнатга кўз очайлик.

Бўлғон вакил бизга, эй мутлақул-инонлар,  
Қутлуғ, муборак ўлғай ҳол ўзгариш замонлар,  
Бу халққа бўлсангиз гар энг яхши посбонлар,  
Сарф айланг ушбу йўлда бош бирла нақд жонлар,  
Бир иш қилингки, Завқий, ҳайратга кўз очайлик.

### ЮЗИНГНИ КҮРСАТИБ

Юзингни кўрсатиб аввал ўзунгга бандалар қилдинг,  
Яна кўнглум олиб юз ноз бирла хандалар қилдинг,  
Жамолинг партавин солиб, ажойиб жилвалар қилдинг,  
Масихдек бир боқишда мурда жисмим зиндалар қилдинг,  
«Сенга мен то қиёмат ошно», деб ваъдалар қилдинг.

Қани менга вафои аҳд қилғонинг, гули ғунча,  
Қани булбул сифат олдингда тургоним очилғунча,  
Қани бизларга ҳамсухбат рақиблардек тонг отқунча,  
Сани дарди фироқинг айтиб-айтиб йиғлай ўлгунча,  
На деб эй меҳри йўқ, мен хаста қулга ғамзалар қилдинг.

Деб эрдинг: кеча-кундуз мен сени ёринг бўлурман деб,  
Тикандек суҳбатингда бир гули норинг бўлурман деб,  
Жафони сенга оз айлаб, вафодоринг бўлурман деб,  
Умидим кўп эди, ёлғиз харидоринг бўлурман деб,  
Ажабким халқ ичинда булҳавас деб шиквалар қилдинг.

Манга мардумлар айди: берма кўнгул бевафо ёра,  
Сени овора айлар, аҳди ёлғонлар, ситамкора,  
Вафоси йўқ, ишонма сўзига, шўхи жафокора,  
Дедимким, носихо инъом кўпдур ошиқи зора,  
Нетай, эй бемурувват, охири шармондалар қилдинг.

Тариқи ошнолиқни бузуб номехрибон бўлдинг,  
Мени жононим эрдинг, эмди кимга жонажон бўлдинг,  
Неча кун менга улфатлик қилиб ороми жон бўлдинг,  
Кўзимни мардумида неча соат меҳмон бўлдинг,  
Қаландардек танимга ғам ҳаририн жандалар қилдинг.

Кима айтиб, кима йиғлай бу золим ёр жафосини,  
Ҳақиқат қилмаса маъшуқ деган ошиқ хатосини,  
Ҳамиша фурқатин тортсам, рақиб кўрса вафосини,  
Қаю Лайли сифат мундоғ қилур Мажнун гадосини,  
Юзингни бир кўрай десам қўлингни пардалар қилдинг.

Агар билсам эди бегона бўлмоқ ихтиёрингни,  
Бошимга солмас эрдим беҳуда савдойи корингни,  
Ҳама айтур нечук қилдинг, ўшал мастона ёрингни,  
Қўнгулда гинаси бор, арз қил аҳволи зорингни,  
Солиб бўйнулга ҳажринг занжирын бадкардалар қилдинг.

Юрагим раҳна бўлди, бас қил истиғнони, жононим,  
Фироқинг торта-торта ёшлигимда кетти дармоним,  
Аразингни қўюб, лутф айласанг ҳеч йўқтур армоним,  
Қўзим нури танимни қувватисан, эй дил оромим,  
На хўб бир неча кун Завқий қулингга шевалар қилдинг.

### МЕН КИМГА ДЕЙ

Дилдаги розимни, эй боди сабо, мен кимга дей,  
Сен кўнгул сиррига маҳрам ошно, мен кимга дей,  
Чекканимни зулму, бедоду, жафо, мен кимга дей,  
Ҳасратим кўп, бир париға мубтало мен кимга дей,  
Ишқида куйган юрак бағрим адо мен кимга дей.

Қайда зикри шаҳд этай, ширин мақолимни демай,  
Гулни (нг) васфи йўқ керак, рухсори олимни демай,  
Сарвлар фикри керакмас навниҳолимни демай,  
Хусн мулкин шоҳи бўлса арзи ҳолимни демай,  
Термулиб йўлидаги ётган гадо, мен кимга дей.

Андалиби боғ ўлуб илҳон чекардин тинмадим,  
Гоҳ-гоҳи нолаи пинхон чекардин тинмадим,  
Савти гулбонги садо нолон чекардин тинмадим,  
Гул юзингни шавқида афғон чекардин тинмадим,  
Бу чаманда булбули дастонсаромен, кимга дей.

Кўрқмаган кимдурки ошиқларни оҳи сардидин,  
Бестун тоғидаги Фарҳоди ғам парвардидин,  
Бу жунун саҳросида Мажнуни олам гардидин,  
Ақл носиҳ, ишқ бебок — иккисини (нг) дардидин,  
Айта олмай ҳеч кимга бу можаро, мен кимга дей.

Соқиё, садқанг бўлай, бир нўш тутғил Завқийға,  
Йўқ, ғалат дерман шароби хуш тутғил Завқийға,  
Риндлар ичра майи мадҳуш тутғил Завқийға,  
Гарчи икроҳи табиат гўш тутғил Завқийға.  
Сенга демай арзиҳолим, дилрабо, мен кимга дей.

## Н Е Т А Й

Ер келур замона йўқ, келмаса-келмасун нетай,  
Сарф этарга хазона йўқ, келмаса-келмасун нетай.

Маскани кўз ичра десам, мардум аро калон экан,  
Таклиф этарга хона йўқ, келмаса-келмасун нетай.

Эски бузуқ ҳаробада чуғздек айладим ватан,  
Бир тузуқ ошёна йўқ, келмаса-келмасун нетай.

Манъ этарга келмагин, кўп эмиш истихоралар,  
Мундин ўтар баҳона йўқ, келмаса-келмасун нетай.

Таъна занонлар ўқлари кўксимизи ҳадаф қилур,  
Келмагиндин нишона йўқ, келмаса-келмасун нетай.

Журъаи жоми васлидин бермаса-бермасун менга,  
Базми майи муғона йўқ, келмаса-келмасун нетай.

Кундузи партав афканим бўлмаса шамъи анжуман,  
Ваъдаси бир шабона йўқ, келмаса-келмасун нетай.

Жону кўнгулни(нг) торини, соз чекарга шунчаким,  
Мутриби хуш тарона йўқ, келмаса-келмасун нетай.

Кўзни тикиб қудумига токай ўлурман интизор,  
Илмаса кўзга кулбамии, келмаса-келмасун нетай.

Ишқ элини(нг) додига солмаса юрту эл қулоқ,  
Одили бир замона йўқ, келмаса-келмасун нетай.

Ул кўзи ваҳшимиз буён бўлмаса ром не ажаб,  
Завқийда дому дона йўқ, келмаса-келмасун нетай.

#### АЙЛАБ КЕЛИНГ

Кулбам аро, эй маҳлиқо, бир йўл хиром айлаб келинг,  
Янги келинчаклар каби бизга салом айлаб келинг.

Шўхлик қилиб, ўйнаб-кулиб, гул шохига сайраб-қўниб,  
Ҳам тўти-ю булбул бўлиб, ширин калом айлаб келинг.

Султонлигинг изҳор этиб, оҳу кўзинг хуммор этиб,  
Ағъёрни ҳам бемор этиб, бизни ғулом айлаб келинг.

Ишқ аҳлини шайдо қилиб, душманни кўп расво қилиб,  
Кўзларни ҳам шаҳло қилиб, аср ила шом айлаб келинг.

Кўрса юзингни, эй пари, ҳайрон қолур ёшу қари,  
Борганда дема тур нари, Завқийни ром айлаб келинг.

## У Р Г А Н Г А Н

Дўст-ҳамнафас қайда ошнога ўрганган?  
Суҳбати масиҳосо ким давога ўрганган.

Мен вафо шиор айлаб, топмадим висоли дўст,  
Ҳамнишину улфатлар бас жафога ўрганган.

Носиҳо, сўзинг бас қил, тоқатим тугар тинглаб,  
Менму шайху ё мулло, ким риёга ўрганган?

Булҳавас ҳумо бўлса, булбули навогарман,  
Ким гули висол истар, ким ҳавога ўрганган?

Ваҳши хотирим билмам ҳар нечук ҳаво айлар,  
Мубтало кўнгул қурғур ким навога ўрганган.

Айб айламангиз, аҳбоб, қариса қуйилмас деб  
Завқийни (нг) кўзи, кўнгли дилрабога ўрганган.







## САҲАТНОМА

Ш ОҲ И М А Р Д О Н  
Х О Т И Р А С И

**Б** у равзага кимки келиб,  
Бир кечаси меҳмон экан,  
Умрида бир кўрган киши  
Улганда беармон экан.

Икки тарафдин сой денг,  
Қўм-кўк мусаффо чой денг,  
Ҳар дам ичиб ҳой-ҳой денг,  
Обиҳаёти жон экан.

Осмонга қўйган нардбон,  
Чиқсанг тамошо бир жаҳон,  
Наҳри улуғ, ҳар сўй равон,  
Кўрмакка кўз ҳайрон экан.

Келдик етиб моҳи ражаб,  
Ҳар ким кўрар айлар ажаб,  
На форс кўрган, на араб,  
Бир жаннати ризвон экан.

Болода танг-танг кўчалар,  
Тургайки, шайху хўжалар,  
Келса товуқ ҳам жўжалар  
Езмоқда дастурхон экан.

Бад шаклу, бадхў, баднамо,  
Ботинда кийна, фиққ, риё,  
Ким учраса шилқим гадо,  
Суллоҳ озори жон экан.

Саҳни ажойиб хушҳаво,  
Ҳам руҳпарвар, жон физо.  
Хушбӯ кўринган ҳар гиёҳ,  
Жамбил билан райҳон экан.

Қабклари бўйнини чўзиб,  
Юз савт ила нағма тузиб,  
Булбул наволар кўргузиб,  
Тўтиси хуш илҳон экан.

Бўлса керак бул тоғлар,  
Қам-қам чиройли боғлар,  
Ҳеч кимса кўрмас доғлар,  
Кўнгли аро қолгон экан.

Завқий келиб кўп турмади,  
Турса рафиқлар қўймади,  
Оё насиба бўлмади,  
Эҳроми Учқўрғон экан.





## ЗАВҚИЙНИНГ ФУРҚАТГА МАКТУБИ

Ж

онимға тоб солди сўзи фироқ Фурқат,  
Кел ким, хароб қилди бу иштиёқ, Фурқат.  
Қосид етур паёмим, ҳар ерда топсанг они,  
Завқийни тоқатини кўп қилма тоқ, Фурқат.

### ФУРҚАТНИНГ ЖАВОБИ

Кездим жаҳонни қолмай Шому Ироқ, Завқий,  
Бир топмадим сенингдек аҳли вифоқ, Завқий.

Шавқи висолинг ила ҳаргиз қарор йўқдур,  
Жонимни ёқди ҳажру, кўнглум фироқ, Завқий.

Саргашта ҳолатимдин воқифлиғ истар эрсанг,  
Ибрат кўзини очиб гардуна боқ, Завқий!

Ҳаргиз чароғи айшим нуру фуруғи йўқтур,  
Кўп кечалар кечурдим сандин йироқ, Завқий.

Ширинлиғидур аччиғ бу даҳр рўзгори,  
Ҳар кимки ўлса чеккай аҳли мазоқ Завқий.

Заввори сойирам бан бир кун насиб ўлурса,  
Етгум зиёратингга, этма мароқ, Завқий!

Таън этма, деб «дилида йўқ меҳри ошноий»,  
Ҳолим санга эмазму охир синоқ, Завқий?

Иқболи норасою, маъюс толиимдин,  
Бир оз шикоятим бор, солғил қулоқ, Завқий,

Машраб каби бўлубман, олам кезиб қаландар,  
Илмай кўзимга асло тожу равоқ, Завқий.

Олти ададла ўлди хатми калом, йўқса,  
Таҳрир этиб туганмас шарҳи фироқ; Завқий.

Муҳйи, Муқими, Нусрат, аҳбобимиз Муҳаййир,  
Фурқат чекар қомуя чўх иштиёқ, Завқий.





# МИРЗО







M

ирзо тахаллусли шоир Муҳаммад Расул Харазмнинг машҳур шоири ва композитори Комил Хоразмийнинг ўғли бўлиб, 1840 йилда туғилди. Мирзо ўз замонасидаги мактаб ва мадрасаларда ўқиш билан бирга, адабиёт ва музыка соҳасида кўп нарсани отасидан ўрганди. Мирзо адабиёт ва санъатга ҳавас қўйиб, араб, форс тилларини, ўтмишдаги классик адабиётни чуқур ўрганиш натижасида замонасининг санъатшунос олими ва шоири бўлиб етишди.

Ёш шоир Мирзо саройга мирзолик хизматига чақирилади, отаси Комил ўлгандан сўнг унинг ўрнига мирзобоши вазифасига тайинланади, лекин Мирзони мансабдан кўра ижодий иш қизиқтирар эди. У классик куйларни нотага олиш йўлидаги отасининг ишини давом эттиради. Шашмақом ва бошқа классик куйларни нота-чизиқларга олади. У жуда яхши хаттот ҳам эди, ундан кўпгина ёшлар ҳуснихат ўрганиб, хаттот бўлиб етишганлар. Мирзо кўп вақтини ижодий ишга — шеър ёзишга, шу билан бирга, ёш шоирларни тарбиялашга ва адабий-ахлоқий асарларни таржима қилишга сарф қилар эди.

Муҳаммад Расул Мирзо 1922 йилда вафот этди.

Мирзонинг кўп ғазаллари ўз даврида қўлёзма ва босма баёз ва тўпламларга кирган. Унинг шеърлари алоҳида девон ҳолида ҳам Хоразмда тошбосмада босилгандир.





## ҒАЗАЛЛАР

Оразинг устидин олғил әмди, эй дилбар, ниқоб,  
Қилмасам наззора ҳуснингни бўлур ҳолим хароб.

Тушқусидур донаи холинг тассаввур айласам,  
Доғлар бағримға ишқ ўти ани айлаб кабоб.

Ғар ҳилол осо қошингни кўрсалар рағбат била,  
Сажда айларлар анга жону дил ила шайху шоб.

Бир тун ўлсанг кулбама меҳмоним, айларман фидо  
Йўқу боримни сенинг йўлингда, эй олий жаноб.

Ғар қачон чиқсанг ниқобинг юздин олиб, эй пари,  
Абр аро пинҳон ўлур кўргач юзингни офтоб.

Ғар такаллум айласанг ширин лабингнинг шарбати,  
Айлар ушшоқ аҳлини маҳшарға тегру масти хоб.

Эй пари, лутф айлабон Мирзони доим маст қил,  
Базм аро заррин қадаҳ бирла тутуб гулгун шароб.



\* \* \*

Хуршеддек юз очдинг, эй дилрабо, муборак,  
Ушшоқ эли кўзига бердинг сафо муборак.

Гулзори ҳусн ичра бордур ики юзинг гул,  
Ул гулки доим ўлғой ранги лиқо муборак.

Гунча даҳонинг ичра ҳар бир тишинг эрур дур,  
Бўлғай ҳамул дуригга қадру баҳо муборак.

Қоми муродинг ўлсун ҳақ лутфи бирла ҳосил,  
Нахли қадингга бўлғай нашъу намо муборак.

Ҳеч дилрабо эмасдур шарму ҳаёда сандек,  
Бўлғай санга илоҳи шарму ҳаё муборак.

Меҳру вафолар айлаб бердинг фараҳ кўнгулға,  
Сен дилрабоға бўлғай меҳру вафо муборак.

Мирзо туруб саҳарлар умринг дуосин айлар,  
Ушбу дуосин эткил, ё раббано, муборак.

\* \* \*

Ёрдин етган жафо айши фаровондин лазиз,  
Ҳарнаким бордур лазиз, улдур манга ондин лазиз.

Ҳажр андуҳи ўти дўзах ўтидан тез эрур,  
Васли жоми шарбатидур оби ҳайвондин лазиз.

Парвариш топғусидур лаъли майидин руҳлар,  
Дарди ишқи хаста жонга келди дармондин лазиз.

Ҳар киши сўрса лабининг шарбати ширинлигин,  
Деса бўлғай лаззат ичра шарбати жондин лазиз.

Ўлган элга жон берур гарчи масиҳ анфоси, лек  
Жонфизо нутқи анинг юз қатладур ондин лазиз.

Қошлари меҳробидур ҳуру париға саждагоҳ,  
Юзлари гулзор, аммо боғи ризвондин лазиз.

Гар карам қилса ҳазин Мирзоға жоми журъасин,  
Бордурур бечораға қилган эҳсондин лазиз.

\* \* \*

Дилсўз оҳимға сабаб гар сўрсангиз, эй ёрлар,  
Ҳижрон ўти урғусидур кўнглум аро дилдорлар.

Саргаштадурман ишқининг саҳроси ичра топмай,  
Атрофи оламда неча гом урсалар сайёрлар.

Ҳеч демангиз, эй дўстлар, жону кўнглини найладинг,  
Афсунлар айлаб олдилар мен зордин маккорлар.

Мумкин эмасдур топмоғи мен зор янглиғ кимсани,  
Гарчи эрур ул кўй аро бисёр ётган зорлар.

Якбор мендин узди ул меҳру вафонинг риштасин,  
Жавру жафосидин анинг жоним берурман, ёрлар.

Бир ғам етушгач эл бори ғамхор ўлур эрди манга,  
Юз ғам етарда йўқ эрур эмди манга ғамхорлар.

Мен кофири ишқ ўлмишам, зинҳор келтур, муғбача,  
Динимни нақдин олғали ул турраси таррорлар.

Хатдурму бўлмиш ошкор ул лаъли майгун устида,  
Ё гулни барги узра бош чекмушмудурлар хорлар.

Уйрулса ҳар дам бошидин саргашта Мирзо, йўқ ажоб  
Уйрулганидек нуқтанинг атрофидин паргорлар.

\* \* \*

Ул ой гар бўлса эрди бир кеча кулбамға меҳмоним,  
Ўлук жисмимға киргай эрди ул дам қайтадин жоним.

Қолиб ул дилрабо ҳижронида йилар мени маҳзун,  
Бўлур жорий кўзимдин йиғласам ашк ўрниға қоним.

Гули ҳуснинг тилаб фарёду афгон айларам тинмай,  
Фалак узра сууд айлаб фалакни ўртар афгоним.

Эрурман дард ҳижрони била бемор андоқким,  
Чиқорға изтироб айлар танимдин бу ҳазин жоним.

Жароҳатвор жисмим узра марҳам суд қилавермас,  
Эрур кўнглимда мундин ҳам фузунроқ захми пинҳоним.

Таним ғам тошларининг остида андоқ ушалмушдур,  
Губор айлар гумон ҳар кимки кўрса жисми урёним.

Нетай ул нозанин дилбар қошида бўлмаса бовар,  
Гар этсам шарҳ сар тосар анга ҳоли паришоним.

Қадаҳ хуршеди нуридан зиё еткургил, эй соқий,  
Ҳужуми ғамдин ўлмиш тийра, билгил, шони ҳижроним.

Агар келса бузуқ кулбамға, эй Мирзо, паризодим,  
Қудумиға нисор айларман ул дам жавҳари жоним.

\* \* \*

Жон мулкига торожлар солғуси хайли ғам букун,  
Бу важҳ ила тутғумдурур ўз ҳолима мотам букун.

Рўзимға андоғ тийралик зўр айламишдур, топмағай  
Равшанлиғ очса юз агар наййири аъзам ҳам букун.

Эй дўстлар, ўтлуғ дамим ёққуси олам аҳлини,  
Даркор эрса жонингиз бўлманг манга ҳамдам букун.

Бўлмиш эрурман гулшани кўйидин масофа йироқ,  
Гулзори жаннатдин узоқ бўлған киби одам букун.

Айлаб иҳота ер юзин ул ой гардун зайлини,  
Чашмим оқизғач ашкнинг ўрниға хунин нам букун.

Заъфим шадид ўлғач муҳиб оҳим умидин найлайн,  
Жисмим ўтидин жон қуши қилғудек ўлди рам букун.

Мирзойи маҳзун ҳолиға раҳм айлабон, эрмас ажаб,  
Дилдор базми васлиға қилса ани маҳрам букун.

\* \* \*

Ул қуёш очғоч жамол авжида рахшон оразин,  
Маҳжабинлар анжум осо қилди пинҳон оразин.

Ул қуёшнинг оразидин ўзга юзга боқмағум,  
Шўхлар арз айлар эрса неча чандон оразин.

Боғ аро сарв ила гулни найлайин, дилдорнинг  
Воладурман кўргали қаддини ҳайрон оразин.

Ҳосил этмиш тийралик чашми умидим ҳажр аро,  
Очмаса бўлмас ёруғлиқ анга имкон оразин.

Кетди келгач юз очиб кўнглим ўтидин тийралиқ,  
Ёруғондек кеча очғоч моҳи тобон оразин.

Ишқ аро мавжуд бўлмишдур қизил юзлик манга,  
Ашки гулгун бирла қилмиш демангиз қон оразин.

Чиқмиш эрди зор Мирзо жисмидин жон ҳажр аро,  
Кўргали жисмига кирди қайтадин жон оразин.





## МУХАММАС

Ё қут лаб, симин зақан, хўршед рухсоринг келур,  
Базминг уйин ёрутғали шамъи пуранворинг келур,  
Жавру ситам таркин тутуб, ул чашми беморинг келур,  
Шод ўлғил, эй маҳзун кўнгул, бу кеча дилдоринг келур,  
Ширин такаллум гулбадан лаъли шакарборинг келур.

Тарк айла роҳат хобини, васл иста, тўк кўз обини,  
Ҳусн авжининг ноёбини ёд эт қоши меҳробини,  
Манъ эт вараъ арбобини, жамъ айла базм асбобини,  
Соз айла айш асбобини, очғил тараб абвобини,  
Рухсори оламтобини очиб севар ёринг келур.

Ҳажри қилиб бағрингни қон, ношод эрдинг кўп замон,  
Эмди букун топтинг нишон васл ичра бўлғил шодмон,  
Нутқин қилиб шаккар фишон ушшоқин айлаб имтиҳон,  
Лаълин қилиб муъжиз баён бермакка умри жовидон,  
Юз навъ меҳр айлаб аён жонбахш гуфторинг келур.

Соз айлагил субҳу масо гаҳ рост чертиб, гоҳ наво,  
Дугоҳу сегоҳу сабо ҳар бирисидур ғамзудо,  
Раҳм этмайин ул дилрабо айлар эди нозу адо,  
Ҳижрони ичра борҳо тортар эдинг ранжу ано,  
Бу дам тутуб расми вафо шўхи ситамгоринг келур.

Чиқди кийиб гулнорини, гулгун қилиб рухсорини,  
Сайр айлабон гулзорини, маст айлади ҳушёрини,  
Қўлга олиб сеторини, ширин қилиб гуфторини,

Маҳзун қилиб аёрини шод этгали сен зорини,  
Тарк айлабон озорини, ёри вафодоринг келур.

Ул маҳжабини лаб шакар қўйи аро айлаб гузар,  
Келтурса ҳар ким хуш хабар бергунг эди кўп симу зар,  
Ҳолингга қилмай бир назар бўлмиш эдинг хуни жигар,  
Қўнглиға ноланг ҳар саҳар таъсир қилмишдур магар,  
Ширин дудоғу симбар фархунда дийдоринг келур.

Не ҳад эди, эй ҳуш калом, айларга назминг интизом,  
Ул подшоҳи лояном алтофидин қилдим тамом,  
Юз ажз ила Мирзо ғулом айлар дуо субҳ ила шом,  
Фируз бахт ўлғил мудом, эт нўш ишрат бирла жом,  
Андоққи сархушу хиром озода рафторинг келур.







К

МАСНАВИЙ

Ўтардим бошим ғафлат уйқусидин,  
Халос ўлмадим даҳр қайғусидин.

Чу бедор бўлдим мени мустаманд,  
Фаросат ливосини қилдим баланд.

Боқиб субҳ маъмураси сорига,  
Назар айладим ҳикмат осорига.

Эмас майкада янглиғ ҳеч бир макон,  
Дағи ҳеч муршид чу пири муғон.

Гила қилдим ул пирға даврдин,  
Дедим фориг этмас мени жаврдин.

Хирадманд пири писандида рой  
Ул ишда манга бўлди мушқилкушой.

Ишингға гириҳ тушса гар жаврдин,  
Эрур ақлдин, кўрмагил даврдин.

Хаёлоти беҳуда айлар хирад,  
Қазоу қадр айлагай они рад.

Хирад илгида борча тортар алам,  
Бу дафъ ўлса етмас санга ҳеч ғам.

Муғон дайриға бош етур борҳо,  
Бу ғафлатни қил бода бирла даво.

Мутиъ этгуси элни даври қадаҳ,  
Қадаҳ давридин доим иста фараҳ.

Нишон етмасун кўнглиннга доғдин,  
Гулу жом етир бу ети ёғдин.

Айирмай қавокиб сени комдин,  
Майи ком ич бу ети жомдин.

Агар нуқл даркор бўлса санго,  
Қавокибдин этгил ани илтижо.

Кетургил бу ишда фалакка паноҳ,  
Ки бергай санга синдириб қурси моҳ.

Қилиб жаҳд Аторудни этгил надим,  
Битарга таворихҳои қадим.

Ҳавас айласанг саз оҳангини,  
Олиб Зухра қўлга чалур чангини.

Агар топмасанг майни олурға зар,  
Берур синдуруб меҳр қурси қамар.

Санга зоҳид ар манъиға очса тил,  
Сен имдод Миррихдин истагил. . .

СЕТОР БИЛАН МУНОЗАРА БАЕНИДАИ

Бўлуб базм бир кеча қилдим намоз,  
Қилиб ҳақға ҳар дамда ифшойи роз.

Қиём айлар эдим гаҳи, гаҳ қууд,  
Рукуъ айлабон гоҳ, гоҳи сужуд.

Қилур чоғда тоат мени беқарор,  
Қулоғимға етти садои сетор.

Олиб дилдин андишаи тоатим,  
Ҳавас йиртди чун пардаи исматим.

Дедим анга ул дамда айлаб нидо,  
Эрусан ўзинг маншаи ҳар садо .

Кел эмди қулоқ тут сўзима букун,  
Ўзинг куфр ўтиға бўлма ўтун.

Нега келди гумроҳлиқ хоҳишинг,  
Қиёмат ишидин тиҳидур бошинг.

Қалиди дари ганжи талбис сан,  
Ҳиял бобида мисли иблис сан.

Бу риштаки илкингдадур келди дом,  
Дили халқни сайд айлар мудом.

---

<sup>1</sup> Мирзо ўз девонида «Жом кайфияти» номида чолғу асбоблари мунозараси орқали дунёни тасвирлайди, ҳаёт ҳақида фикр юргизади, ҳаммаси бўлиб етти жом кайфияти берилган, шундан «Сетор билан мунозара баёни»ни келтирамиз.

Қилиб фош бел боғламоқ корини,  
Олиб қўймағунг тоат осорини.  
Гар этсанг биров синасида макон,  
Йўқ эткунг ани тоатин бегумон.  
Келу мен киби ўтдин андиша қил,  
Тутуб тавба йўлин вараъ пеша қил.  
Деди бўйла танбури соҳиб хабар,  
Эсанг пардадор ўлмағил пардадар.  
Хаёл этма ўзингга айбим ҳунар,  
Дема юзима айбим ўлса ағар.  
Қилиб қатъ айб оламин сарбасар,  
Ҳузури олам ичра қилдим гузар.  
Бари ҳамнишиним эди аҳли роз,  
Алардин манга етмади эътироз.  
Менинг синама қўймағил дасти рад,  
Сен эмди манга бермас эрсанг мадад.  
Била олмағунгдур жаҳон корини,  
Қим иқбол олур, кимлар идборини.  
Нега баҳри эҳсони парвардигор,  
Мену сен кибилардин олғай ғубор.  
Муғанний, бу дам боқмайин сўлу соғ,  
Олиб қўлға танбуринг эт тар димоғ.  
Тузуб нағма чолмоқға омода бўл,  
Кўнгулларға оч рағбат айларга йўл.  
Келиб базм аҳли тўлуб бу бисот,  
Тонг отғунча қилсунлар айшу нишот.  
На яхшидур ул кас кечиб сабрдин,  
Ўзин ўтға урса туруб қабрдин.  
Тамуг учқуни анга вақти азоб,  
Кўрунса кўзи оллида чун шароб.  
Олиб кечалар Мирзо қўлға қалам,  
Бешинчи ҳикоятни қилди рақам.  
Қилиб сабт танбур ҳангомасин,  
Яна йўнди қонун учун хомасин.



# ДИЛАФКОР







И

## ҒАЗАЛЛАР

Ноят бирла, жоно, сайри саҳро айламайсизму?  
Кўнгул кўзгусини ғамдин мубарро айламайсизму?

Баҳор айёми келди, дашту саҳро лолазор ўлмиш,  
Қилибон дафъи дилгирлик, тамошо айламайсизму?

Дамодам юз фасоҳатла сочиб шаҳду шакарларни,  
Такалжумда итоб омиз барпо айламайсизму?

Ўзингизга бериб оро, тулуи шамси анвардек,  
Халойиқни жамолингизга шайдо айламайсизму?

Латофатлар билан боғ ичра гул райҳону сунбулни,  
Қадингиз кўрсатиб онларни расво айламайсизму?

Лабингиз бодасидин ташналаб ўлган қулингизни,  
Тараҳҳум айлаб анга руҳ афзо айламайсизму?

Ҳамиша лоф урар оқу қаро наргис биносида,  
Сузуб сиз ҳам қаро кўзларни шаҳло айламайсизму?

Жаҳон аҳли бўлубдур ҳажрингизда турфаи мажнун,  
Начук бераҳмсиз юнларга парво айламайсизму?

Очиб гул ғунчадек лабни, сиқиб гул дастадек белни,  
Кириб бозор аро бир навъи савдо айламайсизму?

Неча муддат Дилафкор ошноликни умид айлар,  
Карам айлаб муҳаббат расмин ифшо айламайсизму?

\* \* \*

Найдек наво чекарман ҳажрингда, ёр, сансиз,  
Эл ичра беҳудона девонавор сансиз.

Бўлди жаҳон кўзимга торику тийра, эй воҳ,  
Бўлмас кифоя хуршед, эй гул узор, сансиз.

Юз ғамза бирла келса қошимга маҳлиқолар,  
Эрмас писанд манга чашми хумор сансиз.

Жонимда йўқ ҳаловат, ҳардам фиғон чекарман,  
Ёдингда кеча-кундуз Мажнун шиор сансиз.

Оҳу кўзинг хаёли шому сабо дилимда  
Ҳеч манда йўқ, нигоро, сабру қарор сансиз.

Ноз айлама, нигоро, эмди тараҳҳум айла,  
Кўп меҳнату аламлар чекдим, нигор, сансиз.

Хуррам эмас Дилафкор, ҳарчанд базм қурса,  
Таъсир айламайдур, эй маҳ узор, сансиз.



\* \* \*

Итобу ноз ила боқиб мани адо қиласиз,  
Тараҳхум айламайин ҳолима жафо қиласиз.

Вужудим ичра солиб ўт, қиё боқиб, жоно,  
Фироқи ваҳшатингиздин қадим дуто қиласиз.

Зийи оразингизга тасаддуқ ўлсун жон,  
Кўнгул уйини қачон лутф ила зиё қиласиз?

Халойиқ ичра мани хастага назар солмай,  
Рақиб суҳбатида кайфингиз сафо қиласиз.

Эзилди бағру, юрагим дебон сиза йиғлаб,  
«Илоҳи мундин батар бўл» дебон дуо қиласиз.

На журм ўттики мандин сизи шаҳаншоға,  
Чекиб қабоғингизи доимо жафо қиласиз.

Висолингиз талаб айлаб борурда Дилафкор,  
Уруб-сўқуб «Нари кет» дебон хафо қиласиз.

\* \* \*

Гўзал маҳвашлар ичра сен каби ҳурилиқо бўлмаз,  
Қиёмингга нечук ташбиҳ қилам туби расо бўлмаз.

Рикобинг бўса этмазми, кўранда ҳар нучук одам,  
Аё, эй офати даврон, сенингдек подшо бўлмаз.

Юрарда бўйла рафторинга товус ўлмая ташбиҳ,  
Жамолинг шўйла равшан ўлдиғи ҳаргиз фано бўлмаз.

Малоҳат осмонида юзинг ташбиҳ эмиш оя,  
Хиромингла кўранда қайси жондур мубтало бўлмаз.

Халойиқ бир-бирини сўйлашур ҳуснун кўран ҳола,  
Дуоя қўл очиб бўйла жаҳонда дилрабо бўлмаз.

Ики юҳу ғизолон кўзларинг ҳажрин чеканлар дер:  
Гўзаллар бўлсалар ҳам бўйлаким чашми сиё бўлмаз.

Дами нозу тағофул қилдуғингда мен Дилафкора,  
На деб ҳижрониға бул хаста кўнгул ошно бўлмаз.

\* \* \*

Гулшанга, аё жоно, мастона хиром этгил,  
Гулларни жамолингга бир дамда ғулом этгил.

Юз узра чекиб ҳардам мушкин ниқобингни,  
Эл ичра солиб ғавғо мажлисда мудом этгил.

Рафторинга, албатта, шайдо бўладур ҳарким,  
Ғамзанг ўқиға мардум кўксини ниём этгил.

Муштоқи висол ўлғон ҳажрингда ниҳоятсиз,  
Онларга карам айлаб, лутфингни мудом этгил.

Ноз ила тағофулда ошиқларингга боқиб,  
«Афтода нечуксиз» деб, онларга калом этгил.

Оҳу кўзинга боқиб ҳайратда нечук ҳоли,  
Бир жилва билан анга ҳажрингни, лом этгил.

Жонимни берай санга, эй дилбари айёрим,  
Домингга парирўлар нечасини ром этгил.

Нетайким иложим йўқ, эй шўхи жафо пеша,  
Дил хаста Дилафкора бир йўла салом этгил.

\* \* \*

Телба кўнглум кўз тутар, фурсат топиб ёр олдида,  
Айласам ҳижрон ғамин филжумла изҳор олдида.

Уртаниб куйсам тонг эрмас, рашқдин, аҳбоблар,  
Ғайрлар базми Скандар тузса дилдор олдида.

Ваҳ нечун ўлмай тириклай, шомдин то субҳидам,  
Бўлсалар доим рақиб эли чаманзор олдида.

Ҳар замон этсам тавозуъ, ер ўпуб қилсам салом,  
Бир каломи хуш эшитмайман вафодор олдида.

Дил ҳавас айлар ани лаъли ҳавосидин бўса,  
Ақл айлар беадад андиша бул кор олдида.

Айтингиз, аҳбоблар, раҳм этмаса ҳолим кўруб,  
Ҳажрида қилсун шаҳид қоним тўкуб ёр олдида.

Куймасунму нотавон жони, Дилафкор, оҳким,  
Сухбат этса доимо ул шўх ағёр олдида.

\* \* \*

Аҳбоблар, миллат учун биз жаҳд этолмаймиз ҳануз,  
Ғафлат тўшагида ётиб, кўзни очолмаймиз ҳануз.

Илму фунун қонунига саъй айлаганда ўзгалар,  
Бизлар жаҳолат кўйидин ҳеч бош ололмаймиз ҳануз.

Гимноз, семинарияда таҳсили илм айлар дигар,  
Бизлар ҳамон жанжал-сўкиш ҳеч тарк этолмаймиз  
ҳануз.

Инсофу ғайрат ўрнига аҳбоблар шому саҳар,  
Бизлар этиб бугзу ҳасад, ўзга билолмаймиз ҳануз.

Тун кечалар чойхонада айтиб ҳамиша сафсата,  
Кўк чой ичиб, шилқиллашиб ҳеч иш қилолмаймиз  
ҳануз.

Симсиз ҳавода тилгроф юргузди илму фан илан,  
Биз бодларак, бедонадин ўзга билолмаймиз ҳануз.

Ул Аврупо одамлари илм йўлига айлар жадал,  
Бизлар чапан, кўкрак очуқ, маҳрам бўлолмаймиз  
ҳануз.

Бордур таажжуб расмимиз, тўй-марака, ош-бошимиз  
Нашраҳ деган бир дарсимизни тарк этолмаймиз  
ҳануз.

Тўп-тўплашиб тўйга бориб, ош еб таванларни тугуб,  
Тўйдин чиқарда кеккайиб, тўғри кетолмаймиз ҳануз.

Аҳбоблар, қандоғ замон, афъолимиз шўйла аён,  
Андин хижил бўлди равон, ғайрат қилолмаймиз  
ҳануз.

Ёзди Дилафкор ҳасратин, бўлса хато авф айлангиз,  
Ёшу қари бир-биримиз ҳурмат этолмаймиз ҳануз.

\* \* \*

Мен шамъи жамолингга парвона тонг отқунча  
Ҳам зору паришонман, жонона, тонг отқунча.

Ишқингга асир ўлдум, орому қарорим йўқ,  
Ҳар кечаси йиғларман, пинҳона тонг отқунча.

Дол ўлди алиф қаддим айёми фироқингда,  
На деб хабар олмайсан ниҳона тонг отқунча,

Жонимни фидо айлай, эй маҳваши дилдорим,  
Ўлдум аламинг бирла, афсона тонг отқунча.

Эмди на қилай жоним, васлингга етир, ўлдум,  
Базмингни кўрар доим, бегона тонг отқунча,

Найлайки қарорим йўқ, рашк ўтига ўртандим,  
Ман хаста Дилафкора, гирёна тонг отқунча.





## МУХАММАСЛАР

Х

а-ажр аро ҳолим кўруб бир лаҳза ёрим индамас,  
Дидадин ашким тўкарман, гул узорим индамас,  
Фаҳм этиб ошиқлигим, кўрганда зорим индамас,  
Ман сари оҳиста-оҳиста нигорим индамас,  
Тиз букиб қилсам салом шоҳи жаҳоним индамас.

Кимга айтай дилдаги доғу алам ҳасратларим,  
Ортадур ҳижрон биёбонида бул ғурбатларим,  
Талх ком ўлди жаҳонда ёрсиз ишратларим,  
Раҳм этиб бир йўл эшитса ғам била кулфатларим,  
Шул умид бирла юрурман, дилситоним индамас.

Ишқида, эй дўстлар, бўлдим ажаб девоналар,  
Масканим бўлди мисоли чуғздек вайроналар,  
Кеча-кундуз базмига ҳамроз эрур бегоналар,  
Кўйида бўлдум базе, олам аро афсоналар,  
Бир йўла шафқат этибон меҳрибоним индамас.

Бу на мушкилдур, бўлар бегоналарга ёр-ёр,  
Ошноу ғайрини фарқ айламас ул шаҳсувор,  
Тоқатим йўқ бу аламга, йиғладим лайлу наҳор,  
Ким хушомад айласа дилдор эрур ул гул узор,  
Мен каби афтодага чашми хуморим индамас.

Ҳар замон кўрсам тағофул пешани гул оразини,  
Жон бериб мисли симобу изтиробим инчунин,  
Волаи шамъи рухи албаттадур рўйи замин,  
Нола айларман, Дилафкор, ногаҳон кўрсам юзин,  
Қайрилиб боқиб тағофул пеша ёрим индамас.



\* \* \*

Ёрдин, эй дил, санга меҳру вафо кам-кам бўлур,  
Изтироб этма бу янглиғ муддао кам-кам бўлур,  
Ишқ дардини иложига даво кам-кам бўлур,  
Гам ҳужум этди дема, нашъу намо кам-кам бўлур,  
Дилраболар шаънида шарму ҳаё кам-кам бўлур.

Мисли Мажнундек фиғон этсанг юрокинг қон этиб,  
Йиғласанг шому саболар кўз ёшинг тўфон этиб,  
Ёки булбулдек саҳарлар нолау афғон этиб,  
Илтижо этсанг париларга фидойи жон этиб,  
Бемурувват бўлса, таъсири дуо кам-кам бўлур.

Ошиқига қайрилиб дилдорлар боқмас эса,  
Орази рухсоридин мушкин ниқоб очмас эса,  
Ваъдалар айлаб, вафосида яна турмас эса,  
Изтироб этма алар бир боқибон ўтмас эса,  
Шўхлик айёмидур, фикри расо кам-кам бўлур.

Кўп шитоб этма, парирўлар тараҳҳум этмаса,  
Ҳар замон ўтганда маҳвашлар табассум этмаса,  
«Ишқ аро ҳолинг не янглиғ», деб такаллум этмаса,  
Кўз сузуб, қомат чекиб ҳардам тааззум этмаса,  
Ёшлик вақти алар, тарки жафо кам-кам бўлур.

Дўстлар, ҳеч кимсага боқманг ҳақорат кўз била,  
Шишай кўнгул синар зарра қабоҳат сўз била,  
Ҳар таомким есалар, лаззат ҳамиша туз била,  
Муниси ғамдур Дилафкор кеча ҳам кундуз била,  
Ҳар нечук бегоналардин ошно кам-кам бўлур,





# ДИЛКАШ







### ҒАЗАЛЛАР

Эна-ёна, эй сабо, сарви хиромондин гапур,  
Узгалар васфини этма, менга жонондин гапур.

Дўстлар, панд айламанг, шайдо кўнгулга меҳр этиб,  
Ишқ йўлида анга ўтлуғ биёбондин гапур.

Этма зебин лолаю райҳону насрин, сарви гул,  
Таркин айла барчасин, ул шўхи даврондин гапур.

Неча чексун зорлиқлар сабру тоқат жисм аро,  
Бу гудозларга карам қил, шўру тўфондин гапур.

Хаста жисмим поймоли ўлса ногаҳ ишқ аро,  
Эй кўзим, эсор учун юз дурри ғалтондин гапур.

Роҳат олур ул нафасдин беадад дил чоклар,  
Тан ҳузури чун бу дам анфоси пирондин гапур.

Навҳадин матлаб не эрмас, сўзи дилдин не мурод,  
Оҳ Дилкаш, этма ҳаргиз даври ҳижрондин гапур.

\* \* \*

Ўлубман хастаи маҳжури зоринг,  
Қаю зоринг, асиру беқароринг.

Лабингдин бир эшитмай шаккарин сўз,  
Бўлуб бошдин-оёғим интизоринг.

Ўқуб адъия ихлос ила дерман,  
Зиёда ҳуснунг ўлсун, бахт ёринг.

Неча маҳбуб эли сандек дилоро,  
Эмас эрмиш—деди, бир хоксоринг.

Муаррихлар агар сурса қалам кўп,  
Битолмас онча васфи гул узоринг.

Этиб мажнунлуғумни тоза ҳардам,  
Ҳавойи талъати неку шуморинг.

Не бўлғай давлати манзуринг ўлса,  
Ҳазин Дилкаш қатори жонсипоринг.

\* \* \*

Киши маҳв ўлур дилрабоси учун,  
Фараҳлар топар кўп жафоси учун.

Бўлур чун ародин қачон жаври кам,  
Тилар ёнаким хун баҳоси учун.

Йўқ айлар ўзини буким фикр аро,  
Ки қилгон лабининг имоси учун.

Асири бўлур ё шаҳид ул замон,  
Жабин жанбиға дому доси учун.

Юрурлар бу йўлда неча нотавон,  
Анинг қилғали кўп дуоси учун.

Анинг тигидин су сўраб жисму жон,  
Бадан заъфининг чун давоси учун.

Таажжуб бу йўл Дилкашу ҳам азиз,  
Бўлуб маҳв мен жон фидоси учун.

\* \* \*

Ишқ ичра сени дедиму, дилбар, ўла ёздим,  
Раҳм айла бу ҳолимга ситамгар, ўла ёздим.

Хўб ўлди тағофул била этдинг мени беҳуд,  
Девона бўлуб, ваҳки, қаландар, ўла ёздим.

Ўт тушди ниҳодимга кўруб моҳвашимни,  
Шавқин ўтида мисли самандар ўла ёздим.

Бағрим яраси, новаки мужгон адади йўқ,  
Қош ёларидин неча муқаррар, ўла ёздим.

Дардим кўп ўлур фикри агар келмаса дилга,  
Чун желса ажаб волаю бесар ўла ёздим.

Дилкаш не деб ўлдунг ғами ишқ ичра гирифтор,  
Бошимга солиб қисми муқаддар, ўла ёздим.



\* \* \*

Соф ҳусни дил фирибу, кўз қароси шунчалар,  
Новаки мужгонлару ҳам қоши ёси шунчалар.

Ибтилолар ҳар тарафдин ёр васлидин етар,  
Гурбату қоҳиш уза ҳижрон балоси шунчалар.

Лубати чиндек агар чин солса чиндин, оҳким,  
Алҳазар гўё ажалнинг дому доси шунчалар.

Ҳайрат ичра қолди ёдек ҳар киши гар кўрса бир,  
Деди аҳбоб элга — маҳбублар сароси шунчалар.

Хорадин ўтсун нигоҳ, пайкон танидин тиғи ҳажр,  
Кечаю кундуз будур ошиқ дуоси шунчалар.

Айлар ул онча шўриш, ман ҳамеша ноласоз,  
Гул учун гул вақтида булбул навоси шунчалар.

Нечаким маҳфил сори айлар хиромин чоғида,  
Жонни ҳадя, кўз ёши Дилкаш фидоси шунчалар.

\* \* \*

Хаёлингдур кўнгулни хонасида,  
Онинг нури кўзум кошонасида.

Фамингдин кеча-кундуз телба ворам,  
Назокатлар эмиш мастонасида.

Муаззабмен, бало хайли тузуб саф,  
Фигондин ўзга йўқ девонасида.

Тутошиб оҳ ўти бағримда пинҳон,  
Бу бекаснинг дили вайронасида.

Чаманда мисли гулдек қон ютарман,  
Бу расм ила жафо давронасида.

Бўлуб бехуд жафо бирла аламдин,  
Ажаб сармаст ўлуб майхонасида.

Наво топмас киши ҳам барги уммид,  
Бориб то ётмайин остонасида.

Қади хамдин ҳазар қилмоқ эмиш хўб,  
Камон бил оҳ ўқи парронасида.

Аламдин оҳларким неча, Дилкаш,  
Чекиб пинҳони оташхонасида.

\* \* \*

Тузмади зебин чаман то сарви раъно бўлмаса,  
Тинмади кўнглум назарда қадди зебо бўлмаса.

Айладим рангин баданнинг кўзни ашки олиндин,  
Ул суманбўнинг хаёли дилда пайдо бўлмаса.

Жойи бор андоғ кўзумға рўзи равшан кечадек,  
Жуббалар зеби учун зулфи мутарро бўлмаса.

Йиллар ўтмишдур нигорон кўзларим нур шавқида,  
Йўлда ҳайрондур нигоҳим ул дилоро бўлмаса.

Хўб эрур, хуноб дарёсида қолсун доимо,  
Хуш хиромидин бўлақ кўзга тамошо бўлмаса.

Улса яхши ишқ эли, кўргузса хўблар жабҳасин,  
Ақраби даргоҳ эмас, қошларда нмо бўлмаса.

Нолалар Дилкаш чекиб, андоғ кеча вуслат йўли,  
Нега очилсунки то ҳижрон шиносо бўлмаса.





## МУХАММАСЛАР

**Д** амодама худони этиб ёдлар,  
Ўқурман ҳамиша бу авродлар,  
Гаҳи ғам келур чун, гаҳи шодлар,  
Бузулғай ҳаммаси бу бунёдлар,  
Бу ижодлардур, бу ижодлар.

Мени табъими гул фуруш айламиш,  
Лабин зикрида жон хуруш айламиш,  
Сўзи ғорати ақлу ҳуш айламиш,  
Чамаң сарвидек то юруш айламиш,  
Бу кайёдлардур, бу кайёдлар.

Кузумдур ғариқи жигар қонида,  
Кўнгуллар фидо раҳши жавлониди,  
Тураолмайин ишқ майдонида,  
Етушмас улуғ қасру айвонида,  
Бу фарёдлардур, бу фарёдлар.

Ажаб тунд ўлуб, қош уза чин солиб,  
Агар чин десам ғорати дин солиб,  
Муҳиблар дилига неча кин солиб,  
Тамошо элиға не таҳсин солиб,  
Бу жаллодлардур, бу жаллодлар.

Ки ғамзанг ўқин от вафо аҳлиға,  
Ғами ҳажр аро пур жафо аҳлиға,  
Йўлингда ҳама бенаво аҳлиға,  
Нигаҳ нақшин ур кўп фано аҳлиға,  
Бу ношодлардур, бу ношодлар.

Ики фитна бир ёну зулфи каманд,  
Этар ишқ эли жонини сайду банд,  
Яна қатл учун тиф абру даванд,  
Ниҳон айлабон юзни мушкин паранд,  
Бу сайёдлардур, бу сайёдлар.

Ўтуб гоҳи юз шўру ғавго била,  
Қишига кўз очмай таманно била,  
Мунингдек ҳамаға тамошо била,  
Йиросдин туруб мен тавалло била,  
Бу устодлардур, бу устодлар.

Қиши кўрмамишди мунингдек пари,  
Парилар саросию сар дафтари,  
Қўнгуллар олурға ажаб дилбари,  
Чаман наврасидай ани қадлари,  
Бу озодлардур, бу озодлар.

Қолиб Дилкаши доғининг доғида,  
Не лола доғидек, не гул боғида,  
Қўруб то ўзин ажз тупроғида,  
Буларким эмишлар бало тоғида,  
Бу Фарҳодлардур, бу Фарҳодлар.

АМИР ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Йўқ сен каби истасам Ажамни,  
Хўбликда ҳадиқаи эрамни,  
Дард узра зиёд этиб ярамни,  
Қошингға тегузмағил қаламни,  
Бу хат била бузмағил рақамни.

Вақф ўлди ғаминг манга саропо,  
Ҳажринг ғамидек ғамим йўқ асло,  
Бошдин-аёғинг ажаб мусаффо,  
Бутхоналар ичра ҳеч тарсо  
Бир кўрмади сен каби санамни.

Жонларға гизо такаллум этгил,  
Лутф ила неча табассум этгил,  
Хубон элидин тақаддум этгил,  
Ошиқларинга тараҳҳум этгил,  
Кўп айлама жавр ила ситамни.

Фикринг дил аро муқаррар ўлса,  
Гўёки, жаҳон муаттар ўлса,  
Ҳам кўзу кўнгул мунаввар ўлса,  
Нақши қадаминг муяссар ўлса,  
Найлай бу жаҳонда жоми жамни...

Едида лабингни хун кўнгуллар,  
Шод айла неча бүкун кўнгуллар,  
Ишқ ичра қилур ўюн кўнгуллар,  
Йўқ олам аро бутун кўнгуллар,  
Зулфингдин айирма печу хамни,

То шаҳри ғамингда шоҳ бўлдум,  
Ноландау ҳам пур оҳ бўлдум,  
Гоҳи йўқ ўзумда, гоҳ бўлдум,  
Йўлингда ғубори роҳ бўлдум,  
Бошимға етурмадинг қадамни.

Доимки хаёлинг асирмен,  
Афтода фигуру беназирмен,  
Ғам борини чеккали далирмен,  
Сең ёрдин ўзга кимга дермен,  
Кўнглумдаги дард илан аламни.

Нозуклар элин ҳариридурсен,  
Навхатлар аро дабиридурсен,  
Ҳам Дилкашу хуш замиридурсен,  
Иқлими вафо Амиридурсен,  
Эй шаҳ, бу гадоға қил карамни.

УВАЙСИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Тўқармен ишқ аро дурдона гоҳи шод, гоҳи ғам,  
Хуруш айлаб неча раъдона гоҳи шод, гоҳи ғам,  
Қилай арзи дилим жонона гоҳи шод, гоҳи ғам,  
Юриб мен турфа бир девона гоҳи шод, гоҳи ғам,  
Хирад аҳли аро мастона гоҳи шод, гоҳи ғам.

Куяр албатта бу дарди ниҳоним сўрса дард аҳли,  
Бу ҳасрат маснади узра шукр ҳам кўрса дард аҳил,  
Фигон чек, ғунчаи лаъли ҳовосинда наво айла,  
Вафо қилса вафою, гар жафо қилса жафо айла,  
Недур бул жисми бедармона гоҳи шод, гоҳи ғам.

Куяр албатта бу дарди ниҳоним сўрса дард аҳли,  
Бу ҳасрат маснади узра шукр ҳам кўрса дард аҳил,  
Келиб ҳолим сўрарга бир нафас ўлтирса дард аҳли.  
Ғамим тақриридин андак сабо еткурса дард аҳли,  
Дейин анга неча афсона, гоҳи шод, гоҳи ғам. . .

Узунг куйдирма, фикри сарви озод этма, эй кўнглум.  
Ҳавои кўйи ул ширин паризод этма; эй кўнглум,  
Балолар тоғида то ўзни Фарҳод этма, эй кўнглум,  
Ғаму шодига минг шукр айла, фаръёд этма, эй кўнглум,  
Ки туткил ҳиммати мардона, гоҳи шод, гоҳи ғам.

Кўнгул якбора оҳ этма, севун, қадринг билур, охир,  
Тўқ анжум ашки, эй кўзлар, бу тун қадринг билур, охир,  
Неча жавр ила Дилкаш, чекма ун, қадринг билур, охир,  
Увайсий сабр қил бир неча кун, қадринг билур, охир,  
Келур бошингга бебокона, гоҳи шод, гоҳи ғам.





# ШАВКАТ







XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларидаги ўзбек адабиётининг кўзга кўринган вакилларида бири Шавкатдир. Унинг асл номи Сирожиддин бўлиб, Тошкент уездининг Ҳандайлик қишлоғида (ҳозирги Бўстонлик районида) 1882 йилда туғилиб, 1934 йилда Парвезтепа қишлоғида вафот этган.

Сирожиддин Тошкентдаги «Бекларбеги» ва «Кўкалдош» мадрасаларида ўқиди. Ўзбек ва форс-тожик адабиёти классикларининг асарларини қунт билан ўрганди. Ёшлик вақтларидан бошлаб шеърлар ёза бошлади, хаттотлик билан шуғулланди.

Шоир Шавкат, Шеван, Сиддиқ Ҳандайлиқий таҳаллуслари остида ўша даврда нашр этилган кўпгина баёзларда иштирок этди. Кейинчалик ўз асарларини «Савғоти Шавкат» китобига ва бошқа девонларига тўплаб эълон қилди.

Шавкат 1917 йил Февраль буржуа революцияси даврида «Тоза ҳуррият», «Русия инқилоби» каби асарларини нашр этдирди. Шавкат бу асарларида, буржуа революциясининг туб моҳиятини яхши тушуниб етмаган бўлса ҳам, чоризмнинг зулмини, чор аппаратининг халқ қўзғолонларини (масалан, Жиззах қўзғолони) бостиришдаги ваҳшийлигини фош этди, чоризмнинг йиқилишни табриклади.

Шавкат таржима билан ҳам шуғулланган: у араб ва форс тилларидан кўпгина бадий асарларни ўзбек тилига таржима қилган. Булар орасида «Алф лайл ва лайла» («Минг бир кеча»)нинг ўзбек тилига таржимаси муҳимдир.



## ШЕЪРЛАР

Эй пари ҳардам кўнгул озоринг айлар орзу,  
Шўхликлар бирла қилғон коринг айлар орзу.

Сўргали келгайму деб, аҳволими ҳар субҳу шом,  
Телмуруб йўлингга бул беморинг айлар орзу.

Айланиб ҳар дам бошингдин қилғали ибромлар,  
Бу жунундек жон шакар гуфторинг айлар орзу.

Тоғ аро қаҳ-қаҳ уруб кабки хиромон завқидин  
Кўрса гар юз ноз ила рафторинг айлар орзу.

Шоми фурқат ичра қолғон мен каби саргашталар,  
Шодлик субҳи ўлон рухсоринг айлар орзу.

Қўй қадам кулбамга, жона, хаста жонин қилғали  
Ушбу зоринг дам-бадам ийсоринг айлар орзу.

Юрса-турса ҳар қачон бу Шавкати ошуфтаҳол,  
Жилвалар бирлан қилан атворинг айлар орзу.

### ВАГОН ТАЪРИФИДА

Етгали манзилга токим боғлади шаҳпар вагон,  
Бошлабон йўл манга, бўлди гўйе раҳбар вагон.

Йўлда тинмай чарх уруб, ўтдин этиб ҳардам қанот,  
Дудин учган сори қилди бошини афсар вагон.

Рўзу шаб зулмоти тоғу чўлни хавф этмай кезиб,  
Ери ҳақ бирла бўлибдур ўйла Искандар вагон.

Ушбу кун Турон заминни фатҳига Рустам каби,  
Қўлга ёшилдин алам юлди, миниб ашқар вагон.

Эгри йўлга юрмайин, тўғри йўлидин ажрамай,  
Ростлиқдин қатъ этар ҳар лаҳза баҳру бар вагон.

Эл дегай: «Лочинни тез учгай», бу сўз лекин ғалат,  
Қим жамни жонивордин келди чобуктар вагон.

Ёзу қиш тинмай талаб бирлан юрар бесару по,  
Ишқ элидек дамбадам ўтлар сочиб аҳмар вагон.

То баҳор айёмида айлар эсанг азми сафар,  
Сабзалар бирла кўрунгай кўзингга аҳзар вагон.

Жанг майдонида кийса жангжў бошига худ,  
Доимо бошига кийгай қаҳр ила миғфар вагон.

Оғзидин ўтлар сочиб, йўл қаҳрамонин ютгали,  
Ҳамла қилгай дамбадам андоққи бир аждар вагон.

Бу каби нашъу намолар қайда эрди, дўстлар,  
Йўл солиб ушбу тарафга келмас эрса гар вагон.

Кеча-кундуз ҳар қачон чиқсанг сафар қасди билан,  
Ер йўқ ўлтирмоққа сангаким, тўлодур ҳар вагон.

Андижону Марғилон Хўқандни кўрмас эдинг,  
Бўлмас эрса санга Шавкат бўйла лутф овар вагон.

\* \* \*

Субҳидам эт сайри чаман бениқоб,  
Токи кўриб гул юзинг ўлсун хароб.

Оҳ, менинг ҳолима ким йиғлағай,  
Душманним олдида чу этсанг итоб.

Бе гули рўйинг манга ҳижрон туни,  
Бўлғусидур албатта явмул-азоб.

Раҳм ила бу хастанн ҳолини сўр,  
Қим санга бу ишдин ўлур кўп савоб.

Хат била холингни асири нечук  
Бўлмағуси сунбул ила мушкиноб.

Эмди мани ҳолима қилғил назар,  
Қолмади ҳажрингга яна манда тоб.

Неъматн жаннат сени васлинг эрур,  
Шавкати дил хастаға, эй, хуш жавоб.





К

МУРАББАЪЛАР

атъи назар қилдинг жоно, на бўлди?  
Келур эрдинг сўраб гоҳо на бўлди?  
Маҳзунингга боқмай асло, на бўлди?  
Бир демадинг ҳолинг манго, на бўлди?

Гул юзингсиз ишим доим фиғонлар,  
Лаълинг хаёлида дил бўлди қонлар,  
Дилда қолди, кўрмай юзинг, армонлар,  
Ҳосил қилсанг бир муддао, на бўлди?

Эй латофат гулзорининг гулнори,  
Вей маҳлиқоларнинг кўзи хуммори,  
Ҳеч сўрмадинг аҳволимни бир бори,  
Эй султони мулки вафо, на бўлди?

Бир кулуб боқишда девона қилдинг,  
Юзингга наргисдек ҳайрона қилдинг,  
Охирида мани бегона қилдинг,  
Шундоқмуди аҳду вафо, на бўлди?

Ошуфта ҳол ўлдим кўрмай жамолинг,  
Хаёлимдин нари кетмас хаёлинг,  
Асло эшитмадим ширин мақолинг,  
Ендошмадинг қилиб парво, на бўлди?

Чексам ногаҳ кўкка етар фиғоним,  
Ҳажринг тортиб келди рамаққа жоним,



Айтай десам санга сирри ниҳоним,  
Дуч келмадинг манга танҳо, на бўлди?

Эй Шавкатнинг кўзин оқу қароси,  
Бедаво дардининг сенсан давоси,  
Аё нозук адоларнинг сароси,  
Беморингга боқсанг қиё, на бўлди.

\* \* \*

Тоқим вафо қилдим, жафо айладинг,  
Бевафолар ишин барпо айладинг,  
Аввал меҳринг кўнглумга жо айладинг,  
Охир висолингдин жудо айладинг

Ёруғонда тунда шамъи жамолинг,  
Парвонадек кўролмадим висолинг,  
Хаёлимда ҳар доимо хаёлинг,  
Ёдинг билан умрим адо айладинг.

Жудо бўлғоч сандин кўз тўкти қонлар,  
Яна қолди дилда турлук армонлар,  
Мунда мани ташлаб кеттинг қаёнлар,  
Кимлар билан аҳду вафо айладинг?

Сен эурсан менинг шўҳи замоним,  
На ҳукм этсанг, розиман, эй султоним,  
Ҳасратингда, аё сарви равоним,  
Қумри каби корим наво айладинг.

Эй юзлари оқу ҳам сими ғабғаб,  
Борму жаҳон ичра сандек шакарлаб,  
Кўрганлар ҳайратда қолур деб: «ёраб»  
Ҳуснингга барчани шайдо айладинг.

Сенсан гулрухларнинг нозук адоси,  
Нега бўлмай гул юзингни шайдоси,  
Эй бедаво дардим бўлғон давоси,  
Ўзгалар дардига даво айладинг.

Замонлар бўлмишким Шавкат асиринг,  
Умрин ёдингда сарф этган ҳақиринг,  
Ишқинг иқлимида бўлган шаҳиринг,  
Боқмай анга недин ибо айладинг.



## МУХАММАС

К

*Муқимий ғазалига мухаммас*

Кўруб лаълинг чаманда гунча дил қон ўлди, бир манму?  
Юзунгни кўрди ишқ аҳлию гирён ўлди, бир манму?  
Асири чашминг оҳуйи биёбон ўлди, бир манму?  
Кўруб ойиналар ҳуснига ҳайрон ўлди, бир манму?

Қаён бординг мани то мунда ташлаб турфа доғ айлаб,  
Фироқинг илгида қўйдингу кеттинг бедимоғ айлаб,  
Тамошойи чаман қасди билан кўнглунгни чоғ айлаб,  
Рух очтинг пардадин ул субҳким бир сайр боғ айлаб,  
Қолиб хижлатда гул чоки гирибон ўлди, бир манму?

Топилмас нозанинлар ичра дилбар сандак озода,  
Ки мисли бўлмади манзурим, эй жон, ушбу дунёда,  
Кўзунг масту ҳамиша олғали жонларни омода,  
Куяр жонлар на танҳо ишқинг ўтидинки саҳрода,  
Тушуб бағрида яксар лола сўзон ўлди, бир манму?

Эмасму чокаринг, жоно, сани бу барча амсолинг,  
Такаллум айласанг тўтйи хушгўлар бўлур лолинг,  
Бўлай чун хоки раҳ қўйсанг қадам йўлларда помолинг,  
На ёлғузман асири ҳалқаи зулфу хату холинг,  
Лабингга банда ҳам лаъли бадахшон ўлди, бир манму?

Тилаб васлингни ҳардам оҳ уруб юрғанда айб эрмас,  
Зуллол истаб лабингдин қон ютуб юрғанда айб эрмас,  
Жафо ағёрдин ҳардам чекиб юрғанда айб эрмас,

Кўюнда бандалардек соврулуб юрғанда айб эрмас,  
Сочингдин сунбулу райҳон паришон ўлди, бир манму?

Қачонким, зеб учун даври рухингдин ташладинг шаҳпар,  
Онинг ҳар ҳалқаси пойи хирадға бўлди бир чанбар,  
Ҳаёти тоза берғай мурда танға сўзинг, эй дилбар,  
Қўруб рамзи табассум бу экан, деб ҳусни Юсуфлар,  
Гирифтори ўшал чоҳи занахдон ўлди, бир манму?

Ҳамиша Шавкату, шаъну, шукуҳингдин тўлуб олам,  
Илоҳи бўлмасун бу давлатинг Дорою Жамдин кам,  
Талабгори висолинг бор эрур, жоно, ҳама одам,  
Жамолинг лаззатидин муждалар топган ҳарифлар ҳам,  
Келиб ойлар Муқимий Янги Қўрғон ўлди, бир манму?





# КАМИЙ







**К**амий XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида ўтган ўзбек адабиётининг намояндаларидан бири. Камийнинг асли оти Каримбек бўлиб, отасининг оти Шарифбекдир.

Камий Тошкент шаҳрида 1866 йилда чопонфуруш оиласида туғилиб, 1923 йилда шу шаҳарда вафот этди.

Ўз даврининг мадраса илмини олган Камий ёшлик вақтидан ижод қила бошлайди. У умрини асосан адабиётга бағишлайди.

Камийнинг ижоди ғоявий қарама-қаршиликлар билан тўла. Замондошлари Муқимий, Фурқат, Завқийлар билан яқин алоқада ва, демак, маълум даражада уларнинг таъсирида бўлган Камий ўз ижодининг биринчи даврида Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистоннинг Россия составига қўшилишини ижобий ҳодиса сифатида қабул қилиб, рус маданияти, рус халқи ҳаёти орқали кириб келадиган янгиликларни куйласа, халқни илм-маърифатни эгаллашга, жаҳолатдан қутулишга ундаса, ижодининг иккинчи этапида (1903 йиллардан кейин) Марказий Россия ва ўлкамизда кўтарилаётган революцион ҳаракатдан кўрқувчи, эксплуататор синф ва эскилик манфаатини кўзловчи адабиётга ёндошади.

Камий ижодининг биринчи даврида яратилган илғор мотивлар билан сугорилган асарлари биз учун муҳимдир. Шоирнинг тили равон, қофиялари пишиқ, ўхшатишлари ўринли.

Камий асосан лирик шоирдир. Камий классик адабиётимизнинг йирик вакилларида Муқимий ва Фурқат

ғазалларига мухаммас боғлаган. Камийнинг шеърлари XIX аср охири ва XX аср бошларида нашр этилган баёзларнинг деярли ҳаммасига киритилган.

«Туркистон вилоятининг газети»да ва бошқа газета-журналларда ҳам шоирнинг кўпгина асарлари эълон қилинган.







М

## ШЕЪРЛАР

астона кўзларингдин кимга қилай шикоят,  
Ўлдурғали қилурлар ҳар дам мани ишорат.

Хуснингни бодасидин маст ўлмаган кишининг,  
Одам эмаслигига қилмоқ керак ривоят.

Маҳбублар борининг сархайлу сарварисан,  
Қилмоқ муносиб онлар фармонинга итоат.

Дил мойили висолинг, жон толиби жамолинг,  
Ҳақ иккисиға қилсун бу давлати иноят.

Ишқ аҳли саждагоҳи меҳроби қошинг ўлмиш,  
Кўз ёшидин таҳорат эрмиш аларға одат.

Юз йил десам ғамимни қолғай ҳануз боқи,  
Бўлмас экан фироқинг шарҳига ҳадду ғоят.

Холу хатинг мисоли оёту нуқталардур,  
Мусҳаф юзингга боқиб қилсам на хуш тиловат.

Айларда ҳар тарафдин юз жилва бирла рафтор,  
Оламға қоматингдин солдинг қизил қиёмат.

Нозу ситам, тоғофул айлаб Камийга, жоно,  
Бегонаға қилурсан меҳру вафо риоят.

ГИМНАЗИЯ ХУСУСИДА

Бориб эрдик кунн уч-тўрт аҳиббо,  
Қилиб гимназия сайрин таманно.

Қирибон кўрдук ўғлонлар батартиб,  
Ўқубон ҳам ёзиб эрканлар имло.

Эканлар аксариси тўразода,  
Фатонатлар жабинидин ҳувайдо.

Тавозуъ, хулқи хуш, одоб бирла  
Қилиб ҳар бирлари бизға мувосо.

Бир оз ўз билган илму фанларидин,  
Қўринг деб айладилар ошкоро.

Биринчи хонода руси забони,  
Ўқулуркан иккинчида фарангчо.

Учинчи дарсхона илми лотин,  
Бешинчи хонада таълим немисо.

Ўқуб бир жамият саъй ила доим,  
Шашум дарсхонада иславаниско.

Уқулмай ҳеч илм қолмас эркан,  
Етинчи, саккизинчи хонасида.

Фалакиёту ҳам илми фаронз,  
Нужуму ҳикмату тибби атиббо.

Яна бир неча ўзга илмларға,  
Бўлуб комил қилуркан хатм сўнгро.

Мударрислар бор экандурки, анда  
Дақойиқ хайлиға ҳушёру доно.

Ул ўғлонларға айлаб меҳру шафқат,  
Қилуркан эртадин то кеч парво.

Киём ўлғоч тушубон барча ўғлон,  
Хўрак айлар экан танҳо ба танҳо.

Яна бир катта яхши зол — иморат,  
Ки бордур анда тасвири шаҳаншо.

Бор эркан бир ибодат хонаи хос,  
Берилган тўрфа анга зебу оро.

Яна бир неча ўзга хоналарда,  
Жамии ҳикмат асбоби муҳайё.

Туганмас номин айтсам они бир-бири,  
Ва лекин айлайин бир нуқта имо.

Биллур ойинадин бир чарх кўрдук,  
Бўлур айланса мисдин барқ пайдо.

Қилиб таҳсину онча офаринлар,  
Кўруб ҳайрон, қолиб тушдук сарупо.

Кўруб ибрат олурға ҳар шайъини,  
Керакдур бўлмоқ аввал чашми бино.

Дариғоким, бизинг ҳам хону шаҳлар,  
Бўлуб ўтган эканлар ҳукм фармо.

Булардек қилмайин тартибу қонун,  
Булардек қилмай илм аҳлиға парво.

Басе мағрур ўлуб давлатлариға,  
Иши дониш элиға бўлмай асло.

Қаерда кўрса фозил ё ҳунарманд,  
Аларға тегузуб озору изо.

Они суҳбатлариға бермайин йўл,  
Чиқориб балки ўз шаҳридин имдо.

Юрурлар эрди ишрат бирла, айлаб  
Ўзига неча бедонишларни ҳамро.

Булар чун кўрсалар бир аҳли фозил,  
Қилибон иззату икром баржо.

Они суҳбатлариға хос айлаб,  
Навозишлар қилиб таъйин этар жо.

Бинобар илмнинг хосиятидин  
Бўлубдур давлати Русия аъло.

Бале, ҳар шаҳ низоми бўлса бу тарз  
Бўлур албатта давлат ичра якто...

Ҳисоб этганда юз Русия ичра,  
Чиқар бир оми, ул ҳам иттифоқо.

Вале сартия халқи ичра юздин,  
Чиқар бир мулла, ул ҳам унда-мундо.

Қабул этмас эса бу сўзни ҳар ким,  
Қиёс айлаб тафаккур айласунло.

Камий, сўз кўп дурур, бас қилғил.эмди,  
Ўқур элга малолат келмасун то.

ТЕМИР ЙҮЛ ХУСУСИДА

Қаламга айдим: «Эй жамъи забондон,  
Халойиқларга бир сўз айла эълон.

Замони мози бирлан бу замондин,  
Гапургил сан ўзинг икки забондин.

Бурунғи аср қайдоғ эрди, альшон  
Эрур қайдоғ, эй килки сухандон».

Деди: «Маълуму равшан айлайин мен,  
Эшитсанг бул замону ул замондин.

Қадим айём кўп эрди машаққат,  
Суубат, кулфату ҳам ранжу меҳнат.

Қилай тақрир ман юздин бирисин,  
Гумон қил хоҳ ёлғон, хоҳ сан чин. . .

Бас эмди ўзгача бўлди замона,  
Агар шарҳ айласам келмас баёна. . .

Темир йўл этти иншосини жори,  
Берибон жумла ўз мулкига ёри.

Яқин қилди узоқ йўлларни турфа,  
Дуруст айлаб чатоқ йўлларни турфа.

Не шуш, ҳужожларга бўлди осон,  
Темир йўл бирла бормоқ ҳажга, ихвон.

Бўлуб бежавфу бевахму хатарсиз,  
Бориб ҳам тез келгайлар зарарсиз.

Қароқчи роҳзанлардин омонда,  
Темир йўлда бўлурким ҳар қаёнда.

Машаққат ранжу кулфат кўрмагай ҳеч,  
Ғаму андуҳу меҳнат кўрмагай ҳеч.

Бу янглиғ роҳат афзодур темир йўл,  
Ҳузурни жумла дунёдур темир йўл.

Темир йўл дема, бир тахти равон де,  
Юрурда гўйё оби равон де.

Яқин муддат Самарқандин етушгай,  
Йўли бу Тошкант йўлига тушгай.

Келур лекин Чиноз атрофи бирлон,  
Кўрурсан, эй Камий, бўлса омон жон.

Темур йўл келса йўқдур ҳеч зиёни,  
Ажаб эрмаски, бор бўлса ҳаёни.»

Қалам бу навъ таҳрир этди сўзни  
Халойиқ ташласун деб сўзга кўзни.

я х ш и

Сухан яхшиму ё дурдона яхши,  
Сухандона сухан, дур кона яхши.

Қариндош номувофиқ ошнодин,  
Мувофиқ етти ёт—бегона яхши.

Пули кўп, ақли кам, янги чопондин,  
Яланғоч жандаю девона яхши.

Диликим, онда йўқдур оташи ишқ  
Ки ондин шамъ ила парвона яхши.

Кишидин шарбът ичгандин баминнат,  
Ки то оғзига ботгон қона яхши.

Киши дунон элидин нон егандин  
Уруб синдурса тиш сандона яхши.

Кимиким, ваъдае қилса бировга,  
Етурса ваъдасин поёна яхши.

Дуруғу кизб сўздин минг маротиб,  
Деса бир сўзийи ҳаққона яхши.

Муқаррар, дўстиким бўлса нодон,  
Ки андин душмани фарзона яхши.

Ҳаёю, шарму, одобу, тавозуъ,  
Эмас ҳайвонаким, инсона яхши.



Муаззин чирку масжид бўлса нопок,  
Ки андин поп ила бутхона яхши.

Харобот аҳлига қанду асалдин  
Шаробу, бўзау, майхона яхши.

Қиш ўлса камбағал бечораларга,  
Қўмуру, ўтину, кошона яхши.

Биёбонида роҳи рост топмоқ  
Адашган зору саргардона яхши...

Ажабким Тошканд бойбаччасига  
Улоқу, оту, туллакхона яхши.

Гуруҳи ҳез тийнат одамидин,  
Шижоат пеша бир мардона яхши.

Хуш улким, суҳбати ножинслардин  
Қочиб ўлтургали зиндона яхши.

Турубон эрта бирлан аҳли бозор  
Келиб ўлтургали дўкона яхши.

Мусофир дил шикаста меҳмоннинг  
Дилин шод айламоқ мезбона яхши.

Бале ҳуққомларнинг хизматида  
Мулойим хўйлик дарбона яхши.

Ҳамадин аҳли дунёдорларга—  
Чиқимсиз тушса пул ҳамёна яхши.

Тўла анбори донлиқ бойларга,  
Ҳазорон мўрдин бир дона яхши.

Малаҳдин мазраъ бўлса омонда,  
Ҳамадин бул эрур деҳқона яхши.

Амалдор аҳлию мирзо элига,  
Етушса тез-тез моҳона яхши.

Ҳакими ҳозиқу ҳам бодиёнат,  
Жамии аҳли беморона яхши.

Ҳамадин жаҳрия эшон элиға,  
Муриду зокири мастона яхши.

Самоварчи элию чойфуруша —  
Чойи ўтса шабу рўзона яхши.

Бу эрса Тошканд аҳлиға кирдор,  
Намонгон, Андижон, Фарғона яхши.

Бу жоҳил халқ дастидин ман эмди,  
Қочибон кетганим Афғона яхши.

Кўрурсиз даҳр уйин обод, аммо  
Билинг, андин бузуқ вайрона яхши.

Хаёлин этмак ул мужгон асонинг,  
Камидек хаста бедармона яхши.

#### К И Т Ъ А

Ҳар кишида илму, санъат бордур,  
Бахту давлат ул кишига ёрдур,  
Бўлса гар илму ҳунардин холи ул,  
Эй Камий, оламда, билким, хордур.





## МУСАДДАС

Ж

оно, ул кун кўруб ойдек жамолинг,  
Андин бери хаёлимда хаёлинг,  
Соғинурман ҳар дам ширин каломинг,  
Гоҳи лабинг, тоҳи рухсори олинг,  
Кўнглум тилар кўрмак сени жамолинг,  
Муяссар айласун тангрим висолинг.

Ҳажринг тиғи бирлан кўксум яролиғ,  
Билдим эмди ёмон экан жудолиғ,  
Дарди ишқинг эмас экан даволиғ,  
Ошиқ иши доим ранжу анолиғ,  
Кўнглум тилар кўрмак сени жамолинг,  
Муяссар айласун тангрим висолинг.

Айру сандин, жоно, ҳолим ёмондур,  
Дилим қону, кўзим ёши равондур,  
Ранги рўйим заъфарондек сомондур,  
Сансиз ишим, хуллас, оҳу фиғондур,  
Кўнглум тилар кўрмак сени жамолинг,  
Муяссар айласун тангрим висолинг.

Нозанинлар қулу, шоҳи жаҳонсан,  
Ҳусну жамол ичра ҳуру ғилмонсан,  
Малакмусан, билмом ва ё инсонсан,  
Қисса кўтаҳ яғонаи давронсан,  
Кўнглум тилар кўрмак сени жамолинг,  
Муяссар айласун тангрим висолинг.

Шаҳр ичра йўқ сани мислу назиринг,  
Кўрган одам бўлур, бешак, асиринг,  
Ойнадин равшан эрур замиринг,  
Аён сенга ҳоли мандек фақиринг,  
Кўнглум тилар кўрмак сени жамолинг,  
Муяссар айласун тангрим висолинг.

Истаб сани бўлдим ҳарён овора,  
Жудо бўлуб висолингдин якбора,  
Тан яра-ю, дилларимдур садпора,  
Раҳм айласанг жоиз эрур ман зора,  
Кўнглум тилар кўрмак сени жамолинг,  
Муяссар айласун тангрим висолинг.

Ҳар дам сандин, Камий, умиди шулдур,  
Ғойибона жанобингга бир қулдур,  
Мадҳинг гулзорида гўё булбулдур,  
На парвойи боғу сарву сунбулдур,  
Кўнглум тилар кўрмак сени жамолинг,  
Муяссар айласун тангрим висолинг.





# ҚОРИЙ







## ҒАЗАЛЛАР

М

аконимни мунаввар қилгали, эй ёр, хуш келдинг,  
Висолинг шарбатиға айладинг саршор, хуш келдинг.

Лаболаб тўлганичун нўш этиб жоми муҳаббатни,  
Сўрай, деб мўр ҳолини Сулаймонвор, хуш келдинг.

Алифдек дўстни жон ичра жо қилсам муносибдур,  
Кўнгул вайронасини тузгали меъмор, хуш келдинг.

Азизлар суннати афтодаларни ҳолини сўрмоқ,  
Миниб шабдизи ҳиммат марди майдонвор, хуш  
келдинг.

Уруб кўси июнат, ҳар тарафга айладинг жавлон,  
Зиҳи бахтинг саманди бўлди, хуш рафтор, хуш  
келдинг.

Лаб очдим мадҳ учун бўлғай муносиб, гарчи аҳволим,  
Паришон ҳол кўнгулум бўлди файз осор, хуш келдинг.

Ёқиб шамъи муҳаббат бўлди дил кошонаси равшан  
Бўлуб, очилди гўё ғунчалар гулзор, хуш келдинг.

Муҳаббат боғини гулчини Қорий дўст ёдида,  
Неча дафтар ёзиб ашъори шаккарбор, хуш келдинг.

\* \* \*

Юзи, эй, моҳитобон, бир келиб кет,  
Кўзум йўлингда ҳайрон, бир келиб кет.

Фироқинг даштида мен зору-сарсон,  
Тараҳҳум бирла жонон, бир келиб кет.

Юзинг кўрмакка кўп муштоқ эрурман,  
Бошим узра хиромон бир келиб кет.

Улар ҳолатга етдим фурқатингдин,  
Топиб фурсат шитобон бир келиб кет,

Хамиша интизори мақдамингмен,  
Аё, эй шоҳи хўбон, бир келиб кет.

Ғамингда қолмади бир зарра тоқат,  
Лаби гул, ғунча хандон бир келиб кет.

Бу Қорий ҳасратингдин кеча-кундуз,  
Ёнар чун шамъи сўзон, бир келиб кет.



\* \* \*

Жамъ бўлгон гунчалар, гулдек паришон ўлмангиз.  
Андалиби хушнаво бўлгон гулафшон бўлмангиз.

Сабзадин олам тамошогоҳ, сайри боғ учун  
Очилинг гул-гул давомат доғи хирмон ўлмангиз.

Дўстлар гўё баногун-наъш бўстонлар аро,  
Лола баргидек паришон, диллари қон ўлмангиз.

Васл боғи сабзу хуррам гуллар очилган каби,  
Сочилиб ҳарён жудоликдин пушаймон ўлмангиз.

Сабъаи сайёрадек бир бурждин айлаб тулуъ,  
Дил уйини равшан айлаб, бечарогон ўлмангиз.

Ошнолик рутбаси бўлсин мусаллам сизлара,  
Нозанинлар зулфидек ҳарёна ларзон ўлмангиз.

Сайри гулзор айлаган булбул каби бўстон аро  
Бетамошойи суман, бесарву райҳон ўлмангиз.

Ифтироқи васлидин кўкси қародур лолани,  
Қамчи урган рахшдек ҳарёна жавлон ўлмангиз.

Сайр этиб оби равондек келсангиз Фарғонага,  
Қорининг бўстонидин ғайрига меҳмон ўлмангиз.

\* \* \*

Тун оқшом нола қилсам булбулу парвонани ўртар,  
Ўзимдек мубталойи ишқ кўп сўзонани ўртар.

Маломат тешаси бир сори, теккан тоши бир сори,  
Найистондин чиқиб ўт, мажнуну фарзонани ўртар.

Саросар ғам била оғишта бўлган, сўрма аҳволим,  
Агар изҳор қилсам оқилу девонани ўртар.

Хуморим ҳаддин ошди, илтифотинг ёр қил, соқий,  
Жунуним зўридин ўт тушса бу майхонани ўртар.

Мани ҳолимга раҳм этсанг на бўлғай, хўблар шоҳи,  
Фигоним куйдурур ҳушёр, ҳам мастонани ўртар.

Тотиб май қатрасин солди таноби ишқ бўйнига,  
Аналҳақ шишасини синдуруб паймонани ўртар.

Қарам бобига келган бўлмасун навмид, султоним,  
Фариблар оҳидин олам куюб кошонани ўртар.

Туганмас қиссалардур ишқидин мотамсаро Қорий,  
Куюб бошдин-аёғинг дафтари афсонани ўртар.

\* \* \*

Сафо лофин уруб ойна рухсориға ҳайрондур,  
Муаттар айлаган оламини зулфи сунбулистондур.

Азал наққоши сурат боғлагон, билмам нечук  
Пари, ё ҳур, ё ризвон гули дунёга меҳмондур.  
жонсан,

Лаби гуфтора келгач гарм бўлди қанд бозори  
Такаллум топди тўти, андалиби боғ хандондур.

Ҳаёти жовидондур, топса бўйи мушкфомидин,  
Агарчанди гадо ушшоқ эли оламға султондур.

Хушо хандонидин бошимға юз савдо таманноси,  
Тушуб шўрида хошок устига гўёки сўзондур.

Алифдек жон аро қомат, хаёли дил аро сокин,  
Тамаввуж бермасун кўзлар нисорига дурафшондур.

Назокатли гулистон хирманидин хўшачин ўлди,  
Етиб нашъу намо Қорийга хўблардин бир эҳсондур.

\* \* \*

Қон тўккали хунрез кўзи айлади одат,  
Жон бермак ила ишқ эли топди қаробат.

Ёндурди вужудимни муҳаббатни танури,  
Дуди била олам элида қолмади роҳат.

Вобаста ғаму ғусса била жисми низорим,  
Пажмурда бўлиб, тиғи ситам била жароҳат.

Монандаи Айюб таним кирми балодин,  
Чун хонаи занбур тегиб тири маломат.

Ханжар соладур шўхвашим раҳм ила боқмай  
Жаллоди ситамгар манга ойини иноят.

Амвож бериб, зулфи сияҳ тобини ҳарён,  
Жон мурғини бўйнига етиб топди қаробат.

Нозук бадану, ғунча даҳан, сим зақандин,  
Ҳар кунда тушуб Қорини жонига бир офат.

\* \* \*

Тоб солиб зулфидин ул офтоб,  
Қилди жаҳон мулкини чун мушки ноб.

Рашҳан авроқ уза дурдоналар,  
Ё сочилибдур юзи узра гулоб.

Соя сифат орқасидин эргашиб,  
Гул юзини кўргали жонлар кабоб.

Водийи ҳасратда бўлуб ақл лол,  
Ишқи хаёли била бўлдум хароб.

Ноз ила ҳар ёна хиром айласа,  
Сарв қудумиға бўлуб чун туроб.

Хайли бало бошиға қилғай ҳужум,  
Қирса бу майдон ичиға шайху шоб.

Оҳим ўти бирла жаҳон ўртади,  
Қилмади Мажнуни жаҳонгард тоб.

Ноз рамузини ўқуб, айлади  
Қорийи афтодага доим итоб.

\* \* \*

Ажаб зебо бўлубдур қоматинг ҳам чашми фаттонинг,  
Асир этди мени ширин кулуб чоҳи занахдонинг.

Мени побанд қилди шаҳнаваш зулфи паришонлар,  
Кўзумни тутди андоғ партави хуршеди рахшонинг.

Янги айлаб мени бу кўҳна захмимни такаллумдин,  
Таҳайюр ичра солди бу сифат лаъли намакдонинг.

Муҳаббат оташи сўзандаси мерос оламдин,  
Кўзингни сохла ногаҳ тутмасун оламни тўфонинг.

Ўтуб Фарҳод, Вомиқ, етди энди санга бу навбат,  
Фалакка еткур андоғ нолау афғони сўзонинг.

Пари рухсорлардин бир тараҳҳум кўрмади кўзлар,  
Тўкуб сурхоблар Мажнун каби бул даври давронинг.

Асир ўлдинг ики жаллоди хунрезига, эй Қорий.  
Жазо шулким, тўкулсун остонига қизил қонинг.

\* \* \*

Маст чиқма ҳар сори олам гирифтор ўлмасун,  
Ишқ элиға ўт тушуб, сўзандаи нор ўлмасун.

Ҳадди авсофи камолидур, қарор ўлсун мудом,  
Ғайри зулфидин манга бир тор зуннор ўлмасун.

Манзили жон ичра ул хуршед монанди алиф  
Зарраваш кўйи сори мандек гирифтор ўлмасун.

Дамбадам нахли муродим обиҳайвонинг тилар,  
Мең каби сўзанда, сандек шўхи таррор ўлмасун.

Чархи кажрафтордин борони ғам сели сиришк,  
Ҳар тараф туғён қилиб дарёйи хунхор ўлмасун.

Эй асир айлаб жаҳон раъноларин сайёдвор,  
Жон олурга сен каби чолоку айёр ўлмасун.

Нозанинлар ишқ бозорига солса Қорини,  
Олғоли ул шўхдин ғайри харидор ўлмасун.



Н

### НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МҶҲАММАС

иқоб очиб лаби Ширинга кўҳкан қилғил,  
Мани асири бало чоҳи ул зақан қилғил,  
Сочингни сунбули сар устига суман қилғил,  
Қаро кўзум келу мардумлиғ эмди фан қилғил,  
Кўзум қаросиға мардум киби ватан қилғил.

Мазоқи лаълинг ила бўлди хуш тараб гулшан,  
Кўруб хижолат ила айлади адаб гулшан,  
Назокатинг суйига бўлди хушк лаб гулшан,  
Юзунг гулига кўнгул равзасин ясаб гулшан,  
Қадинг ниҳолиға жон гулшанин чаман қилғил.

Карам дарини очиб ҳиммат ила бел боғла,  
Чаман-чаман очилиб долалар дилин доғла,  
Фасоҳатинг била тўти дилиға қон боғла,  
Таковарингга бағир қонидин ҳино боғла,  
Итингга ғамзада жон риштасин расан қилғил.

Хиром этиб қилакўр мушкфом гулларни,  
Асир этай десанг оч хандадин кўнгулларни,  
Хизр киби қадам ур сабза айла йўлларни,  
Юзунг висолиға етсун десанг кўнгулларни,  
Сочингни бошдин-аёғ чин ила шикан қилғил.

Қаландарона гузар айла бўлмағил томиъ,  
Сочилма ҳар сори гул ғунчавор бўл қониъ,  
Яратди бандалик учун карам била соний,  
Хазон сипоҳиға, эй боғбон, эмас моний,  
Бу боғ томиға гар игнадин тикан қилғил,



Фироқ ўтида жигар чок қилди гул бадани,  
Мени асир қилиб мубталои ул зақани,  
Муаттар айлади гулгун қабойи пираҳани,  
Юзида терни кўруб ўлсам, эй рафиқ, мани,  
Гулоб ила юву гул баргидин кафан қилғил.

Муносиб ўлмади ушшоқ элиға ном ила нанг,  
Кўзига хасча эрур мулки Руму Шому фаранг,  
Хаёли сайрида Қорий аёқинг ўлди чу ланг,  
Навой анжумани шавқ жон аро тузсанг,  
Они башоқлиғ ўқин шамъи анжуман қилғил.

МАШРАБ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Қилғил тараххум сўзоналарга,  
Бағри эзилган гирёналарга,  
Шоҳи жаҳоним ҳайроналарга,  
Кўрсат жамолинг мастоналарга,  
Ишқингда куйган девоналарга.

Зикрингда жоним топди ҳаловат,  
Муфлис гадога қилғил саховат,  
Муҳтож эрурман этгил каромат,  
Мандин дуойи сандин ижобат,  
Жоним тасаддуқ жононаларга.

Ошиқға жавринг тарк айломойин,  
Қаҳру итобинг кам айломойин,  
Зулфи сиёҳинг ҳам айломайин,  
Эй бағри қаттиғ раҳм айломойин,  
Қилғил назора бечораларга.

Ҳар тунда оҳим оламға тўлғай,  
Нола-фиғоним етса на бўлғай,  
Бу ташна бўлгон қонса на бўлғай,  
Шамъи жамолинг ёнса на бўлғай,  
Тун кеча бўлса парвоналарга.

Дарёлар оқди ашки равондин,  
Сақла қулунгни роҳи омондин,  
Қорийга кўрсат роҳи омондин,  
Машраб сани деб ўтди жаҳондин,  
Бошини қўюб остоналарга.





# З О Р И Й







Зорий тахаллусли шоирнинг асли оти Усмонхўжа бўлиб, у Қўқон шаҳрида туғилган. Унинг биографиясига оид тўла маълумотга эга эмасмиз.

Зорий XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги ўзбек адабиётининг демократик йўналишига ёндошган шоирлардан биридир. Бу йўналишнинг йирик вакиллари Муқимий, Завқийлар билан яқиндан дўстлашган шоир Зорий уларнинг таъсирида бўлади: у гўзал лирик ғазал, мухаммаслар билан бир қаторда, бирмунча сатирик характердаги асарлар яратади.

Зорий асарларининг ҳаммаси ҳозирча тўпланмаган, 1956 йил, 10 сон «Шарқ Юлдузи» журналида шоир Собир Абдулла Зорийнинг ҳаётига оид баъзибир маълумотларни, шунингдек, унинг бирнеча ғазал ва мухаммасларини эълон қилди.

Зорий ижодидан намуналарни тайёрлашда биз шу журналга, ҳамда Собир Абдулла қўлида сақланаётган, матбуотда эълон қилинмаган материалларга асосландик.





## ҒАЗАЛЛАР

**С**або мундин бориб маҳбубима, эй ёр деб, айтинг,  
Йўлингда мубталою сенга арзи бор деб, айтинг.

Ютуб ҳижрон ғамини кеча-кундуз, анда тоқат йўқ,  
Юраги чок-чоку сийнаси афгор деб, айтинг.

Тараҳҳум қилмайин, анга тазаллум айласанг, жоно,  
Ёруғ дунёда они юрмаги душвор деб, айтинг.

Хиром айлаб гаҳи юз жилваи ноз ила ўтганда  
Такаллум айласанг бир дафъа, миннатдор деб, айтинг.

Тариқи ошнолик бўйла бўлса ушбу оламда  
Муҳаббатдин дам урмоқ барчаси бекор деб, айтинг.

Замона мардуми, эй дилбаро, афъолидур маълум,  
Рақиб аҳлиға сирни қилмағил изҳор деб, айтинг.

Йўл узра домини қўйган ҳариф сайёдлар кўпдур,  
Келолмайдур, кўралмас, найласун ночор деб, айтинг.

Жафою жавр ила ошиқ иши мундоғ ўтар бўлса,  
Тушар бошига гўё гумбази даввор деб, айтинг.

Ўқуб бу арзи аҳволим, жафожў қилмаса бовар,  
Санга қул бўлганига шу хати иқрор деб, айтинг.

Ҳаримий ваелинга лутф айлабон қилсанг эди маҳрам,  
Висолинг бирла бўлғай ошиқинг саршор деб, айтинг.

Муҳаббатнома ёзди, айлабон Зорий таваллолар,  
Иложи бўлса қилғил бўйнингга туммор, деб айтинг.

\* \* \*

Менинг бир лайливаш ақлимни олган гул узоримдур,  
Ани шаънига ёзган ушбу мажнунлик шиоримдур.

Оқарғон сув деманг, ё баҳр эмас, ҳар дашту саҳрода,  
Губори мақдами роҳига тушган ашкборимдур.

Қаро кокил эмасдур, маҳвашим бошинда чирмолғон,  
Етолмай васлиға ҳар дам қорайган рўзгоримдур.

Қизарган гул эмас ҳар бағ аро бир гулистон ичра,  
Туну-кун ёрнинг ҳажринда чашми хун нисоримдур.

Тафаккур айламанглар дилбарим оқ юздаги холин,  
Қолиб шони фироқи ичра кўкси доғдоримдур.

Насим эрмас саҳарлар тегса гул япроғи тебратган,  
Шитоб айлаб чаманзора ўтан, чобуксуворимдур.

Кўрунса шуълаиким, барқ деб они хаёл этманг,  
Ўт эрмас яшнаган, жисмимда мавж урган шарорим-  
дур.

Деманг равзан қаю жойимда ногаҳ кўрсангиз сўроҳ,  
Шигоф этган таним новак билан ханжар гузоримдур.

Менга бир журъаи жоми муҳаббатдин карам қилса,  
Ани нўш айласам, эй дўстлар, дафъи хуморимдур.

Насихат берган эрди, чиқма раҳдин деб, неча хўблар,  
Алар сўзи ҳамиша манга олтун гўшворимдур.

Бу ерда Зорийи ахгарнинг элга эътибори йўқ,  
Мусофирдек юрарман мунда, гарчи ўз диёримдур.



## МУХАММАСЛАР

ЛАХТУН ҲАҚИДА ҲАЖВ

Синиб Бектор, яна синдингми сен ҳам, онағар  
Лахтун<sup>1</sup>,  
Нега мардум пулидин қилмадинг асло ҳазар Лахтун,  
Кишининг ақчасига мунча қилдинг иззу фар Лахтун,  
Босиб тур, ё тағ ур деб, келдиму сенга хабар Лахтун,  
Этакни бар уриб, оқшом туриб қочгил бадар Лахтун.

Қачон лах-лахки синдинг, халқ бошинга йиғилганда,  
Яна пулмастлар бўйла бўлан ҳолингни билганда,  
Сарою расталардин яхшилар олдингга келганда,  
Ҳаёнхўрлик жўруб бу ҳолни, бағри эзилганда,  
Кўюб, майли деган бошинда, қорнингга нўқар Лахтун.

Санга пул бердилар, сотиб тегирмон, боғлар қолмай,  
Аларнинг дастидан бош қашмақа тирноғлар қолмай,  
Едилар ич этин, жисмида қитмол ёғлар қолмай,  
Кетиб шаҳбоз хайли, келди сендек зоғлар қолмай,  
Уйинчи модаларга жуфт ўлуб, ёввойи нар Лахтун.

Ададсиз ақча бермиш аксар одамлар бўлуб ҳушқол,  
Яна бир одами эскифуруш ҳам бўлди форигбол,  
Аларнинг баъзиси пул дарди бирлан вазн бир мисқол,  
Сабаб бўлмиш ўшал судхўрларга ул Қосим даллол,  
Хўракни айладинг ҳалқумига эмди заҳар, Лахтун.

Зиёд ўхшайди қарзинг элга боқса олти лакдан ҳам,  
Тийин олганмидинг ул Андижон аҳли, бўлакдан ҳам,  
Бале, айёрлик илмида ўткардинг Камакдан ҳам,

<sup>1</sup> Бектор, Лахтун сўзлари русча Виктор. Ляхтин сўзларининг бузилган шакллари. (А. А.)



Хароб ўлдинг ахири, лафкада синган чалакдан ҳам,  
Агар Бектор йўқолса, анга бўлгил ҳамсафар Лахтун.

Пул олмишсан яна бечора, нодон сартарошидин,  
Сотиб йиғмиш экан ҳар тўйда тушган нону ошидин,  
Аюрдинг эл аросинда анинг ҳам икки қошидин,  
Қилур авқоти бўлди жумъа кун эшони дошидин,  
Будур қасди, сени ҳам ўз қўли бирлаи кесар Лахтун.

Тан олма гарданинга, ақлинг ўлса, бир мирини ҳам,  
Иложи бўлса боз ол, ақчасин қўйма, жирини ҳам,  
Отанг ҳам келса асло қилма рўйи хотирини ҳам,  
Қўлига бермагил танзил дебон учдин бирини ҳам,  
«Пашол» деб, тўғри келганларни кўксидан итар  
Лахтун.

Авалдин хомтамаъларга агар қилсанг эди шафқат,  
Берурди яхшилар, сабр айласанг ўн йилгача фурсат,  
Мунингдек қилмасанг, бу халқдин кўргай эдинг  
ҳурмат,  
Бўлар иш бўлди, эмди ол бориб пулдордин муҳлат,  
Дам олгай кунда, то бошига келгунча табар, Лахтун.

МУСИЧА ЛАҚАБЛИ БИР ШИЛҚИМ МАХСУМ БОРАСИДА

Қаю манзилларида юрмиш алъон, баччағар махсим,  
Узи ҳушёр эмасдур, асли лодон, баччағар махсим,  
Жаҳонда ақлдин билқулли дархон, баччағар махсим,  
Ҳама афъоли ҳайвон, лекин инсон баччағар махсим,  
Ирода қилди, ногаҳ, тушди вагон, баччағар махсим.

Бориб хурсанд бўлуб юрганмикин айлаб саёҳатлар,  
Талаб қилса азизлардин ҳамиша истионатлар,  
Йўқолса кошки шаънидаги кори қабоҳатлар,  
Агар қилса мусофирликда бориға қаноатлар,  
Бировға бўлмағай ул ерда товон, баччағар махсим.

Муродим шул эрурким, ул томонга борди, ўлсайди,  
Қизил гулдек юзи кўп ранжу меҳнат бирла сўлсайди,  
Яна ул жаннатил-бақъя ери ичра кўмилсайди,  
Қадрдонлар онинг ташвишидин эмди қутилсайди,  
Ажаб йўқ, бўлсалар ул ерда пинҳон, баччағар махсим.

Тариқча юқмаган чанг, ул киши озода беозор,  
Қалонлар суҳбатин топган кишидур, хўб наку кирдор,  
Авалдин тарки дунё айлаганлар ақчадин безор,  
Алардек муттақиға салла, тўн қозиқдадур тайёр,  
На ерда дуд чиқса анга меҳмон, баччағар махсим.

Агар идроки бўлса, тоғу чўлларни кезиб юрсин,  
Мадори борица меҳнат чекиб, оламни чарх урсин,  
Азизу авлиёлар марқадига етса бош урсин,

Бориб сўйи Мадина гўшасида чилла ўлтурсин,  
Йўқолсин, келмасин Фарғонага, жон баччағар махсим.

Хазорон шуқр қилсин, бўлган экан насли одамдин,  
Кўрибдур илтифотини, билинғ халлоқи оламдин,  
Насиби бор экан, еткурди анга оби замзамдин,  
Билурми, фориг ўлди даҳр ичида неча минғ ғамдин,  
Эди ушбу шаҳарлар анга зиндон, баччағар махсим.

Кўрарди, мамлакатда бўлган эрди фитналар барпо,  
Қи баъзи халқлар ноҳақ қилиб бир-бирлара даъво,  
Чиқиб бир неча бидъатлар, келиб кўрмасмикин ҳоло,  
Анга Зорий таволло қилгани шул: келмасин асло,  
Нечунким, қилмасин охир пушаймон, баччағар махсим.

\* \* \*

Тегса ғамики кимсага андин ҳаё қочар,  
Кўнгли чироғи ёнмасу дилдин зиё қочар,  
Аъмои дил сиёни қўлидин асо қочар,  
Муфлис элини хор кўриб, ағниё қочар,  
Ҳар кимда сидқ йўқ валию авлиё қочар.

- Арз айлайн, солинг қулоқ, сиз эй яхшилар,  
Сўзингда мағз йўқ дебон қилмангиз ҳазар,  
Бўлди кабоб жабру ситам ўтига жигар,  
Ҳолим кўруб дегай, ҳама расвой раҳгузар,  
Боқмас юзимга кўрса, туруб ошно қочар.

Найлай замона халқлари тўғри юрмаса,  
Доно юзини жону дили бирла кўрмаса,  
Парвонадек ўзини бориб шамга урмаса,  
Яхши суҳанлар они даҳонида турмаса,  
Бул ҳам масалки «Итли эшикдин гадо қочар».

\* \* \*

Ҳолти дилимни сўргали, эй симтанам, кел,  
Эй симтану золиму бедод фаним кел,  
Бедод фану кокили мушки хўтанам кел,  
Шаҳбоз боқишлик санами, гулбаданам кел,  
Минг ваъда қилиб, бирга вафо қилмаганим кел.

Қиприклари ўқ, қошлари ё, кўзлари бодом,  
Рухсори қўёш, тишлари дур, лаблари гулфом,  
Кетди мени мотамзададин сабр ила ором,  
Ғам кунжида фарёд ила дерман мани бадном:  
Эй меҳру муҳаббат равишин билмаганим кел.

То волаи ул Лайлии Ширин сухан ўлдим,  
Мажнун сифат оворай дашти Хўтан ўлдим,  
Навмид таманнои ғариби ватан ўлдим,  
Яъқуб каби сокини байтул-ҳазан ўлдим,  
Тангри учун, эй Юсуфи гул пираханим, кел.

Бу ёр менга дарду балою ситам ўлмиш,  
Ғам ҳамдаму мунис менга ранжу алам ўлмиш,  
Меҳнат юкидин нахли қадим эмди хам ўлмиш,  
Жон қофиласи озими мулки адам ўлмиш,  
Эй орзуи жону талабгори танам кел.

Ҳижрон ила ёшимни равон айламасангчи,  
Озор ила бағрим тўла қон айламасангчи,  
Ғам ўқиға кўксимни нишон айламасангчи,

Охир мани расвой жаҳон айламасангчи,  
Бир лафз вафо илмини ўрганмаганим, кел.

Эй шўхи пари чеҳра, манга кўп ситам этдинг,  
Вобастаи занжири балою алам этдинг,  
Душманлара юз меҳру вафою карам этдинг,  
Нетдим, мани бечорани помоли ғам этдинг,  
Эй бир манга минг жавру жафо айлаганим, кел.

Эй қомати сарву, юзи гул, кўзлари шаҳло,  
Ораз қамару, ғунча оғизли, тани зебо,  
Хат сунбули тар, лаъли лаби ғашки масиҳо,  
Бир кун демадинг мен каби дилхастани асло.  
Эй ошиқи бечораи меҳнат чеканим кел.





## МУСАДДАС

Даҳр ичида шўхи гулрухсор, сенсиз найлайн,  
Илтифотинг бўлмаса изҳор, сенсиз найлайн,  
Ҳажр, ила доим таним афгор, сенсиз найлайн,  
Кўрмасам ҳолим бўлур душвор, сенсиз найлайн,  
Ёр, сенсиз найлайн, дилдор, сенсиз найлайн,  
Еткали васлингга мен ночор, сенсиз найлайн.

Толиим бўлди забун ё билмадим бахтим қаро,  
Шум рақиблардин тушар бошимга юз минг можаро,  
Тиғи ҳижронда таним мажруҳдур, кўксим яро,  
Чарх давринда юрубдурман, чунон мотамсаро,  
Ёр, сенсиз найлайн, дилдор, сенсиз найлайн,  
Еткали васлингга мен ночор, сенсиз найлайн.

Бормукин ушбу жаҳон ичра менга бир ғамгусор,  
Сўрмагай ҳолимни ҳаргиз ошно, хешу табор,  
Восил ўлмоқ сенга, жоно, менда йўқдур ихтиёр,  
Бир тараҳҳум қилмасанг мен телбага эй гулузор,  
Ёр, сенсиз найлайн, дилдор, сенсиз найлайн,  
Еткали васлингга мен ночор, сенсиз найлайн.

Моҳвашлар ичра борми сен каби нозик миён,  
Кўзлари жаллоди ошиқкуш мижанг мисли синон,  
Гул юзинг кўрганда бўлмиш гунчаларнинг бағри  
қон,  
Кеча-кундуз фикри ёдинг бирла рангим заъфарон,  
Ёр, сенсиз найлайн, дилдор, сенсиз найлайн,  
Еткали васлингга мен ночор, сенсиз найлайн.

Бир йўли ҳолинг нечун деб, ёр йўқлаб келмасанг,  
Доимо ағёр ила, бизларни кўзга илмасанг,  
Хўп жафожўсан, вафо расмини ҳаргиз билмасанг,  
Зорийи бечорага бир зарра парво қилмасанг,  
Ёр, сенсиз найлайн, дилдор, сенсиз найлайн,  
Етгали васлингга мен ночор, сенсиз найлайн.







# БАЁНИЙ







M

уҳаммад Юсуфбек Бобобек ўғли Баёний Хоразмда етишган шоирлардандир. У, ўз замонасига кўра яхши таҳсил кўрган, араб, форс тилларини мукамал билган тарихчи олим ҳам эди. Зийрак ва истъдодли бўлган Муҳаммад Юсуф ёшликдан адабиёт, музыка ва тарих билан қизиқади. Мактаб-мадрасаларда ўқиш ва ўз мутолааси натижасида адабиёт, музыка ва тарих фани соҳасида анча чуқур билимга эга бўлади. Баёний таҳаллуси билан шеърлар ёза бошлайди.

Баёнийнинг кўп ғазаллари ўзи ҳаёт вақтида тузилган баёзларга кирган ва айрим девон ҳолида ҳам Хоразмда тош босмада босилган.

Баёний адабиётда Мунис, Огаҳий ишининг давомчиларидандир.

Баёний Хоразмда Абулғозийдан бошланган, Мунис, Огаҳийлар томонидан олиб борилган тарихчилик ишини давом этдирди, машҳур «Тарихи Табарий» ни таржима қилди, Хоразм тарихининг Огаҳийдан сўнгги даврини ёзди. Баёнийнинг Хоразм тарихига оид «Шажараи Хоразмшоҳи» номли асари УзССР Фанлар Академияси Шарқшунослик институти томонидан нашрга тайёрланмоқда. Баёний 1923 йилда вафот этган.





Ж

ҒАЗАЛЛАР

аҳон сув юзида эрур чун ҳубоб,  
Бас андин нечук бўлгумиз баҳраёб.

Биноси бўлуб тўрт зиддин анинг,  
Эрур ишлари давр аро инқилоб.

Бу зидлар табаддул аён айлабон,  
Фитан жойи бўлмиш жаҳони хароб.

Бировни чу хушликда кўрди фалак,  
Ҳасад бирла урғуси оташға об.

Етар жаври бирдек гар ўлсун гадо,  
Вар ўлсун шаҳаншоҳи молик риқоб.

Анинг хушлиқи барқдек тезрав,  
Ғами ҳам ўтар мисли зилли саҳоб.

На иқболидин шод ўлуб ҳуш эли,  
Сурури учун қилдилар фатҳи боб.

На идборидин танглик тортибон,  
Ғами ранжидин этдилар изтироб.

Чу аҳвол мундоғ эса, соқие,  
Карам айлабон ол юзингдин ниқоб.

Дамодам лаболаб қилиб жомни,  
Изин узмайин тут майи лаъли ноб.

Баёний бўлуб маст даврон ғамин  
Унутсин юзунгни кўруб беҳижоб,

\* \* \*

Эй биродар, даҳридин кўнглинг мукаддар бўлмасун,  
Ҳар дам онда оздин кўп шўр ила шар бўлмасун.

Бўлғил оғаҳ ғафлату, бухлу ҳасад, ужбу риё,  
Кийну, ширку, шак бори кўнглингда яксар бўлмасун.

Тушмагил асло қаноат иззатидин, гар десанг  
Юзларим юз навъ зиллат бирла асфар бўлмасун.

Ғоқа аҳли бил — фано иқлимнинг султони-дур,  
То баногаҳ ул санинг наздингда аҳгар бўлмасун.

Фақрдур фаҳри наби бас чарх ўзин арз этса ҳам,  
Кўнглунг асло мойили мулки Скандар бўлмасун.

Даҳр айши таркин эт токим кўнгул миръотида,  
Ранги занги жавр даври зулм густар бўлмасун.

Матлабинг дилдордин бўлса таманнойи висол,  
Едининг ғайри замиринг ичра музмар бўлмасун.

Бўлмаса дарди фироқ ўтига сабру тоқатинг,  
Ҳеч бу йўлда санга жуз ишқ раҳбар бўлмасун.

Чун Баёнийга берур жилва мароёи жамол,  
Нега матлуби алардин ҳусни дилбар бўлмасун.

\* \* \*

Чун баҳор айёми келди, тўлди гулдан дашту тоғ,  
Фикрати гулдин кўнгуллар қилди майли гашти боғ.

Даҳри дуннинг ишрати марғуб эмасдур ёрсиз,  
Айшу ишрат ёрсиз даҳр ичрадур доғ ўзра доғ.

Ул тағофул пешанинг эрса тағофул пешаси,  
Нега бўлмастур жунун роғида синам роғ, роғ.

Бошда меҳр айлаб аён, сўнгра бу не бадмеҳрлик,  
Бош-аёқингга қўёрман, нетди сунсанг бир аёғ.

Гаҳ қилурсан неча найранглар била ўтимни тез,  
Гаҳ тўкарсан нози истиғнодин ул ўтимга ёғ.

Давр жавридур манга бу оҳким бир етмади,  
Бахти нофаржомдин келган меҳанлардин фароғ.

Гўшаида мунзави бўлмак тиларман кошки,  
Олам аҳлидин манга жо бўлса андоғ бир қироғ.

Қим замона илкига олса фалак ғарболини,  
Хоки ғаброни элаб ҳам топмағай мендин сўроғ.

Эй Баёний ким вафосизлардин уммиди вафо  
Қилса ҳаққидур жафо дуди била ёқмақ димоғ.

\* \* \*

Ёзғали қаддингни таърифини, эй зебо санам,  
Лойиқ улдур қилғаман шоҳи санубардин қалам.

Қоматинг зебо алифдекдурким онинг оллида,  
Шоҳи гулни бори хижлат айлади қаддини хам.

Ёки бош чекди латофат боғида бир тоза гул,  
Ким яратди они раҳматдин худои зулқарам.

Чун сочинг тавсифи таҳририға сурдим хомалар,  
Бўлди ҳар сатри анга бир банд занжири қадам.

Етди чун қошингни икки тигининг авсофиға,  
Васф эта олмай таваққуфсиз қалам бўлди қалам.

Оҳ уйи Чин нофидин бўлса муносибдур мидод,  
Икки жоду кўзларинг мадҳини айларга рақам.

Юзларингдур мисли ойина мусаффо, чун анга  
Бир назар қилса киши кўнглида қолмас занги ғам.

Чунки тоза-тоза гуллар бирла хуррамдур ҳамон,  
Даҳр аро андин намуна келди гулзори Эрам.

Ким Баёнийдек бўлуб бу ишқнинг савдосиға,  
Тушса ул бўлғуси мажнунликда оламға алам.

\* \* \*

Лабдурму бу, ё хизрнинг сар чашмай ҳайвониму,  
Сўзму Адан баҳрини ё турлук дури ғалтониму.

Юздурму бу, ё равзаи фирдавснинг навбар гули,  
Ё осмони ҳусннинг равшан маҳи тобониму.

Қўнглумни шод этди менинг айлаб висоли ваъдасин,  
Ёким бурунғидек бу ҳам бир ваъдаи ёлғониму.

Фазл аҳлидин тўлмиш магар Хоразм мулки  
Ё бу мамолик арсаси сўз гавҳарининг кониму. сарбасар,

Ҳар ёндин узмай изини эл келтирурлар қоп-қанор,  
Бу асрда ашъор, ё билмон тариқ сомониму.

Турфа бу дурким борчаси бир-биридин марғуброқ,  
Ислоҳин эткучи ва ё Хоразмнинг хоқониму.

Токи баён айлар анинг мадҳин Баёний адл ила,  
Ёким бу шаҳ ўз асрининг шоҳи Ануширвониму.



\* \* \*

Қушлардин ўзни гўё айлар шумор қарға,  
Парвоз урар ҳавода айлаб фавор қарға.

Андин ким ўзга қушлар босмоқға ор этарлар,  
Завқу сурур ила ер бенанггу ор қарға.

Девор аро хиромон бўлғуси тўъмадин сўнг,  
Мастона наъра тортар девонавор қарға.

Дехқонни мазраида дилтанг этар ҳамиша  
Учғуси бир кесакдин гарчи ҳазор қарға.

Олам элин анга бу атвори этди душман,  
Эл тошиға ҳадафдур шайтон шиор қарға.

Эй кошки йироқлик сен бирла ўртамизда,  
Шарқ ила ғарб бўлса, эй бевиқор қарға.

Қушларни васфиға чун тил очти дер Баёний,  
Сархуш бўлурға етмай бўлғай хумор қарға.





## МУРАББАЪ

Масканим хоки мазаллатда таҳайюр домидур,  
Қисматим андуҳи фурқат шиддати оломидур,  
Чунки бу равшан куним ҳижрон қоронғу шомидур,  
Бир карам қил, эй шаҳи хўбон, карам ҳангомидур.

Йўлингга менда қадам урмакга қувват қолмади,  
Ҳимматим борича бўлди сарфу ҳиммат қолмади,  
Сабр қилмоқ мунча бўлғай эмди тоқат қолмади,  
Бир карам қил, эй шаҳи хўбон, карам ҳангомидур.

Ишқи хунхор асру зору, беқарор этмиш мени,  
Ихтиёримни олиб беихтиёр этмиш мени,  
Чун санинг йўлингга беномусу ор этмиш мени,  
Бир карам қил, эй шаҳи хўбон, карам ҳангомидур.

Қайси атворим санга марғуб они билмадим,  
Қайси ишни ихтиёр эт дединг они қилмадим,  
Қайси ғам тигидур онинг бирла бағрим тилмадим,  
Бир карам қил, эй шаҳи хубон, карам ҳангомидур.

Ишқинг ўти ўртатиб қилди кўнгул мулкин хароб,  
Бўлди ашқимдин равон ҳар ёнға бир дарёи об,  
Олди чун ҳушимни шавқинг жонға солди изтироб,  
Бир карам қил, эй шаҳи хўбон, карам ҳангомидур.

Юз қўюб ҳар ён манга юз қўймади жуз дарду ғам,  
Чораи ҳолимни кимдин истадим кўрдим ситам,

Келдим охир ҳазратингга айлаб уммиди карам,  
Бир карам қил, эй шаҳи хўбон, карам ҳангомидур.

Қўр Баёнийнинг наҳофат ичра жисми нолини,  
Ранги рўйидин анинг фаҳм эт бори аҳволини,  
Чунки ўткарди гаму кулфатда моҳи солини,  
Бир карам қил, эй шаҳи хўбон, карам ҳангомидур,





## ҚИТЪА

ар хор эса ҳар ким ўз элида,  
Қайғудин ичида тўла қондур,  
Хор эсанг элингда турма зинҳор,  
Мағзинг бошинг ичра гар бутундур,  
Ҳар дам чекибон туман мазаллат,  
Қун дема ҳамул кунингни тундур,  
Тарк эт бу ватанни кўргил они,  
Уд ўз ватанида бир ўтундур.

Ераб, ато айла Баёнийға ҳуш,  
Бўйла мақолотдин ўлоун хомуш,  
Нечаки аввал ўзи қилсун амал,  
Сўнгра деса элга бўлур бежалал,  
Омил эмас эрса бу сўзга ўзи,  
Элга қачон қилғай асар бу оўзи.





Б

### МУХАММАСЛАР

Ўлуб тоза сабзу ашжорлар,  
Бўлуб лоладин дашту кўҳсорлар,  
Қурулмишдурур гулга бозорлар,  
Бу мавсим ғаниматдур, эй ёрлар,  
Не азҳорлардур, не азҳорлар.

Тароват топиб ўзга рангда жаҳон,  
Эрур зебу зийнатда рашки жинон,  
Наҳрлар эрур ҳар тарафга равон,  
Ҳамон ҳар бири чашмаи жовидон,  
Не анҳорлардур, не анҳорлар.

Гулистан топиб ўзгача зебу зин,  
Назоҳатда бўлмиш чу хулда барин,  
Чаманда очилмиш гули оташин,  
Раёҳину насрину ҳам ёсумин,  
Не гулзорлардур, не гулзорлар.

Анодил шажарларда дастонсарой,  
Эрур фохта ноласи дилрабой,  
Қилиб қумрилар нолаи дилкушой,  
Ани кўрган ишқ аҳли ҳолиға вой,  
Дилафкорлардур, дилафкорлар.

Қўмунг эмди ғам баҳри гирдобини,  
Елинг қайғу анвои абвобини,  
Муҳайё қилинг ишрат асбобини,

Очинг базми айшу тараб бобини,  
Сазоворлардур, сазоворлар.

Тузуб нағманинг аҳли танбур, руд,  
Дафу, барбату, чангу, қонуну, уд,  
Фалакка етишсун фиғони суруд,  
Топа олмағанлар бу суҳбатда суд,  
Зиёнкорлардур, зиёнкорлар.

Жаҳон ичра бўлманг гамин зинҳор  
Эрур умр бир неча кун мустаор,  
Тутуб жоми май сокийи гул узор  
Ичиб дилни хуш айлаган ҳушёр,  
Не ҳушёрлардур, не ҳушёрлар.

Паривашлар айлаб чаманга хиром,  
Мени аҳд ила қилдилар шод ком,  
Бориб тутдилар чун чаманда мақом,  
Дедилар хаёлинг эрур асру хом,  
Не айёрлардур, не айёрлар.

Нечун қадлигим — қадди шамшодидин,  
Қўзум ашки чашмини жаллодидин,  
Паришонлигим зулфининг ёдидин,  
Муотаблигим арзим иродидин,  
Дил озорлардур, дил озорлар.

Аспири қаду зулфу хол айлаган,  
Қадимни букуб мисли дол айлаган,  
Наҳофатда жисмимни нол айлаган,  
Бу ҳол узра мажнун мисол айлаган,  
Не хунхорлардур, не хунхорлар.

Эрур дўстлар боғ аро сар баланд,  
Бўлуб айшу ишрат била баҳраманд,  
Баёнийни гам маҳбаси ичра банд,  
Қилиб айламишлар баса мустаманд,  
Ажаб ёрлардур, ажаб ёрлар.

МУНИС ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Лаълинг ғамидин бўлсам озод агар, они  
Банда хати бермай ҳеч турмоқни йўқ имкони,  
Алҳолки мен кўрдим бу турфа тамошони,  
Жонбахш лабинг узра чиқмиш хати райҳони,  
Ким кўрди хизр бирла бир ерда масиҳони.

Ғунчани бори умри эрмасдур икки кунча,  
Лаълингга баробарлик лофини урор мунча,  
Кўрдингму ғурурининг кўрди аламин шунча,  
Даъвоға очиб эрди лаб оғзинг ила ғунча,  
Бу тарки адабдиндур оғзидин оқар қони.

Ишқингни гирифтори девоналиғ истайдур,  
Бу таври била элда афсоналиғ истайдур,  
Даврида неча кундин бегоналиғ истайдур,  
Шамъи руҳинга, жоно, парвоналиғ истайдур,  
Беҳуда эмас ойнинг ҳар кечада даврони.

Токим мени зорингга ишқинг йўлидур маслак,  
Орому қарору сабр жисмимдин эрур мунфак,  
Чун бўлди кўзинг қасди ишқ аҳлини қатл этмак,  
Пайваста қошинг ёси мужгонлик отар новак,  
Кўнглум ҳадафи онинг, жоним доғи қурбони.

Кўз тегмасун, эй дилбар, бу тоза ниҳолингга,  
Ҳам ҳусну жамол ичра бу навъ камолингга,  
То бир назарим тушмиш бу икки ҳилолингга,

Бўлмиш дили тангимда ором хаёлингга,  
Зиндон аро тутғондек манзил маҳи канъони.

Ул қайси кўнгулдурким эрмас санга ул мойил,  
Кимдурки жаҳон ичра ул мадҳинга очмас тил,  
Ёдингдин агар гоҳо қолса бўлубон ғофил,  
Жонларга жамолингдин огоҳлиғ ўлур ҳосил,  
Ҳусн ичра санга бўлмиш ойинаи руҳоний.

Сен жонни тилар бўлсанг они санга бермас ким,  
Мақсад гулин авқингдин бу боғ аро термас ким,  
Шукрингни Баёнийга мунда тил эвирмас ким,  
Пайваста яролардин шукрким ажаб эрмас ким,  
Гулранги қабо топмиш Мунис тани урёни.







# САДРИДДИН АЙНИЙ







Садриддин Айний 1878 йилнинг 15 апрелида собиқ Бухоро амирлигидаги Гиждивон туманининг Соктаре қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. Унинг отаси Саидмуродхўжа ақлли, меҳнаткаш ва илм-маърифатни севувчи киши бўлган. У ўғли Садриддинда ёшлик чоғиданоқ меҳнатга, илм-фан, адабиёт ва санъатга муҳаббат уйғотишга ҳаракат қилган. 1889 йилги вабо вақтида С. Айний ота-онасидан ажрайди, энди у ҳам ўқийди, ҳам ишлайди.

С. Айний ўқишининг илк даврларидан бошлаб Шарқ классикларининг, айниқса Саъдий, Ҳофиз, Навоий, Бедил, Фузулий ва Соиб каби шоирларнинг асарларини севиб ўқийди, кўпгинасини ёдлаб ҳам олади. Бу унинг Бухоро мадрасаларида ўқиб юрган йилларига (1890—1899—1917) тўғри келади. Унинг ўзи ҳам шеър машқ қила бошлайди.

С. Айнийнинг «Гули сурх» («Қизил гул») шеъри авторнинг биринчи бадиий асари бўлиб, у 1895 йилда яратилгандир.

Шундан сўнг С. Айний анчигина ғазаллар, рубоийлар ва қасидалар яратди, Ҳофиз, Камол Хўжандий, Ҳилолий, Жомий, Бедил сингари шоирларнинг ғазалларига мухаммаслар боғлади.

С. Айний ўзининг дастлабки шеърларини «Сифлий», «Муҳтожий» ва «Жунуний» тахаллуслари билан ёзиб, йиғилишларда шоирларга кўрсатиб турган, лекин унинг бизга маълум (1895 йилдан кейинги) шеърларининг барчаси «Айний» тахаллуси билан ёзилган. С. Айний ўша даврда ҳам икки тилда (тожик ва ўзбек тилларида) ижод қилган.

С. Айний ўтган асрнинг 90-йилларида машҳур олим ва адиб Аҳмад Донишни кўради, кейинроқ (1900) унинг «Наводирулвақоеъ» номли асари билан танишади. Бу ҳодисалар С. Айний ижодига ижобий таъсир кўрсатади.

Аҳмад Дониш Аделина Патти номли итальян артисткасига бағишлаб (Петербургда) шеър ёзган бўлса, С. Айний ҳам рус циркининг Нина номли актрисасига бағишлаб махсус ғазал (1899) яратади. С. Айний «Базм» (1904), «Ҳасрат» (1913), «Ёди ватан» (1917, июль) номли ҳар хил ғоявий-бадий савиядаги шеърлар, «Ҳасан урди» номли достонча ва баъзи асарлар яратди. У «Болалар тарбияси» («Таҳзибус-сибиён» (1909) номли ўқиш китоби ҳам тузган.

С. Айний прогрессив фаолияти туфайли Бухоро амири томонидан таъқиб остига олинади ва 1917 йилнинг 9 апрелида амир одамлари қўлига тушади. Уни 75 марта таёқ билан уришга ҳукм қиладилар. Жазоланган Айнийни зиндонга ташлайдилар. С. Айнийни рус совет аскарлари зиндондан қутқазадилар ва Когон касалхонасига олиб келадилар. Бу ерда 52 кун ётиб даволанади.

Сўнг С. Айний Совет ҳокимияти барпо этилган Самарқандга жўнайди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясини С. Айний қувонч билан қарши олади ва ўзининг реалистик бадий асарлари («Хуррият марши», «Октябрь революцияси шарафига», «Байналмилал марши» шеърлари, «Бухоро жаллодлари», «Одина», «Қулбобо ёки икки озод» повестлари, «Дохунда» романи) билан тожик совет адабиётининг фундаментини қуришга киришади, ўзбек совет адабиётини яратиш ишига ҳам жуда катта ҳисса қўшади.





ГУЛИ СУРХ

Рози дил мегуфтам, ар як маҳраме медоштам,  
Шикваҳо мекардам аз ғам, ҳамдаме медоштам.

Дар шаби ҳижрон намешуд захми дил реши равон,  
Гар зи васли як парирӯ марҳаме медоштам.

Меҳнати гети ба талхи кай рабуди жони ман,  
Бӯсае гар аз лаби исодаме медоштам.

Аз тамошои Гули сурх аз чи мемондам жудо,  
Гар ба каф, чун аҳли олам, дирҳаме медоштам!

Ин қадар дар изтироб афтодаам аз фикри худ,  
Мешуд оромам, агар аз худ раме медоштам.

Чун тарозу кай шуди саргаштаги бо ман насиб,  
Айний, ар фикре на аз бешу каме медоштам.

1895.



ҒАЗАЛ ДАР ВАСФИ НИНА

Нозукбутеро дар сайргаҳ дӯш<sup>1</sup>  
Дар сирк дидем, гаштем мадҳуш.

Европазоде, русинажоде,  
Насрин бару дӯш, софибаногӯш.

Навбарниҳоле, духафтсоле,  
Натвон тамаъ кард з-ӯ бӯсу оғуш.

Ҳар кас, ки дида он наврасида,  
Аз даст дода сабру дилу ҳуш.

Жону сару дин дар роҳи ӯ бин,  
То ҳаст мумкин, дар васли у кӯш!

Оромижоне, жони жаҳоне,  
Озодсарве, сарве қабопӯш.

Номе гузори, то ёдгори,  
Бо номи он шӯҳ Айний қадаҳнӯш!

1899.

---

<sup>1</sup> Бу шеър рус цирк артисткаси Нина ҳақида ёзилгандир.  
(Шеър сарлавҳасини биз қўйдик.— Н. Р.)

МАРСИЯИ МУСАДДАС БА АБЪЕТИ ҲАЗРАТИ  
МАВЛОНОИ ЖОМИИ

Рафти, эй гулбуни навраста, зи бӯстони падар,  
Булбул омад ба фиғон аз дили нолони падар,  
Зи фироқи ту зад оташ ба муҳиббони падар,  
Дили биръёни падар, синаи сӯзони падар,  
«Рехти хуни дил аз дидаи гириёни падар,  
Раҳм бар жони падар н-омадат, эй жони падар».

Баста будам ба ту дилро, ки ту худ дилбанди,  
Чи шуд охир, ки ба якбора дил аз ман кандӣ?  
Меҳри фарзандиву ойини жигарпайванди  
Ин буд оё, ки падарро ба бало афкандӣ?  
«Сад раҳ аз дасти қазо сина ба нохун кандӣ,  
Гар наяфтоди аз раҳна дар имони падар».

Дар баҳорон, ки шавад шод зи гул то хошок,  
Дидаи мо шуда чун абри баҳори намнок,  
Сина гардида зи ғам чун гули сури сад чок,  
Зи чи рафти ба таҳи хок ту, эй гулбуни пок?!  
«Навбаҳор омаду гулҳо ҳама растанд зи хок,  
Ту ҳам аз хок баро, эй гули хандони падар!»

Гар наён сӯи мо, боди саборо бифирист,  
Хабаре таслияти хотири моро бифирист,  
Дард з-андоза фузун гашт, даворо бифирист,  
Тира шуд чашм зи ғам нури зиёро бифирист,  
«Шуд маро дида чу Яъқуб, худоро, бифирист  
Буи пирӯханат, эй Юсуфи канъони падар».

Ду-се соле рухи гулранг намоён карди,  
Хонаам аз гули рухсор гулистон карди,  
Падару хешу бародар — ҳама шодон карди,  
Зуд жамъияти ин силсила вайрон карди,  
«Хоб дидам, ки дили жамъ парешон карди,  
Оқибат рост шуд ин хоби парешони падар».

Вақти он буд, ки тавсифи ҳаётат гўям,  
Ҳарфи ширинею тарзи ҳаракотат гўям,  
Қай гумон доштам абёти мамотат гўям,  
Сухан аз талхии ҳоли сакаротат гўям,  
«Жигарам сўхта» таърихи вафотат гўям,  
Дили модар шуда оташзада бар сони падар.

1916



«ГУРБАТ ЕДГОРИ ЕКИ ВАТАН ЕДИ»

Эй ватан, бошимга мушкул тушди ҳижронинг сенинг!  
Бенаво бошим ўлайди, кош, қурбонинг сенинг!

Сандуғочлар ўрнига жоиз-ми қўнсун қарғалар?  
Боқ! На бўлди оқибат боғинг, гулистонинг сенинг!

Қон ютарлар навниҳолонинг бу кун сув ўрнига,  
Наҳри хун афсона дўнди-ми Зарафшоннинг сенинг!

Гар сукулди ханжари бедод жисми покинга,  
Нохалаф ўғлонларинг бўйнигадур қонинг сенинг!

Ҳе, умединг узма, Айний, давр истиқболидин,  
Ҳар ватандошинг ўлур бир кун ҳамафгонинг сенинг!<sup>1</sup>

*1917 шоль*

---

<sup>1</sup> С. Айний. Инқилобий шеърлар мажмуаси. Бухоро. 1923, саҳ. 13.

МАСНАВИИ

Ҳар кас, ки на̄зарбаланд бошад,  
Фархундаю аржманд бошад.

Ҳар кас, ки ба чизи кас назар дӯхт,  
Худ иззати нафси хеш бифрӯхт.

Хоҳи ки шави азиз, эй жон,  
Бахшою бидеҳ, магиру мастон.

Бахшой на бо тариқи исроф,  
Мақсуд савоб дор не лоф.

1908.

#### РУБОИЕТ

Дар мадраса ҳужраи қулай нест маро,  
Дар майкада вазҳи нуқлу май нест маро.  
То кай гӯям, ки ину вай нест маро,  
Билжумла ба даҳр ҳеч шай нест маро.

\* \* \*

Бе ту ба ҳижрон хун рехт чашмон,  
Боз о хиромон, эй нури дида.  
Ҳар сӯ давидем, ҳаргиз надидем  
Чун рӯи моҳаш ҳусне гузида.

\* \* \*

Мероси ман зи моли падар буд хумчае,  
Он ҳам бубин, ба мадраса вақфи шароб шуд.  
Ин ҳам шуниданист, ки сӯфин мадраса  
Дар хизмати шаробпазон зарфъёб шуд.

Қ И Т Ъ А

Шоми ҳижрон васфи рӯи он сумантан мекунем.  
Ҳолати назъ аст, аз он рӯ хона равшан мекунем.





# ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА







У

збек совет адабиётининг асосчиси, оташин шоир, драматург, композитор ва театр санъатининг йирик ар-боби Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий 1889 йилда Қўқон шаҳрида табиб оиласида дунёга келди. У, дастлаб бошланғич диний мактабга ўқишга кириб, хат-саводини чиқаргач, отаси Ҳакимжон табибнинг хоҳиши билан мадрасага қатнай бошлайди. Бироқ мадрасада олиб борилаётган диний-схоластик машғулотлар Ҳамзани қизиқтирмайди. У мадрасани ташлаб хусусий мутолаага берилади, ўзбек халқ оғзаки адабиётини, классик адабий меросни, шунингдек қўшни халқлар классик ва прогрессив адабиётининг йирик сиймолари ва уларнинг гуманизм руҳи билан суғорилган ижодларини ўрганишга киришади.

Ҳамзанинг ижоди 1905 йиллардан бошланди. У халқ ўртасида илм-маърифатни тарқатишга интилиб, янги усул мактаблар очади, дарсликлар ёзади. Ҳамзанинг бундай дарсликларга киритилган шеър ва масаллари ёш авлодда илмга меҳр-муҳаббат уйғотишда катта тарбиявий роль ўйнади.

Ҳамза бу даврда ҳаётдан олган таассуротларини Ниҳон тахаллуси билан ёзган асарларида ифодалади. У, дастлабки ижодида классик адабий мерос традициялари асосида лирик ғазаллар ижод қилишга киришиб, алоҳида девон тузади.

Шоир 1915—1917 йилларда босилган «Оқ гул», «Қизил гул», «Сариқ гул», «Сафсар гул» каби тўпламларига кирган шеърлари ва «Заҳарли ҳаёт» каби пьесаларида давр иллатларини фош этиб, унга қарши кураш чораларини излади ва халқни илм-маърифатга чақирди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси Ҳамза ижодига янги ғоя, янги тема ва янги образлар олиб кирди. У революция самараларини ҳимоя қилишга қаратилган оташин шеър ва қўшиқлари билан халқни курашга, янги ҳаёт қуришга сафарбар этди («Берма эркингни қўлдан», «Ҳой ишчилар», «Ҳой-ҳой отамиз»), Советлар ҳокимиятини, ишчи-деҳқонлар учун қуёш чиққан янги даврни улуғловчи, халқнинг нурли истиқболини куйловчи («Яша шўро!», «Биз ишчимиз» каби) асарлар яратди.

Ҳамза ўзбек адабиётини янги адабий жанрлар билан бойитди. Ҳамза адабий меросининг аксарият қисмини ташкил қилувчи инсценировка ва бошқа саҳна асарлари ўзбек совет драматургиясининг туғилиши ва шаклланишида бениҳоя катта роль ўйнади. У ўзининг «Бой ила хизматчи», «Паранжи сирларидан бир лавҳа», «Майсаранинг иши» каби ажойиб асарларида революциягача бўлган оғир ҳаётнинг реалистик картинасини катта маҳорат билан тасвирлади.

Ҳамза фақатгина йирик драматург бўлиб қолмасдан, ўзи яратган саҳна асарларининг биринчи режиссёри ва ижрочиси ҳам эди. Унинг 1918 йилда ташкил этган «Улка сайёр драм труппаси» ўзбек театр санъатидаги биринчи профессионал театр труппаси бўлди. Ҳамза томонидан ташкил этилган драм тўғарақлари ва труппалари биринчи ўзбек совет театрининг вужудга келишида катта роль ўйнади.

Ҳамза рус музыка маданиятининг таъсирида ўзбек музыка фольклоридан самарали фойдаланган ҳолда янги революцион қўшиқлар ва куйлар яратди.

Ҳамза машҳур жамоат арбоби сифатида янги ҳаёт учун курашнинг барча соҳаларида унумли меҳнат қилди, бу ишга ўзининг бутун ғайратини, бутун куч ва қувватини сарф этди. Ўзбекистон Марказий Ижроия Комитети Ҳамзаниннг жўшқин ижодий фаолиятини тақдирлаб, 1926 йилда унга «Халқ шоири» деган фахрий унвон берди.

Оташин ватанпарвар, ажойиб ўзбек шоири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий 1929 йил 18 мартда Шохимардонда реакцион дин аҳллари ва Совет ҳокимиятининг душманлари томонидан ёвузларча ўлдирилди.

Биз бу тўпلامда Ҳамза Ҳакимзоданиннг Улуғ Октябрь революциясигача яратган асарларидан айрим намуналар бердик.





## ШЕЪРЛАР

С

\* \* \*

або, арзимни еткур моҳитобон бир келиб кетсун,  
Тамоми ҳусн элининг шоҳи султон бир келиб кетсун.

Тутарга бир дами суҳбат асиру нотавон бирла  
Дариф тутмай нигорим бўлса имкон бир келиб кетсун.

Неча кундан бери кўрсатмайин васлин соғинтирди,  
Тараҳҳум айласун ул шўх жонон бир келиб кетсун.

Келурга кундузи андиша қилса, шум рақиблардин  
Қилубон аср ила ё шому хуфтон бир келиб кетсун...

Қафас ичра асирам андалибдек доғ ҳажридин,  
Агар бир марҳамат қилса гулистон бир келиб кетсун.

Ва ё қилмоқ эса қурбон бу зулми қор боридин,  
Олиб қўлига ханжар марди майдон бир келиб кетсун.

Кетиб тандан мадорим гул юзим чун заъфарон ўлди,  
Дилимни қуввати, дардимга дармон бир келиб кетсун.

Агарчи мендин ўтган бўлса ҳар саҳву хато, дилдор  
Кечирсун, тавба қилдим, юз пушаймон, бир келиб  
кетсун...

Ниҳоний<sup>1</sup>га неча аҳду вафолар боғлаган эрди,  
Дегил кўп қилмасун аҳдини ёлғон, бир келиб кетсун.

<sup>1</sup> Ни ҳон — Ҳамзанинг шеърларидаги тахаллуси.

\* \* \*

Хастасин кўргали ул дилбари жонон келадур,  
Юзи моҳ, юлдузи ўт, кўзлари чўлпон келадур.

Сурма тортиб кўзига, қирмизи кўйлакни кийиб,  
Ўйнатиб ханжарини қилгали қурбон келадур.

Сандин ўзга йўқ экан ишқима чин куйган деб,  
Аввалги ваъдасида тургали қочгон келадур.

Туни кун ҳажрида кезган бу гадосин қўлина  
Энди васлин майидин қилгали эҳсон келадур.

Биргина сизга жафо солганин айбонасиға  
Бу кеча ёлғиз ўзи бўлгали меҳмон келадур.

Ҳали ҳам кўнгли аро борму, деб ишқим асари,  
Рамзи дил олмоқ учун билгали мастон келадур.

Гуссали жонни Ниҳон мақдама қил пояндоз  
Арзи ҳолингни бугун сўргали султон келадур.

\* \* \*

Кимда дониш бўлса, олам мисли зиндондир анга,  
Ҳар нафасда минг ғаму андуҳ меҳмондир анга.

Андалиб бир савт ила бўлди гирифтори қафас,  
Зоғ минг савт этса, қайси дил паришондир анга.

Ҳар кима асрор ёзма мунису ҳамдам билиб,  
Болға тегмоқ боиси бошига сандондир анга.

Нокаса ҳамроз бўлма, қийматинг топгай тамом,  
Кимки аъмодир, гуҳарни нархи арзондир анга.

Эътибори зоҳир айлаб ботининг қилма фужур,  
Ҳақ назаргоҳи кўнгул бу жисм қўрғондир анга.

Душманинг гар мўл эса, сен бўлмагил андишасиз,  
Гарчи оташ зарра олам куйса сўзондир анга.

Жаҳл доғин кеткузай деб тутма нодондан умид,  
Лола бағрида қаролиғ зебиш ўлгондир анга.

Ҳожат эрмас тарбият ноқобил аҳлига, Ниҳон,  
Бад гуҳар, бад аслик тақдири ўғондир анга.

\* \* \*

Эй дилрабо, ишқинг била девона бўлдим соғиниб,  
Булбул каби тун кечалар гирёна бўлдим соғиниб.

Бир неча кунлардан бери кўрмай висолинг, эй пари,  
Турлик бало, минг ғам била ҳамхона бўлдим соғиниб.

Ҳечким манингдек куймаган ҳажринг ўтиға, эй санам,  
Танҳо туташдим ман ўзим, сўзона бўлдим соғиниб.

Тушди сени деб бошимга жабру ситам, ҳадсиз азоб,  
Ақлу ҳушимдин оқибат бегона бўлдим соғиниб.

Келгай эдинг, эй маҳлиқо, ҳар дамда аҳволим сўраб,  
Бир неча кундир келмадинг, ҳайрона бўлдим соғиниб.

Қим деса жононинг келур бу ҳафтанинг охирлари,  
Атрофидин минг айланиб, парвона бўлдим соғиниб.

Ташлаб ғариб девонани мунча узоқ эттинг сафар,  
То келгуча қонлар ютиб, ҳарёна бўлдим соғиниб.

Излаб сени ҳар кўчада сендин хабар берса кими,  
Эл ичра кўп шарманда ҳам афсона бўлдим соғиниб.

Минг шукрким, келдинг бугун сиҳҳат-саломат шодман,  
Айла, Ниҳоний, жон фидо қурбона бўлдим соғиниб.

\* \* \*

Ҳар ҳуснинг партавидур илму ахлоқу адаб,  
Беадаб, беилмлар эл қошида топмас ратаб.

Кимки кўрмас мактабу устоду таълиму адаб,  
Фарқи йўқ ҳайвондан они бўлса бинг олий насаб.

Ҳусн ахлоқ ила бўлди муътабар куффор аро,  
Ваҳйи келмасдан бурун топди амин шуҳрат лақаб.

Одамият меваси инсоният боғи аро  
Беадаблар бийд янглиғ бўлғуси охир хатаб.

Давлатинг болига қўнган бирла йўқдир эътибор.  
Нафс учундур ул тавозуъ қилма они муҳтасаб.

Бўзга бинг нақшу нигор ўлса ошарму қиймати,  
Ҳар гадоу шаҳ қошида орзудур беқасаб.

Ҳосил эт хулқу адаб бўлгил тавозуъда Ниҳон,  
То етарсан хислатидан ҳар камола йўқ ажаб.

\* \* \*

Қўп шод ўлурам маҳваш шоҳона эканман деб,  
Сандек пари кўйида девона эканман деб.

Раҳм айламасанг гарчи ҳар дам ураман ўзни,  
Ул шамъи жамолингга парвона эканман деб.

Юз йил бани куйдурсанг шукр этғуси ман, жоно,  
Ҳажринг ўтиға ман ҳам сўзона эканман деб.

Бинг турли жафо солсанг қўрқмам сани зулмингдаш,  
Кетса бошими берғум қурбона эканман деб.

Хуррам ўлурман дилбар тепсанг гаҳи бошимга,  
Ер оёқи остига остона эканман деб.

Улдур мани армоним, ваҳ сўрмас эсанг ҳолим,  
Қўрқам ани кўнглидан бегона эканман деб.

Ногаҳ ўзидан кетгай кўрса бу Ниҳон васлинг,  
Ким лойиқи дийдори жононо эканман деб.

\* \* \*

Эй кўнгул, кезгил жаҳонни, ўзга бир ҳамроз топ,  
Роҳати се рўза умринг сургали дамсоз топ.

Маргни қори ёғиб, сабзанг оқармасдан бурун  
Гашти оламдур ғанимат, фасли сайринг тоз топ.

Ҳечбир жон йўқки, они бўлмаса жононаси,  
Кел санам бир чарх уриб, бир дилбари танноз топ.

Дардсиз, бедил била ҳаргиз мусоҳиб бўлмагил,  
Ҳар нафасда минг чаманда дил қушин парвоз топ.

Маллапўш, пур макр зоҳид домига бўлма асир,  
Қайда бўлса ринд эли бўл хизматида, роз топ.

Ишқ нобин ичмаган номарда бўлма ҳамнишин,  
Соқини майхона бўл, май бирла айшинг соз топ.

Бу жаҳондан ком ноком ўтгуси ҳар кас, Ниҳон,  
Ҳарна қилким, ёдгоринг қолгудек иъзоз топ.

\* \* \*

Дар шаби торик ман он моҳи тобонам кужо,  
Ту кужоу дил кужо бо жони жононам кужо.

Сўхтан аз шавқи худ парвойи ин парвона нист,  
Ман кужо дар зулматам шамъи шабистонам кужо.

Аз фиғони нолаам мурғони субҳ озурда шуд,  
Гў ба ман он субҳи хуршиди рахшонам кужо.

Қатраи абр оварад дар ҳар кужо сабзи чаман,  
Ин қадар аз чашмаҳои абри найсонам кужо.

Қай шавад хушнуд як дам дил дар ин мотам саро,  
Ин кужоу он кужо, лабризи хандонам кужо.

Эй табиби нохирад, кардан даво кори ту нист,  
Ту кужо, Луқмон кужо, бо дард дармонам кужо.

Дар ғами бечораги дар жанг дандонам басанг,  
Орзуйи дил кужо, бо айш давронам кужо.

Чашм бикшо оқибат бархок меўфти Ниҳон,  
Еру дўстонат кужо, ин умри бўстонам кужо.



\* \* \*

Он пари абру камон оҳуи чашмаш масти хоб,  
Ҳеч парвойи надорад бар мани мискин хароб.

Аз шарори оташи ишқаш жигарҳо сўхта,  
Мебораяд аз димоғам ҳар нафас бӯи кабоб.

Ҳеч кас дар фурқати он шўхи золим муғбача,  
Рӯзҳо девонаги, шабҳо набошад дар азоб.

Қист ҳосил мекунад аз васли ӯ як дам мурод,  
Ҳар касе ошиқ шавад он дам бамарг орад хитоб.

Сар ба таҳти остон қурбони хокаш кардаам,  
Рӯ намитобам ки ман аз ханжари он заҳр тоб.

Хилвати шуд гуфтам он барно мусулмони кужо.  
Ту чаро раҳме надори ё намихоҳи савоб.

Бо табассум гуфт он дар гӯши ин мискин Ниҳон,  
Жон бигӯ, жонон мажӯ, аз жон гузар, жонон биёб.

## РАМАЗОН

Келди айёми муборак, барча жон дилшоддур,  
Руҳлари ҳам ҳар азобу қаҳрдан озоддур.

Рўзаи моҳи шарифинг ҳурматиндан беҳилоф  
Осию, ғайри осийга ҳақ раҳмати бунёддур,

Бу саодат кунда йўқдир бизда эҳсон суннати,  
Умматидан Аҳмадинг руҳи букун ношоддур.

Ағниёлар ағниё аҳбобига вергай закот,  
Амри ҳақ аҳкоми шаръа ўзлари устоддур.

Қамбағаллар қичқиришса, дема овози закот,  
Бари бой хизматчиси зарбиндан этган доддур.

Дарбадарлик, беватанлик зарби етмасми анга,  
Боз анго дашному таъна ханжари муздоддур.

Оҳ, қилдинг, эй жаҳолат, илмсизни оқибат  
Парча нонга бошини ҳам номуси барбоддур.

Ийд куни барча ясангай турфа алвонлар кийиб,  
Осмон, гўё оёқ остида бар-афтоддур.

Қамбағаллар титрашиб юргай яланғоч изғишиб,  
Оҳ, бу фақру асорат онлара сайёддур.

Дил шикаста, бағри хун, кўзида ёши шаш қатор,  
Отасиз, бахтсиз етимлар ҳолига фарёддур.

Эй мусулмон, сенга вермиш анга йўқми қудрати,  
Лек андин озмойиш, сендин истибоддур.

Уйлама, ўлгунча ҳар ким бу разолатда кетар,  
Шоҳлар бир кун гадо, бир кун гадо шоҳзоддур.

Бир етимга тева бўлмоқ шоҳ Аҳмадга надир,  
Бир етим дилшоддур, даргоҳи акбар шоддур.

Ҳақ қули бўлсанг ҳақиқат риштасин тутғил мудом,  
Зоҳиру ботин ҳақиқат наҳридин ободдур.

Эй Ниҳон, бўйла мусулмонлик ила шармандасен,  
Зоҳиринг тақлиди уммат, ботининг ифсоддур.

Э Ш О Н Л А Р

(«Ман боғингга кирмайман» куйида)

Эшонларинг ҳолидан,  
Сўз очма аҳволидан,  
Ҳамон тамаъ ишлари,  
Халойиқнинг молидан.

Тақво эмиш қилмишлари  
Яъни шулдир ишлари:  
Фақир молин чайнарга  
Ўткир бўлган тишлари.

Уламонинг ҳолидан  
Хабар ол аҳволидан,  
Оқармасдир диллари  
Нафсоният доғидан.

Ишлари даъволашмоқ,  
Бир-бирларидан ошмоқ,  
Авқоф учун жон бериб,  
Мударрислик талашмоқ.

Шармсиздир юзлари,  
Ошга тўймас кўзлари,  
Тўйга бориб, тўн киймоқ  
Ҳамон фикру сўзлари.

1916

\* \* \*

(«Гул-ғунчалар» куйида)

Пири комилнинг иккидир юзи,  
Эл чўнчагида юрганда кўзи,  
Устида малла, шиладир элни,  
Қўла киргунча мол ила қизи.

Шаръа тескари амалдормиз,  
Аларга емиш йўқу боримиз,  
Ҳақиқатгўлар оёқ остида,  
Муътабар бўлди фиқу коримиз.

Ўғли-қизимиз ўйнар парпарак,  
Қайдан билсунлар ўқумоқ керак,  
Ота-оналар сабаб бўлишиб,  
Яксон бўлмоқда гарангу зирак.

Таъсир айламас, дилхаста Ниҳон,  
Қилганинг билан минг оху фиғон,  
Ислоҳ бўлмагай элнинг оғзига  
Ўқув баробар тушмаса қачон.

1916

БИР ЭШОН ҲАЗРАТЛАРИ АЙТАЛАР ЭКАН

*(«Вой золим» ашуласи куйида)*

Ёрилганча тўқланмам,  
То қотгунча ухлолмам,  
Қилғум тоат тонг қадар,  
Шоҳид кўк юлдузлари.

Этагингдан ушламам,  
«Хайр қил» деб мушламам,  
Ночор олам, хушламам,  
Назр бергач ўзлари.

Қаттиқ тасбиҳ ўгурмам,  
Тутун кўрсам югурмам,  
Қўймай олиб кетарлар,  
Йўлда тушса кўзлари.

Тўйга ўзимча бормам  
Айтсинлар, деб ялбормам,  
Нечук, бормай, деб бўлар  
Келгач хату сўзлари.

Емон расмни кўрам,  
Аччиғимдан тек турам,  
Қийғизишиб қўярлар,  
Қўймай тўнни ўзлари.

Десам бу қилмишлардан,  
Қочай бидъат ишлардан,  
Кўр қилурму деб қўрқам,  
Берган нону тузлари.

Кўп уялтирманг дейман,  
Қандай келтирманг дейман,  
Чалпак бирла ош тошиб,  
Ўтса шабу рўзлари.

Жанжал бўлса қоришмам,  
Менга ҳам, деб киришмам,  
Ҳадъя, деб берса агар,  
Олам, хотир юзлари.

Мен эмасман нафслик,  
Ўзлари кўп ихлослик,  
«Дам солинг!» деб келтирар  
Оғриси ҳўкизлари.

Қавмим ўзи кўп севар  
Мутгақий деб дил қўяр,  
Шунинг учун қочмаслар  
Ҳатто жувон, қизлари.

Ёнимда қаламдоним,  
Нечук қайтарай, жоним,  
Эзиб ички, тумор, деб,  
Келса чол, ажузлари.

Дўстга қилам мурувват,  
Душмонларга мадоро,  
Билмам, маош на деса,  
Гуноҳқордир ўзлари.

Эшон поччам ўзлари.  
Ниҳон айтган сўзлари,  
Тонар бўлса сўзидин,  
Қора бўлсин юзлари.

1916





## МАКТУБЛАР

I

(Иигит мактуби)

Дилдан минг салом айткач,  
Сўз юругам мақсадга,  
Кўп қаторинда бизнинг ҳам  
Еткурса ҳақ мақсадга.

Сен қулоқ сол, энди жоним,  
Мен дардимни сўзлайцн,  
Мандалинда йиғлаб айткан  
Сўзларимни ёзайин:

Машиначига бердим бўзни,  
Қамзул бирла тўнимни,  
Сенга қайдан боқдим, бир йўли.  
Олдинг шул дам кўнглумни.

Кўкда юлдуз кўрунмайди  
Қуёш бориб ботқунча,  
Тез-тез келиб ҳол сўрсанг-чи,  
Уйда ёлғуз ётқунча!

Йироқдаги сув тўлқуни  
Кўринадир ялтираб,  
Келур йўлинг пойлаб чиқсам  
Тонг отгунча қалтираб.

Осмон гулдур-гулдур қилур  
Қора булут келганда,  
Яширин ҳолим сўрсанг недур,  
Уён-буён ўтканда.



Баҳор келиб қор кетмаса  
Гул очилиб яшнамас. . .  
Мендеқ ҳеч ким сенинг дарду  
Ғаминг бирла ошнамас.

Тоғ бағрида ҳавли турмас,  
Зилзилада тош келур,  
Исминг тушса эсларимга  
Кўзларимга ёш келур.

Бахтсиз бурни қонар, дерлар.  
Оғзи ошга етканда,  
Келсанг недур, отанг бозор,  
Онаниг мозор кетканда. . .

Раҳм қилур бўлсанг қилғил,  
Ё ўлдургил бўғузлаб,  
Юрма солиб ғамға мени  
Кўрганда ёлғон сўзлаб

Ушбу ёзган мактубимни  
Бошдан-оёқ тоза кўр,  
Азроқ муҳаббатинг бўлса  
Тезроқ жавоб ёза кўр.

## II

*(Қиз мактуби)*

Менда, салом айтиб бўлгач  
Қалам туртам мақсадға,  
Сизда етқач биз ҳам етдик  
Иншо-олло мақсадға.

Икки қизил гул шохига  
Ёлғиз булбул қўнолмас,  
Ўз суйгани турган жойда  
Ўзга ёрни севолмас.

Бир қозонда икки таом  
Аралашмай пишарми?  
Икки ёрға кўнгул берган  
Дунёда ҳеч яшарми?!

Икки диллик, икки тиллик  
Мен эмасман сен айтган,  
Ҳақ амридан юз ўгириб  
Азиз имонин сотган.

Менга берган асл кўнгул  
Чиндан қайтур, орланма,  
Ўзга ёрга дил берган, деб  
Йиғлаб-йиғлаб зорланма.

Аввалда мен сени суйган,  
Ўзгасини хоҳламам,  
Келса жаннат ғулмонлари,  
Валлоҳ, анда қарамам.

Жоним-жоним сен ўйлама  
Ўзга ёрни севар деб,  
Кўзи бирла мендан бошқа  
Бир нарсани кўрар деб.

Тун-кун сенинг ҳасратингдан  
Ўзга нарса мен ютмам,  
Сен унутар бўлсанг мени,  
Мен сени ҳеч унутмам.

Қайга қочар бўлсанг, жоним,  
Ўлгунча излаб қувам,  
Айрилмоқни билсам қай кун,  
Тирикликдан қўл ювам.

Мен ўзгани суяр бўлсам,  
Ҳали мен суймасмидим,  
Сенга қўйгон муҳаббатни  
Ул ёрга қўймасмидим?!

Бошқа ёринг борга ўхшар  
Аччиқ-аччиқ сўзунгдан,  
Қаттиқ-қаттиқ сўзлай десам,  
Уяларман кўзингдан.

Гар бўлмаса бошқа ёринг  
Мундоқ хат ёзмас эдинг,  
Ҳар нарсага баҳоналар  
Қилиб дилинг узмас эдинг.

Мен дунёда сени суйдим,  
Бошқа тилак йўқ менда,  
Сендан бошқа ёр бўйнига  
Бошқа билак йўқ менда.

Менга ёзган мактубингни  
Фикрлаб ўқуб ўтдим,  
Жавоб ёзиб, тездан мактуб  
Ёзмоғингга кўз тутдим.

### III

#### ИГИТ МАКТУБИ

Ани кузга санамилар  
Боғда гуллар сўлмаса,  
Ани қизга санамилар,  
Суюклиси бўлмаса.

Суйган ёринг мен бўлай, деб  
Доим йўлингда пойлаб,  
Жоним тутиб суйдим сени  
Қизлар ичидан сайлаб.

Нозикдир оқ билагинг  
Оғир нарса ушлама,  
Ёлғиз сени мен суйган сўнг,  
Сен ўзгани хушлама.

Олтин билакузук тоқма,  
Билагингни оғритар,  
Тун-кун сени мен ёд этам,  
Сени кимлар ёд этар. . .

Тақма олтин балдоғингни,  
Қулоғингни оғритар,  
Энди солма кўп доғингни,  
Куюк жисмим жон ўртар.

Боғда гуллар очилибдур,  
Бўлсак эрди иккимиз,  
Қўл ушлашиб гул ичида,  
Юрсак эрди иккимиз. . .

Мандалинни мен ўйнатам,  
Сен ёнимда куйласанг,  
Аҳволимни кўриб, жоним,  
Раҳм этмоқни ўйласанг.

Жоним, жоним, бу орзуга  
Бир йўл ёринг етарми?  
Ёки шундоғ ғамларингда  
Умри тўлиб, битарми?

Ёзган мактубдаги сўзинг  
Ҳар дам кўнглим шод этур  
Яна жавоб ёзгайму деб  
Фикрим тун-кун ёд этур.

#### IV

##### ҚИЗ МАКТУБИ

Ани қишға санамилар  
Ернинг қори бўлмаса,  
Ани йигит санамилар,  
Қиздан ёри бўлмаса.

Шулай бўлгач суйдим сени,  
Сен ҳам мени суя кўр,  
Бир-бирига тез етишмоқдан  
Ўзга сўзни қўя кўр.

Жоним, жоним, сен омон бўл,  
Мендан кўнгулни узма,  
Авалда, суйганим сен, деб  
Сўнгроқ қалбингни бузма.

Менга мактублар ёзасен  
Қўрқам, ҳилла бўлмасин,  
Сени суям, деган сўзинг  
Тил учида бўлмасин.

Мендин ўзга йўқми, чиндан,  
Кўнгул олувчиларинг,  
Йўқ-йўқ дерсан, бордир олиб  
Алдаб қолувчиларинг.

Ўзга қизни сен суярсан  
Йигирмага боргунча,  
Мен суймасман ўзга ёрни,  
Бошим тўрга киргунча.

Йиғлаб юрагим куядир,  
Тонг отгунча ухлолмам,  
Бахтим мунча қора экан,  
Муродимга етолмам.

Ташлар бўлсанг мени, жоним,  
Мен сени ҳеч ташламам,  
Сенсиз қолур бўлсам бир кун  
Дунёда ҳеч ёшолмам.

Мен келтирсам ўзга фикр  
Ухламасдан ўзима,  
Ҳеч нарса ҳам кўрунмайдир.  
Сендин бошқа кўзима. . .

Мен соғиниб кетам ўздан  
Сен ҳеч соғинмайсанми?  
Соғинам, деб қўясан,  
Соғинсанг келмайсанми?

Жоним, жоним, омон бўлгил,  
Фақирингни унутма,  
Оллаҳимдон шарм тутиб  
Ўзга ёрга йўл тутма.

1916





## АШУЛАЛАР

### СОҒИНИБ

*(1916 йилда фронт орқаси ишига олинган бир мардикор тилидан Фарғонача «Ер-ёре» куйига солинган бир ашула)*

Қора сочим ўсиб, қошимга тушди, ёр-ёре,  
Бу савдолар менинг бошимга тушди, ёр-ёре,  
Бориб айтинг, мени кимки сўраса ёр-ёре,  
Жудоликнинг захри ошимга тушди, ёр-ёре,

*(Халқ қўшиғи)*

Қаттиқ тегма менга мунча, юзбошим,  
Оқизма кўп ғамим узра кўз ёшим,  
Юрак-бағрим ўзи ҳадсиз эзилган,  
Юрту ватан, элларимни соғиниб.

Олти ойдир тушдим бундоғ ғурбатга,  
Севганларим ташлаб бирдан фурқатга,  
Дилим қондир, ширин ўғлон, қизларим,  
Муҳаббатлик дилбаримни соғиниб.

Рангим сомон янглиғ дард ила ғамдан,  
Жудоликдан тушган ҳажру аламдан,  
Тоқатим йўқ асло чидаб турарга,  
Ака, сингил, жигаримни соғиниб.

Ўз юртимдан келдим қанча узоқлаб,  
Билалмасдан кимдан элим сўроқлаб,  
Кундан-кунга ортар дарду ҳасратим,  
Мунис, аҳли дардларимни соғиниб.

Тушса ногаҳ қайси бири ёдимга,  
Фалак титрар, чин оҳ урсам, додимга,  
Босолмасман, кўнглим кетар дамба-дам,  
Қари ота, мадоримни соғиниб.

Алалхусус, тўй қилалмай ўғлоним,  
Кетарму, деб юракда бу армоним,  
Қўлим ишга бормас кўзимдан ўтса,  
Ширин қизим, Раҳбаримни соғиниб...

Кўнгли синиқ мусофирман, қақшатма,  
Бўлақларга ҳаргиз мени ўхшатма,  
Дилим кўтар ёзиб хатлар элимга,  
Ўқисинлар дафтаримни, соғиниб.

Қачон озод бўлур, тангрим, бошимиз,  
Ватан бориб, қурур кўздан ёшимиз,  
Кўп қатори раҳм айлағил бу зора,  
Адо бўлдим элларимни соғиниб.

1916



#### САЛОМ АЙТИНГ

*(Мардикорлардан бири ўз маҳалласидан бир ҳамроҳини ватанга узатаётганида айтганлари. Куйи «Сар дафтар» музиқининг дебочаси бўлган «Савти чоргоҳ» оҳангидадир)*

Оғо, соғ борсангиз аввал,  
Додамларга салом айтинг!

Югуриб чиққан ул мушфиқ,  
Онамларга салом айтинг!

Кўзи қон ҳамширам бирла  
Акамларга салом айтинг.

Упиб пешонасини мен учун  
Укамларга салом айтинг.

Кўни-қўшни, кичик, катта  
Оғомларга салом айтинг.

Саломат, денг, онажоним  
Кўзин зинҳор ёшлатманг.

Жудолик доғи бас, бемор  
Деб минг бор қақшатманг.

Онам бечорани ғам бистарига  
Зор ташлатманг.

Оға, ҳамшираларга мотамим  
Такрор бошлатманг.

Эшитган бўлсалар нотоблигим  
Ўзга маром айтинг...



Сўранг биздан, агар келса,  
Сўрошиб, жўра, ўртоқлар.

Қалай деб, сўрсалар айтинг:  
Шукр, сиҳат, омон, соғлар.

Келиб қолғай, денг албатта,  
Очилғунча гулу боғлар.

Улар кўнглига ҳам «бетоб»  
Дебон солманг қора доғлар.

Езиб хат, ҳол сўрошганда  
Саломим ном-баном, айтинг.

1916



ШУНДОҚ ҚОЛУРМУ?

Шундоқ қолурму, қолурму?!  
Ҳамон ваҳшатда қолурму?!  
Нафсу, шаҳват қурбонлари,  
Сизга ишониб бўлурму?!  
Туркистоннинг истиқболи  
Сиз хоинларга қолурму?!

Қафасдан бўшалган ҳар қуш  
Қайтиб ўзини солурму?!  
Қонхўр золимлар, ўйлайсиз,  
Мазлумлар сизга қолурму?!  
Филҳақиқат, даррандалар  
Ўз касбидан уялурму?!

(Н а қ а р о т)

Қулликни сезмаган, ҳурлик  
Қадрига ета олурму?  
Қизил қонга бўялмаган  
Қизил туғ тута олурму?  
Филҳақиқат, жондан кечмай  
Жононга ета олурму?!

(Н а қ а р о т)

Маорифсиз ҳечбир халқ  
Дунёда яшай олурму?  
Ихват ҳисси кўз очмасдан

Чин ўртоқлаша олурму?  
Филҳақиқат, шабнам кўрмай  
Гул япроқлаша олурму?!

(Н а қ а р о т)

Йўқ, йўқ, келмай хазон чоғи  
Гулнинг барги тўкилуруму?  
Гул баргини тўкканинг-ла  
Илдиз қолса йўқолуруму?  
Филҳақиқат, умид узинг,  
Тўлмай коса тўкилуруму?

(Н а қ а р о т)

Сиздек хоин, дажжоллардан  
Масхур халқ қутулуруму?  
Сиз боғлаган элнинг кўзи  
Маорифсиз очилуруму?  
Филҳақиқат, кўршапалак  
Қуёшдан баҳра олурму?

(Н а қ а р о т)

1917





*Туркистоннинг ўз машаитидан олинган қиз, кув  
фожиаси*

**ЗАҲАРЛИ ҲАЕТ  
ЕХУД ИШҚ ҚУРБОНЛАРИ**

4 ПАРДАЛИК ФОЖИА

1916 йил

**У П Н О В Ч И Л А Р**

- Мирзо Ҳамдамбой.** Урта бўйли, мош-биринч соқол, қизил юзли, ўртача кийинган, 55 ёшда, рўз-давлатлик бўлса ҳам, илм-маърифатдан йироқ киши.
- Абдиқодирбой.** Мирзо Ҳамдамбойнинг ошnasi. Маҳмудхонга муҳаббатлик, бир озгина замондан хабардор киши. Узун бўйли, қора соқол, расмий кийинган.
- Маҳмудхон.** Хипча бўйли, хуш мўйлов, соқолсиз, сочлик, кўзида ойнак бор, бутун оврупоча кийинган, хусусий муаллим олиб ўқимиш, тарбия кўрмиш. Мирзо Ҳамдамбойнинг ёлғиз ўғли. 18 ёшдадир.
- Марямхоним.** Эски мактабларда ўқимиш эса ҳам Маҳмудхонга муҳаббат қўймоқ муносабати ила роман, газета, журнал каби маориф таъсиротидан қалби уйғонмиш, Маҳмудхоннинг ҳақиқий ошиқидир, 17 ёшда бўлиб бир фақиргина қосибнинг қизи.
- Эшон.** Узун тўн ва катта саллали.
- Сора.** Марямхоннинг онаси, 35 ёшларда.
- Зайнаб.** Марямхоним билан Маҳмудхон орасида хат юритувчи кампир, 60 ёшда.

## БИРИНЧИ ПАРДА

Маҳмудхон ҳужраси, оврупоча зийнатланган; бир тарафда шкаф; ичида китоблар, хариталар; рамкада картиналар. Бир тарафда темир каравот, бир тарафда бир дона стол, уч-тўрт дона табуретка, бир деворий соат.

Маҳмудхон (*тўнини ечиб, чўнтагидан бир мактубни олиб, тўнини қозиққа илиб, курсига ўтириб, хатни ўпиб очиб*). Бугун нима хабар? Нима сўзлар ёзилиб мактуб келган экан!

Энди ўқиб турган ҳолда эшикдан Абдиқодирбой кириб келур.

Абдиқодирбой. Ассалом алайким!

Маҳмудхон (*хатни қўйнига солиб, югуриб туриб*). Ассалом алайким, бой почча, келсинлар, қани марҳамат (*жой кўрсатиб*), қани ўтирсинлар, менам ҳозир жанобингизни кутиб турувдим. (*Курсига ўтиришурлар*.)

Абдиқодирбой (*фотиҳа ўқир*). Хайр, зиёдаи давлат. . .

Маҳмудхон (*туриб*). Хуш кўрдик.

Абдиқодирбой. Хўш, саломат. Янги хабарлар йўқми?

Маҳмудхон. Хуш хабарлар мана энди жанобингиздан бўлади-да, бой почча.

Абдиқодирбой. Энди биз келтирган хабар у қадар хуш бўлмаса ҳамки, амонат бир жавоб-да, ҳар нима бўлганда ҳам биздан бир айтиб ўтмак-да. Айб қилмай-сиз.

Маҳмудхон. Йўқ, тақсир! Нимага айб қилар эдим. Қани эшитайлик!

Абдиқодирбой. Энди, кеча мен бу ердан чиқиб, тўғри конторга борувдим, бой афанди ўзлари ёлғиз эканлар, ўтирувдим чой буюрдилар, ағдан-бағдан сўзлашиб, гапни муддаога олиб келдим-да, қўлимдан келган қадар сўзларни айтиб, агар бу ишлар вуқуъга келмаса Маҳмудхон аччиқ устида бирор тарафларга кетиб қолиш эҳтимоли ҳам бор. Энди бирта фарзандингизни хурсанд қиламан десангиз, ўша Марямхонни олиб берасиз-да, хотиржам қиласиз, бўлмаса охирида бирор дилсиёҳлик бўладирган даражаларга ҳам эҳтимоли бор, деб хуллас, нима била тарғиб бўлса қилиб ўтдим. Аммо бой афанди, ўзингиз феълларини биласиз, ҳеч бир хоҳиш қилмадилар.

Маҳмудхон (бир оз ўзгариброқ). Ахйри, нима дедилар?

Абдиқодирбой. Энди бой афандининг гаплари шуки, мен эл-халқ ичида хўб яхши обрў, шуҳрат топган киши, бир Қўқонгагина эмас, Бухоро, Самарқанд, бу тарафи Қашқар дегандек, ҳамма жойга овозамиз кетган. Энди биртагина ўгил бўлса, мана ўзини тўй қилганимга ўн-ўн беш йил бўлиб қолди. Мана бу иккинчи тўйи, ахир, бир дурустроқ, ўзимиздан юқори бўлмаса ҳамки, баробарроқ жойдан уйландирайликки, ҳам орзумиз ушалсин, ҳам атрофдан келган ёр-дўстларга маъқул бўлсин-да! Энди мен шундай обрў била бориб бир бечора косибди қизини олиб бераман! Халқ мени нима дейди! Ахир унинг катакдек кўҳна ҳовлиси бор, тўй қаерда бўлади! Хўш, келган ёр-дўстлар қаерда ўтиради! Шарманда бўламиз-ку! Энди ўғлимизни хурсанд қилайлик деб шунча мардумдан таънага қолиб, хайфсан эшитиб ўтирсак тузукми? Мана ахир, ўқийман, деди, хабарингиз бор, олти йилдан баққа қанча пуллар сарф қилдим, энди мулла бўлиб, қилиб берган фойдасими бу? (Қўли била ишора қилиб.) Асло, асло бу сўзни иккинчи айтманг, мен сиздан хафа бўламан. Мана, сиздек яқин дўстларимдан чиққан сўз шулми? Айб гап, дедилар.

Маҳмудхон. Ахир ўз-ўзини бир балога гирифтор қилади, демадингизми?

Абдиқодирбой. Айтдим, ҳеч гап қолмай ҳаммасини айтдим. «Онаси ҳам унамайди, қариндош-уруғлари ҳам унамайди. Бу бир хаёл гап, ҳар кимга мақбул бўлмайдиган гап. У ўзи шундақадир. Мен ундан юз баробар ортиқ қиз топиб бераман» дедилар. Икки соат сўзлашиб, энди бир оз мулойим қилган вақтда ҳазрат эшоннинг Қосимжон деган халфалари келиб қолди. Хайр, у ҳам зораинки менга қўшилса, деб тағин ўтирувдим, халфанинг ўзи ҳам сўраб қолди, бой афанди ўзлари гапириб қолдилар. Халфа гап тамом бўлгандан кейин: «Энди, бой афанди, жанобингизники маъқул, сизга ҳеч муносибмас ва ҳам буниси борки у қиз ҳазрат эшонга назр бўлган, энди ҳазрат эшон мурид овидан қайтсалар эҳтимол, шу ой ичида тўй ҳам бўлса», деб юборди. Бой афанди: «Ана холос, агар мен сизнинг сўзингизга кирсам тоза шарманда бўлар эканмиз», деб баъзи гапларни гапириб, мени хижолат қилдилар. Энди ўзингиздан ўтар гап йўқ, ҳазрат эшонга бўлгандан кейин гап тамом.

Маҳмудхон (*хайрон бўлиб*). Ҳазрат эшоннинг хотинлари бор эди-ку?

Абдиқодирбой. Бор, бирта эмас олтита, ҳозир олтиариқлик ойимлар ўлдилар, бешта бор.

Маҳмудхон. Олтита экан, буни нима қиладилар энди?

Абдиқодирбой. Эй бойбаччахон! Сиз ёш-да ҳали, текин назр бўлгандан кейин, ким олмайди дейсиз! Аввал шундай ҳазрат эшонлардан иш кетган-да! Бўлмаса, бир оёғлари гўр оғзига бориб қолган бу кишига ким қўйди яна мунча ёш хотинни!

Маҳмудхон ўрнидан турар.

Қаёққа борасиз?

Маҳмудхон. Гап била бўлиб қолдик, чой қўяй.

Абдиқодирбой. Йўқ, афандим, чойга фурсатим йўқ. Бошқа яна келаман. (*Турар.*)

Маҳмудхон (*ночорроқ*). Ахир, чой ичиб борар эдингиз-да!

Абдиқодирбой. Ахир, чой ичмаган жойимизми, хайр. (*Чиқар.*)

Маҳмудхон (*узатиб*) хайр бўлмаса.

Абдиқодиркетар. Маҳмудхон ўртада бир оз ўйланиб қолур-да, курсини стол ёнига олиб саҳнага қаратиб қўйиб ўтирар. Оҳ уриб, яна туриб юриб, келиб ўтирар. Қўлин тиззасига уриб.

Оҳ, жаҳолат, маорифсиз давлат! (*Хатни олиб, очиб қараб, туриб бориб, звонок бериб, яна келиб ўтирур. Эшикдан мулозим келур, Маҳмудхон анга қараб.*) Бирорта эркак одам келиб қолса, мени йўқ дегин. (*Хўб, деб кетар. Маҳмудхон ҳамон тиззасига уриб.*) Эй, жоҳил оталар, жоҳила оналар. Мен орзу-ҳавасни нима қилай? Орзу-ҳавас ўзимнинг истаганимдан бошқа нимарса эмас.

Бир оз сукут қилиб турар. Бу орада Марямхоним келиб, эшикни қия қилиб қараб турар: Маҳмудхон хабарсиз.

Мен орзу-ҳавасни нима қилай, суйганим бўлмагандан кейин менга минг орзу — бир қаро чақа, балки менга заҳар, ўлим! (*Бир озгина тўхтаб.*) Мен бой қизини нима қилай! Ҳа, ўзимни эндигина жаҳолатдан қутқазган вақтда яна бир жоҳилга, рўдопога умрдош бўламанми? Менга

ҳаёт керак. Ҳаёт учун энг кўнглим истамиш мақсад керак, у мақсад эса (*бош қимирлатиб*) Марямхонимдан бошқа эмас, бошқа эмас.

Маслакда, фикрда, илмда энг биринчи ҳаётдош бўлиб турган Марямхонимдек ҳақиқий бир кўнглим жононаси турганда, менга дунёнинг ҳар бир орзусини, ҳар бири пари каби бойлар қизини ҳавас қилмоқ ҳаром! Ҳаром! Оҳ, анинг менга ширин-ширин ёзмиш мактублари. (*Югуриб туриб стол ғалладонидан бир дона мактубни келтириб очиб.*) Мана-мана буни ёзмиш, мактубларига қара, биринчиси бу (*биринчи мактубни ўқир*): «Ғунчаи муҳаббатим, суюкли Маҳмудхон! Мен сизга нақадар муҳаббатни даъвосиндан ёзмайки... вақтингиз мусоида ўлмасин учун сўзни қисқартуб, мақсадгагина қалам юртдим. Дуруст, мен фақира эски мактабдагина таҳсил этдим, лекин ҳар бир инсоният ҳаёт масалаларини Сизнинг марҳаматингиз ва маънавий ёрдамингиз орқали танидим... Иккинчи муддао, афандим, эмди тездан ижтиҳод этингизки, икковимиз элимизни, Сиз қуёши бўлганда, мен моҳтоби бўлиб, қоронғу ватанни ёритайлик. Сиз-да, эрларимизнинг ҳолиндан, мен мазлума оилаларимизнинг ҳолиндан газеталарга ёзишиб, бир-биримизни огоҳлантирайлик. Гарчи Сиз тижоратда бўлсангиз-да, чин мақсудингиз бўлган қизлар мактаби очайлик, мен маънавий, Сиз моддий хизматда бўлинг, қадрсиз ҳамшираларимизни илм нақди била кўтаришайлик, чин яшайлик, келажақдаги авлодларимизни мозоримизга бориб, эрлари Сизга, қизлари бизнинг қабримиз узасина, оқ, қизил гуллар сочиб руҳларимиз олқишларлик даражада бир хизматларни майдонга қўяйлик...» (*Маҳмудхон тиззасига қўлини уриб.*) Оҳ, мана бу мактуб қандай лазиз ҳаёт беради. Мен қайси виждоним билан мундин юзимни ўгирайин. Бу мактубни ҳар бири менга минг бой қизидан суюклимасми? (*Маҳмудхон биринчи мактубни қўйинга солиб, иккинчи мактубни очиб кўриб, чўчиб туриб.*) Марямхоним кутмакчи экан, мен тўхтаб қолибман-ку! (*Хатларни қўйнига ошиқиб солиб орқасига қарамоқ баробар, Марямхоним эшикни очиб, боқиб турар, Маҳмудхон югуриб, бориб салом ила қўлини ўпиб.* (Буюринг, хоним!) *Олиб келиб, курсига ўтқазур-да.*) Хоним, мен чиқиб, эшикни киши қўйиб пойлатиб келай.

Марямхоним (*Маҳмудхон қўлиндан ушлаб ўпиб*). Менинг келганимга узоқ вақт бўлди, тез қайтаман.



Маҳмудхон. Хўб, жоним! Мабодо бир киши хабарсиз келмасун. (*Чиқиб кетар.*)

Марямхоним (*ёлғиз, китобларни кўрсатиб*). Оҳ, ширин ҳаёт, чин йўлдош, бундай ҳар бир жаҳатда комил, фозил инсон бўлса. Афсус фақири бечорамен. (*Юриб турар.*)

Маҳмудхон келур.

Маҳмудхон (*курсига таклиф қилиб*). Нечук хоним, таклифсизгина ташриф этдингиз?

Марямхоним (*ўтириб*). Ҳеч таклифга эҳтиёжсиз, муҳаббатми, бошқами. Яқинлардан бери қўрқинчилик бир гуш кўраман. Хавфланиб, бир фурсат қилдим-да, кўргим келди. Азият кўрмасангиз ҳеч гап йўқ.

Маҳмудхон (*туриб*). Бош устина, хоним. На азият, марҳамат эмасми?! Тушнинг, менингча, эътибори йўқ, лекин... (*Сукут.*)

Марямхоним (*қўрқиброқ*). Афандим! Сукут этдингиз?!

Маҳмудхон (*рўмолчасини олиб, кўз ёшини артиб*). Хоним... Иккимиза бир уқубат борга-да ўхшайди!

Марямхоним (*чўчиб, Маҳмудхон қўлини тутиб, ошиқиб*). Нима, нима? Уқубат?!

Маҳмудхон (*қўлини тутиб*). Қани тил! Они Сизга айтмакка, жоним!

Марямхоним (*ҳамон ялиниб*). Мен эшитиб турган сўзларимдангина эмас, дедим-ку! Кўрган тушларимдан-да хавфланган эдим. Айтинг нима хабар экан?! Нима сўз?!

Маҳмудхон. Энди ўзим ҳам айтмоққа мажбурман, лекин кўнглим бўлмайди.

Марямхоним (*йиғламсираб*). Йўқ, айтинг!

Маҳмудхон. Мен кеча бир кишини отамга юборган эдим. Ул киши сўзича, отам қабул қилмаган эмиш. Майли энди, ул қабул қилмаса, қийинлик бир тарафда экан, иложи осон эди. Энди Сизнинг тарафда бир мушкул борки, ҳар бир нарсадан у масала оғир!

Марямхоним. Хайр, нима экан?

Маҳмудхон. Сизнинг ота-онангиз ҳазрат эшонга назр қилмиш эканлар (*Марям чўчур*), эҳтимол, шу ойлар орасинда тўй бўлур эмиш. (*Марям яна чўчиб тушар, манглайин тутар.*) Энди мен эса, бу тўғрида кўп оғир ўйга қолдим. (*Тўхтар.*)

Марямхоним (*бир оздан кейин*). Афандим, мен сизсиз дунёда бир кун турмогимдан менга ўлим яхши-масми! Мен (*Йиғлаб*) ҳеч бир вақт қабул қилмасман, қўлимдан келган қадар ўзимни ул золим қўлидан қутқаз олурман. Жоним, гап Сизда, Сиз-да ўз ваъдангизда қарор этсангиз, албатта, мен жон борича ҳаракатда бўлурман. (*Йиғлаб*.)

Маҳмудхон. Жоним, мен сиздан-да ортиқ даражада дунёда сизсиз тура олмоқ. Бугун сиздан ажралмоқ маълум бўлур экан, бу куннинг ўзидагина ўзимни ҳалок этармен. Жоним, менга Сизсиз ҳаёт — заҳар. Мендан амин бўлингизки, бугундан бошлаб мен ҳаракатда бўлурмен. Сиз-да, албатта, у тарафдан мене бўлиб турсангиз кифоя.

Марямхоним (*Маҳмудхон қўлин тутиб, яқинроқ келиб*). Жуда бўлмас эса, бир бошқа мамлакатга қочмоқ мумкин эмасми?

Маҳмудхон. Албатта мумкин, жоним, иш бўлмагач ноилож қиламиз. (*Бу орада «Хўжайин келдилар» деган овоз келур, Маҳмудхон сачраб туриб.*) Энди... (*Марям турар.*) Айбга буюрмайсиз, хабарсиз келганингиз вақтсиз бўлди.

Марямхоним (*Маҳмудхон қўлин тутиб, кўксина қўйиб.*) Яна мени, фақир деб ташламангиз, жоним! Мен ўзимча фақир бўлмадим.

Маҳмудхон. Оҳ, жоним! Менга ўт ёқмангиз! Мен у виждонсиздан эмас. (*Қўлини олиб ўпар.*)

Марямхоним (*паранжисини ёпиниб*). Мени унутманг! Менга увол қилманг. (*Йиғлар.*)

Маҳмудхон. Жоним, ҳеч унутмасман! Сиз хотиржам. (*Пешонасин силар.*)

Марямхоним (*эшик остина бориб*). Жоним, мен ҳар доим умидда тураман. Аввалги марҳамат, ваъдангизда бўлинг, дунёга алданманг...

Маҳмудхон (*қўлини ўпиб*). Жоним, Сиз унутсангиз ҳам, мен ҳаргиз унутмасман.

Биргалашиб чиқар. Парда тушар.

## ИККИНЧИ ПАРДА

Марямхонимни зўр била ҳазрат эшонга никоҳланиб уч-тўрт кундан кейинги кун. Ҳазрат эшон уй ичкарида бўлиб, кўриниш жой унинг қазноқидан иборат, ўртадан ичкарига Марямхоним уйина эшик бор.

М а р я м х о н и м (*бир оз ясанган, оёқ яланг эшикдан қочиб чиқиб, ошиқиб*). Е, раббий! (*Эшикка қараб.*) Маҳмудхон, қайдасан, жоним! Менинг ҳолимни кўр! Қани ваъдаларинг! Эй, олло, паноҳ бер. (*Йиғлаб.*) Нажот бер!

Э ш о н (*берироқ келиб*). Марямхоним! Сизга нима бўлди? Мендан қочиб мундоқа қиласиз?!

М а р я м х о н и м (*қазноқнинг бир чеккасига қочиб*). Йўқолинг, йўқолинг! Хоин, диёнатсиз, раҳмсиз, золим! Кўзимга кўрунманг!

Э ш о н (*бир фурсат соқолини тараб туриб, бошини лиқирлатиб*). Бир балойи жон-ку! (*Яқинроқ келиб.*) Ахир, нимага мундоқ қиласиз? (*Қўли бирла кўрсатиб.*) Манам одам-ку! Юҳо, ё одам ёввойисимас-ку!? Менга нима қилипти ахир, мендан қочасиз! Туринг! Уйга кириг! Мундоқа қилманг, мен хафа бўламан.

М а р я м х о н и м (*ўзин олиб қочиброқ*). Қирмийман, қирмийман! (*Қичқириб йиғлар.*) Раҳмсиз! Инсофсизлик юҳоликдан камми?

Э ш о н (*ҳайрон бўлиб туриб, яна ялиниб*). Туринг! Уйга кириг! Мен чиқиб кетаман, бу ерда турманг, ёмон бўлади!

М а р я м х о н и м (*жаҳл билан*). Чиқиб кета беринг, қирмийман, дедим-ку!

Э ш о н (*аччиғланиб, ёнига келиб, энгашиб қўлин силкиб*). Ҳа, тур дейман! Ҳализамон дуойбад қилиб юбораману!

М а р я м х о н и м (*аччиқ билан қичқириб йиғламсираб*). Турмийман! Кўп яқинимга келманг! Дуойбад қилсангиз қилинг, мен ўлай, ўлимимга розиман. Менга бундан ўлим яхши, ўлим! Оҳ, ажал! Кошки, ҳозирда жоним чиқса, шундоқ бетавфиқ қўлидан халос топсам! Улим. (*Йиғлар.*)

Э ш о н. Эр бўлса, мана мен! Бошқа муддаонг нима! Е бўлак дард-мардинг борми?

М а р я м х о н и м (*қичқириб йиғлаб*). Бор, бор! Муддаом бор, сен чолди мен эр қилмийман, дейман-ку, тагин нима?

Э ш о н (*бармоғини тишлаб, оҳиста пешонасига қўлин уриб, яна аччиғ билан*). Ким у муддаонг, айт!

М а р я м х о н и м. Бор, дедим, бор! Айтиб нима қиламан, бор!

Э ш о н. Хотирингни жам қил, энди муддаонгдан умидингни уз!

Марямхоним (*йиғлаб*). Ноумид шайтон!.. Мен умидимни узмийман!

Эшон (*жаҳл ила бошига бориб, энгашиб, қўлин силкиб*). Сенинг мендан халос топаман деган умидинг ҳам борми?

Марямхоним. Бор, албатта, ҳар тарафдан бор!

Эшон. Қандоқ халос бўласан?

Марямхоним. Иншоолло, бўламан! Ҳозир бўлма-са ҳам ахийри бир кун бўламан!

Эшон. Мени сен нима деб ўйлайсан ҳали?

Марямхоним. Бир бетавфиқ, худо беҳабар, бир чолсан-да! Нимасан?

Эшон. Астаъфурулло! Мен сени осонликча қўлга туширдимми? (*Яқинроқ келиб.*) Тур дийман, яхшиликча! (*Қўлидан тортар.*)

Марямхоним (*қўлини силкиб ташилаб, қичқириб йиғлаб*). Ол қўлингни, нарироқ тур! Бетавфиқ! Ёнимга келма, инсофсиз, уятсиз! (*Йиғлар.*)

Эшон (*жаҳл билан*). Нима қиласан бу ерда?

Марямхоним. Ўзимни ўлдираман, биласанми! Сенинг қўлингга асир бўлгунча, ўлганим минг маротаба яхши! Шу ерда ўламан, кирмийман!

Эшон (*ҳамон аччиғланиб*). Бадбахт, мардуд бўласан!

Марямхоним. Худо хоҳласа, ҳеч нимарса бўлмасман. Ҳар нима қўлингдан келадирган бўлса қил, дариф тутма! (*Йиғлар.*)

Эшон. Сен ҳали гумроҳ экансан. Сени ўқиган деб эдилар, балони ҳам билмаган экансан. Мени биласанми? (*Қўлини силкиб, аччиғ билан титраб.*) Мени биласанми? Мен ҳазрат эшон-а! Каттадан кичик, бойдан камбағал-гача мени кўрса ўрнидан туради-ю, менинг кавушларимни кўзларига суркаб табаррук қилишади-ю, сен мени ҳурмат қилмоқдан ортиқ, гапимни қайтарасан, сансирайсан! Ёш, ёш деб афв қилсам, осий бўласан!

Марямхоним. Эй, бемаърифат эшон! Эшон бўлмай қол, афв қилмоқ худога, осий бўлмоқ бандага хос. Бандага ким қўйди афв қилмоқди! Мен хўп яхши ўқиган, ўзимга яраша дин, диёнатни сендан яхши биламан.

Эшон. Гапирма, э, безот! Тағин қайтаради-я! Менинг уйдаги бешов хотинимнинг қайси бири сендан хунук?

Улар сендан бойроқ одамларди қизи. Сен бир гадой ко-  
сибди қизи-ку! Шу бечора ҳолингга мунча ноз қиласан!  
Менинг берган ёғ, биричим билан ота-онанг ош кўрди-ку!  
(*Бўйинини кўрсатиб.*) Менинг пулим била бўйнинг мар-  
жон кўрди-ку! Тагин нимага ноз қиласан?

М а р я м х о н и м (*аччиғ ила маржонни узиб отиб,  
ерга уриб*). Ол бисотингни, менинг гавҳарим бор, қувва-  
тим бор, менинг кўзимга кўринмийди мундақа нарсалар!  
Сен айтгон дунёпараст манинг отам била онам жоҳил,  
сенинг каби золим, раҳмсиз. Мен безор мундоғ заҳарлик  
давлатдан, матлабсиз ҳаётдан. Сендек уятсиз, шариатсиз,  
мунофиқ чол била қилган зиндалиқдан менга ўлим ях-  
ши, ўлим! Қора тупроқ ости яхши! Мен нима қилай се-  
нинг эшонлигингни, аҳволинг шуми? Тириклик керак-  
мас, ўлдир! (*Қўлин юқори қилиб, титраб, йиғлар.*) Оҳ,  
золим фалак!

Э ш о н (*ғазаб билан*). Шариат буюрса нима қила-  
сан?

М а р я м х о н и м. Шариат мендек бир мазлумани  
сен каби бугун-эрта ўлим эгаси бўлган ноинсоф чолга  
ҳаргиз буюрмас... Шариат ҳам аввал мени қабул қилмо-  
ғим била буюради... Никоҳ тарафайннинг ижоб қабу-  
ли била никоҳ ҳалол бўлур. Мен қабул қилмасам никоҳ  
ҳаром. Шариат узасидан мен қабул қилмасам. (*Қичқи-  
риб.*) Дод! . .

Э ш о н. Ота-онанг берган. Азрўйи шариат имом ни-  
коҳ қилган. Улар санчалик билмайдими?

М а р я м х о н и м. Дедим-ку, отам, онам жоҳил,  
дунёпараст. Имомлар ҳам шул. Шариат бошинда турув-  
чиларга ақча бўлса бўлур. Бир соҳиб тақвойи зоҳид  
эшон сенми, сенми! Бошқаси нима бўлади энди!

Э ш о н (*ниҳоятда ғазаб била*). Мен сен била масала  
талашгани олганим йўқ, тур дейман.

М а р я м х о н и м (*жаҳл била*). Мен ҳам сен била  
ҳаёт этгани келганим йўқ. Турмийман.

Э ш о н (*жаҳл била*). Нима учун келдинг?

М а р я м х о н и м (*йиғлаб*). Мажбурият келтирди ме-  
ни, жаҳолат келтирди, зулм, зулм келтирди!

Э ш о н (*қўлидан тортиб*). Тур дейман, бадбахт!

М а р я м х о н и м (*қўлини силкиб, уй бурчига қочиб  
қичқириб*). Дод золимни дастидан!

Э ш о н (*эшик остина бориб, бир оз тўхтаб*). Ҳа, бад-  
бахт!

Марямхоним. Рост, мен бадбахт, мен бадбахт!  
Бадбахт бўлмасам сендек золим қўлига тушармидим!  
(Осмонга қараб.) Ё раббим, золим дастидан нажот бер,  
(йиғлаб) ё ажал бер!

Эшон (соқолини бураб). Мен эшикни тинчитиб келиб, сўнгра сени тузукча жазонгни бермасам бўлмас экан. (Чиқиб кетар.)

Марямхоним (орқасидан қичқириб). Бер, бер жазонни! Улдир, ўлдир, пичоқ олиб келиб шаҳид қил!.. Ё, олло, мен мазлума, мен муштипар, қанот қуйруғим синган, ота-онаси тарафидан малъун дунёга сотилган... Йиртқич ҳайвонга асирман... Хоинлар дастидан дод! (Яна бир оз туриб.) Маҳмудхон, қайдасан! Ҳолимни кўрсанг. Раҳмсизлик қилдинг, вафосизлик қилдинг. Ваъдаларинг нима эди! Бу золимга асир қилдинг! (Бир оз ўйланиб туриб.) Йўқ, унда ҳам айб йўқ. (Қўли бирла кўрсатиб.) Мени, меними? Бу шум бахтимда айб... Йўқ, энди мени бу мунофиқ, бу бетавфиқ қўймас экан. Энди ҳамон бундин халос топганим била аввалда олиб бермаган Маҳмудхоннинг отаси энди икки бошдан ҳам олиб бермайди. Энди бир илож била бу золимдан ўзимни қутқазмоқ учун ўзимни ўлдирмоқдан бошқа чора йўқ! Бу заҳарли ҳаётдан ўлим яхши! (Ўйланиб.) Энди бу ерда ҳеч чора йўқ, уйимга қочмоқ керак-да, бир пиёла... ичаман, икки, уч кун ётаман-да, ўламан қўяман, шояд қутулсам, ҳозир кечаси бўлса ҳам қочмоқ керак.

Эшон кирар, қўлида қамчи; аччиқ билан узасига келиб; югуриб.

Эшон. Юр, кир ичкарига, бадбахт!

Марямхоним. Қамчи била тез ўлмасман. Шунча қийнаганинг бас! Осонроқ, болта, теша олиб келиб чошиб ташла, бир йўла ўла қолай!

Эшон. Мен қассобмас, мен хунхўрмас!

Марямхоним. Мундин хунхўрлик яхшидир.

Эшон. Мен кимни ўлдирдим, сени ўлдираман?

Марямхоним. Бир қилмишинг одам ўлдириш эди, ани ҳам қил энди!

Эшон (қамчи собини бошига тебратиб, жаҳл била). Мен Эшон-а, Эшон! Мен босмачи эмас!

Марямхоним. Босмачи сендан ортиқ эмас...

Эшон. Астаъфурулло! Астаъфурулло! Ҳализамон аъзойи баданини ёриб юбораман-у!

Марямхоним. Қил билганингни!

Эшон. Ёш жонингга раҳминг келса-чи!

Марямхоним. Сендек зоҳид эшон, мушфиқ отам, онам раҳм қилмаган ёш жонга мен нима деб раҳм қилай!

Эшон (*ғазаб била қўлидан ушлаб тортиб*). Кир яхшиликча!

Марямхоним (*қўлини тишлаб, ажратиб, итариб юбориб*). Дод золимдан! (*Қочар.*)

Эшон (*бир йиқилиб туриб, орқасидан қичқариб*). Тўхта, малъун, бадбахт, тўхта!

Қувиб чиқиб кетар. Парда тушар.

### УЧИНЧИ ПАРДА

Фақирона маишатда зийнатланган бир уй. Унинг бир тарафида зўр сандиқ, унинг устида сандиқча, ёнида беш-тўрт адад китоб терилган: Уйнинг бир тарафида оддий каравот, устида Марямхоним йиғлаб, оғир ҳолда ётар.

Бу уй Марямхонимники бўлиб, оғу ичкан охирги куни, ёнида Сора йиғлаб ўтирувида парда очилур.

Марямхоним (*бетоқатланиб, Сорага*). Онажон, бас, кўп йиғламанг! Қулоғимга ёқмайди. Ҳамма ишга ўзингиз сабаб бўлдингиз. Дунёни суйдингиз, аммо жонингиздан ортиқ фарзандингизни суймадингиз, мендин кўз юмдингиз, бу кунги ҳолларимни фикр қилмадингиз... Энди нима учун йиғлайсиз.

Сора (*бошларидан силаб йиғлаб*). Жоним болам, менда нима ихтиёр бор эди, отанг сабаб бўлди, мени ўз ҳолимга қўймади, мен қандоқ қилай? Мени ризолигим бормиди сени шундоқ ҳолларга қолмоғингга, жон қизим. Бувинг ўргулсин! (*Сочларини ҳар тарафга ташлаб, силаб.*) Аввали шуки, худони иродаси, тақдири. Иккинчиси отангни йигровлиги, мен, сенда нима ихтиёр бор.

Марямхоним. Албатта, Сиз кўпроқ сабаб бўлдингиз, чунки билар эдингизки, она дунёсинда шундоқ хатарлик кунлар, машаққатли ҳоллар бор, балки ўзингизни бошингиздан ўтган, андиша, хаёл қилмадингиз-ку! Сиз йўқ деб турсангиз отам ҳам бир оз қабул қилар эди. Ҳолбуки, Сиз кўпроқ ҳазрат эшонни давлатига мағрур бўлиб ҳаракат қилдингиз-да, ҳақиқий давлатингиздан ажралмоқ бир мартабадаги бир ҳолга қолдингиз. Энди давлатми, бошқами, мана мундан бу тарафида яхшироқ кўрарсиз.

С о р а (*йиғлаб*). Рост, жоним қизим, Ҳарна бўлдики, биз сабаб бўлдик. Энди кўнглингга кўп солма. Тузалиб қолсанг, ахир, бир гап қилармиз. (*Пешонасини силар.*)

М а р я м х о н и м. Туринг, кўп йиғламанг. Юрагим ўт олиб кетяпти, бир оз музлик сув топтириб келинг! Ундан кейин, Зайнаб холамини ҳам чақиринг, аллақандақа бўлиб кетяпман, бир оз бошимда турсин.

С о р а йиғлаб чиқиб кетади. Марям устидан кўрпачани кўксигача очиб, кокилларини кўкрагига ташлаб, юраги, бошини ушлаб, бошини бир оз қимирлатиб, лабларни ялаб, ҳансираброқ.

Оҳ, оҳ одам бўлмайман. Оҳ, фарзанд қадрини билмаган оталар! (*Сочларини кўрсатиб.*) Ўз мавсум баҳорини адо қилолмаган бу қаро сумбулларимни эрта тупроққа кўмасиз. (*Қўлларини кўрсатиб.*) Ўзим каби жаҳолатда қолмиш ҳамшираларима эндигина қалам била хизмат қилай деган нозик қўлларимни боғлаб, ёруғ дунёга тўймаган юз, кўзларимни кафанга ўрайсиз-да, қора ерга кўмасиз. Оҳ, фалак! Золим фалак! Мен на гуноҳ қилдим! Дунёда энг ширин вақтимдан маҳрум қилдинг. Оҳ... (*Йиқилур.*)

З а й н а б кирар.

З а й н а б (*Марямхоним ёнига келиб, юзидан ўпиб, кўришиб*). Марямхон, жоним болам! Мен келдим-а, айналсун холаңг, кўзингни оч, қалайсан?

М а р я м х о н и м (*юзини қаратиб, йиғлаб*). Келинг онажон. Тез келиб турмайсизки, мен сизни кўрганда суюкли Маҳмудхонимни кўргандек бўлиб турсам, чунки сиздан Маҳмудхон, марҳаматсиз Маҳмудхонни бўйи келиб туради. Нима бўладики, бир озгина соатлик умрим қолганда, Маҳмудхон вафосиз бўлмаганга яраша, Сиз ёнимда турсангиз... Сизга қараб туриб, жон берганимни шояд билмай қолсам эди. Холажон! (*Юзларин қўли билан силаб.*) Жон хола, мендан ҳазар қилманг! Мени дардим одамларга юқадирган дардлардан эмас, бори муҳаббат, муҳаббат. Вафосиз, раҳмсиз Маҳмудхонни ишқидан бўлак ҳазар қиладирган дардим йўқ, холажон! Ўзингиз ҳаммасидан воқиф.

З а й н а б (*юзидан, қўлларидан ўпиб, пешонасидан силаб*). Вой, болам Марямхон наҳот мен ҳазар қилсам, болам. Сизга нима бўлди? Андоқ умидсиз сўзларни айт-



манг, жоним болам. (*Марямнинг кўз ёшларини артиб.*) Кечагидан бугун чиройингиз очиқ, ҳадемай тузалиб қоласиз, жон болам!

Марямхоним (*бошини кўтариб*). Онажон, мендан умиди ҳаёт йўқ. (*Оёғини кўрсатиб.*) Мана оёғимни ушлаб кўринг, соб бўлган. Бори жон кўкрагимда тўхтаган. (*Бошини қимирлатиб.*) Зарра, зарра қимирламоққа мажолим йўқ, лекин шафқатсиз Маҳмудхон кўзимга кўринади-да, жон ваҳмида зўрлаб тураман. Энди... дунёда биргина армон бор бўлса — ёлғиз Маҳмудхонни бир кўрмоқ, энг оғир вақтимда алвидо қилиб ризолиқ сўрамоқ, сўрамоқ, ҳамда ўз қулоғига икки оғизгина амонат сўзим бор, этиб қолмоқ, токи армон бўлмасун, холажон! (*Юзидан ўпиб, силаб*). Бу золим, бевафо фалакдан ўзимни ҳам кўп кўнглим совиди. Холажон!.. Маҳмудхонни кўриб қолмоққа ҳеч чора бормикин?

Зайнаб (*йиғлаб, пешонасини силаб*). Жоним болам. Маҳмудхон Сиздан ҳам бадтар юраклари эзилган. Ҳар кун беш-тўрт маротиба келиб, мендан сўраб кетади. Олдингизга келмоққа ота-онангиздан андиша қилади. Мана, ҳозир ҳам келган эди. (*Қўйнидан икки дона анор, бир хат олиб бериб.*) Мана буни Сизга олиб бориб беринг, деб турувди, бувингиз чақириб қолди.

Марямхоним (*туртиниб туриб олиб, жон-дил била кўкрагига босиб, кўзига суркаб*). Оҳ, Маҳмудхон, раҳминг бор экан, шафқатинг бор экан! Мени йўқлар экансан, хаёлингизда бор эканман, хайрият, хайрият. Менику, дунёдан ўн-ўн беш минутлик умрим қолди, лекин минг йиллик умри бордек умидим бор-а!.. (*Ўзини ташлаб юборур, анорлар юмалаб кетар.*)

Зайнаб (*анор, хатни олиб, ёстиғи остина қўйиб, Марямхоним бошин ушлаб*). Жон болам, майли, бувингизга айтиб, мен олдириб келай бўлмаса, шояд кўриб бир оз қутлансангиз.

Марямхоним (*бир оздан кейин, Зайнабнинг қўлларин ўпиб ялиниб*). Жон холажон! Қошки, мен ҳозир сизга ва ҳам Маҳмудхонга, отам, онамга ярим соатлик қадрли меҳмонман. Ғариб бу фарзандингизи бир хурсанд қилиб, дунёдан армонсиз кеткирсангиз, қиёматлик волидам бўлур эдингиз...

Зайнаб (*ўрнидан туриб*). Мен Сорага айтай, бўлмаса,

Марямхоним (*қўли бирла кўрсатиб*). Аввал ана

у сандиқчада уч-тўрта Маҳмудхон юборган хатлар, ундан кейин икки-уч дона китоблар бор. Бошимга қўйинг. Келса ўзига берай.

З а й н а б олиб келиб, бошининг остига қўйиб, чиқиб кетар.

Оҳ, ё раббий! Қошки кўриб қолсам...

З а й н а б била С о р а кирар, Соранинг қўлида музлик сув.

С о р а (*сувни олиб бориб*). Мана, жоним қизим.

М а р я м х о н и м (*бошини қимирлатиб*). Ичмийман.

С о р а (*йиғлаб косани ерга қўйиб*). Марямхон, энди холанг Маҳмудхонни айтиб келсинми?

М а р я м х о н и м (*ёлвориб*). Жон, қошки, раҳм қилсангиз...

С о р а (*Зайнабга қараб*). Бўлмаса тезроқ айтиб келинг, отаси келиб қолмасин.

З а й н а б чиқиб кетар.

(*Кўрпаларни тузатиб қўйиб*.) Мен бўлмаса, нон-пон тузатиб қўяй, қизим. (*Чиқиб кетар*.)

М а р я м х о н и м (*ўзини кўтарай дёб, кўтаролмас, бошини ўннга буриб*). Вой, кўкракдан ҳам қувват кетди. Охирги қимирлаганим шул шекиллик. Кўриб қолсам гўрга эди. (*Бўйин тугмаларин ечай дёб, ечолмай*.) Вой, ана, ана қўлим ҳаракатдан қолди. Ё раббий... (*Бирдан хатни қўйнига босиб*.) Кўзим хиралашяпти, Маҳмудхон, тезроқ кел! Кўролмаёй қоламан шекиллик, таниёлмай қоламан шекиллик. Оҳ... (*Лабларин ялаб, ҳансираб*.) Оҳ, дадажон, раҳмсиз дадажоним... кўролмаёй қоламан шекиллик.

Эшик очилиб М а ҳ м у д х о н кирар.

М а ҳ м у д х о н (*Марямхонни бу ҳолда кўрмак баробар, ўзини келиб устина ташлаб*). Оҳ, Марямхоним, суюкли жоним! (*Салла, тўнани отиб ташлаб, келиб бошини кўтариб, қучоғига олиб*.) Марямхоним, суюкли жоним! (*Юзларин силаб*.) Золиминг келди, Марямхоним, ҳақиқий ибдошим, Марямхон!

М а р я м х о н и м (*Маҳмудхоннинг бўйнига қўл солиб*). Шукур, шукур!.. Кўрдим, кўриб қолдим, Маҳмудхон! Худо хайр берсин, қадамингга рози бўл, рози бўл! (*Ишорат қилиб*.) Бошимни юқорироқ кўтар. (*Юқорри кўтарур*.) Кўзим хиралашиб қолди...

Маҳмудхон (*қўлларин тутиб, ўпиб*). Жоним, мен, мен. Сени бу ҳолларга солган, ҳамиятсиз инсон — мен! (*Йиғлар.*)

Марямхоним. Мен сиздан рози, Маҳмудхон. Сизда ҳеч камчилик йўқ... Эмди мендан рози бўл! Ўз қулоғим била сени розилигингни эшитиб қолмак ҳам бир, омонат сўзимни ўз оғзим била айтиб қолмак эди!

Маҳмудхон. Марямхон, мундоғ умидсиз сўзлар айтиб, юрагимни ёндирма, жоним. Мен сенсиз дунёда турмам, турмам, жоним!

Марямхоним (*лаб буриб, бошин қимирлатиб*). Оҳ, меҳмоним, Маҳмудхон! Мендан умид қилма, бу энг охириги кўришув, жоним! Мени сендан бор умидим, аввало, мени дунёдан ўтди деб унутма. (*Қўлидан узугини олиб, Маҳмудхон қўлига солиб туриб.*) Жоним, мана бу қўлингда доим турсин, мени шояд унутмассан, гоҳ, гоҳ мозоримга бор, қадамнинг била руҳимни хурсанд қилиб қайт... (*Хатларни кўрсатиб.*) Буларни ол, табрик хатларинг эди, ўлганимдан кейин бир тариқча ҳолимни, ёз, ёдгор қолсин... Мени деб ўзингни бир ҳалокатга солма. Дунёдан мен ёш кетдим, сен узоқ яша... Мени унутма... хайр, хайр, рози бўл! Оҳ, жаҳолат, заҳарли ҳаёт! (*Йиқилур.*)

Маҳмудхон (*қичқириб, бўйнига сорилиб, кўтариб.*) Марям, Марям! Марям! (*Ғарғара келиб қолур. Бир тарафдин Сора, Зайнаб югуриб, ўзларин ташлаб, Сора, Марям бўйнидан қучоқлаб.*) Дод Марямхон! Онанг ўлсин!!!

Парда тушар.

### ТҮРТИНЧИ ПАРДА

Қабристоннинг бир бурчи бўлиб, Марямхоннинг қабридангина иборатдир.<sup>1</sup>

Парда очилур, бир тарафдан Маҳмудхон кирар, бошида кўк салла, қўлида пальто, бир қўлида гулу райҳонлар, телбароқ бир ҳолда.

<sup>1</sup> Бу парда (Қабристон манзараси)да мумкин ўлурса саҳна (ўйналадирган жой) қабоғиндаги электр (чироғ)лар ҳам ўчирилиб, бори саҳнанинг икки ёки бир ёнidan оддий чироғни яширин тутиб турмоқлари ўтинилур. Демак, саҳна нақадар қоронғуроқ бўлиб турса, у қадар бир ҳис беражакки, ихтиромлик артистларимиз олдида очик бир сўз бўлса керак! — Х Х

Маҳмудхон (лаҳадга қараб, таъзим қилиб). Ассалом алайким! Е руҳ, Марям. (Гулларни кўрсатиб.) Мана, бу Сизнинг мозорингиз туҳфаси учун, жоним! Тўнни бир тарафга қўйиб, гулнинг боғларин ечиб.) Мозорингизга сочмоқ учун келтирдим-а! Жоним Марямхон. (Қабр устида сочиб). Ҳе, ҳе, суюкли Марям! (Бир оз тўхтаб, кулиб юриб). Қандай ярашди, жоним Марям. (Орқароқ қўл қовуштириб туриб, яна олдироқ келиб, йиғламсираб). Жоним, Марям, золимнинг келди. Ширин дунёдан ёш ўлмоғингга энг биринчи сабабчи вафосизнинг келди. Кўргали чиқмайсанми? Мен соғиндим, сен соғинмадингми? (Бир оз туриб, яна кулиб тиззасига уриб.) Чиқмайди-я! Чиқмади, араз. (Чўчиб қочиб.) Е оллоҳ... (Марям қабрина қараб йиғлаб, ёлвориб.) Жоним Марям, суюкли Марям! Сенга зулм қилувчи бир менми? (Қўлин санаб.) Йўқ, менинг жоҳил отам, сенинг жоҳил ота-онанг, мени жоҳила онам сабаб бўлган, тўрт киши-я! Мен, ҳар нарса дединг, қабул қилдим. Ўзингни ота-оналаринг сабаб бўлди-ку! Менда у қадар гуноҳ йўқ-ку!.. Йўқ, йўқ жоним, йўқ, афу қил, гуноҳ бир ота-оналарда ҳам эмас. (Жаҳл ила қўл силтаб.) Ҳақиқатда бу ишлар жаҳолатдан, жаҳолатдан, ғафлатдан, илмсизликдан!..

Бу қандай жаҳолат замон, қандай ваҳшат замон!.. (Қўлин санаб.) Инсониятни, виждонни, адолатни, меҳришафқатни, жондан ортиқ... фарзандни ақчага сотадирган замон! Сотадирган!.. Мен яшамам, сенсиз дунёда бир кун турмам, деган эдим.

Мен инсон, ваъдага вафо қиламан. (Чўчиб, саросималаниб чўнтагидан тўппончани олиб.) Марямхоним, мана мен ҳозир ёнингга кираман, амин бўл, қиёмат кун иккимиз қўл тутишиб жаноби ҳақ ва Расул қошида бу шариат хоинларига баробар даъво қилишамиз. Жоним, Марям! (Тўппончани йўқлаб, шошилиб, кўкрагига тираб.) Мен сенсиз яшамам, ўз суюклигим бўлмагач, дунё ҳаром...

Оҳ, жаҳолат!.. Дод, ғафлат! Фарёд, заҳарли ҳаёт!

Отар. Йиқилур. Бир тарафдан фонус ила Маҳмудхон онаси, Мавсум келиб, дод деб ўзларин ташлар. Парда тушар.



## М У Н Д А Р И Ж А

Институтдан	5
<b>Муқимий</b>	
Ғазаллар . . . . .	11
Мураббаълар . . . . .	21
Мухаммаслар . . . . .	24
Ҳажвий асарлар . . . . .	32
Саёҳатнома . . . . .	53
Муқимийнинг Фурқатга жавоб мактуби . . . . .	63
Шеърҳои тоҷикӣ . . . . .	65
<b>Фурқат</b>	
Ғазаллар . . . . .	71
Мухаммаслар . . . . .	97
Мусаддаслар . . . . .	105
Илм-маърифат ҳақида . . . . .	110
Мактублар . . . . .	128
Ғазалҳои тоҷикӣ . . . . .	138
<b>Фируз</b>	
Ғазаллар . . . . .	145
<b>Табибӣ</b>	
Ғазаллар . . . . .	156
Мусаддас . . . . .	169
Рубоӣлар . . . . .	171
Шеърҳои тоҷикӣ . . . . .	173
<b>Юсуф Сарёмӣ</b>	
Ғазаллар . . . . .	180
Мухаммаслар . . . . .	187
Таркиббанд . . . . .	193
Қитъалар . . . . .	196

<b>Муҳаййир</b>	
Ғазаллар . . . . .	200
<b>Аваз</b>	
Ғазаллар . . . . .	215
Турли шеърлар . . . . .	229
<b>Завқий</b>	
Шеърлар . . . . .	245
Саёҳатнома . . . . .	281
Завқийнинг Фурқатга мактуби . . . . .	283
<b>Мирзо</b>	
Ғазаллар . . . . .	288
Мухаммас . . . . .	295
Маснавий . . . . .	297
<b>Дилафкор</b>	
Ғазаллар . . . . .	303
Мухаммаслар . . . . .	312
<b>Дилкаш</b>	
Ғазаллар . . . . .	317
Мухаммаслар . . . . .	324
<b>Шавкат</b>	
Шеърлар . . . . .	332
Мураббаълар . . . . .	336
Мухаммас . . . . .	339
<b>Камий</b>	
Шеърлар . . . . .	345
Мусаддас . . . . .	355
<b>Қорий</b>	
Ғазаллар . . . . .	359
Навойи ғазалига мухаммас . . . . .	368
<b>Зорий</b>	
Ғазаллар . . . . .	374
Мухаммаслар . . . . .	376
Мусаддас . . . . .	383

### Баёний

Ғазаллар . . . . .	389
Мураббаъ . . . . .	394
Қитъа . . . . .	396
Мухаммаслар . . . . .	397

### Садриддин Айний

Шеърлар . . . . .	405
-------------------	-----

### Ҳамза Ҳакимзода

Шеърлар . . . . .	417
Мактублар . . . . .	432
Ашулалар . . . . .	438
Заҳарли ҳаёт ёки Ишқ қурбонлари . . . . .	444

*На узбекском языке*  
УЗБЕКСКАЯ ЛИТЕРАТУРА В 4-х ТОМАХ  
ТОМ IV  
ПЕРВАЯ КНИГА  
*Гослитиздат УзССР — 1960 — Ташкент*

Рассом *А. Ошейко*  
Расмлар редактори *Г. Остапенко*  
Техн. редактор *Л. Ильина*  
Корректорлар: *Н. Ахророва* ва *М. Мансурова*

\* \* \*

Босмахонага берилди 24/II 1960. Босишга рухсат этилди 27/IV 1960 й. Формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босма л. 14,5 Шартнома босма л. 23,78 Нащр л. 13,41. Индекс к/а Р0 1695 Тиражи 25000 УзССР Давлат балний адабиёт нашриёти. Тошкент. Навоий кўчаси, 30. Шартнома 254 — 58.

\* \*

ЎзССР Маданият министрлиги Ўзглавиздатининг 3-босмахонаси. Тошкент, Ленинград кўчаси № 15 1960 й. Заказ 77. Баҳоси 6 с. 25г.